К. Б. УРАЗОВ

БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ВА АУДИТ

ЎКУВ КЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ «ЎКИТУВЧИ» -2004

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎКУВ АДАБИЁТЛАРИ, БЮЛЛЕТЕН ВА ЖУРНАЛЛАРНИ НАШРГА ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ

К.Б. УРАЗОВ

БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ВА АУДИТ

ЎКУВ КЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси Олий ўкув юртлари илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиклаштирувчи кенгаш томонидан олий ўкув юртлари талабалари учун ўкув кўлланма сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ «ЎКИТУВЧИ» -2004

Ўкув кўлланмада бухгалтерия хисобининг назарий асослари, корхоналарда активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал хисобини юритиш, молиявий хисоботни тузиш тартиби, шунингдек аудит назарияси, унинг умумий методологияси ва ташкил килиниши, аудит натижаларини умумлаштириш, расмийлаштириш ва тадбик этиш охирги йилларда кабул килинган конунлар ва бошка меъёрий хужжатларга мувофик ёритилган.

Олий ўкув юртларида 5340100 «Иктисодиёт», 5340200 «Менежмент», 5340300 «Маркетинг» ва 5340400 «Бизнес» таълим йўналишлари бўйича бакалавриатда таълим олаётган талабаларга мўлжалланган. Ундан ўкитувчилар, илмий ходимлар, магистрлар, иктисодчилар, бухгалтерлар ва аудиторлар хам фойдаланишлари мумкин.

Такризчилар:

Тошкент молия институти «Бухгалтерия хисоби ва аудит» кафедраси (доцент Хасанов Б.А, доцент Маматов З.Т, Очилов И.К)

Ибрагимов Н.А. - иктисод фанлари доктори, профессор

Мусаев Х.Н. - иктисод фанлари доктори, профессор

0605010205 - 93
U ---------- Катъий буюртма - 2004
353(04) - 2004

ISBN 5 – 645 – 04177 – 1 © «Ўкитувчи» нашриёти, 2004.

Ўз умрини ёшларнинг тарбиясига бағишлаган, мархум падари бузрукворим Бахром Ўразов хотирасига бағишлайман

К И Р И Ш

Республикамиз олий ва ўрта махсус ўкув юртларида берилаётган иктисодий билимлар ичида мухим ўринлардан бирини бухгалтерия хисоби ва аудит эгаллайди.

Бухгалтерия хисоби ва аудит мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар учун бу билим сохалари алохида – алохида махсус фанлар сифатида ўргатилади. Иктисодиёт, менежмент ва маркетинг ўкув йўналишларида таълим олаётган талабалар учун бухгалтерия хисоби ва аудит сохасидаги билимлар давлат стандартида кўзда тутилган «Бухгалтерия хисоби, иктисодий тахлил ва аудит» номли ягона фаннинг таркибига киритилган. Эътиборларингизга хавола этилаётган дарслик ушбу ягона фаннинг ўкув дастурига мувофик тайёрланган, факатгина у ўз ичига бухгалтерия хисоби ва аудитга доир мавзуларни олган.

Бухгалтерия хисоби махсус фан сифатида олти асрдан бери ўкитилиб келинмокда. Унинг жамиятда тутган ўрни, метологияси, ташкил этилиши бўйича жуда кўп китоблар ёзилган. Бухгалтерия хисобининг ахамияти тўғрисида «Курон»да, машхур саркорда бобомиз Амир Темур тузукларида, хаттоки ёзувчи ва шоирларимиз асарларида хам жуда ажойиб фикрлар келтирилган.

Аудит бизнинг мамалакатимиз учун нисбатан янги илм сохаси, лекинда жахон мамалакатлари малакасида у бир ярим асрдан кўп даврга тўғри келадиган тарихга эга. Ушбу янги илм сохасини республикамизда ривожлантириш, иктисодиётимиз равнаки учун зарур бўлган аудиторларни тайёрлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Президентимиз И. Каримов ушбу фаолиятга алохида эътибор бериб, «Тадбиркорлар манфаатини химоя килишда аудиторлик фаолиятининг мавкеини янада ошириш керак», деб ўктирган эди[1].

Республикамизнинг мустакилликга эришиши, уни бозор муносабатларига асосланган иктисодиётга йўл тутиши, иктисодиётни тўлик ислох килиниши, албатта, бухгалтерия хисоби ва аудит сохаларини хам четлаб ўтмади. Ўтган 12 йил ичида бошкарувнинг ушбу воситаларида хам туб ўзгаришлар юз берди. Айнан шу йиллар ичида бухгалтерия хисоби ва аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи конунлар кабул килинди, улар бўйича халкаро талабларга жавоб берадиган 50 га якин миллий стандартлар ва бошка меъёрий хужжатлар яратилди. Ушбу Конунлар ва бошка меъёрий хужжатларни, шунингдек бошка кабул килинган тадбирларни, жумладан, куйидаги йилнома сифатида келтириш мумкин:

Йиллар	**Кабул килинган Конун ва бошка меъёрий хужжатлар**
1992	Биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Конун»и кабул килинди.
1993	1 апрелдан бошлаб биринчи марта баланс-бруттодан баланс- неттога ўтилди
1994	Вазирлар Махкамасининг 26 мартдаги 164-сон карори билан

[1] Қаранг: И.А.Каримов. «Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш- тараққиёт гарови». «Туркистон» газетаси, 2001 йил, 18 июль.

	«Бухгалтерия хисоби ва хисоботи тўғрисида Низом», шу бугунги кунгача харакатда бўлган «Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия хисоби счетлари режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома» тасдикланди.
1995	«Махсулот(ишлар, хизматлар)ни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» кабул килинди ва 1 январдан жорий этилди
1996	30 августда биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўғрисида Конун»и кабул килинди.
1997	Молия Вазирлигининг 15 январдаги 5-сон буйруғи билан «Корхоналар (ташкилотлар)нинг йиллик ва чораклик молиявий хисоботи шакллари ва хажми, уларни тузиш бўйича йўрикнома» тасдикланди ва 1 январдан жорий этилди.
1998	1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Солик Кодекси ишга туширилди, биринчи марта 13 та бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари (БХМС) ишлаб чикилди ва жорий этилди.
1999	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2 февралдаги 54-сон карори билан ««Махсулот(ишлар, хизматлар)ни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари таркиби хамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» янги тахрирда тасдикланди ва 1 январдан кучга киритилди, учта янги БХМС, биринчи бор 10 га якин аудитнинг миллий стандартлари (АМС) тасдикланди.
2000	26 майда Аудиторлик фаолияти тўғрисида Конун янги тахрирда тасдикланди, БХМС ва АМС ларни ишлаб чикиш давом эттирилди, жумладан 21-сон БХМС сифатида янги счетлар режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома тасдикланди.
2001	21-сон БХМС га бир канча ўзгартиришлар киритилди, янги АМС лар ишлаб чикилди ва тасдикланди.
2002	Биринчи бор кўшма корхоналар, чет эл инвестициясидаги корхоналар ва аудиторлик ташкилотлари 21- сон БХМС га ўтдилар, ушбу стандарт янги тахрирда кайта тасдикдан ўтди. Молиявий хисоботнинг янги шакллари тасдикланди ва уларни 21-сон БХМС га мувофик тўлдириш тартиби кабул килинди. Харакатдаги БХМС ларга бир канча ўзгартиришлар киритилди.
2003	Янги БХМС ва АМС лар ишлаб чикилди ва тасдикланди, молиявий хисоботнинг таркибига, уларни тузиш тартибига бир канча ўзгартиришлар киритилди, харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритилди.

Ўтган 12 йил ичида республикамизда таълим тизими хам тубдан янгиланди. Биринчи бор беш табакали таълимни ўз ичига олган Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ишлаб чикилди, унга мувофик мамлакатимизда мажбурий тўликсиз ўрта таълим, академ лицейлар ва касб-хунар коллежлари оркали ўрта ва ўрта-махсус касб таълими, институт ва университетларда бакалаврлар, магистрлар,

аспирант ва докторантлар тайёрлашга ва кадрларни малакасини янгича тарзда оширишга ўтилди.

Эътиборларингизга хавола этилаётган ушбу ўкув кўлланма охирги йилларда кабул килинган Конунлар ва бошка меъёрий хужжатларга , шунингдек муаллифнинг институтдаги хамда «ТАСИС», «ПРАГМА», «ЕВРООСИЁ» халкаро фондлари оркали ўтказилган ва ўтказилаётган махсус «Молиявий хисоб» курсини олиб бориш бўйича тўплаган педогогик малакасига, шунингдек амалиётда бухгалтерия хисоби ва аудит бўйича олиб бораётган касбий махоратига асосланиб тайёрланди.

Ўкув кўлланма учта бўлимдан ва ўн еттита бобдан иборат.

«Бухгалтерия хисобининг назарий асослари» номли биринчи бўлимда хисобнинг мохияти, уларнинг таснифланиши ва тавсифлари, бухгалтерия хисобининг предмети, объектлари, унда кўлланиладиган усул ва услубларнинг мазмуни очиб берилган.

«Корхоналарда бухгалтерия хисоби» номли иккинчи бўлимда корхона хисоб сиёсатининг мазмуни, таркиби, тузилиши ва такдим этилиши кўрсатилган. Ушбу бўлимнинг алохида бобларида корхоналарнинг узок ва киска муддатли активларини, мажбуриятларини, хусусий капитали ва охирги молиявий натижаларини хисобга олиш тартиби кабул килинган миллий стандартларга мувофик ёритилган. Ушбу бўлимнинг охирги бобида молиявий хисоботнинг алохида шаклларини тузиш тартиби очиб берилган. Шўъба корхоналарга эга бўлган бош корхоналарда консолидациялаштирилган хисоботларни тузиш тартиби келтирилган, шунингдек молиявий хисоботни тузиш санасидан кейин юз берадиган холатлар ва ходисаларнинг мохияти ва уларни молиявий хисоботда акс эттирилиш тартиби кўрсатилган.

«Аудит асослари» номли учинчи бўлимда аудитнинг мохияти, турлари, максади, вазифалари, аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг хукук ва мажбуриятлари, жавобгарликлари, адиторларнинг ишчи хужжатлари, аудитда кўлланиладиган усул ва услубларнинг мохияти очиб берилган. Ушбу бўлимда аудитни режалаштириш ва ташкил килиш боскичлари, уни ўтказишнинг методологик асослари, корхоналар молиявий хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, баланс моддаларининг реаллигини аудиторлик текширувидан ўтказиш кетма-кетлиги, улар бўйича аудиторларнинг мумкин бўлган хатарлари, аудит текшируви натижаларини умумлаштириш, расмийлаштириш ва тадбик этиш тартиблари кўрсатиб берилган.

Ўкув кўлланмадан жой олган хар бир бобда унга киритилган мавзулар бўйича ўз-ўзини назорат килиш учун тест савол-жавоблари берилган. Мавзуларни ёритишда талабага эслаб колишга ўнғай ва осон бўлишлиги учун таснифлашлар, бахолаш усуллари, амалий мисоллар ва хужжатлар чизмалар, жадваллар ва иловалар кўринишида келтирилган.

Ўкув кўлланманинг хар бир бобида мавзуларни чукур ўрганиш учун меъёрий хужжатлар ва махсус даврий адабиётлар рўйхати келтирилган.

Ўкув кўлланмани такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулохазаларингизни Самарканд шахри, Амир Темур кўчаси, 9-уйга юборишларингизни сўрайман.

Муаллиф

1-БЎЛИМ

БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

1.1. Хисоб тушунчаси, унинг турлари ва бошкарувда тутган ўрни

Хар кандай жамиятни ривожланиши уни бошкаришни такозо этади. Бошкариш, ўз навбатида, жамиятнинг турли тармок ва сохаларида юз берган ва бераётган жараёнлар, хўжалик фаолиятини олиб бораётган субъектларнинг маблағлари, уларни ташкил этиш манбалари, эришаётган натижалари ва бошка жихатлари тўғрисидаги ахборотларни мавжудлигига боғлик бўлади. Бундай ахборотларни ўзида мужассамлаштирувчи восита бўлиб хўжалик хисоби хисобланади.

Хўжалик хисоби негизида, кўриниб турибдики, «хўжалик» ва «хисоб» сўзлари ётади.

«Хўжалик» деганда маълум максадларга йўналтирилган, ўзининг базиси ва усткурмасига эга бўлган субъектлар тушунилади. Хўжалик сифатида караладиган субъектлар бўлиб бир бутун мамлакатнинг ўзи ва унинг турли таркибий бўлинмалари, масалан, тармоклари, сохалари, минтакалари, худудлари, вазирликлар, бирлашмалар, корхоналар хисобланади. Мамлакат доираисдаги хўжалик халк хўжалиги, унинг энг кўйи бўғинидаги хўжалик корхона хўжалиги деб аталади. Иктисодиётнинг юкори ва кўйи бўғинлари ўртасидаги хўжаликларга тармоклар, сохалар, бирлашмалар, вилоятлар, туман ва шахарлар хўжаликлари киради.

«Хисоб» - бу хўжаликда юз берган ва бераётган ходиса ва жараёнлар, уларнинг натижалари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, кайд этиш, гурухлаш ва узатиш тизими. Демак, хисобнинг асосий махсули бўлиб ахборот, хисоб юритишнинг асосий максади бўлиб, бу ахборотларни аник, тўлик ва ўз вактида йиғиш, кайд этиш, гурухлаш ва фойдаланувчиларга етказиб бериш хисобланади.

Шундай килиб, икки сўз йиғиндисидан ташкил топган «хўжалик хисоби» халк хўжалигининг турли бўғинларида юз берган ва бераётган ходиса ва жараёнлар, уларни натижаларини соний ва сифат жихатдан характерловчи ахборотларни йиғиш, кайд этиш, гурухлаш ва узатиш тизимидир.

Хўжалик хисобини у ёки бу белгиларига караб турли турларга ажратиш мумкин (1-чизмага каранг).

Хўжаликларни молиялаштирилишига кўра уларда юритиладиган хисобни иккига бўлиш мумкин: корхона хисоби, бюджет хисоби.

Корхона деганда ўз-ўзини маблағ билан таъминлайдиган, мустакил фаолият юритадиган хўжалик тушунилади. Уларга завод ва фабрикалар, фирмалар, ширкатлар, жамоа хўжаликлари, курилиш ташкилотлари, банклар ва бошкалар киради. Ушбу хўжаликларда юритиладиган хисоб корхона хисоби деб аталади.



1-чизма. **Хўжалик хисобини таснифлаш асослари**

Бюджет хисоби деганда, давлат томонидан молиялаштириладиган муассасаларда юритиладиган хисоб тушунилади. Бундай муассасаларга маориф, соғликни саклаш, маданият ва бошка ижтимоий соха муассасалари киради.

Халк хўжалиги сохаларигa кўра хўжалик хисоби алохида шу сохалар хисобидан иборат бўлади, масалан, саноат сохаси хисоби, кишлок хўжалиги сохаси хисоби, савдо сохаси хисоби, маориф сохаси хисоби ва бошкалар.

Ахборот фойдаланувчиларига кўра хўжалик хисоби ички ва ташки хисобга бўлинади.

Ички хисоб деганда факат хўжаликнинг ўзида юритиладиган хисоб тушунилади. Ички хисоб адабиётларда турлича номланган, масалан, оператив-техник хисоб, бошкарув хисоби, ишлаб чикариш хисоби.

Оператив-техник хисоб деганда хўжалик бўлимлари томонидан у ёки бу максадда юритиладиган тезкор хисоб тушунилади. Кадрлар бўлимини ходимларни ишга ўз вактида келиши ва кетишининг оператив хисоби, смена бошлиғини ёки мастерининг станокларни иш холати хисоби ва бошкалар оператив-техник хисобга мисол бўла олади.

Бошкарув хисоби – бу хўжалик рахбарияти талабларига кўра бошкарувга тегишли карорларни кабул килиш максадида батафсил (аналитик) тарзда юритиладиган хисоб тизими. Бундай хисобни хўжаликнинг хамма бўлимлари олиб боришлари мумкин.

Ишлаб чикариш хисоби – бу хўжаликни ишлаб чикариш жараёнлари ва уларнинг натижаларини у ёки бу усулларда акс эттирувчи хисоб тизими. Одатда, ишлаб чикариш хисоби негизида махсулот таннархини калькуляция килиш усуллари ётади, масалан, норматив, режа, хакикий таннарх усуллари.

Ташки хисоб деганда хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ташки ахборот фойдаланувчиларга такдим этувчи хисоб тизими тушунилади. Ташки хисобга кўйидагиларни киритиш мумкин:

- Молиявий хисоб
- Статистика хисоби

Молиявий хисоб деганда хўжалик молиявий фаолияти тўғрисидаги ахборотларни асосан ташки фойдаланувчилар учун такдим этувчи хисоб тизими тушунилади. Молиявий хисоб ташки фойдаланувчилар учун асосан хисоботлар кўринишида такдим этилади. Молиявий хисоб маълумотларидан ички фойдаланувчилар хам кенг фойдаланадилар. Молиявий хисоб маълумотларини кенг истеъмол килувчи ташки ва ички фойдаланувчиларнинг таркиби 2-чизмада келтирилган.

Статистика хисоби деганда жамиятда юз берган ва бераётган ёппа ходиса ва жараёнларни соний акс эттирадиган ва сифат жихатдан изохлайдиган хисоб тизими тушунилади. Статистика хисобининг асосий махсули бўлиб статистик хисоботлар хисобланади. Статистик хисоб маълумотларни туман, вилоят ва яхлит мамлакат доирасида жамлайди. Статистик хисоб давлат томонидан стратегик бошкарувни олиб боришга асос хисобланади.

Давлат томонидан тартибга солинишига кўра хўжалик хисобини икки турга бўлиш мумкин:

- Регламентлаштириладиган
- Регламентлаштирилмайдиган



2-чизма. **Молиявий хисоб маълумотларидан фойдаланувчиларнинг таркиби**

Регламентлаштириладиган хисоб деганда шакли ва мазмуни, юритиш техникаси ва тартиби маълум меъёрий хужжатлар билан тартибга солинган хисоб тизими тушунилади. Тартибга солувчи хужжатлар бўлиб конунлар, фармонлар, миллий стандартлар, низомлар, йўрикномалар хисобланади. Регламентлаштириладиган хисобга Ўзбекистон Республикасида молиявий хисоб ва статистик хисоб киради. Ушбу хисоб турлари шакл ва мазмун жихатдан хамма учун бир хилдир.

Регламентлаштирилмайдиган хисоб деганда шакл ва мазмуни, юритиш тартиби ва техникаси давлат томонидан белгилаб кўйилмаган хисоб тизими тушунилади. Бундай хисоб турларига оператив-техник хисобини, бошкарув хисобини, ишлаб чикариш хисобини киритиш мумкин. Ушбу хисоб турларида кўлланиладиган регистрлар, уларнинг шакллари, юритиш тартиби хар бир хўжалик томонидан ўз хохишига караб белгиланади.

Хўжалик хисоби уни юритувчи бўлимларга караб бухгалтерия хисоби, кадрлар бўлими хисоби, ишлаб чикариш бўлими хисоби, таъминот бўлими хисоби, сотиш бўлими хисоби ва бошкаларга бўлинади.

Хўжалик хисобининг бошкарувда тутган ўрни асосан у бажарадиган ахборот бериш ва назорат килиш функцияларида ёркин намоён бўлади.

Ахборот бериш функцияси – бу ички ва ташки фойдаланувчиларни хўжалик фаолияти, унинг маблағлари, маблағларни ташкил топиш манбалари, фаолият натижалари тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлаш. Фойдаланувчиларга бериладиган ахборотлар кўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Реаллик – бериладиган ахборотларни аник бошланғич хужжатларга асосланганлиги;
- Ўз вактидалилик – ахборотларни фойдаланувчиларга керакли вактда етказиш;
- Батафсиллик- ахборотларни фойдаланувчиларга уларнинг талабларини коникгирадиган мазмунда бериш;
- Нейтраллик – ахборотларни фойдаланувчиларга бир-бирини хукукларига путур етказмасдан бериш;

Хўжалик хисоби берадиган ахборотлар халк хўжалигининг барча бўғинларини стратегиг ва тактик бошкариш воситаси, ўтказиладиган иктисодий тахлил ва аудитнинг асосий манбаи, назорат килиш куроли хисобланади.

Назорат – бу юз берган, бераётган ва берадиган ходиса ва жараёнларни конунийлиги, хакконийлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш. Хўжалик хисоби томонидан олиб бориладиган назоратни асосан учта турга бўлиш мумкин:

- Дастлабки назорат
- Жорий назорат
- Кейинги назорат

Дастлабки назорат – хўжаликда юз берган ва берадиган ходиса ва операцияларни конунийлиги, улар бўйича тайёрланган бошланғич хужжатларни тўғрилигини уларни имзолаш чоғида текшириш.

Жорий назорат – юз берган жараён ва операцияларни улар бўйича тузилган хисоботларни кабул килиш чоғида текшириш.

Кейинги назорат – хўжаликда юз берган жараён ва операцияларни, маблағлар холатини инвентаризация килиш, тафтиш ўтказиш, таккослама далолатномаларни тузиш йўллари билан текшириш.

Ўз - ўзини синаш учун тестлар

Бухгалтерия хисоби кандай турларга бўлинади?

а) Оператив ва аналитик б) Молиявий ва бошкарув
в) Молиявий ва статистик г) Бошкарув ва техник

Молиявий хисоб:

а) Катъий тартибга солинмайдиган хисоб б) Статистик хисоб
в) Катъий тартибга солинадиган хисоб г) Мажбурий бўлмаган хисоб

Ўзбекистон Республикасида молиявий хисоб тартибга солинади

а) Бухгалтерия хисобининг халкаро стандартлари билан
б) Бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари билан
в) Президент фармонлари билан
г) Солик Кодекси билан

Бошкарувда бухгалтерия хисоби кандай функцияларни бажаради?

а) Административ ва ноадминистратив функцияларни
б) Ахборот бериш ва назорат килиш
в) Ахборотларни истеъмол килиш ва назорат килиш
г) Корхона рахбарини тафтиш ва назорат килиш

Бухгалтерия хисоби бошкарувнинг кайси бўғинида юритилади?

а) Бошкарувнинг энг юкори бўғинида
б) Бошкарувнинг энг куйи бўғинида
в) Бошкарувнинг хохлаган бўғинида
г) Бошкарувнинг ўрта бўғинида

Ходимларниишга келиши ва кетиши тўғрисида маълумотлар

а) Оператив –техник хисобда акс этади
б) Статистика хисобида акс этади
в) Бошкарув хисобида акс этади
г) Молиявий хисобда акс этади

Ўзбекистон республикасида куйидаги хисоб тури регламентлаштирилган

а) Оператив –техник хисоб
б) Мухандислик хисоби
в) Бошкарув хисобида
г) Молиявий хисоб

1..2. Бухгалтерия хисобининг предмети ва объектлари

«Бухгалтерия хисоби» деб аталмиш хисобнинг ушбу тури ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Фаолият сифатида у кишилик жамиятида хўжалик юритувчи субъектларни, масалан, артель, манифактураларни пайдо бўлиши билан вужудга келган. Ишлаб чикаришни ривожланиб бориши билан мос равишда бухгалтерия хисоби хам ривожланган, унинг шакл ва мазмуни, юритиш техникаси ва усуллари такомиллашиб борган. Бошкарув органлари ходимлари ичида айнан хисоб-китоб ишлари билан шуғулланувчи касб эгалари шаклланган. Шу йўсинда бухгалтерия хисоби махсус касбга айланган.

Жамиятни бошкаришни такомиллаштириш бухгалтерия хисобини ривожлантиришни ва ушбу касб эгаларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириб боришни такоза этган. Бу заруриятлар бухгалтерия хисобини махсус фан сифатида шаклланишига, бухгалтерлар тайёрлаш мактабларини вужудга келишига (жумладан, италия, англия, америка, немец, француз, амстердам, венеция, рус, тоскан, ломбард ва шу каби), уларни аста-секинлик билан ривожланиб боришига асос солган.

Бухгалтерия хисобини фан сифатида вужудга келишига энг катта хисса кўшган мактаблардан бири бўлиб Италия мактаби хисобланади. Айнан ушбу мактаб вакили, мутахассислиги бўйича математик бўлган Лука Пачоли (1445-1517) бухгалтерия хисоби фанини яратувчиси сифатида бутун дунё мамлакатларида тан олинган. Унинг 1494 йилда чоп этилган «Счетлар ва ёзувлар тўғрисида трактат» номли асари биринчи марта бухгалтерия хисобини фан сифатида ўкитилишига асос солган. Буюк олимнинг асарида биринчи марта бухгалтерия счетлари, уларга икки ёклама ёзиш тушунчалари киритилди, уларнинг мохияти очиб берилди , бу ёзувни амалга оширишда тўртта омил, яъни субъект, объект, вакт, жой хисобда кўриниб турилишлик заруриятлари исботланди. Лука Пачоли ўз асарида бухгалтерия хисобида иккита постулатни (счетлар тизимида дебет ва кредит оборот суммалари, дебет ва кредит колдик суммалари хамма вакт бир-бирига тенг бўлиши керак), шунингдек дебиторлик ва кредиторлик карзни тан олишнинг иккита тартибини (хеч кимни карздор (дебитор) деб бўлмайди, агарда у буни тан олмаса; хеч кимни ишончли вакилим (кредитор) деб бўлмайди, агарда маълум шартларда у бунга ўзи рози бўлмаса) яратди. Лука Пачолидан кейинги олти аср мабойнида бухгалтерия хисобида жуда кўп янги постулатлар, тартиблар вужудга келди, жумладан Де Ля Порта постулати (XYII аср) , Ж. Савари постулати (XYII аср), Ж.Дзаппа постулати (XIX аср), Э.Пизани постулати (XIX аср), И.П.Руссиян постулати (XIX аср), Ж.Чербони постулати (XIX аср), И. Ф. Шер постулати (XX аср), Э.Шмаленбах постулати (XX аср), шунингдек П.Герстнер тартиби (XIX аср охири ва XX аср боши), В. Ригер тартиби (XX аср), Ч. Гаррисон тартиби (XX аср) ва бошкалар. Ушбу ва бошка постулат ва тартибларга асосланган бухгалтерия хисоби аста-секинлик билан оддий кишилик фаолиятидан махсус иктисодий фан даражасига етди, у бугун барча иктисод йўналишидаги олий ва ўрта махсус илм даргохларида ўкитилмокда.

Бухгалтерия хисоби хам фаолият, хам махсус фан сифатида ўзининг предметига эга.

Бухгалтерия хисобининг предмети деганда умуман олганда корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти, ушбу фаолиятни ташкил этувчи жараёнлар ва уларни юритилишини таъминловчи маблағлар, маблағларнинг ташкил топиш манбалари, шунингдек хўжалик фаолиятининг натижалари тушунилади.

Юкоридаги таърифга асосан бухгалтерия хисоби предметини ифодаловчи объектларни куйидаги тўртта гурухга ажратиш мумкин:

- Хўжалик фаолияти;
- Хўжалик активлари;
- Хўжалик активларининг манбалари;
- Хўжалик фаолиятининг натижалари

3-чизмада бухгалтерия хисоби предметини ташкил килувчи объектларнинг таснифи ва таркиби кўргазмали тарзда келтирилган. Куйида уларнинг мохиятига тўхталамиз.

Хўжалик фаолияти. Хар кандай корхонанинг хўжалик фаолияти деганда унда юз берадиган ***таъминот, ишлаб чикариш*** ва ***сотиш жараёнларининг*** мажмуаси тушунилади.

Корхона фаолият кўрсатиши учун унга мехнат предметлари ва воситалари, ишчи кучи, пул маблағлари ва бошка таъминотлар керак бўлади. **Таъминот** деб аталмиш бу жараённи, одатда, корхонанинг махсус таъминот бўлими ходимлари олиб борадилар. Ушбу жараёнсиз фаолиятнинг кейинги жараёнлари, яъни ишлаб чикариш ва сотиш жараёнлари амалга ошиши мумкин эмас. Шунинг учун корхона нинг доимий фаолият кўрсатиши айнан таъминот жараёнининг узликсизлигига бевосита боғликдир.

Ишлаб чикариш жараёни деганда ишчи кучи ва мехнат воситалари ёрдамида мехнат предметларидан янги махсулотлар яратиш тушунилади. Ушбу жараён ўз ичига турли технологик операцияларни олади, бу операцияларни бажариш эса турли харажатларни амалга оширишни таъкоза этади. Ишлаб чикариш жараёнининг пировард натижаси бўлиб тайёр махсулот хисобланади. Тайёр махсулотни ишлаб чикаришга кетган моддий харажатлар, мехнатга хак тўлаш харажатлари, ишлаб чикариш воситаларининг амортизация харажатлари ва бошка ушбу жараёнга тегишли харажатлар ишлаб чикариш харажатларини, яратилган махсулот кийматига киритилган харажатлар эса тайёр махсулотнинг таннархини ташкил килади. Шуни таъкидлаш жоизки корхона томонидан бажарилган ишлар, масалан курилиш-монтаж ишлари, кўрсатилган хизматлар, масалан туристларга кўрсатилган ётокхона ва бошка хизматлар ёки аудиторлик хизмати хам ишлаб чикариш жараёни хисобланади. Бундай ишлаб чикариш жараёнининг натижаси бўлиб бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат хажми хисобланади, уларга сарфланган харажатлар бажарилган иш ёки хизматнинг таннархини ташкил килади.

Сотиш жараёни деганда ишлаб чикариш жараёнида яратилган тайёр махсулотларни, бажарилган ишларни, кўрсатилган хизматларни харидорларга сотиш тушунилади. Ушбу жараёнда тайёр махсулот, иш, хизмат пулга айланади, сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида ўзаро хисоб-китоблар бўйича карзлар вужудга келади. Сотиш жараёнида корхонанинг ялпи тушуми, сотиш таннархи, сотишдан



3-чисма. **Бухгалтерия хисобининг предметини ташкил килувчи объектлар**

олинган фойда ёки зарари, сотиш жараёнининг харажатлари, унга доир соликлар ва бошка кўрсаткичлар хисобга олинади.

Бухгалтерия хисобининг биринчи гурух объекти бўлиб хисобланган хўжалик фаолияти факатгина уни ташкил этувчи жараёнларни доимий ва узликсиз равишда амалга ошириб борган холда мавжуд бўлади. Бу жараёнларни бир бирисиз тасаввур этиб бўлмади, чунончи таъминотсиз ишлаб чикариш, ишлаб чикаришсиз эса сотиш жараёни амалга ошмайди. Сотиш бўлмаса корхонага пул келиб тушмайди, пулсиз эса таъминот, ишлаб чикариш жараёнларини янгидан такрорлаб ва ривожлантириб бўлмайди. Бундан хулоса килса бўладики, хўжалик фаолияти маблағларни усликсиз айланишидан ва кўпайиб боришидан иборатдир. Буюк иктисодчи Карл Маркс хўжалик фаолияти жараёнларини капиталнинг айланиши деб эътироф этиб, уни ўзининг «Капитал» асарида куйидагича ифодалаган эди.



Бу ерда**:** **П**-пул, **МП**-мехнат предметлари**, МВ**-мехнат воситалари,

ТМ-тайёр махсулот**, Т**-товар**, П** ^{1} **-** сотишдан олинган пул.

Хўжалик фаолиятининг барча жараёнлари бухгалтерия хисобининг мухим объектлари бўлиб хисобланади. Хар бир жараёнда юз берган операциялар бухгалтерия хисобида ўзининг соний ўлчовини ва сифат тавсифини топади. Бухгалтерия хисоби таъминот жараёнида мехнат предметлари ва воситаларини канча микдорда, кайси бахоларда, кайси таъминотчилардан сотиб олининганлиги, шунингдек улар бўйича таъминотчилар билан хисоб-китобларнинг холати тўғрисида батафсил ахборот беради. Ишлаб чикариш жараёни бўйича бухгалтерия хисобида кандай махсулотлар ишлаб чикарилганлиги, канча ишлаб чикарилганлиги, бунинг учун канча харажат килинганлиги, омборларга кабул килинган тайёр махсулотнинг киймати (таннархи) ва бошка маълумотлар шаклланади. Сотиш жараёни бўйича бухгалтерия хисоби канча махсулот сотилганлиги, кимларга сотилганлиги, кандай тўлов турлари бўйича сотилганлиги, кандай бахоларда сотилганлиги, харидорлар билан хисоб-китобларнинг холати, сотишдан олинган тушум, сотишга доир харажатлар, сотишдан олинган фойда, ундан тўланадиган соликлар ва бошкалар тўғрисида атрофлича ахборот беради.

Хўжалик активлари. Ўз фаолиятини юритиш учун хар кандай корхона хўжалик активларига эга бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда 475 – тартиб раками билан рўйхатдан ўтган «Молиявий хисоботни тузиш ва такдим этиш учун концептуал асос»га мувофик (39- модда) **активлар** деганда хўжалик юритувчи субъектнинг бахолаш кийматига эга бўлган ва ўз ичига пул маблағлари ва дебиторлик карзларни олган моддий , шунингдек номоддий мулки тушунилади.

Актив деб тан олиш учун моддий ва номоддий мулк куйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Кийматга эга бўлиши ва бу киймат бахоланадиган бўлиши керак.

• Эгалик килиш хукукига асосан кайси корхона балансига киритилган бўлса, шу корхона томонидан назорат килиниши лозим.

• Келгусида корхонага иктисодий наф келтириши керак, жумладан корхонанинг пул маблағларини киримини кўпайишига бевосита ва билвосита хисса кўшиши керак.

• Юз берган хўжалик операциялари натижаси хисобланиши керак, масалан тайёр махсулот ишлаб чикариш жараёнининг натижасидир.

Активларнинг характерли хусусиятларига куйидагиларни киритиш мумкин:

• Жисмоний кўринишга (шаклга) эга бўлиши хам, эга бўлмаслиги хам мумкин. Масалан, бино ёки станок аник шаклга эга, лекинда патент, лицензия, савдо белгиси, муаллифлик хукуки моддий шаклга эга эмас.

• Сотиб олинган, бепул келиб тушган, ишлаб чикарилган бўлиши мумкин.

• Корхонада юз бераётган жараёнларда моддий асос ёки уларнинг натижаси хисобланиши мумкин. Масалан, хом-ашё ишлаб чикаришга моддий асос, тайёр махсулот эса ишлаб чикаришнинг натижаси хисобланади.

• Бошка активларга алмаштирилиши мумкин.

• Карзларни тўлаш учун ишлатилиши мумкин.

• Киска ёки узок вакт мабойнида фойдаланишда бўлишлиги мумкин.

• Оборотда ва оборотдан ташкарида бўлишлиги мумкин.

Корхоналарнинг юкорида келтирилган талаб ва хусусиятларга жавоб берадиган асосий активларига куйидагилар киради:

1.**Узок муддатли активлар** – 1 йилдан кўп муддатда хизмат киладиган ва оборотда бўладиган моддий ва номоддий маблағлари:

• ***Асосий воситалар***- бинолар, иншоатлар, машина ва механизмлар, транспорт воситалари, компьютер техникаси, мебел ва бошкалар.

• ***Номоддий активлар –*** лицензия, патент, савдо маркаси, товар белгиси, гудвил, муаллифлик хукуки ва бошкалар.

• ***Молиявий инвестициялар*** - сотиб олинган кимматли коғозлар, берилган кредит ва карзлар, киритилган пай ва бадаллар.

• ***Капитал инвестициялар*** - тугалланмаган курилишларга, харакатдаги асосий воситаларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация килишга сарфланган, шунингдек янги узок муддатли активларни сотиб олишга киритилган маблағлар, сотиб олинган, лекин ўрнатилмаган жихозлар.

2.Киска муддатли активлар – 1 йилгача муддатда хизмат киладиган ва оборотда бўладиган маблағлар:

• ***Ишлаб чикариш захиралари –*** хом-ашё ва материаллар, ёкилғи, тара ва тара материаллари, эхтиёт кисмлар, курилиш материаллари, хўжалик инвентарлари, бокувдаги ва ўстиришдаги ёш моллар.

• ***Тугалланмаган ишлаб чикариш харажатлари –*** тайёр холга етмаган махсулотларларга тўғри келадиган харажатлар, ярим махсулотлар.

• ***Тайёр махсулотлар –*** омборларга кабул килинган тайёр буюмлар.

• ***Товарлар*** - магазин ва омборларда сакланаётган истеъмол буюмлари.

• ***Келгуси давр харажатлари*** - хисобот йилида келгуси даврлар учун килинган харажатлар, масалан обуна тўловлари, ижара тўловлари.

• ***Муддати узайтирилган харажатлар*** - хисобот йилида келгуси даврда хисобига тўланган соликлар ва бошка харажатлар.

• ***Пул маблағлари*** **–** кассадаги, йўлдаги ва банклардаги миллий ва чет эл валюталари.

• ***Пул эквивалентлари*** **–** пулли чеклар, йўлланмалар, чипталар, талонлар, маркалар ва бошкалар.

• ***Олинадиган счётлар*** - бошка юридик ва жисмоний шахсларнинг корхона олдидаги дебиторлик карзлари.

Барча хўжалик активлар корхонада юритиладиган бухгалтерия хисобининг мухим объектлари хисобланади, уларни хар бирининг холати, кўпайиши ва камайиши бухгалтерия хисобида хужжатли асосда акс эттирилади. Бухгалтерия хисоби маълумотлари асосида корхона активлари бошкарилади, тахлил этилади ва назорат килинади.

Хўжалик активларининг манбалари. Корхона ихтиёридаги барча активлар икки манбадан ташкил топади:

- **Хусусий капитал**
- **Мажбуриятлар**

Мулкга эгалик килиш хукукига мувофик активлар ва уларнинг манбалари куйидаги тенглик кўринишида ифодаланади:

АКТИВ = ХУСУСИЙ КАПИТАЛ + МАЖБУРИЯТЛАР

А = ХК + М

Хусусий капитал – бу корхонанинг мажбуриятларини чегириб ташлагандан сўнг коладиган активларидир. Юкоридаги тенгликга мувофик:

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ = АКТИВ - МАЖБУРИЯТЛАР
ХК = А - М

Корхоналарнинг хусусий капиталини шаклланишининг асосий манбалари бўлиб куйидагилар хисобланади:

• ***Устав капитали (УК)*** **–** бу корхонага унинг таъсисчилари томонидан киритилган маблағлар мажмуаси.

• ***Кўшилган капитал (КК)*** **–** бу акцияларни сотиш ва номинал кийматлари ўртасидаги ижобий фарк, шунингдек чет эл инвесторларини устав капиталига киритган маблағлари бўйича вужудга келган валюталар ўртасидаги ижобий фарклар суммаси.

• ***Резерв капитали (РК)*** **–** бу корхонанинг соф фойдасидан ташкил этилган резерв капитали, мулкни кайта бахолашдан олинган кўшимча киймат ва бепул келиб тушган мулклар кийматининг мажмуаси.

• ***Таксимланмаган фойда(ТФ)*** – бу корхонанинг таъсисчилари ўртасида таксимланмай колган соф фойдасининг суммаси.

• ***Резервлар (Р)*** **–** бу турли жорий тўловларни амалга ошириш учун хисобот давр даромадлари эвазига шаклланган захира суммаси, масалан жорий ва капитал таъмирлаш учун, мехнат таътили хакларини тўлаш учун ва шу кабилар.

• ***Максадли тушумлар (МТ)*** **–** корхонага турли максадларда турли манбалардан келиб тушган маблағлар мажмуаси (грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, соликлар бўйича имтиёзлар ва бошкалар).

• ***Грантлар (Г)*** **--** бу корхонага кайтариб олинмаслик шарти билан давлат, нодавлат, халкаро ташкилот ва фондлардан аник максадлар учун келиб тушган моддий ва номоддий маблағлар мажмуаси. Ушбу маблағлар факатгина катъий максадларга ишлатилиши лозим.

• ***Субсидиялар (С)*** **–** бу корхонага унинг фаолиятини ривожлантириш максадида маълум бир шартларга кўра давлат томонидан берилган ёрдам ва имтиёзлар суммаси.

Хусусий капиталнинг умумий микдори юкоридаги унинг элементлари суммаларининг йиғиндисидан иборат бўлади, яъни:

ХК = УК + КК + РК + ТФ + Р + МТ

Акционерлик жамиятларида чикарилган ўз акциялари бошкалардан кайта сотиб олинган бўлса, у холда хусусий капитал суммасини топишда сотиб олинган хусусий акциялар киймати (ХАК) хусусий капитал микдоридан чегириб ташланади, яъни:

ХК = УК + КК + РК + ТФ + Р + МТ - ХАК

Мажбуриятлар – бу корхонанинг бошка юридик ва жисмоний шахслар олдидаги карзлари. Мажбуриятларнинг асосий турлари бўлиб куйидагилар хисобланади:

• ***Олинган узок ва киска муддатли карзлар*** – бу мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача муддатга бошка юридик шахслардан вактинчалик молиявий ёрдам сифатида олинган маблағларни кайтариш бўйича карзлар суммаси.

• ***Олинган узок ва киска муддатли кредитлар*** - бу мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача муддатга банклардан кредит шартномалари асосида олинган кредит ресурсларини кайтариш бўйича карзлар суммаси.

• ***Таъминотчиларга тўланадиган счетлар*** **–** бу олинган товар-моддий бойликлар учун таъминочиларга ўтказилмай колинган карз суммаси.

• ***Харидорлардан олинган авансlар*** - бу харидорлардан товар-моддий бойликларни сотиб олиш учун олдиндан келиб тушган пуллар бўйича карз суммаси.

• ***Муддати кечиктирилган узок ва киска муддатли карзлар*** **–** бу соликлар ва бошка тўловлар бўйича муддати мос равишда 1 йилдан кўп ва 1 йилгача бўлган даврга узайтирилган карз суммаси.

• ***Бюджет олдидаги карзлар*** **–** бу хисобот даврида хисобланган, лекинда бюджетга ўтказиб берилмаган солик ва тўловлар бўйича карз суммаси.

• ***Ижтимоий суғурта бўйича карзлар –*** бу ижтимоий суғурта бўйича хисобот даврида хисобланган, лекинда тегишли суғурта органларига ўтказиб берилмаган карз суммаси.

• ***Иш хаки бўйича карзлар*** **–** бу корхонанинг ходимларига хисобланган ва вактинча сакланаётган иш хакларини тўланмай колинган кисми.

• ***Таъсисчилар олдидаги карзлар*** **–** бу таъсисчиларга хисобланган, лекинда тўланмаган дивидендлар бўйича корхонанинг карзи, шунингдек таъсисчилар сафидан чикиб кетган шахсларнинг устав капиталидаги хиссасини кайтарилмаган кисми.

• ***Бошка кредиторлар олдидаги карзлар*** **–** бу турли хизматлар, фоизлар, камомадлар, даъволар ва бошка тўловлар бўйича корхонанинг бошка юридик ва жисмоний шахслар олидаги карзи.

Бухгалтерия хисоби ахборот бериш на назорат килиш воситаси сифатида корхона активларининг ташкил топиш манбалари бўйича маълумотларни жамлайди, улар асосида корхонанинг молиявий куввати кўрсаткичлари тахлил этилади. Бухгалтерия хисоби маълумотлари асосида корхонанинг хусусий капитали, карзлари тўғрисидаги маълумотлар ахборот фойдаланувчиларига етказилади.

Хўжалик фаолиятининг натижалари. Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятининг натижалари бўлиб у олган фойда ёки кўрган зарари хисобланади.

Фойда(Ф) – бу корхонанинг даромадлари (Д) ва харажатлари(Х) ўртасидаги ижобий фарк, яъни

Ф = Д > Х.

Демак, канчалик даромад кўп бўлиб, харажат кам бўлса, корхонанинг фойдаси шунчалик кўп бўлади.

Зарар – бу корхонанинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий фарк, бошкачасига харажатларни даромаддан кўп бўлиши, яъни:

З = Д < Х

Демак, корхона даромадга канчалик кўп харажат билан эришса, унинг зарари шунчалик кўп бўлади.

Корхонанинг фаолият натижалари кўрсаткичлари бухгалтерия хисобининг энг маъсулиятли бўлими, чунки ушбу кўрсаткичларнинг микдори уларни хисобда тўғри акс эттирилганлигига ва жамланганлигига, хисоботларни тўғри тузилганлигига бевосита боғлик.

Шундай килиб, бухгалтерия хисобининг предмети ва объектларини ташкил этувчи иктисодиётнинг куйи бўғини бўлган корхоналар фаолиятини аник, батафсил маълумотларда ифодалаб, уларни бошкарув органларига, мулкдорларга ва бошка кизикувчиларга ўз вактида етказиб бериш ушбу соха ходимларининг жамиятда тутган ўрнини янада хам ошишининг мухим гаровидир.

Ўз - ўзини синаш учун тестлар

1 Хўжалик фаолиятини таъмин этувчи объектларга нималар киради?

а) Хўжалик жараёнлари б) Хўжалик активлари

в) Хўжалик операциялари г) Технологик жараёнлар

2.Куйидагиларнинг кайси бири бухгалтерия хисоби объекти эмас.

а) Иш хаки б) Транспорт в) Технологик чизмалар г) Капитал

3.Куйидагиларнинг кайси бири бухгалтерия хисоби объекти .

а) Хусусий капитал б) Бозордаги нарх
в) Технологик чизмалар г) Одамлар ўртасидаги муносабатлар

4.Банкдан 1,5 йил муддатга олинган кредит киради:

а) Хусусий капиталга б) Жорий активларга
в) Киска муддатли мажбуриятларга г) Узок муддатли мажбуриятларга

5.Корхона ходимлари киради:

а) Капитал инвестицияларга б) Жорий активларга
в) Хеч кайсисига г) Узок муддатли мажбуриятларга

6..Келгуси йил газета ва журналлари обунасига тўланган хак киради:

а) Капитал инвестицияларга б) Жорий активларга
в) Хеч кайсисига г) Узок муддатли мажбуриятларга

7..Келгуси давр тўловлари учун шакллантирилган резерв - бу:

а) Капитал инвестиция б) Жорий актив элементи
в) Мажбурият г) Хусусий капитал элементи

8..Корхона активлари – 50000000 сум, шу жумладан активлар эскириши 8000000 сум, жорий мажбуриятлар 15000000 сум, узок муддатли мажбуриятлар –10000000 сум. Хусусий капитал микдори тенг:

а) 33000000 сумга б) 17000000 сумга
в) 37000000 сумга г) 25000000 сумга

1. 3. Бухгалтерия хисобининг тамойиллари

Жахоннинг турли мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида, бухгалтерия хисобини давлат томонидан регламентлаштирилишининг мухим белгиларидан бири бўлиб уни белгиланган тамойилларга асосланиб юритилиши хисобланади.

Бухгалтерия хисоби тамойиллари деганда уни юритишда амал килиш лозим бўлган коида ва тартиблар мажмуаси тушунилади.

Бухгалтерия хисобини юритишнинг тамойиллари мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўғрисида Конуни»нинг 6-моддаси билан белгиланган, шунингдек 1-сон БХМС «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот» нинг 16-49 пунктларида ушбу тамойилларнинг мохияти очиб берилган. Бу тамойилларнинг асосийлари кўйидагилар.

Узликсизлик тамойили. Бу тамойил корхонани доимо харакатдаги субъект, яъни ўз фаолиятини келгусида давом эттирувчи ва ривожлантирувчи субъект сифатида карайди. Бухгалтерия хисобини узликсиз юритилиши корхонанинг келажаги борлигидан дарак беради. Бундан ташкари бухгалтерия хисоби корхонанинг келажакда равнак топишига хизмат килувчи восита хамдир.

Хисоблаш тамойили. Бу тамойил корхонанинг даромад ва харажатларини юз берган вактига кўра тан олиш ва шу вактдан бошлаб уларни бухгалтерия хисобида ва хисоботда акс эттиришни билдиради. Солик Кодексига мувофик 1998 йил 1 январдан бошлаб барча корхоналар учун уларнинг мулк шаклидан катъий назар сотиш моменти килиб махсулот (иш, хизмат) ни жўнатиш (бажариш) санаси, улар учун тўлов пулини качон келиб тушишидан катъий назар, кабул килинди.

Икки ёклама ёзув тамойили. Бу тамойил корхонада юз берган хар кандай операциянинг суммасини бир вактнинг ўзида иккита счетда, яъни бирининг дебетида ва иккинчисининг кредитида акс эттиришни билдиради. Ушбу тамойилга амал килиш корхонанинг активлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари суммаларини доимо тенг бўлишини таъминлайди.

Киймат тамойили. Бу тамойил корхона активлари ва пассивларини таннарх ёки бозор бахоларида (улардан кайси бири паст бўлса, ўшанда) хисобга олишни билдиради.

Пулда ифодалаш тамойили. Бу тамойил барча актив ва пассивларни, юз берган операцияларни миллий валютада, яъни сум ва тийинларда акс эттиришни билдиради.

Эхтиёткорлик ёки консерватизм тамойили. Бу тамойил корхона хисоботида активлар ва даромадларни кам (кўп) килиб кўрсатмасликни, шу билан бирга мажбуриятларни ёки харажатларни кўп (кам) килиб кўрсатмасликни ифодалайди. Ушбу тамойилни кўллаш яширилган резервларни вужудга келтириш, бирон максадда актив ёки фойдани камайтириб (кўпайтириб) кўрсатиш, харажат ва мажбуриятларни кўпайтириб (камайтириб) кўрсатиш хукукини бермайди.

Хисобот даври раромад ва харажатларининг мослиги тамойили. Бу тамойил хисобот даври харажатларига шу даврда реал даромад келтирган кисмини киритишни билдиради.

Мазмунни шаклдан устунлик тамойили. Бу тамойил корхона активларини хукукий макоми бўйича эмас, балким уларнинг иктисодий мазмуни, эгалик килиш хукукини берилиш вактига кўра хисобга олиш ва балансга киритишни ифодалайди. Масалан, товар–моддий бойликлар корхонага келиб тушган санадан бошлаб, улар учун хак тўланган ёки тўланмаган бўлишидан катъий назар, корхона активлари таркибига киритилади ва балансга олинади. Узок муддали ижарага олинган асосий воситалар хам уларнинг хаки тўланиши муддатидан катъий назар корхона балансига олинган кундан бошлаб киритилади.

Нейтраллик тамойили. Бу тамойил моливий хисоботни бирон та шахс манфаатлари учун бошка бирон та шахс зарарлари эвазига мослаштирмасликни билдиради.

Аниклилик тамойили. Бу тамойил хисобда акс эттирилган хар бир суммани катъий хужжатли асосга эга бўлишлигини билдиради.

Ахамиятлилик тамойили. Бу тамойил хисобда шаклланган маълумотларни фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эхтиёжларини кондиришда ахамиятлилигини билдиради.

Мухимлилик тамойили. Бу тамойил хисоб ва хисобот маълумотларини фойдаланувчиларнинг тақдим этилган ахборот асосида кабул килган карорларига таъсирини билдиради.

Тушунарлилик тамойили. Бу тамойил хисоб маълумотларини барча фойдаланувчилар учун тушунарлилигини билдиради.

Якунланганлик тамойили. Бу тамойил хисоб маълумотларини бирон бир хисобот даври учун жамланганлигини, яъни молиявий хисобот хисобот даври маълумотларини тўлик камраб олганлигини билдиради.

Таккосламалик тамойили. Бу тамойил хисобот маълумотларини ўзаро мос хисобот даврлари бўйича (чораклар, йил) мавжуд реал тенденцияларни аниклаш учун ўзаро таккослаш имкониятларини билдиради. Бундай таккослашлар учун ўтган йиллар маълумотлари таккослама бахоларда кайта хисобланиши лозим.

Тежамкорлик тамойили. Бу тамойил хисоб ва хисоботни кам мехнат ва молиявий маблағлар сарфлаб олиб боришни билдиради.

Тезкорлик тамойили. Бу тамойил хисоб ва хисобот маълумотларини бошкарув органларига керакли вактда ва хажмда беришни билдиради. Кечиктириб берилган маълумотлар хисобнинг бошкарув воситаси сифатидаги ролини пасайтиради. Аксинча, ўз вактида берилган маълумотлар хисобни бошкарув воситаси сифатида ролини, унинг таъсирчанлик кучини оширади.

Ўз - ўзини синаш учун тестлар

1.**Бухгалтерия хисоби тамойилларини ким белгилайди?**

а) Рахбар. б) Давлат.

в) Кузатиш кенгаши. г) Таъсисчилар.

2.Хисоблаш тамойили–бу

а) Даромад ва харажатларни пул тўлаш вактидан бошлаб хисобга олиш.

б) Даромад ва харажатларни юз берган вактидан бошлаб хисобга олиш.

в) Даромад ва харажатларни режага асосан хисобга олиш.

г) Даромад ва харажатларни рахбар хохишига караб хисобга олиш.

3.Бухгалтер тузган балансда актив ва пассив суммалари тенг келмаса, кайси тамойил бузилган хисобланади?

а) икки ёклама езув тамойили

б) хисоблаш тамойили

в) таккосламалик тамойили

г) даромад ва харажатларнинг мослик тамойили

4.Бухгалтерия хисоботни белгиланган муддатдан 10 кун кечикиб топширди, кайси тамойилни у бузган хисобланади ?

а) Даврийлик

б) Таккосламалик

в) Мазмунни шаклдан устунлиги

г) Уз вактидалик

5. Бухгалтер келгуси давр учун ижара хакини хисобот давр харажатларига олиб борди. Кайси тамойилни у бузган хисобланади ?

а) Даврийлик
б) Таккосламалик
в) Мазмунни шаклдан устунлиги
г) Даромад ва харажатларнинг мослиги

6. Бухгалтер келиб тушган олдиндан тўлов суммасини сотиш хажмига олди. Кайси тамойилни у бузди.

а) Даврийлик
б) Хисоблаш
в) Мазмунни шаклдан устунлиги
г) Даромад ва харажатларнинг мослиги

7. Аудиторга бухгалтер солик хисоб-китобларининг бирламчи вариантини текширишга берди, тузатилган солик хисоб-китоби борлигини аудитор хисоб регистрлари ёзувларини таккослашда топиб олди. Кайси тамойилни бухгалтер бузди.

а) Тежамкорлик
б) Хисоблаш
в) Аниклилилик
г) Мухимлилик

Боб мазуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисида конуни. 1996 йил 30 августда кабул килинган.*
2. *Молиявий хисоботни тайёрлаш ва такдим этиш учун Концептуал асос. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августда рўйхатга олинган, № 475.*

3.БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 474.

4.Абдуллаев А., Каюмов И. Бухгалтерия хисоби. Т., «Минхож» нашриёти, 2002.

5. Бобожонов О. Молиявий хисоб. Т., «Шарк», 2000.

6.Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий хисоб. Т., «Молия», 2002.

7.Завалишина И.А. Бухгалтерский учет по новому. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент, 2003.

8. Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия хисоби, Т., Мехнат, 1999

9.Ўразов К.Б. Инвестицияларнинг бухгалтерия хисоби ва соликка тортилиши. Монография. «Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, Тошкент, 2003.

II-боб. БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИНИНГ МЕТОДИ ВА УНДА КЎЛЛАНИЛАДИГАН УСУЛЛАР

Бухгалтерия хисоби хўжалик фаолияти жараёнлари, активлар, уларнинг манбалари ва охирги молиявий натижаларни акс эттиришни макон ва замонда, диалектик харакатда амалга оширади. Айнан шундай ёндашиш бухгалтерия хисобининг методини ифодалайди.

Бухгалтерия хисобининг методининг мохияти унда кўлланиладиган усулларда ёркин намоён бўлади. Бундай усулларга куйидагилар киради:

1. Бухгалтерия баланси
2. Бухгалтерия хисоби счетлари
3. Бухгалтерия хисоби счетларига икки ёклама ёзув
4. Бахолаш
5. Калькуляция
6. Хужжатлаштириш
7. Инвентаризация
8. Молиявий хисобот

Ушбу бобда бухгалтерия хисобининг юкорида келтирилган усулларининг мохиятига, уларни кўлланилишига тўхталамиз.

2.1. Бухгалтерия баланси

Бухгалтерия хисобининг мухим вазифаларидан бири бўлиб мулкга эгалик килиш хукукини ифодаловчи

Актив = Хусусий капитал+ Мажбуриятлар

математик тенгликни хамма вакт таъминлаб бериш ва саклаш хисобланади.

Ушбу тенгликни таъминлаш учун бухгалтерия хисоби одатда, маълум бир даврнинг бошида актив, хусусий капитал ва мажбуриятларнинг бошланғич холатини билишдан бошланиб, шу даврнинг охирида уларнинг охирги холатини билиш билан якунланади. Бундай ахборотларни олиш усули бўлиб бухгалтерия баланси хисобланади.

Бухгалтерия баланси негизида «баланс» сўзи ётади. Бу сўз лотинча **«bis**», яъни «***иккита***» ва «**lanx**», яъни **«тарози палласи**» сўзларидан олинган бўлиб, ўзаро тенглик, бир хиллик рамзи хисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бухгалтерия хисоби назарияси ва амалиётида «баланс» сўзи на факат тенглик мазмунида, балким давлат ахамиятига молик мухим бухгалтерия хисоби хужжати сифатида хам талкин этилади. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия баланси хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган молиявий хисоботнинг таркибий кисми хисобланади. Унинг шакли, таркиби ва тузиш тартиби Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140- сон буйрук билан тасдикланган « Молиявий хисобот шаклларини тўлдириш

Коидалари» билан, балансни такдим этиш тартиби эса Молия Вазирлигининг 2000 йил 15 июндаги 47- сон буйруғи билан тасдикланган « Чораклик ва йиллик молиявий хисоботларни такдим этиш муддатлари тўғрисида Низом» да белгиланган.

Бухгалтерия балансининг тузилиши ва таркиби. Хам тенглик, хам хужжат сифатида эътироф этиладиган бухгалтерия баланси икки томонли, яъни чап ва ўнг томонли , жадвал кўринишига эга бўлади. Жадвалнинг чап томони «Актив», ўнг томони эса – «Пассив» номи билан аталади. Жадвалнинг «Актив» томонида корхонанинг хўжалик активлари турлари бўйича , жадвалнинг «Пассив» томонида эса хўжалик активлари ташкил топиш манбалари бўйича акс эттирилади. «Актив» ва «Пассив» томонларда кўрсатилган активлар ва уларнинг ташкил топиш манбалари суммаларининг йиғиндиси бир бирига тенг келади, айнан шу тенглик «баланс» дейилади.

Жадвал кўринишидаги бухгалтерия баланси ички томондан бўлимлардан, бўлимлар эса- алохида моддалардан иборат бўлади.

Баланс бўлими деганда корхона активларини ва уларнинг ташкил топиш манбаларини ифодаловчи моддалар суммасини у ёки бу белгисига караб жамлаш усули тушунилади.

Баланс моддаси деганда балансниг хар бир катори тушунилади, хар бир катор эса ўз навбатида битта ёки бир нечта бухгалтерия хисоби счетларини ўз ичига олади. Шунинг учун хам балансниг тасдикланган шаклида хар бир модда бўйича кавс ичида тегишли счетларнинг тартиб ракамлари кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида кўлланилаётган бухгалтерия балансининг «Актив» томони хўжалик активларини хизмат муддатига кўра куйидаги икки бўлим бўйича тизимлашга асосланган:

I-бўлим. **«Узок муддатли активлар».** Ушбу бўлимда 1 йилдан кўп муддатда оборотда бўладиган асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий ва капитал инвестициялар, шунингдек узок муддатли дебиторлик карзлар ва муддати узайтирилган харажатлар нинг колдик суммалари кўрсатилади.

II-бўлим. **«Жорий активлар».** Ушбу бўлимда 1 йилга оборотда бўладиган ишлаб чикариш захиралари ва харажатлари, тайёр махсулотлар ва товарлар, пул маблағлари, дебиторлик карзлар ва бошка жорий активларнинг колдик суммалари кўрсатилади.

Балансниг «Пассив» томони хўжалик активларини ташкил топиш манбаларини турига караб куйидаги икки бўлим бўйича тизимлашга асосланган:

I-бўлим. **«Ўз маблағларининг манбаи».** Ушбу бўлимда устав капитали, кўшилган капитал, резерв капитали, таксимланмаган фойда ва хусусий капиталнинг бошка элементларининг колдик суммалари кўрсатилади.

II-бўлим. **«Мажбуриятлар».** Ушбу бўлимда корхонанинг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги карзларининг колдик суммаси кўрсатилади.

Бухгалтерия балансида бўлимлар бўйича маълумотлар алохида каторда, иккала бўлим суммаларининг йиғиндиси алохида каторда акс эттирилади.

Айрим моддалар бўйича кавс ичида ўзаро айирмалар кўринишида кўрсатилган счетлар уларнинг биринчисини суммасидан иккинчисини суммасини айириб ташлагандан кейин коладиган суммани шу каторга ёзишни билдиради .

Бундан ташкари бухгалтерия балансида маълумотлар мос равишда хисобот давр бошига ва хисобот давр охирига алохида устунларда кўрсатилади. Бу баланс

моддаларидаги ўзгаришларни визуал назорат килиб бориш имконини беради (2-иловага каранг).

Бухгалтерия баланси тўғрисида тасаввурни равшанлаштириш учун куйида унинг кискартирилган шакли ва таркиби шартли маълумотлар билан келтирилган.

«Бахор» хусусий корхонасининг бухгалтерия баланси

(минг сум хисобида)

Актив	Сумма	Пассив	Сумма
1- бўлим. Узок муддатли активлар		**1-бўлим. Ўз маблағларининг манбаи**	
Асосий воситалар	2000	Устав капитали	5000
Номоддий активлар	100	Таксимланмаган фойда	1000
Молиявий инвестициялар	500	Резервлар	200
1-бўлим бўйича жами	**2600**	**1-бўлим бўйича жами**	**6200**
2-бўлим. Жорий активлар		**2-бўлим. Мажбуриятлар**	
Ишлаб чикариш захиралари	4500	Киска муддатли кредитлар	1000
Тайёр махсулотлар	1500	Тўланадиган счетлар	600
Товарлар	1300	Олинган авансlар	1400
Пул маблағлари	200	Бюджет олдидаги карзлар	600
Дебиторлик карзлар	500	Иш хаки бўйича карзлар	500
2- бўлим бўйича жами	**8000**	Суғурта бўйича карзлар	200
		Бошка карзлар	100
		2- бўлим бўйича жами	**4400**
БАЛАНС	**10600**	**БАЛАНС**	**10600**

Бухгалтерия балансининг турлари. Корхоналар томонидан тузиладиган **б**ухгалтерия балансини турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин, масалан тузилган санасига караб, маълумотларни жамлаш хажмига караб, субъектларни молиялаштирилишига караб, регулировка счетлари колдиклари хисобга олинганлигига караб ва бошка белгилари бўйича (4-чизмага каранг).

Тузилган санасига кўра бухгалтерия балансини куйидаги турларга ажратиш мумкин: кириш (ёки таъсис) баланси; бошланғич ва хисобот баланси; тугатиш баланси; бирлаштириш ва ажратиш баланси.

Кириш ёки таъсис баланси деганда корхонанинг давлат рўйхатидан ўтган санасига, яъни таъсис этилган кунига тузилган баланси тушунилади. Одатда ушбу санага тузилган баланснинг активида факат таъсисчиларнинг янги ташкил этилган

корхона олдидаги карзи, баланснинг пассивида эса эълон килинган устав капиталининг микдори кўрсатилади.



4-чизма. Бухгалтерия балансини таснофлаш асослари

Бошланғич баланс деганда хисобот даври бошига, **хисобот баланси** деганда эса хисобот даврининг охирига тузилган баланс тушунилади. Хисобот баланси кейинги давр учун бошланғич баланс бўлиб хисобланади.

Тугатиш баланси – корхона тугатилиши санасига тузилган баланс.

Бирлаштириш баланси – икки ва ундан ортик корхоналар бир бири билан кўшилганда кўшилиш санасига тузилган баланс.

Ажратиш баланси – бу корхона ихтиёридан мустакил бошка корхона ажралиб чикганда бир – бирига маблағларни топшириш ва кабул килиш санасига тузилган баланс.

Маълумотларни жамлаш даражасига кўра баланс йиғма ва алохида баланс турларига бўлинади.

Йиғма баланс - бу бир тизим корхоналари балансларини моддаларини горизонтал холда жамлаш натижасида тузилган баланс, масалан трест, концерн, компания, вазирлик ва шу каби юкори органлар томонидан тузилган баланс.

Алохида баланс –бу хар бир хўжалик юритувчи субъект томонидан тузилган баланс.

Ўз карамоғида шўъба хўжалик жамиятларига эга бўлган бош корхоналар **консолидациялаштирилган баланс** тузадилар. Бу балансни мохияти ва тузиш тартибига 13- бобда тўхталамиз.

Субектларни молиялаштирилишига караб баланс бир биридан тубдан фарк киладиган давлат бюджетидаги муассасалар баланси ва хўжалик юритувчи субъектлар балансига бўлинади.

Хисоб маълумотларини жамлаш цикларига кўра синов баланси, тузатилган синов баланси ва охирги якуний баланс турларини ажратиш мумкин.

Синов баланси – бу вактинчалик счетлар ёпилмасдан тузилган, шунингдек 1 январгача айрим счетлар бўйича хисоб-китоблар маълум сабабларга кўра охиригача амалга оширилмаган холда тузилган дастлабки баланс. Бундай балансни тузиш тартиби чет эл корхоналари амалиётида кенг таркалган.

Тузатилган синов баланси - мавжуд камчиликлар тузатилгандан сўнг, лекинда вактинчалик счетлар ёпилмасдан тузилган баланс.

Якуний баланс – бу вактинчалик счетлар ёпилгач, молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот ва таксимланмаган файда тўғрисидаги хисоботларнинг махлумотлари эътиборга олиниб тузилган баланс.

Охирги учта турдаги балансни тузиш тартиби чет эл корхоналари амалиётида кенг таркалган.

Регулировка счетлари колдикларини хисобга олиб баланс-брутто ва баланс – нетто тузилиши мумкин.

Баланс- брутто - бу активлар суммасидан жамланган амортизация ва эскириш суммаларини, шунингдек савдо устамаларини, шубхали карзлар бўйича мавжуд резерв суммасини чегириб ташламасдан тузилган баланс. Ушбу баланс корхона активларининг реал кийматини ифода этмайди.

Баланс-нетто – бу активлар суммасидан жамланган амортизация ва эскириш суммаларини, шунингдек савдо устамаларини, шубхали карзлар бўйича мавжуд

резерв суммасини чегириб ташлаш йўли билан тузилган баланс. Ушбу баланс корхона активларининг реал кийматини ифода этади.

Балансдаги ўзгаришларнинг типлари. Фаолият кўрсатаётган корхонанинг баланси ўзгаришсиз колиши мумкин эмас, чунки содир бўлган хўжалик жараёнлари ва операциялари албатта активлар ва уларни ташкил топиш манбаларининг давр бошидаги холатига таъсир кўрсатмасдан колмайди. Мисол учун, корхона ўз устав капиталини кўпайтирса ёки камайтирса –бу албатта хам активга , хам пассивга таъсир ўтказади. Ёки омбордан материал ишлаб чикаришга берилса активларнинг таркибида ўзгариш юз беради, иш хакидан даромад солиғи ушланса, активларни ташкил топиш манбалари таркибида ички ўзгариш юз беради. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мукин.

Демак, юз берган операциялар натижасида балансда турли ўзгаришлар бўлиб туради. Ушбу ўзгаришларни тўртта типга ажратиш мумкин:

Тип	**Ўзгариш типининг мазмуни**	**Ўзгариш типларига мисоллар**	**Ўзгариш типларининг алгоритми**
1-**тип**	Ўзгариш факат баланснинг активида юз беради, яъни бир актив кўпаяди, иккинчиси эса камаяди. Пировардида эски баланс ўзгаришсиз колади	1.Кассадаги пул банкга топширилди 2.Асосий восита хўжалик нвентарига ўтказилди 3.Ишлаб икаришдан тайёр махсулот олинди	**А+ОА-КА = П** **А** -актив **ОА** –ошувчи актив **КА**-камайувчи Актив **П** - пассив
II- тип	Ўзгариш факат баланснинг пассивида юз беради, яъни бир манба кўпаяди, иккинчиси эса камаяди. Пировардида эски баланс ўзгаришсиз колади	1.Таксимланмаган фойда резерв капиталига ўтказилди 2.Иш хакидан даромад солиғи ушланди	**А= П + ОП –КП** **ОП** – ошувчи Пассив **КП** –камайувчи Пассив

III-тип	Ўзгариш хам активда, хам пассивда юз беради, факатгина кўпайиш томонга, яъни операция натижасида актив хам, пассив хам бир хил суммага кўпаяди, шу суммага баланс суммаси ошади.	1.Таъминотчидан материал олинди 2.Банкдан кредит олинди 3.Иш хаки хисобланди	**А+ ОА= П + ОП**
IY-тип	Ўзгариш хам активда, хам пассивда юз беради, факатгина камайиш томонга, яъни операция натижасида актив хам, пассив хам бир хил суммага камаяди, шу суммага баланс суммаси хам камаяди	1.Иш хаки кассадан берилди 2.Бюджетга карз тўланди 3.Таъминотчига материалнинг хаки тўланди	**А – КА= П- КП**

Юкоридаги жадвалдан куйидаги хулосаларни килиш мумкин:

- 1. I- ва II- типдаги ўзгаришлар олдинги баланс суммасини хеч качон ўзгартирмайди.
- III- ва IY –типдаги ўзгаришлар албатта олдинги баланс суммасини ўзгаришига олиб келади, жумладан учинчи тип ўзгаришлар баланс суммасини ошишига, тўртинчи тип ўзгаришлар баланс суммасини камайишига сабаб бўлади.
- Хеч качон балансдаги ўзгариш типлари бир вактнинг ўзида активни бир суммага ошириб, пассивни эса ўша суммага камайтириши мумкин эмас.
- Хеч качон балансдаги ўзгариш типлари активни бир суммага кўпайтиришга (камайтиришга), пассивни эса бошка бир суммага кўпайтиришга (камайтиришга) олиб келиши мумкин эмас.

Ўз –ўзини синаш учун тестлар

1. Баланс –бу

а) Актив ва мажбуриятларнинг тенглиги
б) Актив ва хусусий капиталнинг тенглиги
в) Бир томондан активлар, иккинчи томондан хусусий капитал ва мажбуриятларнинг маълум санага тенглиги
г) Дебиторлик ва кредиторлик карзларнинг тенглиги

2. Бўлиши мумкин эмас:

а) Актив = Хусусий капитал+ Мажбуриятлар
б) Актив = Хусусий капитал – Мажбуриятлар
в) Хусусий капитал= Актив - Мажбуриятлар
г) Мажбуриятлар = Хисобланган ва тўланган тўловлар ўртасидаги фарк

3. Харидорлардан олинган авансlар киради:

а) активларга б) хусусий капиталга в) мажбуриятларга г) хеч кайсисига

4. Качон Актив хусусий капитал суммасига тенг бўлиши муикин ?

а) Хеч качон б) Корхона таъсис этилган кунга
в) Корхона банкротга учраган куни
г) Корхона бошка корхонага кўшилган кун.

5. **Баланс активининг 1 бўлими = Баланс пассивининг 1-бўлими**

а) Хамма вакт б) Хеч качон в) Баъзан г) Эришиш мумкин

6. Кассадан 100000 сум аванс, 500000 сум иш хаки берилди ва 2000 сум камомад чикса, балансда кандай ўзгариш юз беради.

а) Баланс 400000 сумга камаяди б) Баланс 398000 сумга камаяди
в) Баланс 402000 сумга камаяди г) Баланс 500000 сумга камаяди

7.Таъминчилардан 1000000 сумлик материал олинса, 500000 сумдик материал ишлабчикаришга берилса, 10000 сумлик материал камомадга олиб борилса баланс неча сўмга ўзгаради?

а) 1000000 сўмга кўпаяди б) 510000 сумга камаяди
в) 500000 сумга камаяди г) ўзгариш бўлмайди

2.2. Бухгалтерия хисоби счётлари

Корхона активлари ва уларнинг манбалари холати хамда харакатини акс эттириш учун бухгалтерия хисобида «счётлар» деб ном олган усул кўлланилади.

Счётлар – бу корхона активлари, хусусий капитали, мажбуриятлари, даромад, харажат, фойда ва зарарларини хисобот давридаги холати (бошланғич ва охирги), шунингдек уларнинг шу даврдаги харакати (кўпайиши ва камайиши) тўғрисидаги маълумотларни пул ифодасида акс эттириш усули.

Бухгалтерия хисобида унинг хар бир объектини акс эттириш учун алохида счётлар кўзда тутилади. Хар бир счёт ўзининг тартиб ракамига ва аник номига эга бўлади. Одатда, счётнинг номи объектнинг номи билан бир хил бўлади. Мисол учун, асосий воситаларни акс эттириш учун айнан шундай номдаги № 0100, кассадаги пул маблағларини акс эттириш учун «Кассадаги пул маблағлари» номли № 5000 - счёт ва бошка шу каби счётлар кўзда тутилади. Барча кўлланиладиган счётларнинг тартиб ракамлари ва аник номлари махсус счётлар режасида ўз аксини топади.

Счётлар режаси. Счётлар режаси –бу корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг молиявий хўжалик фаолиятини бухгалтерия хисобида акс эттиришда кўлланиладиган счётларнинг тартиблаштирилган тизими. Ўзбекистон Республикасида счётлар режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома давлат ахамиятига молик меъерий хужжат хисобланади. Ушбу меъёрий хужжатни ишлаб чикиш ва жорий килиш Молия Вазирлигига юклатилган.

Республикамиз халк хўжалиги тармокларида уларнинг хусусиятларини эътиборга олган ва ўзида мужассамлаштирган куйидаги учта турдаги счётлар режаси кўлланилади:

- Давлат бюджетидаги муассасалари молиявий–хўжалик фаолияти бухгалтерия хисобининг счётлари режаси.

• Банклар молиявий –хўжалик фаолияти бухгалтерия хисобининг счётлари режаси.

• Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисобининг счётлари режаси.

Куйида хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисобининг счётлар режасига тўхталиб ўтамиз.

«Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия хисобининг счётлари режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома» Молия Вазирлиги томонидан махсус 21- сонли БХМС сифатида биринчи марта 2000 йил 30 мартда 37- сон буйрук билан тасдикланди. 2002 йил 9 сентябрда 103-сон буйрук билан Молия Вазирлиги ушбу БХМС ни янги тахрирда кайта тасдиклади, у Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181 – сон тартиб раками билан рўйхатдан ўтди.

21- сон БХМС сифатида тасдикланган счётлар режаси олтита кисм, ўнта бўлимдан иборат, у ўз ичига 208 та баланс счетларини, 40 та молиявий натижалар хисоботини тузишга мўлжалланган счётларни ва 14 та балансдан ташкари счётларни олади. Счётлар режасида бухгалтерия хисоби счётлари молиявий хисоботнинг шакллари бўлган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида хисоботнинг таркибий элементларига мос равишда куйидаги кисм ва бўлимларга ажратилган.

21- сон БХМС га мувофик счётлар режасининг таркибий тузилиши

Кисмларнинг номи	**Бўлимларнинг номи**	**Счётларнинг сериями**
I. Узок муддатли активлар	1.Асосий воситалар, номоддий активлар ва бошка узок муддатли активлар	01- 09
II. Жорий активлар	2.Товар-моддий захиралар 3.Келгуси давр харажатлари ва муддати узайтирилган харажатлар –жорий кисми. 4.Олинадиган счетлар 5. Пул маблағлари, киска муддатли инвестициялар ва бошка жорий активлар	10 – 29 30 – 39 40 – 49 50 – 59
III. Мажбуриятлар	6.Жорий мажбуриятлар 7.Узок муддатли мажбуриятлар	60 – 69 70 – 79
IY. Хусусий капитал	8.Капитал, фойда ва резервлар	80 –89
Y..Молиявий натижаларни шаклланиши ва ишлатилиши	9.Даромадлар ва харажатлар	90 –99
YI.Балансдан ташкари счётлар		001- 014

Бухгалтерия хисоби счётларининг таснифи. 21- сон БХМС га мувофик бухгалтерия хисобида кўлланиладиган счётлар куйидаги белгилари бўйича таснифланади (5- чизмага каранг).



***5-чизма*. Бухгалтерия хисоби счётларини таснифлаш асослари**

Доимийлигига кўра бухгалтерия хисоби счётлари доимий ва транзит счётларга бўлинади.

Доимий счётлар деганда хисобот давринининг охирида колдикка эга бўладиган ва бухгалтерия балансида акс эттириладиган активлар, хусусий капитал ва мажбуриятларни хисобга олишга мўлжалланган счётлар тушунилади.

Транзит счётлар деганда хисобот даврида корхонанинг даромад ва харажатларини хисобга олиш учун кўлланилиб, хисобот давринининг охирида ёпилиб кетадиган ва колдикка эга бўлмайдиган счётлар тушунилади.

Баланс томонларида жойлашишига кўра бухгалтерия хисоби счётлари актив, контрактив, пассив, контрпассив счётларга бўлинади.

Актив счётлар – корхона активларини акс эттиришга мулжалланган счётлар.

Пассив счётлар – корхона активларини ташкил топиш манбаларини кўрсатувчи хусусий капитал ва мажбуриятларни акс эттиришга мулжалланган счётлар.

Контрактив счётлар – корхона активларининг соф кийматини топишда чегириб ташланадиган суммаларни акс эттиришга мўлжалланган счётлар.

Контрпассив счётлар – корхонанинг хусусий капитали ва мажбуриятларининг соф кийматини топишда чегириб ташланадиган суммаларни акс эттиришга мўлжалланган счётлар.

Балансга суммаси киритилишига кўра бухгалтерия хисоби счётлари баланс ва балансдан ташкари счётларга бўлинади.

Баланс счётлари –бу колдиклари балансга киритиладиган счётлар. Активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитални акс эттиришга мўлжалланган барча счётлар баланс счётлари хисобланади.

Балансдан ташкари счётлар – корхонада вактинчалик сакланаётган, фойдаланилаётган, лекинда унга тегишли бўлмаганлиги учун балансга киритиб бўлмайдиган активларни, шартли хукук ва мажбуриятларни акс эттиришга мўлжалланган счётлар.

Маълумотларни жамлаш даражасига кўра бухгалтерия хисоби счётлари синтетик ва аналитик счётларга бўлинади.

Синтетик счётлар – бу маълумотларни факат пул ифодасида кайд этиб ва жамлаб берувчи счётлар. Улар асосида юритиладиган хисоб **синтетик хисоб** деб аталади. 21- сон БХМСда кўрсатилган барча счётлар синтетик счётлар хисобланади. Демак, давлат томонидан факат синтетик счётлар регламентлаштирилади.

Аналитик счётлар – бу маълумотларни турли батафсилликларда ва турли ўлчов бирликларида кайд этиб ва жамлаб берувчи счётлар**.** Ушбу счётлар асосида юритиладиган хисоб **аналитик хисоб** деб аталади. Аналитик счётлар корхоналар томонидан мустакил равишда очилади ва юритилади. Аналитик счётлар суммаларининг йиғиндиси синтетик счет суммасига тенг бўлиши лозим. Масалан, корхонанинг № 6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» синтетик счётида акс эттирилган жами карзларининг суммаси ушбу счётга очилган аналитик счётлар (ушбу холда алохида таъминотчилар) нинг карзлари суммасининг йиғиндисидан иборат бўлиши керак.

21- сон БХМС га мувофик счётлар 4 хонали сонлар билан ракамланади. Бухгалтерия хисоби ва хисоботини компьютерларда юритишда ушбу ракамларни серияларга ажратиш мухим рол ўйнайди. Жумладан, молиявий хисобот шаклларини тузиш учун счётларнинг 4 хонали сонларидаги биринчи иккитаси етарли хисобланади, чунки айнан шу биринчи иккита ракамлар хисоботда акс этувчи кўрсаткичларнинг умумий суммаларини ифодалайди, масалан 01- серияли ракам асосий воситалар бўйича юритиладиган барча синтетик счётларнинг (0110-0199) маълумотларини , 90- серияли ракам сотишдан олинган даромадлар бўйича юритиладиган барча синтетик счётларнинг (9010-9030) маълумотларини жамлаб беради.

21- сон БХМС сифатида тасдикланган счётлар режаси китобга 1- илова килиб келтирилган.

Бухгалтерия хисоби счётларининг тузилиши ва юритилиши. Амалиётда бухгалтерия хисоби счётлари китоблар, журналлар, мемориал-ордерлар, ведомостлар, карточкалар кўринишида кўлда ёки замонавий компьютерларнинг экранларида юритилади. Ушбу хужжатлар бухгалтерия хисоби счётларининг регистрлари хисобланади. Регистрлар кўринишида юритиладиган бухгалтерия хисоби счётлари ёзувларни тартиб билан тизимлаш учун икки томонга ажратилади – чап ва ўнг томонларга. Счётларнинг чап томони «дебет», ўнг томони эса – «кредит» деб аталади.[2] Хар бир счёт ички томондан тўртта элементни ўз ичига олади:

- **Бош колдик** –бу счёт бўйича хисобот даври бошидаги колдик сумма. Бухгалтерлар тилида уни «**бош сальдо**» хам деб атайдилар.
- **Дебет оборот –**бу счётнинг дебет тарафига ёзилган суммаларнинг йиғиндиси. Актив счётларда ушбу оборот хисобот даврида счётнинг бош колдиғи суммасини жами канчага кўпайганлигини билдиради, пассив счётларда эса - хисобот даврида счётнинг бош колдиғи суммасини жами канчага камайганлигини билдиради.
- **Кредит оборот -** бу счётнинг кредит тарафига ёзилган суммаларнинг йиғиндиси. Актив счётларда ушбу оборот хисобот даврида счётнинг бош колдиғи суммасини жами канчага камайганлигини билдиради, пассив счётларда эса - хисобот даврида счётнинг бош колдиғи суммасини жами канчага кўпайганлигини билдиради.
- **Охирги колдик** - бу счёт бўйича хисобот даври охиридги колдик сумма. Бухгалтерлар тилида уни **«охирги сальдо»** хам деб атайдилар.

Шундай килиб, бухгалтерия хисоби счётларини график кўринишда куйидагича ифодалаш мумкин.

Счётларга очилган регистрларда бухгалтерия хисоби объектлари тўғрисида ни акс эттириш тартиби куйидагича кабул килинган

АКТИВ СЧЁТ

Бош колдик (Бк)	
Кўпайиши (+)	Камайиши (-)
Дебет оборот (До)	
Охирги колдик (Ок)	

ПАССИВ СЧЁТ

	Бош колдик (Бк)
Камайиши (-)	Кўпайиши (+)
Дебет оборот(ДО)	Кредит оборот (Ко)
	Охирги колдик (Ок)

[2] Дебет – у қарздор, кредит – у ишонади деган маънони билдиради.

Актив ва пассив счётларда давр охиридаги колдик сумма куйидаги математик алгортмлар ёрдамида топилади:

Актив счётларда	Пассив счётлар
Ок = Бк + До – Ко	**Ок = Бк + Ко – До**

Бухгалтерия хисоби счётлари, одатда, хисобот даврнинг бошига очилади, хисобот давр давомида уларга ёзувлар ўтказиб борилади ва хисобот даврининг охирида ёпилади.

Счётларнинг очилиши деганда уларнинг бош колдиғини мос равишда дебет ва кредитда кўрсатиш тушунилади.

Счётларга ёзиш деганда юз берган операция суммасини уларнинг дебет ва кредит томонларида акс эттириш тушунилади.

Счётларнинг ёпилиши деганда уларнинг дебет ва кредит оборотлари суммаларини хисоблаш ва охирги колдик суммаларини топиш тушунилади.

Ўз –ўзини синаш учун тестлар

1. Ходимларга берилган авансlар ва карзларни акс эттирувчи счетлар – бу

а) Пассив счетлар
б) Актив счетлар
в) Транзит счетлар
г) Контрпассив счетлар

2.Куйидагиларнинг кайси бири транзит счет эмас:

а) Даромадлар счети
б) Келгуси давр харажатлари счети
в) Молиявий фаолият бўйича харажатлар счети
г) Фавкулотдаги зарарлар счети

3.Корхонанинг карзларини кўрсатувчи счетлар баланснинг кайси бўлимига тегишли

а) активларга б) хусусий капиталга в) мажбуриятларга г) хеч кайсисига

4. Куйидагиларнинг кайси бири контрактив счет ?

а) Даромад счетлари б) Харажат счетлари
в) эскиришни хисоблаш счетлари
г) Пул маблағлари счетлари

5. **Баланс активининг 1 бўлими = Баланс пассивининг 1-бўлими**

а) Хамма вакт б) Хеч качон в) Баъзан г) Эришиш мумкин

6. Хусусий сотиб олинган акцияларнинг хисоби счети

а) Пассив счет б) Актив счет
в) Контрактив счет г) Контрпассив счет

7.Куйидаги счетларнинг кайси бири охирги колдикга эга бўлмади?

а) Касса счети б) Ишлаб чикариш счети

в) Тўланадиган счетлар счети г) Сотиш таннархи счети

1.3. Счётларга икки ёклама ёзув

Бухгалтерия хисобининг бошка хисоб турларидан фарк киладиган жихатларидан бири шундаки, юз берган операциянинг суммаси унда икки марта, яъни бир счетнинг дебетига, бошка бир счетнинг кредитига ёзилади. Бундай ёзувга икки ёклама ёзув усули деб аталади.

Счётларга икки ёклама ёзувни, бошкачасига, бухгалтерия ёзуви, бухгалтерия ўтказмаси деб хам атайдилар.

Бухгалтерия ўтказмалари *оддий ва мураккаб* турларга бўлинади.

Оддий бухгалтерия ўтказмаси деганда иккита счет катнашган, шундан бири дебетланган ва бошкаси кредитланган ўтказмага айтилади.

Мураккаб ўтказмалар – бу уч ва ундан кўп счетлар катнашиб тузилган ўтказмаларга айтилади. Бундай ўтказмаларда битта счет дебетланиб, икки ва ундан кўп бошка счетлар кредитланади ёки шунинг тескариси бўлади.

Бухгалтерия ўтказмаларини турли усулларда бериш мумкин : горизонтал, вертикал, счетлар схемаси кўринишида.

Горизонтал усул асосан оддий бухгалтерия ўтказмаларини беришда кўлланилади ва тахминан куйидаги кўринишга эга бўлади:

Дебет	**Кредит**	**Сумма**
1010	6010	1000000

Вертикал усул оддий ва мураккаб бухгалтерия ёзувларида кўлланилади ва куйидаги кўринишда берилади:

- Оддий ўтказмада

Дебет 1010 1000000
Кредит 6010 1000000

- Мураккаб ўтказмада

Дебет 1010 1800000
Кредит 6010 1000000
Кредит 2810 500000
Кредит 4610 300000

Дебет 2010 600000
Дебет 2310 200000
Дебет 2510 300000
Кредит 1010 1100000

Амалиётдаги счетларнинг хисоб регистрларида асосан мураккаб бухгалтерия ўтказмалари кўлланилади.

Счетлар схемаси усулида юкоридаги бухгалтерия ўтказмалари куйидагича акс эттирилади:

1010		6010		4610		2810	
1800000			1000000		300000		500000

Бухгалтерия ўтказмаларини беришда куйидаги кетма-кетликга амал килиниши лозим.

1.Юз берган операциянинг мазмунига кўра унда катнашган счетлар аникланади.

2.Операцияда катнашаётган счетларнинг актив ёки пассив счетлар эканлиги аникланади.

3.Актив ва пассив счетларда кўпайиш ва камайишларни уларнинг кайси тарафида акс эттирилиши тартибига кўра уларнинг бири дебетланади, иккинчиси эса кредитланади.

Юкоридаги келтирилган бухгалтерия ўтказмаларига шарх:

1.Таъминотчидан 1000000 сумлик материаллар келиб тушган, операцияда 1010 «Материаллар» ва 6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счетлари катнашади. 1010- счет актив, унда кўпайиш юз бераяпти. Демак, ушбу счет дебетланади. 6010 –счет пассив счет хисобланади, унда хам кўпайиш юз бераяпти. Демак ушбу счет кредитланади.

2.Таъсисчилардан уларнинг хиссаси сифатида 300000 сумлик материаллар келиб тушди. Операцияда1010 «Материаллар» ва 4610 «Таъсисчиларнинг устав капиталига бадаллари бўйича карзлари» счетлари катнашади. 1010- счет актив, унда кўпайиш юз бераяпти. Демак, ушбу счет дебетланади. 4610 –счет хам актив счет хисобланади, унда камайиш юз бераяпти. Демак ушбу счет кредитланади.

3.500000 сумлик тайёр махсулот материаллар счетига ўтказилди. Операцияда 1010 «Материаллар» ва 2810 « Тайёр махсулотлар» счетлари катнашади. 1010- счет актив, унда кўпайиш юз бераяпти. Демак, ушбу счет дебетланади. 2810 –счет хам счет хисобланади, унда камайиш юз бераяпти. Демак ушбу счет кредитланади.

Бухгалтерия хисоби счетларига икки ёклама ёзув катта назорат ахамиятига эга. Унда, бир томондан балансдан ташкари барча счетларнинг ўзаро алокалари, счетларнинг оборот ва колдик суммаларини тенглиги, пировардида счетларнинг бухгалтерия баланси билан узвий боғликлиги ёркин намоён бўлади.

Ўз –ўзини синаш учун тестлар

1. Счетларга икки ёклама ёзувни биринчи бор илмий асослаган олим

а) Чербони б) Пачоли в) Соколов г) Бобожонов

2. Счетларга икки ёклама ёзув качон пайдо булган?

а) XI - асрда б) XY - асрда

в) XYII- асрда г) XIX- асрда

3.Корхона таъминотчи олдидаги 1000000 сумлик карзини хисоб-китоб счетидан пул кўчириш йўли билан узди

а) Дебет 4010 Кдедит 5110 б) Дебет 6990 Кредит 5110

в) Дебет 6010 Кдедит 5110 г) Дебет 6410 Кдедит 5110

4. Куйидагиларнинг кайси бири иш хаки бўйича тўланган авансни акс эттиради ?

а) Дебет 6710 Кдедит 5010 б) Дебет 6720 Кредит 5010

в) Дебет 4210 Кдедит 5010 г) Дебет 4220 Кредит 5010

5. **4 -тестдаги тўғри бухгалтерия ёзуви балансдаги кайси ўзгариш типига киради?**

а) 1 –типга б) 2-типга в) 3-типга г) 4-типга

6. Куйидаги мураккаб ўтказма нечта оддий ўтказмадан иборат? Дебет 5010 Кредит 5110, 4010,4810,9020

а) Битта б) иккита

в) Тўртта г) учта

7.Куйидаги счетларнинг кайси бирида икки ёклама ёзув ишлатилмайди?

а) Аналитик счетларда б) Синтетик счетларда

в) Транзит счетларда г) Балансдан ташкари счетларда

2.4. Бахолаш ва калькуляция

Бухгалтерия хисобининг мухим тамойилларидан бири бўлиб, олдинги бобда айтиб ўтганимиздек, бахолаш хисобланади.

Бахолаш – бу корхона активларининг кийматини пулда ифодалаш усули.

Калькуляция –бу хўжалик активларининг сотиб олиш, ишлаб чикариш ва сотиш кийматларини хисоблаб топиш усули.

Корхона активларини бахолаш негизида куйидаги киймат турлари ётади:

1.Бошланғич киймат – бу активларни сотиб олиш, куриш, ишлаб чикариш ва бошка йўллар билан келиб тушган вактида шаклланган киймати. Ушбу киймат ўз ичига активларни сотиб олишга, куришга ва ишлаб чикаришга кетган харажатларни олади. Бепул келиб тушган активларнинг бошланғич киймати комиссия томонидан эксперт йўли билан топилади.

2.**Колдик киймат –** бу активларнинг бошланғич кийматидан фойдаланиш даврида жамланган эскириш суммасини чегиришдан кейин колган киймати.

3.**Соф сотиш киймати** - бу активнинг сифати, холати, шунингдек бозордаги талаб ва таклифдан келиб чикган холда шаклланган киймати. Ушбу киймат юкорида келтирилган киймат турларидан кам хам, кўп хам бўлиши мумкин.

Корхона активларининг алохида турларини бахолаш ва калькуляция килишда ўзига хос хусусиятлар мавжуд ва бунда турли усуллардан фойдаланилади. Улар тўғрисида кейинги бобларда тўхталамиз.

2.5.Хужжатлаштириш

Бухгалтерия хисобининг бошка хисоб турларидан яна битта фаркли хусусияти шундаки, унда акс эттирилган хўжалик операциялари катъий хужжатлаштирилган бўлади, яъни хисобда акс эттирилган маълумотлар хужжатли асосга эга бўлади. Бу ўз навбатида бухгалтерия хисоби маълумотларини мухимлилигини, ишонарлилигини, юридик кучга эга эканлигини таъминлайди. Шунинг учун хам хужжатлаштириш бухгалтерия хисобининг мухим усули хисобланади.

Хужжатлаштириш – бу хўжалик операцияларини маълум бир хужжатлар билан расмийлаштириш усули.

Хужжат – бу хўжалик операцияларини хакикатда юз берганлигига гувох берувчи ёки уларни келгусида юз беришига асос бўлувчи ёзма гувохнома. Масалан, товар-моддий бойликларни хакикатда сотилганлиги ёки олинганлигига счет-фактуралар, пулни кассага олинганлигига кирим касса ордери гувох хисобланади. Бошка бир хужжатлар хўжалик операцияларини келгусида юз беришига асос бўлади, масалан берилган ишончнома шу шахс томонидан бошка корхонадан товар-моддий бойликларни кабул килиб олишига, чек эса кассирга пулни банкдан накд олишга хукук беради.

Бухгалтерия хисобида жуда кўп турдаги хужжатлар ишлатилади. Уларни турли белгиларига караб таснифлаш мумкин (6-чизмага каранг).

Максадига кўра бухгалтерия хужжатлари гувохлик берувчи, фармойиш берувчи, фармойиш ва гувохлик берувчи, бухгалтерлик хисоб-китобларини акс эттирувчи турларга бўлинади.

Гувохлик берувчи хужжатлар деганда, юкорида айтиб ўтганимиздек, хўжалик операцияларини хакикатда юз берганлигига гувох берувчи хужжатлар тушунилади.

Фармойиш берувчи хужжатлар деганда у ёки бу харакатни келгусида амалга оширишга фармойиш берувчи хужжатлар тушунилади. Масалан, инвентаризация ўтказиш тўғрисида фармойиш, товарни олиб келуш учун берилган ишончнома ва шу кабилар.

Фармойиш ва гувохлик берувчи хужжатлар деганда бир вактнинг ўзида хўжалик операциясини амалга оширишга берилган фармойишни ифодаловчи, хам бу фармойиш асосида хакикатда юз берган хўжалик операциясига гувохлик берувчи хужжатлар тушунилади. Масалан, касса чиким ордери бир вактнинг ўзида пулни берилиши учун тузилган рахбариятнинг фармойишини, шунингдек шу фармойиш асосида пулни хакикатда кимгадир берилганлиги тўғрисида гувохлик берувчи хужжат хисобланади. Пул чеки хам худди шундай хужжат хисобланади.

Бухгалтерлик хисоб-китобларини акс эттирувчи хужжатлар деганда бевосита юз берган хўжалик операциясини акс эттирмайдиган, лекинда у ёки бу кўрсаткични, карзни топиш учун бухгалтер томонидан тузилган хужжатлар тушунилади. Бундай хужжатларга мисол килиб соликлар хисоб-китобларини, мажбурий ажратмалар хисоб-китобларини, амортизацияни аниклаш хисоб-китобларини келтириш мумкин.

Тузиш тартибига кўра бухгалтерия хисобида ишлатиладиган хужжатлар блшланғич ва йиғма хужжатларга бўлинади.

Бошланғич хужжатлар деб хўжалик операцияси содир бўлган вактда тузилган хужжатлар тушунилади. Барча гувохлик берувчи хужжатлар бошланғич хужжатлар хисобланади.

Йиғма хужжатлар деганда бошланғич хужжатлар асосида тузилган ва уларнинг маълумотларини маълум давр учун жамлаб берадиган хужжатлар тушунилади. Бундай хужжатларга моддий хисоботлар, аванс хисоботлари, товар-пул хисоботлари, банк кўчирмалари ва бошкалар киради.

Акс эттириш усулларига кўра бухгалтерия хужжатлари бир маротаба юз берган ва кўп маротаба юз берган операцияларни акс эттирадиган хужжатларга бўлинади.



***6-чизма*. Бухгалтерия хисобида қўлланиладиган хужжатларни таснифлаш асослари**

Йиғма хужжатлар деганда бошланғич хужжатлар асосида тузилган ва уларнинг маълумотларини маълум давр учун жамлаб берадиган хужжатлар тушунилади. Бундай хужжатларга моддий хисоботлар, аванс хисоботлари, товар-пул хисоботлари, банк кўчирмалари ва бошкалар киради.

Акс эттириш усулларига кўра бухгалтерия хужжатлари бир маротаба юз берган ва кўп маротаба юз берган операцияларни акс эттирадиган хужжатларга бўлинади.

Бир маротаба юз берган операцияларни акс эттирувчи хужжатлар деганда факат битта операцияни у юз берган вактда акс эттирувчи хужжатлар тушунилади, масалан, пулни кассага кирим килганда тузилган кирим касса ордери, товар жўнатилганда тузилган счёт- фактура ва шу каби хужжатлар.

Кўп маротаба юз берган операцияларни акс эттирувчи хужжатлар деганда бир хил мазмундаги ва кўп такрорланиб тутувчи хўжалик операцияларни маълум бир даврда (масалан хафта , ўн кунлик, бир ой ичида) битта хужжат билан расмийлаштирувчи хужжатлар тукунилади, масалан омбордан ишлаб чикаришга хар куни бериладиган материаллар бир хафта, ўн кун ёки бир ойга очилган битта забор листи билан расмийлаштирилиши мумкин. Бундай хужжатлар бошланғич хужжатлар сонини камайишига, уларни тузиш ва ишловига кетадиган вактни анчагина тежалишига олиб келади.

Тузилган жойига кўра хужжатлар ички ва ташки хужжатларга бўлинади.

Ички хужжатлар деб корхонанинг ўзида тузилган, **ташки хужжатлар** деб эса корхонага четдан келиб тушган хужжатлар тушунилади. Масалан, тайёр махсулотни жўнатишда тузилган счёт-фактура ички, материалларни таъминотчилардан келиб тушганлигини кўрсатувчи счёт-фактура эса ташки хужжат хисобланади.

Тузиш усулларига кўра бухгалтерия хужжатлари кўлда ва компьютерларда тузилган хужжатларга бўлинади.

Бухгалтерия хисобида кўлланиладиган хужжатлар шакл ва мазмунига кўра унификациялаштириш ва стандартлаштириш талабларига жавоб беришлари керак.

Хужжатларни унификациялаштириш деганда бир хил мазмундаги операцияларни барча корхоналарда ягона шакл ва мазмундаги хужжатлар билан расмийлаштирилиши тушунилади. Масалан, 1998 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида товар-моддий захираларни сотиш ва сотиб олиш операцияларини факатгина тасдикланган ягона шаклдаги счет –фактура билан расмийлаштириш тартиби кўлланилади. Худди шундай тартиб кассадаги ва банклардаги пул маблағлари ва бошка активларга доир операцияларни хужжатлаштиришда хам ишлатилади.

Хужжатларни стандартлаштириш деганда бир хил номдаги хужжатлар учун ягона размер ва шаклларни ўрнатилиши тушунилади. Юкорида айтилган счет-фактура ва бошка хужжатлар стандарт хужжатларга мисол бўла олади.

Бухгалтерия хисоби хужжати деб тан олиниши учун хужжат маълум талабларга жавоб бериши лозим. Бу талабларга куйидагилар киради:

1.Хужжат аник реквизитларга эга бўлишлиги ва бу реквизитлар тўлиғича кўрсатилган бўлишлиги керак. Бухгалтерия хисобида кўлланиладиган хужжатларнинг асосий реквизитларига куйидагилар киради:

- Хужжатнинг номи;
- Хужжатнинг тартиб раками
- Хужжатнинг тузиш санаси

- Операцияда катнашувчи томонларнинг номи, адреси, телефони, банк реквизитлари, солик тўловчи сифатидаги идентификацион раками (СТИР);
- Юз берган операциянинг мазмуни;
- Рахбар ва бош хисобчининг фамилияси, исми – шарифи;
- Операцияга асос бўлган хужжат (масалан, ишончноманинг номери ва санаси);
- Операцияда бевосита катнашган шахсларнинг фамилияси, исми- шарифи.

2.Хужжат имзоланган бўлиши керак (рахбар, бош хисобчи ва операцияларда катнашган бошка шахслар томонидан).

3.Хужжат корхонанинг мухри билан тасдикланган бўлиши керак.

4.Хужжат калам билан тузилмаган бўлиши керак;

5.Хужжатнинг барча нусхалари бир хил бўлиши лозим.

Ушбу талабларнинг биронтасига амал килинмай тузилган хужжат тўлик юридик кучга эга бўлмайди.

Бухгалтерия хисобида жуда кўп номдаги ва сондаги хужжатлар тузилади. Шунинг учун хужжатлар айланишини тўғри ташкил этиш, уларни белгиланган муддатларда корхонада саклаш ва давлат архивига белгиланган тартибларда топшириш ўта мухим хисобланади.

Ўз –ўзини синаш учун тестлар

1. Куйидагиларнинг кайси бири хужжатнинг мажбурий реквизитига кирмайди?

а) Номи
б) Раками
в) Баланс моддаси раками
г) Тузилган санаси

2. Хужжатлар айланишини тўғри ташкил этилганлигига ким жавобгар?

а) Бош бухгалтер б) Рахбар
в) Рахбар муовини г) Кассир

3.Тўлов талабномаси кайси гурух хужжатларга киради

а) Гувохлик берувчи хужжатларга б) Фармойиш берувчи хужжатларга
в) Бухгалтерлик хисоб-китобларини акс эттирувчи хужжатларга
г) Йиғма хужжатларга

2.6.Инвентаризация

Бухгалтерия хисобида унинг маълумотларини тўғрилигини, корхона активларини хакикий холатини, моддий жавобгар шахсларнинг ўз функцияларини сидкидилдан виждонан бажараётгалигини, мулкни талон-тарож килинмаганлигини билиш максадида **«инвентаризация»** номини олган усул ишлатилади.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хисоб объектларини инвентаризация килиш тартиби махсус 19- сон БХМС «Инвентаризацияни ташкил килиш ва

ўтказиш» билан регламентлаштирилган. Ушбу стандартга мувофик инвентаризациянинг куйидаги турлари мавжуд:

• **Режали инвентаризация** – бу корхонанинг моддий жавобгар шахсларни навбатдаги мехнат таътилига чикариш режасига кўра ўтказиладиган инвентаризация.

• **Режадан ташкари инвентаризация** – бу кўзда тутилмаган холларда, масалан фавкулотдаги ходисалар юз берганда (ўғрилик,тошкин ва шу каби ходисалар содир бўлганда) ўтказиладиган инвентаризация.

Инвентаризациянинг характерли хусусиятлари:

• Инвентаризация тўсатдан ўтказилади, яъни моддий жавобгар шахс уни ўтказилиши тўғрисида олдиндан хабар топмаслиги лозим.

• Инвентаризация рахбарнинг буйруғи ёки фармойиши билан тасдикланган доимий харакатдаги ва ишчи инвентаризация комиссиялари томонидан ўтказилади, ушбу комиссияга моддий жавобгар шахс албатта киритилади.

• Инвентаризация маълум муддатга ўтказилади, унинг бошланиш ва тугаш вакти буйрукда ёки фармойишда кўрсатилган бўлиши керак.

• Инвентаризацияни ўтказиш белгиланган тартибда ва усулларда амалга оширилади.

• Инвентаризация натижалари махсус санок ва таккошлаш далолатномалари билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг БХМС ларига мувофик корхона активларини режали инветаризация килишда куйидаги муддатлар белгиланган:

Инвентаризация объекти	***Инвентаризацияни ўтказиш муддатлари***	***Кайси БХМСга мувофик***
Асосий воситалар	Икки йилда бир марта йиллик хисобот олдидан	5- сон БХМС, 19-сон БХМС
Кутубхона фонди	Беш йилда бир марта	5- сон БХМС, 19-сон БХМС
Товар-моддий бойликлар (ёкилғи, озик – овкатлар, кимматбахо металлардан ташкари)	Йилига камида бир марта	4-сон БХМС, 19-сон БХМС
Ёкилғи, озик –овкатлар	Хар чоракда	4 –сон БХМС 19-сон БХМС
Кимматбахо металлар	Тармок йўрикномасига мувофик белгиланган муддатларда	Махсус йўрикнома
Пул маблағлари, Пулли эквивалентлар ва хужжатлар	Хар ойда бир марта	12- сон БХМС 19—сон БХМС
Хисоб-китоблар	Бир марта йиллик хисобот олдидан	19-сон БХМС

Инвентаризациянинг натижасида хисоб маълумотларидан четланишлар аникланиши мумкин. Бундай четланишлар бўлиб камомад ва ортикчалар хисобланади. Аникланган камомадлар нинг белгиланган меъёрлардан ташкариси моддий жавобгар шахслардан конун доирасида ўндирилиб олинади. Аникланган ортикчалар корхонанинг даромадига олинади.

Ўз –ўзини синаш учун тестлар

1. Бир йилда моддий жавобгар шахслар икки марта алмашди, бу уларнинг мехнат таътилига тааллукли эмас.Кандай инвентаризация тури ўтказилган?

а) Режали б) Режадан ташкари в) Фавкулотдаги г) Мажбурий

2. Инвентаризация олдидан омбор мудирига уни ўтказилиши тўғрисида бир кун олдин хабар топди. Инвентаризацияни ўтказишнинг кайси хусусияти бузилган?

а) Этика б) Тўсатдан ўтказилиши
в) Рахбарлик хусусияти г) Кариндошлик хусусияти

3.Аникланган ортикчани бухгалтер харажатларни камайтирилишига олиб борди. У бухгалтерия хисобининг кайси тамойилини бузди?

а) Хисоблаш тамойилини б) Консерватизм тамойилини
в) Бахолаш тамойилини г) Икки ёклама ёзиш тамойилини

4. 3-тестда келтирилган холатда ортикчани бухгалтер кандай счетга олиб бориши керак эди?

а) Харажатлар счетига б) Даромадлар счетига
в) Активлар счетига г) Мажбуриятлар счетига

2.7.Молиявий хисобот

Хўжалик юритувчи субъектларда хисоб жараёнининг охирги боскичи бўлиб хисобот хисобланади.

Хисобот – бу маълум даврдаги молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичларини пулда белгиланган шакл ва мазмунда ифодалаш усули.

Молиявий хисобот –бу корхона ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ўзида мужассамлаштирган хисобот шакллари мажмуаси.

Молиявий хисобот давлат ахамиятига молик бухгалтерия хужжатлари тизими хисобланади. Ўзбекистон Республикасида молиявий хисоботнинг турлари, таркиби, шакллари, тайёрланиши ва такдим этилиши Молия Вазирлиги томонидан белгиланган Коидалар ва Низомга мувофик амалга оширилади.

Ушбу хужжатларга асосан молиявий хисобот чораклик, ярим йиллик ва йиллик хисоботларга бўлинади. Уларда маълумотлар йил бошидан ўсиб бориш тартибида кўрсатилади ва мос равишда чораклик, ярим йиллик, тўккиз ойлик ва йиллик фаолият натижаларини кўрсатади.

Молиявий хисоботлар шаклларини тўлдириш Тартибига мувофик молиявий хисоботнинг таркиби хисобот даврлари бўйича ўз ичига куйидаги хисобот шаклларини олади:

Хисобот турлари	***Хисобот шакллари***
Йиллик	1. 1-сонли шакл «Бухгалтерия баланси» 2. 2-сонли шакл «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» 3. 3-сонли шакл «Асосий воситалар тўғрисида хисобот» 4. 4-сонли шакл « Пул окимлари тўғрисида хисобот» 5. 5-сонли шакл «Хусусий капитал тўғрисида хисобот» 6. 2а –сонли шакл « Дебиторлик ва кредиторлик карзлари тўғрисида маълумотнома» 7. 2б –сонли шакл « Корхонанинг молиявий –иктисодий холати тўғрисида маълумотнома»
Ярим йиллик	1.1-сонли шакл «Бухгалтерия баланси» 2.2-сонли шакл «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» 3.4-сонли « Пул окимлари тўғрисида хисобот» 4.2а –сонли шакл « Дебиторлик ва кредиторлик карзлари тўғрисида маълумотнома»
Чораклик	1.1-сонли шакл «Бухгалтерия баланси» 2.2-сонли шакл «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» 3..2а –сонли шакл « Дебиторлик ва кредиторлик карзлари тўғрисида маълумотнома»

Йиллик молиявий хисоботга куйидаги иловалар килинади:

- Молиявий-хўжалик фаолияти кўрсаткичларига таъсир килган омилларни ўзида баён этувчи тушунтириш хати ва хисоботнинг айрим моддалари бўйича тавсифли жадваллар;
- Молиявий хисобот бўйича олинган холис аудиторлик хулосаси
- Молиявий хисоботни кўриб чикиш якунлари ва соф фойдани таксимлаш бўйича карор;
- Келгуси йил учун хисоб сиёсати.

Кичик бизнес корхоналарида молиявий хисобот шакллари факат йил якуни бўйича тузилади.

Молиявий хисоботнинг барча шакллари уч кисмдан иборат бўлади:

- ***Титул кисми –*** унда хисоботнинг номи, корхонанинг номи, адреси, банк реквизитлари, турли белгилари бўйича берилган статистик кодлари кўрсатилади.
- ***Асосий кисм –*** унда хисоботи берилаётган хисоб объектига доир йиғма маълумотлар кўрсатилади.
- ***Расмийлаштириш кисми*** - унда корхона рахбари ва бош хисобчисининг фамилияси, исми-шарифи, хисобот тузилган сана кўрсатилади. Шунингдек ушбу кисмга маълумотларни тўғрилиги хамда рахбар ва бош хисобчининг имзоларини тасдиклашга гувохлик берувчи корхона мухри кўйилади.

Молиявий хисоботнинг реаллигига корхона рахбари жавоб беради.

Молиявий хисоботни тузишда хисобот санаси бўлиб хисобот даврининг энг охирги календар куни хисобланади.

Хисобот даври бўлиб куйидагилар хисобланади:

- Хисобот йилида тўлик янги ташкилий ўзгаришларсиз ишлаган корхоналар учун – *хисобот йилнинг 1 январидан шу йилнинг 31 декабр кунининг охиригача олинган давр***.**
- Хисобот йилида тузилган корхоналар учун **–** *ташкил топган кунидан хисобот йилнинг 31 декабр кунининг охиригача бўлган давр,* 1 октябрдан кейин ташкил топган корхоналар учун *–ташкил топган кундан бошлаб кейинги йилнинг 31 декабр кунининг охиригача бўлган давр.*
- Хисобот йилида ўз фаолиятини тугатган корхоналар учун *–хисобот йилнинг бошидан тугатилган кунгача бўлган давр.*

Молиявий хисоботда маълумотлар минг сум хисобида яхлитланган холда кўрсатилади. Унда тасдикланган Коидаларга мувофик маълумотларни ўчириш, бузиб тўғрилаш холлари бўлмаслиги шарт.

Молиявий хисобот куйидаги инстанцияларга мажбурий холда топширилади:

- Солик идорасига;
- Банкга;
- Статистика органига.

Юкори ташкилоти бўлган корхоналар молиявий хисоботини унга топширишлари лозим.

Молиявий хисоботлар тасдикланган Низомга мувофик юкорида номлари зикр этилган органларга куйидаги муддатларда топширилиши лозим:

- Чораклик хисоботлар *–чоракдан кейинги ойнинг 25 санасигача бўлган муддатда;*
- Йиллик хисоботлар – *кейинги йилнинг 15 февралигача бўлган муддатда,* кўшма корхоналар эса *–кейинги йилнинг 15 мартигача бўлган муддатда*.
- Вазирликлар *–кейинги йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда***.**

Молиявий хисоботнинг алохида шаклларини тузиш тартиби ва улардан фойдаланиш тўғрисида дарсликнинг кейинги алохида бобида тўхталиб ўтамиз.

Ўз –ўзини синаш учун тестлар

1.Куйидагиларнинг кайси бири моливий хисоботга кирмайди?

а) Баланс
б) Молиявий натижалар тўғрисида хисобот
в) Мехнат тўғрисида хисобот
г) Пул окимлари тўғрисида хисобот

2. Куйидагиларнинг кайси бири молиявий хисоботга киради?

а) Хусусий капитал тўғрисида хисобот
б) 5- мехнат шаклдаги хисобот
в) 1-савдо шаклдаги хисобот
г) Касса обороти тўғрисида хисобот

3.Молиявий хисобот куйидагиларнинг кайси бирига мажбурий холда такдим этилмайди?

а) Солик идорасига б) Прокуратурага
в) Банкга г) Статистика органига

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисида конуни. 1996 йил 30 августда кабул килинган.

2.Молиявий хисоботни тайёрлаш ва такдим этиш учун Концептуал асос. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 475.

3.БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 474.

4.БХМС № 19 «Инвентаризацияни ташкил килиш ва ўтказиш». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1999 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтган, № 833.

5..Молиявий хисобот шаклларини тўлдириш Тартиби. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2003 йил 24 январда рўйхатдан ўтган, № 1209.

6. Молиявий хисобот шаклларини тўлдириш Тартибига ўзгартишлар ва кўшимчалар. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2003 йил 22 июлда рўйхатдан ўтган, № 1117-2.

7.Чораклик ва йиллик молиявий хисоботларни такдим этиш тўғрисида Низом. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2000 йил 3 июлда рўйхатдан ўтган, № 942

8. Чораклик ва йиллик молиявий хисоботларни такдим этиш тўғрисида Низомга ўзгартиришлар ва кўшимчалар. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 22 июлда рўйхатдан ўтган, № 942-1.

9.Абдуллаев А. Каюмов И. Бухгалтерия хисоби. Т, «Минхож» нашриёти, 2002.

10.Бобожонов О. Молиявий хисоб. Т., «Шарк», 2000.

11. .Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий хисоб. Т., «Молия», 2002.

12.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия хисоби бўйича мустакил ўрганиш учун кўлланма.Т., Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2000.

13. Завалишина И.А. Бухгалтерский учет по новому. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент, 2003.

14.Иткин Ю.М. и др. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана. 1-том, Тошкент, 2000 г.

15.Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия хисоби, Т., Мехнат, 1999

2- БЎЛИМ.
КОРХОНАЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ

III- боб. Корхонанинг хисоб сиёсати

3.1. Корхона хисоб сиёсатининг мохияти ва асосий параметрлари

Бозор муносабатлари хар бир хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия хисобини юкори савияда, илмий асосланган холда, чунончи баркарор, маълум тамойилларга ва талабларга таянган холда юритишни такоза этмокда. Бу талабларга жавоб беришнинг мухим шарти бўлиб хар бир корхонанинг аник хисоб сиёсатига эга бўлишлиги хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг конунлари ва бошка меъёрий хужжатлари, жумладан, бухгалтерия хисоби тўғрисида Конун, Солик Кодекси, бухгалтерия хисобининг миллий стандартлари (БХМС) ва бошка меъёрий хужжатлари, хар бир корхона томонидан хисоб сиёсатини ишлаб чикишни, унга тўлик амал килишни такоза этади.

Ушбу меъерий хужжатларга, жумладан БХМС № 1 “Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот”нинг 3-пунктига мувофик, **хисоб сиёсати** деганда, ***корхона рахбари томонидан бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисоботни тузиш бўйича кабул килинган тамойиллар ва тартиблар мажмуаси*** тушунилади.

Хисоб сиёсати бухгалтерия хисобини юритиш бўйича корхонанинг ўзига хос режаси хисобланади. Бу режа, одатда, расмий хужжат сифатида расмийлаштирилади. У корхонанинг бош хисобчиси томонидан йилнинг охирида келгуси йил учун ишлаб чикилади ва корхона рахбари томонидан буйрук ёки фармойиш билан тасдикланади.

Хисоб сиёсати БХМС №1 нинг 56- пунктига мувофик таквим йили мабойнида доимий характерга эга бўлиши лозим. Уни йил ичида сабабсиз ўзгартириш мумкин эмас. БХМС № 1 нинг 56- пунктига мувофик тасдикланган ва фойдаланиётган хисоб сиёсати йил ичида кўйидаги холларда ўзгартирилиши мумкин:

- Корхонанинг статуси ва таркибий тузилиши ўзгартирилганда;
- Мулк эгалари ўзгарганда;
- Давлат конунлари ўзгарганда;
- Хисобнинг янги шакллари ва юритиш усуллари жорий этилганда.

Хисоб сиёсатига киритилган ўзгартиришлар асосланган бўлиши, шунингдек корхона рахбарининг буйруғи ёки фармойиши билан тасдикланган бўлиши лозим.

БХМС № 1 нинг 62-пунктига мувофик хисоб сиёсати расмий хужжат сифатида моливий хисобот билан биргаликда мажбурий тарзда кўйидаги ташкилотларга такдим этилади:

- Юкори ташкилотга;
- Солик идорасига;
- Давлат статистика органларига;
- Конунда кўзда тутилган бошка органларга.

Талаб ва сўровларга кўра хисоб сиёсати прокуратура, суд ва арбитражга, инвесторларга, акционерларга, кредиторларга, аудиторлик фирмаларига ва бошка кизикувчиларга хам такдим этилиши мумкин. Корхонанинг ўз ходимлари учун хисоб сиёсати очик бўлиши лозим.

Корхонанинг хисоб сиёсатидан хар бир кизикувчи ўз максадларида фойдаланадилар. Масалан, солик идораси учун ушбу хужжат корхонада соликлар хисоб-китобларини тўғрилигини текшириш, хисобни тўғри юритилганлигини назорат килиш максадида зарур. Аудиторлик фирмалари хисоб сиёсатини ўрганиш асосида уни тўғри тузилганлиги тўғрисида хулоса киладилар, шунингдек унга канчалик амал килинаётганлигига бахо берадилар. Инвесторлар, акционерлар, кредиторлар учун хисоб сиёсати ўз маблағларини ушбу корхонага кўйиш ёки кўймаслик бўйича карор кабул килишда асос бўлиб хисобланади.

Хисоб сиёсати расмий хужжат сифатида маълум шакл ва таркибга эга бўлиши керак. БХМС № 1 нинг 96-пунктига мувофик хисоб сиёсатида кўйидаги таркибий элементлар ўз аксини албатта топиши лозим:

- Корхона активларини бахолаш турлари ва усуллари;
- Амортизацияни хисоблаш усуллари;
- Резервларни ташкил килиш;
- Товар-моддий бойликларни бахолаш ва хисобга олиш усуллари;
- Тадкикот ва ривожланишга сарфланган харажатларни тан олиш ва хисобга олиш;
- Таннархни калкуляция килишнинг усуллари;
- Молиявий хисоботни консолидация килиш тартиби;
- Пул окимлари тўғрисида хисоботни тузиш усуллари;
- Бухгалтерия хисобининг ишчи счетлар режаси.

Хисоб сиёсатида юкорида келтирилган маълумотлар алохида боблар, параграфлар кўринишида ифодаланган бўлиши лозим. Корхонанинг молиявий хисоботини тузишда мухим ахамият касб этадиган бошка холлар ва тартиблар хам хисоб сиёсатида акс эттирилиши мумкин.

Корхонада ишлаб чикилган ва тасдикланган хисоб сиёсатига тўлик амал килиниши лозим. Бунинг учун корхонада тегишли шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак. Жумладан, ходимлар ўртасида бажариладиган ишлар аник таксимланган бўлиши керак. Бундай таксимотни бош хисобчи амалга оширади. У хар бир хисобчига юритиладиган бухгалтерия хисоби счетларини, хисоб регистрларини очиш, юритиш, ёпиш тартиблари ва муддатларини белгилаб беради.

Бош хисобчи корхонанинг бухгалтерияси, унинг бўлимлари тўғрисида Низомни ишлаб чикиши, уни рахбарият томонидан тасдикланишини таъминлаши керак. Низомда хар бир бўлим ходимининг лавозимига караб бажарадиган ишлари ва мажбуриятлари аник белгиланган бўлиши лозим.

Хисоб сиёсатига амал килишнинг мухим шартларидан бири бўлиб корхонада хужжатлар айланишининг аник графигини ишлаб чикилганлиги ва тасдикланганлиги хисобланади. Бундай графикларни жадвал ёки тармокли график кўринишида ифодалаш мумкин.

Хисоб сиёсатига амал килишнинг яна бир мухим шартларидан бири бўлиб хисоб ходимлари фаолиятига бахо бериш ёки рейтинг тизимини мавжудлиги хисобланади. Ишга бахо бериш ёки рейтинг тизимига амал килиш хисобчиларни рағбатлантириш (ютуклар учун), ёки уларга нисбатан жазо чораларини кўриш (хато-камчиликлар учун) оркали амалга оширилиши лозим. Хисобчилар ишига бахо бериш рейтинг тизимини мавжудлиги ва уни доимий тарзда хисобчилар ўртасида эълон килиб бориш бухгалтерия ишини доимий яхшиланиб боришига катта таъсир кўрсатиш воситаси хисобланади.

Хисоб сиёсатига амал килишнинг мухим шартларига яна доимий харакатдаги илмий–амалий семинарларни уюштиришни, хисобчиларнинг малакасини доимий тарзда ошириб боришни ва бошкаларни киритиш мумкин.

3..2. Бухгалтерия хисобининг ташкилий шакллари

Бухгалтерия хисоби тўғрисида Конунга мувофик (7-модда) корхонада бухгалтерия хисоби ва хисоботини ташкил этиш маъсулияти бевосита унинг рахбарига юклатилади.

Корхона рахбари, жумладан, кўйидагиларни таъминлаши лозим:

- Хисоб ва хисоботнинг ички тизимини ишлаб чикиш;
- Хўжалик операцияларини назорат килиш тартибини белгилаш;
- Бухгалтерия хисобини тўлик ва аник бўлишлиги;
- Хисоб хужжатларини бутлиги;
- Молиявий хисоботни ташки фойдаланувчилар учун тайерлаш;
- Хисоб-китобларни ўз вактида амалга ошиши ва такдим этилиши;
- Имзо чекиш хукукига эга шахсларни белгилаш;
- Корхона активларини инвентаризация килиш муддатларини ва комиссияларини белгилаш, уларни ўз вактида амалга ошишини назорат килиш.

Конуннинг 7-моддасига мувофик корхонада бухгалтерия хисобини ташкил килиш кўйидаги тўртта шакллардан бирида амалга ошиши мумкин.

1. *Бош бухгалтер рахбарлигидаги махсус бухгалтерияни ташкил этиш.*
2. *Шартнома асосида жалб этилган бухгалтерни хизматидан фойдаланиш.*
3. *Шартнома асосида бухгалтерия хисобини юритиш ваколатини махсус бухгалтерлик (аудиторлик) фирмасига ёки ўз бирлашмасининг марказий бухгалтериясига бериш.*
4. *Бухгалтерия хисобини рахбарнинг ўзи томонидан мустакил олиб бориш.*

Бухгалтерия хисобини ташкил килишнинг биринчи шакли ходимлар сони кўп бўлган, иш хажми катта бўлган корхоналарда (завод, фабрика, компания, ширкат хўжалиги, жамоа хўжалиги ва бошкалар) кўлланилади. Бу шаклда бухгалтерия хисобини корхонанинг махсус бўлинмаси, яъни бухгалтерия олиб боради.

Бухгалтерия – бу корхонанинг хисоб-китобларни юритувчи бўлими.

Бухгалтерия ўз ишини, одатда, рахбарият томонидан тасдикланган “Корхона бухгалтерияси тўғрисида Низом”га мувофик юритади. Ушбу низомда бухгалтериянинг максади, вазифалари, таркибий тузилиши, хар бир тузилманинг ва унинг лавозимли ходимларининг хукук ва функционал мажбуриятлари, жавобгарликлари кўрсатилади.

Бухгалтерия ишига рахбарликни бош бухгалтер олиб боради.

Бош бухгалтер – корхона рахбари томонидан хисоб хизматига рахбарликга тайинланган шахс.

Бош бухгалтернинг хукуклари, мажбуриятлари, жавобгарлиги Низомда алохида акс эттирилади. Бош бухгалтер корхона рахбаридан кейин хужжатларга имзо чекиш хукукига эга бўлган иккинчи шахс хисобланади. У рахбар билан бирга давлат конунлари олдида жавоб беради, хато ва камчиликлар учун маъмурий, молиявий ва жиноий жавобгарликга тортилади. Бухгалтериянинг таркибий

тузилиши, бухгалтерия ходимларининг иерархик бўйсиниши 7-чизмада келтирилган тартибда амалга оширилади.

Бухгалтерия хисобини ташкил килишнинг иккинчи шакли кичик бизнес корхоналарига (фирмалар, хусусий корхоналар ва бошкалар) тааллукли. Бу турдаги корхоналарда ходимлар сони кам, иш хажми катта бўлмаганлиги учун махсус бухгалтерия ташкил этилмайди, лекинда бухгалтерия хисобини юритиш учун алохида шахс (бухгалтер) билан мехнат шартномаси тузилади. Ушбу шартномага мувофик бухгалтер ишга асосий ходим сифатида ёки ўриндош сифатида буйрук асосида кабул килиниши мумкин. Ушбу шаклда бухгалтерия хисобини юритиш юклатилган бухгалтер бош бухгалтернинг хукуклари, мажбуриятлари ва жавобгарликларига эга бўлади.

Бухгалтерия хисобини ташкил килишнинг учинчи шакли кичик ва ўрта бизнес корхоналарига тааллукли бўлиб, улар ўзларида хисоб хизмати бўлимини тузмайдилар, бухгалтерия хисобини юритиш ваколати шартнома асосида махсус ихтисослашган бухгалтерлик (аудиторлик) фирмаларига ёки корхонанинг бирлашмаси кошидаги марказий бухгалтериясига берилган бўлади. Ушбу шаклда бухгалтерия хисоби маълумотларинг реаллигига шартнома асосида хар иккала томон белгилаб кўйилган тартибларга асосан жавоб берадилар.



7-чизма. **Корхона бухгалтериясининг тахминий таркибий тузилиши**

Бухгалтерия хисобини ташкил килишнинг тўртинчи шакли хусусий тадбиркорларга тааллукли бўлиб, улар конун бўйича хисоб-китобларини ўзлари мустакил олиб борадилар. Бу турдаги ххжалик юритувчиларда рахбар ва бош бухгалтер сифатида хужжатларга хусусий тадбиркорнинг ўзи имзо чекади. Хисоб ва хисоботнинг реаллиги учун Конун олдида якка тадбиркорнинг ўзи жавоб беради.

3.3. Корхонада хисоб маълумотларини йиғиш, кайд этиш ва жамлаш

Корхонада хисоб маълумотларини йиғиш, кайд этиш ва жамлаш хисоб сиёсатида акс эттирилган шакл ва регистрлар ёрдамида амалга оширилади.

Хисоб шакли – бу бухгалтерия хисоби маълумотларини кайд этиш, гурухлаш ва йиғишда кўлланиладиган регистрларнинг тизимли мажмуаси. Бухгалтерия хисоби амалиётида унинг **журнал –ордер, мемориал-ордер, китоб-журнал , бош журнал, компьютерлаштирилган , ихчамлаштирилган шакллари** мавжуд ва улар халк хўжалигининг турли тармок ва сохаларида кўлланилиб келинмокда.

Хисоб регистрлари – бу бухгалтерия хисоби маълумотларини кайд этиш, гурухлаш ва жамлашда ишлатиладиган ахборот ташувчилар. Амалиётда бухгалтерия хисоби маълумотларини кайд этиш, гурухлаш ва жамлашда кўлланилаётган ахборот ташувчиларни номи, шакли, максади, юритилиш тартиби ва бошка жихатларига караб куйидаги турларга ажратиш мумкин:

1.Китоблар –булар хўжалик операцияларини кайд этиш учун мўлжалланган хисоб варакаларини ўз ичига олган, муковаланган ва тикилган хисоб регистрлари. Уларга мисол этиб Касса китобини, Бош китобни, иш хаки хаки китобини, асосий воситалар хисоби китобини, келиб тушган юкларни кайд этиш китобини ва бошкаларни келтириш мумкин. Ушбу хисоб регистрларининг афсаллиги шундаки, улар у ёки бу маълумотларни бир неча хисобот даври учун ўзида мужассамлаштиради, бу маълумотларни йўколиб кетмаслигига, яхши сакланишига имкон беради. Шу билан бирга улар факат кўлда юритишга мўлжалланган, замонавий компьютерларнинг имконларидан бу китобларни айнан шу кўринишида учун фойдаланиб бўлмайди.

Бухгалтерия хисобида кўлланиладиган китоблар ичида мухим ролни Бош китоб ўйнайди. Ушбу китоб хисобот йилининг бошида очилади, унда хар бир счетга алохида варак ажратилади. Китобга ёзувлар ойма-ой уларга ажратилган каторларда кўрсатилади. Бош китобда счетларнинг дебет томони ёзувлари барча корреспонденцияланадиган кредит счетлар бўйича акс эттирилади, кредит томони ёзувлари жамланган холда кўрсатилади.

2.Журнал-ордерлар – бу маълумотларни счетларнинг кредити бўйича гурухланган холда кайд этишга мўлжалланган регистрлар. Айнан журнал-ордерлар Бош китобнинг кредитида жамланган холда кўрсатилган маълумотларни барча корреспонденцияланадиган дебет счетлар бўйича акс эттиради, яъни журнал-ордерлар Бош китобнинг тўлдирувчиси, давоми хисобланади. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия хисоби счетлари бўйича турли журнал –ордерларни юритиш кўзда тутилган, масалан 50 «Касса» счёти бўйича №1, 51 «Хисоб-китоб счети» бўйича № 2, 60 «Таъминотчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар» счети бўйича № 6, шунингдек бошка счетлар бўйича бошка журнал-ордерлар юритилади. Журнал-ордерлар бухгалтерия хисобини журнал-ордер шаклининг асосини ташкил этади.

3.Кайдномалар –бу счетларнинг дебети бўйича аналитик хисобни олиб боришга мўлжалланган регистрлар. Кайдномалар хам турли счётлар бўйича хар хил шакл ва мазмунда юритилади.

4.Мемориал-ордерлар - бу маълумотларни бир вактнинг ўзида счетларнинг хам дебети, хам кредити бўйича гурухланган холда кайд этишга мўлжалланган

регистрлар. Ушбу регистрлар бухгалтерия хисобини мемориал-ордер шаклининг асосини ташкил этади.



8-чизма. **Журнал-ордер шаклда хисоб маълумотларини жамлаш тартиби**



9-чизма.**Мемориал-ордер шаклда хисоб маълумотларини жамлаш тартиби**



10-чизма. **Ихчамлаштирилган шаклда хисоб маълумотларини жамлаш тартиби**



11- чизма. **Компьютерлаштирилган шаклда хисоб маълумотларини жамлаш тартиби**

5.Карточкалар - булар хўжалик операцияларини кайд этиш учун мўлжалланган ва алохида хисоб варакалари сифатида калин коғозга ёки картон коғозга типографик усулда маълум шаклда тайёрланган регистрлар. Уларга мисол этиб омбор хисоби карточкасини, ходимнинг шахсий счети карточкасини, автомобиллар иши хисоби карточкасини ва бошкаларни келтириш мумкин.

6.Машинограммалар - булар замонавий компьютерларда тегишли алгоритмлар ва дастурлар асосида шаклланган аналитик ва синтетик хисоб, шунингдек молиявий хисобот регистрлари. Машинограммалар бухгалтерия хисобининг компьютерлаштирилган шаклини асосини ташкил этади.

Турли хисоб регистрларига асосланган бухгалтерия хисобининг турли шаклида маълумотларни йиғиш, кайд этиш, гурухлаш ва жамлаш ўзига хос хусусиятларга эга (8,9,10,11- чизмаларга каранг). Шунинг билан бирга барча хисоб шаклларида маълумотларни йиғиш, кайд этиш ва жамлаш куйидаги умумий кетма кетликда амалга оширилади :

1.Барча юз берган ва тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилган хўжалик операциялари счетларга очилган аналитик ва синтетик хисоб регистрларида (хисоботлар, кайдномалар, журнал-ордерлар, мемориал -ордерлар) хронолигик тарзда кайд этилади. Кўп марталаб юз берадиган операциялар дастлаб жамловчи кайдномаларга ўтказилади, уларнинг жамланган маълумотлари эса ой охирида журнал-ордерларга (мемориал-ордерларга, аналитик хисоб машинограммаларига) ўтказилади.

2.Журнал-ордерлар, мемориал-ордерлар, аналитик хисоб машинограммалари, кайдномаларнинг йиғма маълумотлари Бош китобга ўтказилади.

3.Бош китоб маълумотлари асосида бухгалтерия баланси ва молиявий хисоботнинг бошка шакллари тузилади.

Кичик тадбиркорлик субъектларига бухгалтерия хисобини юритишда соддалаштирилган шаклни кўллаш рухсат этилган. Ўзбекистон Республикасида ушбу хисоб шаклининг регистрлари, уларни тузиш тартиби 20-сон БХМС билан белгиланган. Бошка турдаги корхоналар бухгалтерия хисобини ўзларининг хисоб сиёсатларида кўрсатилган шаклда олиб борадилар.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1. Хисоб сиёсати-бу

а) Давлатнинг кўрсатмалари.
б) Корхона рахбари томонидан хисобни юритиш бўйича танлаган тартиб-коидалар мажмуаси.
в) Бош бухгалтер томонидан хисобни юритиш бўйича танлаган тартиб-коидалар мажмуаси.
г) Юкори ташкилот томонидан хисобни юритиш бўйича танлаган тартиб-коидалар мажмуаси.

2. Хисоб сиёсатини ишлаб чикишга асос бўлувчи меъёрий хужжатлар

а) Корхона рахбари буйруклари.
б) Конунлар, стандартлар, йўрикномалар.
в) Кузатиш кенгаши карори.
г) Юкори ташкилот кўрсатмаси.

3. Кўйидагиларнинг кайси бирига хисоб сиёсати мажбурий тарзда берилади?

а) Прокуратурага. б) Аудиторлик фирмасига.
в) Солик идорасига. г) Акционерларга.

4. Хисоб сиёсатига ўзгартириш киритилади, агарда

а) Хисобни юритиш усуллари ўзгарган бўлса.
б) Кассир алмашган бўлса.
в) Ўғирлик содир этилган бўлса.
г) Солик хисоб-китобида яшириш аниклганда.

5. Корхонада бухгалтерия хисобини юритиш шаклини ким белгилайди ?

а) Молия Вазирлиги б) Солик идораси
в) Юкори ташкилот г) Корхона рахбари

6. Хусусий тадбиркор бухгалтерия хисобини ташкил этади

а) Бухгалтер олиш йўли билан
б) Аудиторлик фирмаси билан шартнома асосида
в) Мустакил ўзи
г) Махсус бухгалтерия бўлимини тузиш йўли билан

7. Аудиторлик фирмаси корхонанинг бухгалтерия хисобини юритиш ваколотини шартнома асосида олган. Бунда хисоб маълумотларининг нореаллигига жавоб беради:

а) аудитор
б) аудиторлик фирмаси директори
в) корхона рахбари
г) таъсисчилар

8. Бош бухгалтер буйсинади

а) Корхона рахбарига
б) Таъсисчиларга
в) Акционерларга
г) Юкори ташкилотга

9. Кичик бизнес корхоналарида бухгалтерия хисобини юритиш учун

а) Бухгалтерия ташкил этилади
б) Хисоб бўлими очилади
в) Бухгалтер шартномага асосан ишга олинади
г) Хеч хам бухгалтер шарт бўлмайди

10. Бухгалтерия хисобида хисоб шакли регистрларни белгилайдими ёки регистрлар хисоб шаклини белгилайдими?

а) Регистрлар хисоб шаклини белгилайди
б) Хисоб шакли регистрларни белгилайди
в) Бир –бирини белгиламайди
г) Тўғри жавоб йўк.

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисида конуни. 1996 йил 30 августда кабул килинган.

2.Молиявий хисоботни тайёрлаш ва такдим этиш учун Концептуал асос. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 475.

3.БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 474.

4.БХМС № 20 «Кичик тадбиркорлик субъектларида хисобни ихчамлаштирилган тарзда юритиш ва молиявий хисоботни тузиш тартиби тўғрисида». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2000 йил 24 январда рўйхатдан ўтган, № 879.

5.Абдуллаев А. Каюмов И. Бухгалтерия хисоби. Т, «Минхож» нашриёти, 2002.

6. Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия хисоби, Т., Мехнат, 1999

7.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия хисоби бўйича мустакил ўрганиш учун кўлланма.Т., Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2000.

IY-боб. УЗОК МУДДАТЛИ АКТИВЛАРНИНГ ХИСОБИ

4.1. Асосий воситаларнинг хисоби

4.1.1. Асосий воситаларнинг мохияти, таснифи, бахоланиши ва улар хисобининг вазифалари

Асосий воситалар - *бу корхоналар томонидан хўжалик фаолиятини юритишда узок муддат давомида махсулотларни ишлаб чикариш, ишларни бажариш ёки хизматларни ккрсатиш, шунингдек маъмурий ва ижтимоий – маданий функцияларни бажариш учун ишлатиладиган моддий активлар (*БХМС № 5, 3а-банд).

БХМС № 5 га мувофик (6-банд) моддий активларни асосий воситалар сифатида тан олиш учун улар юкоридаги таърифда келтирилган мезонлардан ташкари яна кўйидаги шартларга хам жавоб бериши лозим:

- Хизмат муддати даврида корхонага даромад келтириш кафиллигини мавжудлиги.
- Кийматини аник белгилашни мумкинлиги.

Моддий активларни асосий воситалар таркибига киритишда уларни фойдали хизмат муддатини белгилаш мухим рол ўйнайди.

Фойдали хизмат муддати - деганда асосий воситанинг корхона томонидан белгиланган фойдаланиш муддати тушунилади. Бу муддат йилларда ёки ойларда ифодаланиб, унинг фойдалилиги ишлаб чикилган махсулот (бажарилган иш, хизмат) хажми билан ўлчанади. Фойдали хизмат муддати давомида асосий воситалар ўзларининг кийматини тўлик коплашлари ва корхонага кўшимча даромад келтиришлари лозим. Фойдали хизмат муддати, одатда, асосий воситанинг техник хужжатларида кўрсатилган бўлади. Бундай хужжатлар мавжуд бўлмаганда асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати кабул килиш комиссияси томонидан ёки корхона рахбари буйруғи билан тасдикланган хисоб сиёсатида аник белгиланиши керак.

Асосий воситалар корхоналарнинг моддий техника базасини ташкил этувчи мехнат куроллари ва воситаларини ўз ичига олади. Уларга куйидагилар киради:

1.Бинолар – цех, омбор, лаборатория, идора, гараж, ўт ўчириш депоси ва шу каби мехнат шароитини яратиб берувчи, товар-моддий бойликлар бутлигини таъминловчи объектлар. Бинолар таркибига уларни нормал эксплуатация килиш учун зарур бўлган барча коммуникациялар, яъни иситиш, вентиляция, сув ва газ таъминоти, лифт, ёнғинга карши ва сигнализация курилмалари, телефон алокаси симлари тизимлари хам киритилади.

2.Иншоатлар – очик айвонлар, деворлар, сув миноралари, темир йўл шахобчалари, насос станциялар, каналлар, сув хавзалари, асфальтланган йўллар ва йўлкалар.

3.Узатиш курилмалари – электр линиялар, газ, сув, буғ ўтказувчи кувурлар ва бошкалар.

4.Машина ва ускуналар – иссиклик ва электр энергиясини ишлаб чикарувчи генераторлар, двигател ва трансформаторлар, станоклар, иссиклик печлари, тикув,

йиғув, дазмоллаш, саралаш машиналари, кранлар, компрессорлар, ўлчов тарозилари.

5.Хисоблаш техникаси – компьютерлар ва уларга ўрнатиладиган периферия курилмалари (принтер, сканер , модем ва бошкалар).

6.Транспорт воситалари – юк ва одам ташувчи автомашиналар, вагонлар, паровозлар, тепловозлар, пароходлар, трамвайлар, троллейбуслар, автобуслар, прицеплар, самолет ва вертолетлар, шунингдек магистрал трубопроводлар.

7.Ускуналар – прессловчи, кисувчи ва бошка технологик функцияларни бажарувчи асбоб- ускуналар.

8.Ишлаб чикариш ва хўжалик инвентарлари- иш столлари, дастгохлар, баклар, сандиклар ва бошкалар.

9.Офис мебели ва жихозлари – шкафлар, стол ва стуллар комплекти, доскалар, сейфлар, ёзув машинкалари, факс, нусха кўчириш аппаратлари, уяли алока воситалари ва бошкалар

10.Ишчи ва наслдор хайвонлар – отлар, туялар, хўкизлар, сигирлар, бўкалар, кўйлар, эчкилар, чўчкалар ва бошка ишчи сифатида ишлатиладиган ва насл берадиган хайвонлар.

11.Кўп йиллик ўсимликлар – боғлар, ўрмонлар ва бошкалар

12.Кутубхона фонди – бадиий-адабий, техник , иктисодий ва бошка турдаги адабиётлар (китоблар).

13.Ерни ва бошка асосий воситаларни ободонлаштиришга сарфланган маблағлар – ер участкаларини кадастрини тузиш, шудгорлаш, ерни ювиш, кўкаламзорлаштириш, решёткалар ўрнатиш, сув хавза ва омборларини тозалаш ва бошка ишларга сарфланган капитал куйилмалар

14.Бошкалар - юкоридаги гурухларга кирмай колган асосий воситалар – музей ва зоопарк экспонатлари, лизингга олинган асосий воситаларга килинган капитал сарфлар, турли намуналар ва бошкалар.

Кабул килинган тартибга мувофик айрим мехнат куроллари ва воситалари асосий воситаларга киритилмайди, жумладан :

- Хизмат муддати 1 йилдан кам бўлган мехнат куроллари ва воситалари уларнинг кийматидан катъий назар;
- Ёш моллар, асалари уялари, тажрибадаги моллар;
- Махсус кийимлар, пойафзал, кўрпа– ёстиклар кийматидан катъий назар (мехмонхоналар бундан мустасно);
- Муншийхона буюмлари (калькуляторлар, стол усти приборлари ва бошкалар)
- Кўчатхоналарда экиш учун ўстирилаётган кўчатлар;
- Балик овлаш куроллари хизмат муддати ва кийматидан катъий назар.

Асосий воситаларни таснифлаш. Корхона ва ташкилотларнинг асосий воситаларини турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин

Ишлаб чикаришда катнашишига кўра корхоналарнинг асосий воситалари ишлаб чикариш ва ноишлаб чикариш сохасидаги асосий воситаларга бўлинади.

Ишлаб чикариш сохасидаги асосий воситаларга бевосита ишлаб чикаришга доир бўлган моддий активлар, масалан цехларнинг бинолари, иншоотлар, станоклар, жихозлар, транспорт воситалари, ишчи хайвонлар ва бошкалар киради.

Ноишлаб чикариш сохасидаги асосий воситаларга бошкарув аппаратига доир, шунингдек корхонанинг ижтимоий-маданий, маиший, соғликни саклаш, коммунал максадларда фойдаланиладиган моддий активлари киради.

Амортизация килинишига караб корхоналарнинг асосий воситалари амартизация хисобланадиган ва амартизация хисобланмайдиган турларга бўлинади.

Кўйидаги асосий воситаларга амортизация хисобланмайди:

- Кутубхона фондига.
- Кўп йиллик ўсимликларга.
- Ишчи ва наслдор хайвонларга.
- Консервация килинган асосий воситаларга.

Колган асосий воситаларга амортизация хисобланади. Солик Кодексига мувофик (23- модда) асосий воситалар амортизация меъёрлари бўйича кўйидаги бешта гурухга бўлинади.

Ўзбекистон Республикасида асосий фондлар бўйича амортизация меъёрлари

№	Асосий воситаларнинг турлари	Амортизация меъёри, %
1.	Енгил автомобиллар, такси, йўлда ишлатиш учун автотрактор техникаси, махсус инструментлар, инвентарлар. Компьютерлар, периферия курилмалари ва маълумотларни ишлови бўйича жихозлар.	20
2.	Юк ташиш автомобиллари, автобуслар, махсус автомобил ва прицеплар. Саноатнинг барча тармоклари учун машина ва жихозлар, курилиш жихозлари, кишлок хўжалиги техника ва жихозлари. Офис учун мебел.	15
3.	Темир йўл, денгиз, дарё ва хаво транспорт воситалари. Иссиклик техникаси жихозлари, труба жихозлар, электродвигателлар ва дизель-генераторлар. Электр куввати ва алока курилмалари. Трубопроводлар.	8
4.	Бинолар, иншоатлар ва курилмалар.	5
5.	Юкоридаги гурухларга кирмайдиган амортизацияланадиган активлар.	10

Соликга муносабатига кўра асосий воситалар мол-мулк солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган гурухларга бўлинади. Солик Кодексининг 92-моддасига мувофик кўйидаги турдаги корхона ва ташкилотларнинг асосий воситалар мол-мулк солиғига тортилмайди.

Мол- мулк солиғидан озод килинган корхона ва ташкилотлар

№	***Корхоналарнинг турлари***
1	Нотижорат ташкилотлар (тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулк бундан мустасно).

2	Халк таълими ва маданият муассасалари.
3	Уй-жой коммунал хўжалиги ва бошка умумфукаровий ахамиятга молик шахар хўжалиги.
4	Кишлок хўжалик ва чорвачилик махсулотлари етиштирувчи, уларнинг селекцияси ва саклаши, балик етиштирувчи, овлаш ва уни кайта ишлаш корхоналари.
5	Устав капиталида чет эл сармоясининг улуши камида 500 минг АКШ долларини ташкил этадиган юридик шахслар.
6	Самарканд, Бухоро, Хива, Тошкент шахарларида янги ташкил этилган туризм фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар ташкил этилган санадан бошлаб дастлабки фойда олгунига кадар, лекинда рўйхатдан ўтган санадан бошлаб уч йилдан ортик бўлмаган муддатга (имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунига кадар бу корхоналар ёпилса, у холда улар солик суммасини бутун фаолияти даври учун тўлик микдорда тўлайдилар).
7	«Соғлом авлод учун» Халкаро хайрия жамғармаси, Кизил Ярим Ой жамияти, «Нуроний» жамғармаси тасарруфидаги корхоналар (агар солик суммаси ушбу фондларнинг устав максад ва вазифаларини бажаришга йўналтирилган бўлса).
8	Янги ташкил этилган юридик шахслар рўйхатдан ўтган санадан сўнг 2 йил мобайнида.

Кодекснинг шу моддасига мувофик кўйидаги асосий воситалар солик солиш базасидан чегириб ташланади.

Солик солиш базасидан киймати чегириб ташланадиган асосий воситалар

№	**Асосий воситаларнинг турлари**
1	Солик тўловчининг балансида турган уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соха объектлари.
2	Табиатни мухофаза килиш, санитария-тозалаш максадларида ва ёнғинга карши хавфсизлик учун фойдаланиладиган объектлар.
3	Кишлок хўжалик махсулотларини етиштириш, саклаш ва уларнинг селекцияси, балик етиштириш, овлаш ва уни кайта ишлаш учун фойдаланиладиган объектлар.
4	Махсулот ўтказгичлар, алока йўллари (шу жумладан автомобиль йўллари), алока ва энергия узатиш линияларининг, шунингдек уларни фойдаланишга ярокли холда саклаб туриш максадида курилган иншоотлар.
5	Алока йўлдошлари.
6	Вазирлар Махкамаси карорига асосан консервация килинган асосий воситалар.
7	Шахар йўловчилар транспорти (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташкари), шахар атрофидаги йўналишларда йўловчиларни ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль транспортлари (такси, йўналишли таксидан ташкари).
8	Йўл хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг йўлларни таъмирлаш ва саклаш ишларида банд бўлган транспорт воситалари.
9	Давлат дастурлари бўйича Ў.Р. Куролли Кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситалари.

Эгалик килиш хукукига кўра асосий воситалар хусусий ва жорий ижарага олинган асосий воситаларга бўлинади.

Хусусий асосий воситалар – бу корхона балансига киритилган ўз асосий воситалари ва узок муддатга ижарага олинган (лизингга олинган) асосий воситалар.

Жорий ижарага олинган асосий воситалар – бу ўзга корхоналардан вактинчалик (бир йилгача) пул тўлаш шарти билан ижарага фойдаланиб туриш учун олинган асосий воситалар.

Узок муддатга ижарага олинган асосий воситалар – бу бир йилдан кўп муддатга шартнома асосида бошка корхоналардан ижарага олинган асосий воситалар.

Асосий воситаларни бахолаш. БХМС № 5 асосий воситаларни бахолашда кўйидаги киймат турларидан фойдаланишни кузда тутади.

Бошланғич киймат – бу асосий воситаларнинг хисоб киймати бўлиб, ўз ичига сотиб олиш бахоси, шунингдек ташиб келтириш, ўрнатиш, монтаж, ўргатиш, сафар, божхона харажатларини ва кўшилган киймат солиғини олади. Асосий воситалар ушбу киймати бўйича корхонада бутун хизмат муддати даврида хисобда туради.

Тикланган киймат – бу асосий воситаларнинг кайта бахолаш, кенгайтириш, реконструкция ва модернизация килингандан кейинги киймати. Бу киймат вактинчалик бўлиб, кўшимча килинган харажатлар ва кайта бахолаш натижаси асосий воситалар кийматига киритилгач бошланғич киймат бўлиб колаверади.

Колдик киймат – бу асосий воситаларнинг бошланғич киймати ва жамланган эскириш суммаси ўртасидаги фарки. Бу кийматни **баланс киймати** хам деб атайдилар, чунки айнан шу кийматда асосий воситалар корхонанинг балансида акс эттирилади.

Сотиш киймати – бу асосий воситаларнинг сотиш вактида сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида келишилган шартномавий киймат.

Асосий воситалар бўйича бухгалтерия хисобининг асосий вазифалари бўлиб куйидагилар хисобланади:

- Асосий воситалар холати ва харакатини тўғри, ўз вактида тегишли бошланғич хужжатлар билан расмийлаштириш ва хисобга олиш;
- Асосий воситалар амортизацияси (эскириши) ни белгиланган усул ва меъёрлар бўйича тўғри хисоблаш;
- Асосий воситаларни Солик Кодексига мувофик соликга тортилишини таъминлаш;
- Асосий воситаларнинг бутлигини таъминлаш, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда кайта рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация килиш), унинг натижаларини тўғри аниклаш ва хисобга олиш;
- Мавжуд асосий воситалардан унумли фойдаланиш, бунинг учун уларни ишсиз туриб колишларига йўл кўймаслик, кераксиз асосий воситаларни ижарага бериш, ликвидация килиш, бепул бериш ёки сотиш натижаларини тўғри хисобга олиш;
- Асосий воситаларга килинган кўшимча харажатларни (капитал куйилмаларни, жорий ва капитал таъмирлаш харажатларини) тўғри хисобга олиш,

уларни ўз вактида максадига караб асосий воситаларнинг кийматига ёки корхона харажатларига киритиш;

- Асосий воситалар бўйича лизинг операцияларини тўғри расмийлаштириш ва хисобга олиш;
- Асосий воситалар холати ва харакати тўғрисидаги хисоботни тўғри тузиш ва тегишли органларга ўз вактида такдим этиш.

Асосий воситалар хисобини юритишга мўлжалланган счетлар тизими. 2002 йил 1 январдан жорий этилаётган счётлар режасида асосий воситалар хисобини юритиш учун актив бўлган № 0100 «Асосий воситалар хисоби счётлари» ва контрактив бўлган № 0200 «Асосий воситаларнинг эскириши хисоби счётлари» тизимлари кўзда тутилган. Ушбу тизимлар ўз ичига кўйидаги счётларни олади.

Асосий воситалар хисоби учун мўлжалланган счетлар тизими

	Актив счетлар		**Контрактив счетлар**
0110	Ер	0211	Ерни ободонлаштиришнинг эскириши
0111	Ерни ободонлаштириш	0212	Лизинг бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш-нинг эскириши
0112	Лизинг бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш	0220	Бино, иншоатлар ва узатгич мосламаларнинг эскириши
0120	Бино, иншоатлар ва узатгич мосламалар	0230	Машина ва ускуналарнинг эскириши
0130	Машина ва ускуналар	0240	Мебел ва офис жихозларининг эскириши
0140	Мебел ва офис жихозлари	0250	Компьютер ускунаси ва хисоблаш техникасининг эскириши
0150	Компьютер ускунаси ва хисоблаш техникаси	0260	Транспорт воситаларининг эскириши
0160	Транспорт воситалари	0270	Ишчи хайвонларнинг эскириши
0170	Ишчи ва махсулдор хайвонлар	0280	Кўп йиллик ўсимликларнинг эскириши
0180	Кўп йиллик ўсимликлар	0290	Бошка асосий воситаларнинг эскириши
0190	Бошка асосий воситалар	0299	Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши
0199	Консервациядаги асосий воситалар		

Асосий воситаларнинг суммовий аналитик хисоби корреспонденцияланадиган счётлар бўйича 13-журнал-ордерда , соний- суммовий аналитик хисоби эса моддий жавобгар шахслар бўйича хар бир инвентар объектнинг коди (тартиб номери) бўйича карточкаларда ёки китобда (ОС-7 шакл «Асосий воситаларни хисобга

олиш инвентар карточкаси», ОС-9 «Асосий воситаларнинг инвентар рўйхати») юритилади. Ушбу карточка ва китоблар асосий восита келиб тушганда очилади ва уларнинг бутун фойдали хизмат муддати даври давомида сакланади.

4.1.2. Асосий воситаларни кўпайишининг хисоби.

Асосий воситалар янги капитал инвестицияларни киритиш, уларни бепул келиб тушиши, таъсис бадали сифатида кирим килиниши эвазига кўпайиши, шунингдек уларнинг бошланғич киймати кайта бахолаш хисобидан ошиши мумкин.

Капитал инвестициялар – бу янги объектларни куришга, эски объектларни кенгайтириш, реконструкция ва модернизация килишга, шунингдек янги асосий воситаларни сотиб олишга сарфланган маблағлар мажмуаси. Ўзбек тили луғатида бу сўзнинг «капитал кўйилмалар» номли синоними хам мавжуд.

Халкаро стандартларда ва Ўзбекистон Республикасининг миллий стандартларида (БХМС № 5, 17) бу характердаги харажатлар асосий воситаларнинг бошланғич кийматини кўпайтирадиган харажатлар деб тан олинади.

Капитал инвестициялар характерига кўра ички инвестиция хисобланади, улар бевосита корхонанинг кудратини оширишга йўналтирилган маблағлардир.

Капитал инвестициялар икки усулда амалга оширилиши мумкин: пудрат усулида ва хўжалик усулида.

Пудрат усулидаги капитал инвестициялар 17 – сон БХМС «Капитал курилишга доир пудрат шартномалари» га мувофик пудратчи, яъни куриб берувчи, ва буюртмачи ўртасида тузиладиган пудрат шартномаси асосида амалга оширилади. Пудратчи шартномага мувофик янги объектни куриш, мавжуд объектларни кенгайтириш, реконструкция ёки модернизация килиш каби ишларни бажаради. Буюртмачи эса шартномада кўрсатилган бажарилган ишлар учун пудратчига хак тўлайди. Бажарилган ишлар боскичма–боскич ёки тўлиғича комиссия томонидан кабул килиниши мумкин. Боскичма-боскич усулда пудратчи ишнинг тугатилган кисмини кабул килиш-топшириш далолатномаларига асосан буюртмачига топширади. Тўлиғича усулда шартномада кўрсатилган иш тўлиғича бажарилгандан сўнг кабул килиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Биринчи усулда буюртмачи учун ишнинг кабул килинган боскичи киймати, иккинчи усулда эса тўлиғича кабул килинган иш киймати капитал инвестиция суммасини ташкил этади.

Хўжалик усулидаги капитал инвестициялар корхонанинг ўз кучи билан амалга оширилган янги курилиш, кенгайтириш, реконструкция ёки модернизация ишларининг кийматидан ташкил топади. Бу усулда барча ишлар корхонанинг махсус балансга ажратилмаган курилиш гурухи ёки бўлими томонидан тасдикланган лойиха ва харажат сметаларига мувофик амалга оширилади. Бажарилган иш худди пудрат усулидагидек боскичма-боскич ёки тўлиғича комиссия томонидан кабул килинади ва тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилган капитал инвестицияларнинг хисоби счётлар режасида кўзда тутилган № 0800 «Капитал кўйилмалар хисоби

счётлари» ёрдамида хисобга олинади. 21-сон БХМСда асосий воситаларга доир капитал инвестицияларни хисобга олиш учун кўйидаги счётлар кўзда тутилган:

- 0810 «Тугалланмаган курилиш»
- 0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш»
- 0840 «Асосий подани шакллантириш»
- 0890 «Бошка капитал кўйилмалар»

0810 «Тугалланмаган курилиш» счёти пудрат ва хўжалик усулларида олиб борилган янги курилишга сарфланган капитал инвестицияларнинг хисоби учун мўлжалланган. Унинг дебетида сарфланган капитал кўйилмалар тўғрисида маълумотлар жамланади, кредитида эса капитал инвестиция суммасини асосий воситаларнинг бошланғич кийматига киритилиши акс эттирилади. Счётнинг колдиғи факат дебет томонида бўлиб, у тугалланмаган курилишга тўғри келадиган капитал кўйилмалар суммасини кўрсатади.

0820 «Асосий воситаларни сотиб олиш» счёти корхонанинг янги асосий воситаларни сотиб олишга йўналтирган капитал инвестицияларини хисобга олишга мўлжалланган. Ушбу счётнинг дебетида таъминотчидан кабул килинган асосий воситанинг киймати, шунингдек уни ташиб келтириш, ўрнатиш, монтаж килиш ва бошка харажатлари акс эттирилади, кредитида эса счётнинг дебетида тўпланган суммани асосий воситаларнинг бошланғич кийматига киритилиши кўрсатилади. Дебет ва кредит оборотлари суммалари тенг бўлганлиги учун бу счёт сальдога эга бўлмайди.

0840 «Асосий подани шакллантириш» счёти ишчи ва махсулдор хайвонлари мавжуд хўжаликларда ишлатилади. Ушбу счётнинг дебетида ўстиришдаги ва бокувдаги хайвонларни асосий ишчи ва наслдор хайвонларга ўтказишга кетган капитал инвестициялар, шунингдек ишчи ва махсулдор хайвонларни сотиб олишга доир капитал инвестициялар, бепул олинган ишчи ва наслдор хайвонларни ташиб келтириш харажатлари жамланади. Ёш ўстиришдаги ва бокувдаги хайвонларни асосий подага ўтказиш билан бу турдаги капитал инвестициялар ишчи ва махсулдор хайвонларнинг (счет № 0170) бошланғич кийматига киритилади.

0890 «Бошка капитал кўйилмалар» счётида юкоридаги счётларга киритилмаган капитал инвестициялар, жумладан асосий воситаларни кенгайтиришга, реконструкция ва модернизациясига сарфланган капитал кўйилмалар хисобга олинади. Бу характердаги кўйилмаларнинг суммалари кенгайтириш, реконструкция ва модернизация килиш далолатномалари асосида харакатда бўлиб келган асосий воситаларнинг бошланғич кийматига киритилади.

Асосий воситаларни бепул олишнинг хисоби. Асосий воситалар юкори ташкилотдан, бошка юридик ва жисмоний шахслардан бепул келиб тушиши хам мумкин. Бундай асосий воситалар шартномалар, счёт-фактуралар, кабул килиш-топшириш далолатномалари асосида кабул килинади. Ушбу хужжатлар асосида бепул олинган асосий воситаларга кўйидаги бухгалтерия ёзуви килинади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счётлари»

Кредит 8530 «Кайтариб бермаслик шарти билан олинган мол-мулк»

Бепул берилган асосий воситаларни ташиб келтириш харажатлари уларнинг бошланғич кийматига киритилади ва бу хисобда кўйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Дебет 0890 «Бошка капитал кўйилмалар»
Кредит 6990 «Бошка мажбуриятлар»

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счетлари»
Кредит 0890 «Бошка капитал кўйилмалар»

Асосий воситаларни таъсис бадали сифатида кирим килишнинг хисоби. Таъсис хужжатлари (устав, таъсис шартномаси) га асосан таъсисчилардан кабул килинган асосий воситалар счет-фактура ва кабул килиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу хужжатлар асосида кўйидаги бухгалтерия ёзуви килинади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счетлари»
Кредит 4610 «Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг карзлари»

Чет эл инвесторларидан таъсис бадали сифатида корхона руйхатдан утгандан кейинги саналарда келиб тушган асосий воситалар бўйича валюта курсини ўзгариши сабабли кўшилган капитал вужудга келади. Бундай холда корхона рўйхатдан ўтган санадаги курс бўйича таъсисчидан кабул килиб олинган асосий восита кийматига юкорида келтирилган проводка берилади. Хакикатда келиб тушган сана ва корхона рўйхатга олинган санадаги курслар ўртасидаги фарк суммаси корхонанинг кўшилган капиталига олиб борилади ва унга куйидаги езув килинади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счетлари»
Кредит 8420 «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарклар»

4.1.3. Асосий воситаларни кайта бахолашнинг хисоби

Асосий воситаларни кайта бахолаш деганда уларнинг кийматини ошириш ёки пасайтириш тушунилади.

Кайта бахолаш икки усулда, яъни бозор бахоларидан келиб чикган холда тўғридан тўғри эски кийматни бозор кийматигача етказиш ёки эски кийматни белгиланган коэффициентларга кўпайтириш йўли билан янги кийматга чикиш усулларида корхонанинг ўзи ёки мол-мулкни кайта бахолаш бўйича махсус лицензияга эга булган корхоналар (хокимиятнинг кадастр бўлими ёки бошка фирмалар) томонидан олиб борилиши мумкин. Янги ва эски кийматлар ўртасидаги фарк кайта бахолаш кийматини ташкил этади. Ушбу сумма ижобий сон билан чикса, у асосий воситаларнинг кийматини оширилганлигини, манфий сон билан чикса, у асосий воситалар кийматини пасайтирилганлигини билдиради. Кайта бахолаш натижаси инвентаризация кайдномаси асосида хисобда акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг киймати оширилганда, янги ва эски бошланғич кийматлар ўртасидаги ижобий фарк бухгалтерия хисобида кўйидагича акс эттирилади:

Дебет 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счетлари»
Кредит 8510 « Мулкни кайта бахолаш бўйича тузатишлар»

Кайта бахолашда мос равишда асосий воситанинг жамланган эскириш суммаси хам юкорида келтирилган икки усулнинг бири бўйича кайта хисобланади. Эскириш суммаси оширилганда унга кўйидаги ёзув килинади:

Дебет 8510 «Активларни кайта бахолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 0211-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши хисоби счетлари»

Асосий воситаларнинг бошланғич киймати кайта бахолашда пасайтирилганда янги ва эски кийматлар ўртасидаги салбий фарк суммаси икки усулда хисобдан чикарилади.

1-усул. Корхонада олдиндан асосий воситаларни кайта бахолаш натижасида резерв капитали шакллантирилган бўлса, у холда пасайтирилган киймат шу резерв капитали эвазига хисобдан чикарилади. Бунда, мос равишда, кўйидаги ёзувлар килинади:

а) бошланғич кийматлар ўртасидаги салбий фаркга:

Дебет 8510 «Активларни кайта бахолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счетлари»

б) эскириш суммалари ўртасидаги салбий фаркга:

Дебет 0211-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши хисоби счетлари»

Кредит 8510 «Активларни кайта бахолаш бўйича тузатишлар»

2-усул. Резерв капитали мавжуд бўлмаган холда кўлланилади. Бу холда кайта бахолаш натижасида асосий воситаларнинг кийматлари ўртасидаги салбий фарк суммаси корхона харажатига олиб борилади ва хисобда кўйидагича акс эттирилади:

а) бошланғич кийматлар ўртасидаги салбий фаркга:

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»

Кредит 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счетлари»

б) эскириш суммалари ўртасидаги салбий фаркга (сторно ёзуви)

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»

Кредит 0211-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши хисоби счетлари»

4.1.4. Асосий воситаларни таъмирлашнинг хисоби.

Асосий воситалар эксплуатация килиш натижасида борган сайин ўзининг дастлабки холатини йўкотиб боради. Шунинг учун уларни ишчи холатда ушлаб туриш учун таъмирлаш лозим бўлади.

Асосий воситаларни таъмирлаш икки турга бўлинади: **жорий** ва **капитал**.

Жорий таъмирлаш деганда, асосий воситаларни вактидан олдин иш лаёкатини йўкотмаслик учун вужудга келган кичик хажмдаги техник бузилишлар ва лат эйишларни тузатиш бўйича доимий ва ўз вактида ўтказилган профилактик характерга эга булган таъмирлаш ишлари тушунилади. Одатда, жорий таъмирлаш муддати бир йилдан ошмайди,бундай таъмирлашда асосий воситанинг у ёки бу кисми алмаштирилмайди. Жорий таъмирлаш ишлари жорий таъмирлаш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатномада килинган ишларнинг турлари, сарфланган материалларнинг киймати, кетган мехнат вакти ва киймати, шунингдек бошка харажатлар кўрсатилади. Далолатнома жорий таъмирлашга маъсул шахслар томонидан имзоланади, корхона рахбари томонидан тасдикланади.

Капитал таъмирлаш деганда, маълум бир вактдан кейин (одатда, бир йилдан кейин) асосий воситаларни тўлик кисмларга ажратиш, керак бўлганда у

ёки бу лаёкатсиз бўлиб колган кисмларни тўлик алмаштириш бўйича бажарилган таъмирлаш ишлари тушунилади. Капитал таъмирлаш хажми, мураккаблиги ва киймати бўйича жорий таъмирлашдан катта фарк килади. Капитал таъмирлаш ишлари махсус капитал таъмирлаш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Кабул килинган бухгалтерия хисоби тўғрисида Конунга, Солик Кодексига, махсулот (иш,хизмат)ни ишлаб чикариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга, БХМС №1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот»га мувофик корхоналар жорий ва капитал таъмирлашни маблағ билан таъминлашни куйидаги икки усулнинг бирида амалга оширишлари ва танланган усулни ўзларининг хисоб сиёсатларида белгилаб олишлари лозим :

- *Таъмирлаш учун махсус резерв ташкил этиш ва барча харажатларни ушбу резерв хисобидан коплаш усули*
- *Таъмирлаш ишлари кийматини резерв ташкил этмасдан харажатларга бевосита олиб бориш усули*

Биринчи усулда корхона таъмирлаш ишлари учун хар ойда ўзи белгилаб кўйган меъёрларда махсус резервга ажратмалар килиб боради. Жорий ва капитал таъмирлаш ишлари якунланган ойда уларнинг киймати тегишли тасдикланган далолатномалар асосида резерв эвазига хисобдан чикарилади. Йил охирида таъмирлаш учун ташкил этилган резервнинг ишлатилмай колинган кисми харажатларни камайтиришга олиб борилади ёки солик базасига кайта киритиш шарти билан келгуси йилга ўтказилади.

Таъмирлаш учун махсус резерв ташкил этилганда тузилган расчет асосида куйидаги бухгалтерия ёзуви килинади:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чикариш» счети -500000

Дебет 9400 «Давр харажатлари хисоби счётлари » -200000

Кредит 8910 « Келгуси харажатлар ва тўловлар резерви» -600000

Ишлатилмай колинган резервни бекор килишга юкоридаги бухгалтерия ёзуви суммаси кизил рангда (сторно) берилади. Агар ишлатилмай колинган резерв кейинги йилга ўтказилса, у холда у йил охирида фойда солиғи базасига кайта кўшилади (агар корхона даромад (фойда) солиғини тўловчи хисобланса).

Резервни ишлатилиши 8910-счетнинг дебетида ва бошка аник харажатларни ифодаловчи счетларнинг кредитида (2310, 5010, 5110, 6890, 1010-1090, 6710, 6510 ва бошкалар) акс эттирилади.

Иккинчи усулда махсулот (иш,хизмат)ни ишлаб чикариш ва сотиш буйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга мувофик жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари таъмирланган асосий воситаларнинг ишлатилиш максадига кўра куйидаги счетларда хисобга олинади:

- 2010 «Асосий ишлаб чикариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чикариш», 2510 «Умумишлаб чикариш харажатлари» счетларида – асосий ва ёрдамчи ишлаб чикаришга доир асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари. Бу гурух харажатлар ишлаб чикарилган махсулот (иш, хизматлар) таннархига киритилади.
- 9410 «Сотиш харажатлари, 9420 «Маъмурий харажатлар», 9430 «Бошка операцион харажатлар» счетларида – сотишга, бошкарув аппаратига доир асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари. Бу гурух харажатлар таъмирлаш ишлари далолатномалари тасдикланган ойда 9900 «Якуний молиявий натижалар» счетига ўтказилади.

• 3110-3190 «Келгуси давр харажатлари хисоби счетлари»- илмий тадкикот ишлари (ИТИ) ва тажриба конструкторлик ишланмалари (ТКИ), шунингдек келгусида ишга туширилишга мўлжалланган технологик линияларга доир асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари. Бу гурух харажатлар келгусида 9410, 9420,9430 – счетларга, агар ИТИ ва ТКИ якунлари бўйича моддий бойликлар олинган бўлса, ушбу бойликлар таннархига киритилади (0120-0199, 1010-1090, 2810,2820,2910-2990 ва бошкалар).

4.1.5. Асосий воситаларни амортизацияси (эскириши) нинг хисоби.

Асосий воситаларнинг амортизацияси (эскириши) ни хисобга олишда куйидаги атама ва тушунчалар мухим рол ўйнайди.

Амортизация – бу асосий воситаларнинг амартизацияланадиган кийматини фойдали хизмат муддати ичида янги яратилган махсулот (иш, хизмат) кийматига киритиш (БХМС №5, п.9).

Эскириш –бу асосий воситанинг белгиланган меъёрлар бўйича хисобланган амартизация суммаси.

Амортизацияланадиган киймат - асосий воситанинг бошланғич кийматидан кўзда тутилаётган ликвидацион кийматни чегиргандан кейин колган киймат (БХМС № 5, п.8).

Ликвидацион киймат - бу асосий воситаларни фойдали хизмат муддати охирида ликвидация килиш чоғида вужудга келадиган активларнинг уларни олишга кетган ликвидация харажатлари чегириб ташлангандан кейин колган киймати(БХМС № 5,п.14). Асосий воситаларни ликвидацияси натижасида олинадиган активларга хом-ашё ва материаллар, инвентарлар, эхтиёт кисмлар, товарлар сифатида тан олинган, бахоланган ва кабул килинган моддий бойликлар киради.

Ликвидация харажатлари – асосий воситаларни бузиш учун сарфланган моддий, мехнатга хак тўлаш харажатлари, ижтимоий суғурта органларига ажратмалар, турли транспорт ва бошка хизмат харажатлари мажмуаси.

Собик хисоб таълимоти ва амалиётида асосий воситаларнинг амортизацияланадиган кийматини аниклашда ликвидацион киймат эътиборга олинмас эди. БХМС № 5 «Асосий воситалар» республикада биринчи марта амортизацияланадиган кийматни аниклашда асосий воситаларни кўзда тутилиши мумкин бўлган ликвидацион кийматини хисобга олиш тартибини белгилади. Ликвидацион кийматни кўзда тутиш мумкин бўлган микдорини БХМС га мувофик, корхонанинг ўзи мустакил асосий воситаларни кабул килиб олиш вактида белгилаши мумкин. Ликвидацион кийматни кўзда тутиш мажбурий хисобланмайди. Шунинг учун бу киймат бўлмаслиги хам мумкин. Бундай холда асосий воситанинг амортизацияланадиган киймати бевосита унинг бошланғич кийматидан иборат бўлади.

БХМС № 5 «Асосий воситалар»га мувофик асосий воситаларни йиллик амортизация (эскириш) суммаси (Ас) кўйидагича аникланади:

• Колдик киймат кўзда тутилган асосий воситалар бўйича

$$Ас = \frac{\text{Бошланғич киймат} - \text{Ликвидацион киймат}}{\text{Хизмат муддати}} \quad (1)$$

- Колдик киймат кўзда тутилмаган асосий воситалар бўйича

$$Ас = \frac{\text{Бошланғич киймат}}{\text{Хизмат муддати}} \quad (2)$$

Барча асосий воситалар бўйича ликвидацион кийматни белгиланган микдорлари ёки уларни белгиланмаганлиги хам корхоналарнинг буйрук билан тасдикланган хисоб сиёсатларида тўлик ўз аксини топиши лозим.

Хисоб сиёсатида асосий воситалар бўйича фойдали хизмат муддати ичида жамланиб борувчи амортизацияни (эскиришни) хисоблаш усуллари хам белгилаб олинган бўлиши керак.

БХМС №5 «Асосий воситалар» га мувофик (п.23,24) жамланган амортизация (эскириш) ни хисоблаш кўйидаги усуллар бўйича амалга оширилиши мумкин:

- Бир маромда хисоблаш;
- Бажарилган иш хажмига пропорционал хисоблаш;
- Хизмат йиллари йиғиндисига пропорционал хисоблаш (кумулятив усул);
- Камайиб борувчи колдик кийматдан хисоблаш.

Хисоб сиёсатида амортизация (эскириш) ни хисоблашнинг у ёки бу усулини доимий тарзда танлаб олиш ёки хар тўртта усулни бир вактнинг ўзида у ёки бу асосий воситалар бўйича белгилаб олиш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу усулларни кўллашда амортизация (эскириш) суммаси турлича бўлиши ва у Солик Кодексида кўзда тутилган бир маромда хисоблаб чикилдан микдордан кам ёки кўп бўлиши мумкин. Шунинг хисоб сиёсатида кам ёки кўп хисобланган амортизация (эскириш) суммасини соликга тортиш жихатлари хам аник белгилаб олинган бўлиши лозим.

Амортизация (эскириш) ни хисоблаш усулларининг мохиятини, уларнинг солик солиш базасига таъсирини кўйидаги мисол асосида кўриб чикайлик. *Айтайлик, автомашинанинг бошланғич киймати – 1000000 сўм, корхона томонидан кўзда тутилган ликвидацион киймат – 100000 сўм, хизмат муддати – 5 йил, йиллик эскириш меъёри – 20%. Техник паспортида хизмат муддати даврида кўзда тутилган иш хажми (соатларда) – 10000 соат. Машинанинг хакикатда ишлаган вакти хисоб маълумотлари бўйича 1-йилда – 2000 соат, 2-йилда – 3000 соат, 3-йилда – 2500 соат, 4-йилда – 1500 соат, 5-йилда – 1000 соат.*

Бир маромда хисоблаш усули. Ушбу усулнинг мохияти шундаки, у амортизацияланадиган кийматни фойдали хизмат муддат давомида бир маромда (микдорда) хисоблашни, жамланган амортизация (эскириш) ни бир маромда кўпайиб боришини ва колдик кийматини бир маромда камайиб боришини такозо этади.

Йиллик амортизация (эскириш) суммаси ушбу усулда 180000 сўмни ташкил этади.

$$Ac = \frac{1000000 - 100000}{5} = \frac{900000}{5} = 180000 \text{ сўм}$$

Ушбу усулда автомашинанинг фойдали хизмат муддати йиллари бўйича хисобланган, жамланган амортизация (эскириш) суммаси ва колдик киймати кўйидагича:

Йиллар	Бошлан-ғич киймат	Аморти-зацияла-надиган киймат	Аморти-зация меъёри	Йиллик аморти-зация	Жамлан-ган аморти-зация	Колдик киймат
1	1000000	900000	20%	180000	180000	820000
2	1000000	900000	20%	180000	360000	640000
3	1000000	900000	20%	180000	540000	460000
4	1000000	900000	20%	180000	720000	280000
5	1000000	900000	20%	180000	900000	100000

Бир маромда хисоблаш усули Солик Кодексига тўлик мувофик келади. Йиллик амортизация (эскириш) суммасининг 1/12 кисми хар ойда харажатлар счетига киритиб борилади ва у фойда солиғини хисоблаш базасига кайта кўшилмайди.

Бажарилган иш хажмига пропорционал хисоблаш усули. Ушбу усулда, аввалом бор, бир йиллик иш хажмига тўғри келадиган амортизация (эскириш) суммаси топиб олинади. Бизнинг мисолимизда у 90 сўмга тенг (900000 : 10000 = 90).

Автомобилнинг хизмат муддати йилларида хакикатда бажарган иш хажмига пропорционлал хисобланадиган, жамланган амортизация (эскириш) суммаси, шунингдек колдик киймат кўйидагича бўлади:

Йил-лар	Бошлан-ғич киймат	Аморти-зацияла-надиган киймат	Иш хажми, соат	Аморти-зация меъёри, сўм	Йиллик аморти-зация	Жамлан-ган аморти-зация	Колдик киймат
1	1000000	900000	2000	90	180000	180000	820000
2	1000000	900000	3000	90	270000	450000	550000
3	1000000	900000	2500	90	225000	675000	325000
4	1000000	900000	1500	90	135000	810000	190000
5	1000000	900000	1000	90	90000	900000	100000

Ушбу усулда кўриниб турибдики, йиллик хисобланган амортизация (эскириш) суммаси хакикий бажарилган иш хажмига караб турлича бўлган. 1-йилда хисобланган амортизация (эскириш) суммаси Солик Кодексида белгиланган меъёрга мос келади ва у солик солиш базасига кайта кирмайди. 2-йилда

меъёрдагидан 90000 сўм (270000-180000) ортикча амортизация (эскириш) хисобланган. Ушбу сумма иккинчи йил солик хисоб-китобларида фойда солиғини хисоблаш базасига кайта кўшилади. 3-йилда меъёрдагидан 45000 сўм (225000-180000) ортикча амортизация (эскириш) хисобланган. Ушбу сумма 3-йил солик хисоб-китобларида фойда солиғини хисоблаш базасига кайта кўшилади. 4- ва 5-йиллардан меъёрдан мос равишда 45000 сўм (135000-180000) ва 90000 сўм (90000-180000) амортизация (эскириш) кам хисобланган. Ушбу суммалар мос равишда 4- ва 5- йилларда солик солиш базасидан камайтирилиши максадга мувофик ёки келгуси йилларда автомобилдан кўшимча ишлатишда солик солиш базасига 2- ва 3- йилларда кайта киритилган 135000 сўм (90000+45000) микдорида амортизация (эскириш) суммаси соликга тортилмаслиги керак. Юкоридаги хол мавжуд бўлганда соликга тортилмайдиган амортизация (эскириш) суммаси микдори асосланган холда хисоб сиёсатида акс эттирилган бўлиши керак.

Хизмат йиллари йиғиндисига пропорционал хисоблаш усули. Ушбу усулда хизмат йиллари йиғиндиси топиб олинади ва уларнинг хиссаси тескари холда белгиланади. Бизнинг мисолимизда хизмат йиллари йиғиндиси 15 га тенг (1+2+3+4+5).

Йиллар хиссаси: 1- йил учун - 5/15; 2- йил учун - 4/15;
3- йил учун - 3/15; 4- йил учун - 2/15;
5- йил учун - 1/15.

Ушбу усулда хисобланган ва жамланган амортизация (эскириш) суммаси, шунингдек колдик киймат хизмат йиллари ичида кўйидагича бўлади:

Йиллар	Бошлан-ғич киймат	Аморти-зацияла-надиган киймат	Аморти-зация меъёри	Йиллик аморти-зация	Жамлан-ган аморти-зация	Колдик киймат
1	1000000	900000	5/15	300000	300000	700000
2	1000000	900000	4/15	240000	540000	460000
3	1000000	900000	3/15	180000	720000	280000
4	1000000	900000	2/15	120000	840000	160000
5	1000000	900000	1/15	60000	900000	100000

Кумулятив усул амортизация (эскириш) нинг тезлаштирилган усулларидан бири хисобланади. Шунинг учун хизмат муддатининг биринчи йилларида амортизация (эскириш) меъёридан кўп микдорда, кейинги йилларда эса меъёрдан кам микдорда хисобланади. Бизнинг мисолимизда биринчи икки йилда микдордан мос равишда 120000 (300000-180000) сўм ва 60000 (240000-180000) сўм кўп хисобланган. Ушбу суммалар мос равишда 1- ва 2- йиллар солик хисоб-китобларида солик солиш базасига кайта кўшилиши лозим. 3- йилда амортизация (эскириш) меъёр микдорида хисобланган. Шунинг учун ушбу сумма солик солишга таъсир килмайди. 4- ва 5- йилларда мос равишда амортизация (эскириш) меъёрдан 60000 (120000-180000) сўм ва 120000 (60000-180000) сўм кам хисобланган. Иккинчи усулдагидек, 4- ва 5- йилларда мос равишда кам хисобланган амортизация (эскириш) суммалари ушбу йиллар хисоб-китобларида солик солиш базасидан камайтирилиши ёки улар автомашина келгуси йилларда ишлатилганда ва амортизация (эскириш) хисобланганда (бизнинг мисолимиз бўйича 60000+120000)

180000 сўм микдоригача соликга тортилмаслиги лозим. Бундай хол учраганда, кўшимча ишлаган даврларда хисобланган амортизация (эскириш) нинг 180000 сўмга микдори соликга тортилмаслиги хисоб сиёсатида асосланган тарзда очиб берилиши керак.

Камайиб борувчи кийматдан хисоблаш усули. Ушбу усул хам тезлаштирилган усул хисобланади. Унинг мохияти шундаки, биринчидан амортизация (эскириш) белгиланган меъёрдан икки карра микдорда хисобланади, иккинчидан, амортизация (эскириш) базаси бўлиб хар йилда колдик киймат хисобланади.

Бизнинг мисолимизда йиллик амортизация (эскириш) меъёри 20%, ишлатиладиган меъёр – 40% (20% х 2). Ушбу усулда хисобланган ва жамланган амортизация (эскириш), шунингдек колдик киймат хизмат йиллари бўйича кўйидагича бўлади:

Йиллар	Бошланғич киймат	Амортизацияланадиган киймат	Амортизация меъёри	Йиллик амортизация	Жамланган амортизация	Колдик киймат
1	1000000	1000000	40%	400000	400000	600000
2	1000000	600000	40%	240000	640000	360000
3	1000000	360000	40%	144000	784000	216000
4	1000000	216000	40%	86400	870400	129600
5	1000000	-	-	29600	900000	100000

Хисоб-китоблардан кўриниб турибдики, биринчи икки йилда амортизация (эскириш) меъёрдан мос равишда 220000 сўм (400000-180000) ва 60000 сўм (240000-180000) кўп хисобланган. Мос равишда бу суммалар 1- ва 2- йилларда солик солиш базасига кайта кўшилиши лозим. Кейинги 3 йилда амортизация (эскириш) меъёрдан мос равишда 36000 сўмга (144000-180000), 93600 сўмга (86400-180000), 150400 сўмга (29600-180000) кам бўлиб, улар мос раившда 3-, 4- ва 5- хизмат йилларида солик солиш базасидан чегирилиши ёки юкорида айтилган тартибда келгуси йилларда солик солиш базасига киритилмаслиги керак. Бу усул кўлланилганда хисоб сиёсатида хизмат муддатининг барча йиллари ичида, шунингдек кўшимча хизмат йилларида хам амортизация (эскириш) ни хисоблаш ва уни солик солишга муносабати хисоб сиёсатида аник белгиланган бўлиши керак.

Шундай килиб, асосий воситаларнинг амортизацияси (эскириш) ни хисоблашнинг турли усулларини кўллаш хизмат муддати йиллари ичида хисобланган ва жамланган амортизация (эскириш) суммаларини ва колдик кийматни турлича бўлишига, шунингдек уларни турли микдорда солик солиш базасига киритилиши ёки ундан чегирилиши бўйича бир-биридан фарк килар экан. Бу фаркларни келтирилган автомашина мисолида кўйидагича ифодалаш мумкин:

Йиллар	**Йиллик амортизация**	**Соликга ториладиган амортизация**	**Жамланган амортизация**	**Колдик киймат**
1 – усул				
1	180000	-	180000	820000

2	180000	-	360000	640000
3	180000	-	540000	460000
4	180000	-	720000	280000
5	180000	-	900000	100000
2 – усул				
1	180000	-	180000	820000
2	270000	90000	450000	550000
3	225000	45000	675000	325000
4	135000	- 45000	810000	190000
5	90000	- 90000	900000	100000
3 – усул				
1	300000	120000	300000	700000
2	240000	60000	540000	460000
3	180000	-	720000	280000
4	120000	- 60000	840000	160000
5	60000	- 120000	900000	100000
4 – усул				
1	400000	220000	400000	600000
2	240000	60000	640000	360000
3	144000	- 36000	784000	216000
4	86400	- 93600	870400	129600
5	29600	- 140400	900000	100000

Асосий воситалар бўйича амортизация (эскириш)ни хисоблашга доир операциялар счетлар режасида кўзда тутилган контрактив бўлган 02 «Асосий воситаларнинг эскириши хисоби счетлари»да акс эттирилади. Ушбу счетнинг сальдоси кредит томонида бўлиб, у жамланган эскириш суммасини кўрсатади. Хисобланган эскириш, яъни эскириш суммасини кўпайиши ушбу счетнинг кредитида ва харажат счетларининг дебетида (2010,2310,2510,3190, 9210,9410,9420,9430 ва бошкалар), эскириш суммасини камайиши эса 02- счетнинг дебетида ва бошка счетларнинг кредитида (8510,0110-0190 ва бошкалар) акс эттирилади.

4.1.6. Асосий воситаларни сотишнинг ва бошка чикимларининг хисоби.

Асосий воситаларни сотишнинг хисоби. Корхоналар зарур холларда ўзларининг тўлик амортизация килинган ёки килинмаган асосий воситаларини сотишлари мумкин. Сотишга асос бўлиб сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида тузилган шартнома хисобланади. Асосий воситани сотиш счет-фактура билан расмийлаштирилади. Ушбу хужжат сотиш операцияларини хисобда акс эттиришга асос бўлади. Счет-фактура асосида сотиш операциялари хисобда кўйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан акс эттирилади.

№	Операциянинг мазмуни	Сумма	Дебет счет	Кредит счет	Асос бўлувчи хужжат
1	Асосий воситани жўнатиш кийматига	700000	4010	9210	Шартнома, счет-фактура

2	Сотишдан олинган ККС суммасига (агар корхона ККС тўловчи ва солик солиш объекти мавжуд бўлса)	100000	9210	6410	Шартнома, счет-фактура
3	Асосий воситанинг бошлан-ғич кийматига	600000	9210	0111-0190	Шартнома, счет-фактура
4	Жамланган эскиришни хисобдан чикариш	500000	0211-0290	9210	Шартнома, счет-фактура
5	Сотишдан олинган фойда	500000	9210	9310	Шартнома, счет-фактура

Асосий воситаларни сотиш натижасида корхона фойда ёки зарар кўриши мумкин. Бу натижа жўнатиш киймати (Жк) ва колдик киймати (Кк) ўртасидаги фаркдан иборат бўлади. Агар жўнатиш киймати (Жк) колдик киймат (Кк) дан катта бўлса (Жк > Кк) корхона асосий воситаларни сотишдан фойда олган бўлади ва ККС тўловчи хисобланади, агар жўнатиш киймати (Жк) колдик киймат (Кк) дан кичик бўлса (Жк < Кк), корхона асосий воситаларни сотишдан зарар кўрган бўлади ва ККС тўловчи хисобланмайди, яъни:

$$Фс\ (Зс) = Жк – Кк$$

Юкоридаги мисолда корхона сотишдан фойда кўрган. Агар корхона асосий воситани 50000 сўмга сотганда эди, у Солик Кодексига мувофик ККС тўламайди, шунингдек ушбу корхона сотишдан 50000 сўм зарар кўрган бўлар эди ва бу зарар хисобда кўйидагича акс эттирилади:

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар» - 50000

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чикими» - 50000

Асосий воситаларни сотишдан кўрилган зараралар, агар бу асосий воситалар 3 йилдан кам ишлатилган бўлса, Солик Кодексига мувофик (22–модда) фойда солиғи бўйича солик базасига кайта кўшилади.

Агар асосий воситалар колдик киймат бўйича сотилса, у холда хам корхона ККС тўловчи хисобланмайди, сотишдан на фойда олинган, на зарар кўрилган бўлади.

Асосий воситаларни ликвидация килишнинг хисоби. Асосий воситалар тўлик амортизация килинганлиги ёки килинмаганлигидан катъий назар эксплуатация килиш холатини йўкотган бўлса корхона томонидан ликвидация килиниши мумкин. Бунинг учун корхона рахбари буйруғи билан ликвидация комиссияси тузилади. Ликвидация комиссияси таркибига корхона ходимларидан ташкари кизикувчи органлар (хокимият ва бошкалар) вакиллари хам киритилиши мумкин. Комиссия ликвидация натижаларини махсус ликвидация далолатномаси (ОС-4 шакл) билан расмийлаштиради. Ушбу далолатнома ликвидация натижаларини бухгалтерия хисоби счетларида акс эттиришга асос бўлади.

Асосий воситаларни ликвидация килишдан корхона зарар ёки фойда кўриши мумкин.

Асосий воситаларни ликвидация килишдан кўрилган зараралар икки турга бўлинади:

1.Асосий воситаларни амортизацияланмай колган кисмини коплашдан кўрилган зараралар.

2.Ликвидация килишга кетган кўшимча харажатлардан кўрилган зарарлар.

Биринчи тур зарарлар амортизацияси тўлик хисобланмаган асосий воситаларни ликвидация килиш натижасида вужудга келади. Кўрилган зарар амортизацияланмай колган (Ак) суммадан иборат бўлиб, у асосий воситаларнинг бошланғич кийматидан (Бк) жамланган амортизацияни (Аж) чегириш йўли билан топилади, яъни:

$$Ак = Бк – Аж \quad (1)$$

Иккинчи тур зарарларга ликвидацияни амалга оширишда сарфланган моддий харажатлар, мехнатга хак тўлаш, ижтимоий суғартага ажратмалар, турли транспорт ва бошка хизматлар учун кетган харажатлар киради. Бу турдаги харажатлар ликвидация харажатлари (Лх) хисобланиб, улар БХМС № 5 га мувофик ликвидация килинган асосий воситанинг ликвидацион кийматини (Лк) топишда хисобга олинади. Ликвидацион киймат (Лк) ликвидациялан олинган активлар (Ла) кийматидан ликвидация харажатларини (Лх) чегириб ташлангандан кейин колган кийматидир, яъни:

$$Лк = Ла – Лх \quad (2)$$

Ликвидация натижасида кўрилган умумий зарарлар ёки харажатлар (Хл) биринчи тур зарарлардан (Ак) тугатилган асосий воситаларнинг ликвидацион кийматини (Лк) чегириш йўли билан топилади, яъни:

$$Хл = Ак – Лк \quad (3)$$

Асосий воситаларни ликвидация килиш натижасида кўрилган зарар ёки харажатлар корхонанинг асосий фаолиятига бевосита алокадор хисобланмайди. Шунинг учун ликвидация билан боғлик харажатларни ва ликвидация натижасида кўрилган зарарларни тўғридан-тўғри ишлаб чикариш ёки сотиш харажатларига кўшиб бўлмайди. Шунинг учун ликвидация натижаларини аниклаш ва хисобга олиш учун счетлар режасидаги махсус 9210 «Асосий воситаларнинг чикимлари» счети кўзда тутилган. Ушбу счетнинг дебетида ликвидация килинган асосий воситаларнинг бошланғич киймати (Бк), ликвидация килиш учун килинган харажатлар (Лх) жамланади. Бу счетнинг кредитида жамланган амортизация (Аж), ликвидация натижасида олинган моддий активларнинг киймати (Лк) ва ликвидация натижасида кўрилган умумий зарарни (харажатларни) хисобдан чикариш акс эттирилади. Махсулот (иш,хизмат)ни ишлаб чикариш ва сотиш буйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида Низомга мувофик ликвидациядан кўрилган зарар корхонанинг асосий фаолиятига доир бўлмаган бошка турдаги давр харажатларига, бир вактнинг ўзида фойда солиғи базасига кайта кўшиладиган харажатларга киритилади. Хисоб сиёсатида ликвидацияга доир харажатларни ва ликвидация натижасида кўрилган зарарларни харакатдаги конунлар, БХМС лар ва Низомга мос равишда ягона тартибда очиб беришга эришиш учун уларни кўйидаги шартли мисолда кўриб чикайлик.

Айтайлик, корхона авария холатига келиб колган бинони ликвидация килди. Бинонинг бошланғич киймати (Бк) – 650000 сўм. Ликвидацион киймат кўзда тутилмаган. Ликвидация санасига жамланган амортизация (Аж) – 550000 сўм. Ликвидация харажатлари (Лх):*кулатиш крани хизмати -30000 сўм, ёкилғи сарфи-3000 сўм , хисобланган иш хаки харажатлари-20000 сўм, ижтимоий суғартага*

*ажратмалар - 7740 сўм. Л*иквидация натижасида кабул килинган ва бахоланган курилиш материаллари – 95000 сўм.

Ликвидация натижалари корхонанинг хисоб сиёсатида кўйидаги тарзда ёритилиши керак.

1. Асосий воситани бошланғич кийматини (Бк) хисобдан чикариш
Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чикими» - 650000 сўм
Кредит 0120 «Бинолар, иншоатлар ва узатиш курилмалари» – 650000 сўм
2. Ликвидацияга килишга кетган харажатлар (Лх)
Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чикими» - 60440 сўм
Кредит 6990 «Бошка мажбуриятлар» – 30000 сўм
Кредит 1030 «Ёкилғи» – 3000 сўм
Кредит 6710 «Мехнат хаки бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» – 20000 сўм
Кредит 6520 «Ижтимоий суғурта бўйича туловлар» – 7440 сўм
_____
Жами - 60440 сўм.
3. Ликвидация натижасида олинган активларнинг киймати (Ла)
Дебет 1050 «Курилиш материаллари – 95000 сум
Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чикими» - 95000 сўм
4. Амортизацияланмай колган киймат (Ак)
650000 сўм – 550000 сўм = 100000 сўм
5. Ликвидацион киймат (Лк)
Лк = 95000 сўм – 60440 сўм = 34560 сўм
6. Ликвидациядан кўрилган умумий зарар (Хл)
Хл = 100000 сўм – 34560 сўм = 65440 сўм
Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар» -65440 сўм
Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чикими» - 65440 сўм
7. Солик солиш базасига кайта кўшиладиган харажатлар – 65440 сўм.

Асосий воситаларнинг ликвидация килинишида корхона кўшимча фойдани (Фл) жамланган амортизация (Аж) билан ликвидацион киймат (Лк) ни биргаликдаги суммалари асосий воситаларни бошланғич киймати (Бк) дан катта бўлсагина [(Аж + Лк) > Бк] олиши мумкин, яъни:

$$Фл = (Аж + Лк) – Бк$$

Масалан, корхона бинони ликвидация килди дейлик, бошланғич киймат (Бк) – 500000 сўм, жамланган амортизация (Аж) – 450000 сўм, ликвидация харажатлари (Лх) – 20000 сўм, бинодан олинган моддий активларни бошланғич киймати – 120000 сўм.

Демак, бинонинг ликвидацион киймати (Лк) – 100000 сўм (120000-20000) бўлади.

Ликвидациядан олинган умумий даромад
Фл = (450000 + 100000) – 500000 = 50000 сўм.
Хисоб сиёсатида ликвидациядан олинган фойда кўйидагича очилиши лозим:
Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чикими»-50000 сум
Кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чикимидан олинган фойда»-50000 сум

Асосий воситаларни бепул берилишининг хисоби. Корхонанинг асосий воситалари бошка юридик ва жисмоний шахсларга бепул хайрия сифатида хам берилиши мумкин. Асосий воситаларнинг бепул берилиши шартномада кўрсатилган кийматда счет-фактура билан расмийлаштирилади. Счет-фактура асосида кўйидаги бухгалтерия ёзувлари килинади:

1. Бепул берилган асосий воситани бошланғич кийматида хисобдан чикарилишига:

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чикими»
Кредит 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счетлари»

2. Асосий воситалар эскиришини хисобдан чикарилишига

Дебет 0210-0290 «Асосий воситалар эскириши хисоби счетилари»
Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чикими»

3. Бепул беришдан кўрилган зарарга

Дебет 9430 «Бошка операцион харажатлар»
Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чикими»

Солик Кодексига мувофик (22-модда) асосий воситаларни бепул беришдан кўрилган зарар солик солиш базасига кайта кўшилади.

Асосий воситаларни таъсис бадали сифатида берилишининг хисоби. Корхоналар асосий воситаларини таъсис бадали сифатида бошка корхоналарга беришлари хам мумкин. Бунинг учун асос бўлиб таъсис хужжатлари (устав, таъсис шартномаси ва бошкалар) хисобланади. Асосий воситани таъсис бадали сифатида берилиши счет-фактура билан расмийлаштирилади ва унинг асосида кўйидаги бухгалтерия ёзувлари килинади:

1. Таъсис бадали сифатида берилган асосий воситанинг келишув кийматига

Дебет 0620-0690 «Узок муддатли инвестициялар хисоби счетлари» – 100000
Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чикими» – 100000

2. ККС суммасига (келишув ва колдик кийматлар ўртасидаги фаркдан)

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чикими» – 10000
Кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карздорлик хисоби счетлари»– 10000

3. Асосий воситаларни бошланғич кийматини хисобдан чикарилишига

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чикими» – 100000
Кредит 0111-0190 «Асосий воситалар хисоби счетлари» – 100000

4. Асосий воситаларни жамланган эскиришини хисобдан чикариш

Дебет 0210-0290 «Асосий воситаларнинг эскириши хисоби счетлари» – 60000
Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чикими» – 60000

5. Асосий воситаларни таъсис бадали сифатида киритишдан олинган фойдага

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чикими» – 50000
Кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чикимидан олинган фойда» – 50000

Асосий воситаларни колдик кийматда ва колдик кийматдан паст бўлган кийматда таъсис бадали сифатида киритилиши Солик Кодексига мувофик ККС га тортилмайди.

41.7. Асосий воситалар бўйича лизинг операцияларининг хисоби.

Ўзбекистон Республикасида лизинг операцияларининг хисоби Лизинг тўғрисида Конун, Бухгалтерия хисоби тўғрисида Конун, Солик Кодекси, БХМС № 6 «Лизинг хисоби» ва бошка меъёрий хужжатлар билан регламентлаштирилган. Ушбу конунлар ва бошка меъёрий хужжатларда лизингга доир барча атама ва тушунчаларнинг мохияти, лизинг операцияларини хисобга олиш тартиби атрофлича очиб берилган.

Лизинг тўғрисида конунга мувофик (2- модда), **лизинг** ижара муносабатларининг алохида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) хак эвазига эгалик килиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб кўйиш максадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади.

Лизинг уч тарафламали ва икки тарафламали лизинг шартномаси асосида амалга оширилади. Уч тарафламали шартномада сотувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчи иштирок этади. Икки тарафламали шартномада лизинг берувчи ва лизинг олувчи иштирок этади. Узбекистон Республикасида лизингни икки тарафламали шартномага асосланган тури кенг таркалган. Уч тарафламали лизинг шартномаларига асосланган лизинг операцияларида учинчи тараф бўлиб лизинг марказлари иштирок этмокда, лекинда улар сотувчи эмас, балким лизинг берувчи ва лизинг олувчилар ўртасида воситачи ролини ўйнамокдалар ва бунинг эвазига лизинг берувчидан лизинг тўловини маълум кисмини рағбатлантириш тўлови сифатида олмокдалар.

Лизинг берувчи –бу лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш максадида лизинг объектини сотувчидан мулк килиб олувчи шахс (субъект).

Лизинг олувчи –бу эгалик килиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини олаётган шахс (субъект).

Сотувчи – бу лизинг берувчига лизинг объектини сотган шахс (субъект).

Лизинг объекти –бу истеъмол килинмайдиган хар кандай ашёлар, шу жумладан, корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари хамда бошка кўчар ва кўчмас мулк. Ер участкалари ва бошка табиат объектлари, шунингдек эркин муомалада бўлиши конун хужжатлари билан такикланган ёки муомалада бўлишининг махсус тартиби белгиланган мол-мулк (масалан, харбий техника, курол-аслахалар, хом-ашё ва материаллар, товарлар, пул

маблағлари, кимматли коғозлар ва шу кабилар) лизинг объекти бўлиши мумкин эмас.

Лизинг молиявий ва оператив (жорий) лизингга бўлинади.

Молиявий лизинг – бу лизингни шундай тури бўлиб, унда лизинг объектига мулкий хукук ва ундан келиб чикадиган риск ва манфаатдорликнинг асосий кисми лизинг шартномасига мувофик лизинг олувчига ўтади. Лизингни ушбу турида лизинг шартномаси муддатини тугаши билан лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтади, агарда шартномада бошка холат кўзда тутилмаган бўлса. Моливий лизинг деб тан олиниш учун лизинг шартномаси куйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

- лизинг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтса;
- лизинг шартномаси муддати лизинг объектининг хизмат муддатидан 80 % дан ортиғини ташкил килса ёки лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объектининг колдик киймати унинг бошланғич кийматининг 20 % дан камини ташкил этса ;
- лизинг олувчи лизинг объектини катъий белгиланган нархда сотиб олиш хукукига эга бўлса;
- лизинг шартномаси давридаги тўловларнинг умумий суммаси лизинг объекти кийматининг 90 % идан ортиғини ташкил килса.

Оператив (жорий) лизинг – бу лизингни шундай тури бўлиб, унда тузилган лизинг шартномаси молиявий лизинг шартномасига кўйилган талабларнинг биронтасига хам тўғри келмаслиги керак. Оператив лизингнинг муддати , одатда, бир йилдан ошмайди, ушбу муддат тугагач лизинг объекти лизинг олувчидан лизинг берувчига кайтарилади. Лизинг берувчи лизинг объектини ўз балансидан чикармайди, лизинг олувчи эса уни ўз балансига кабул этмайди. Демак, оператив лизингда лизинг берувчи лизинг олувчига лизинг объектидан вактинчалик фойдаланиш хукукини хак тулаш шарти билан беради. Лизинг шартномаси муддати тугаши билан лизинг объекти лизинг олувчидан лизинг берувчига кайтарилади.

Сублизинг-бу лизинг олувчи томонидан лизинг берувчининг розилиги билан лизинг оюъектини бошка учунчи шахс (субъект)га ижарага берилиши. Бунда лизинг берувчи сотувчига, лизинг олувчи лизинг берувчига ва сублизинг олувчи лизинг олувчига айланади. Сублизинг муддати дастлабки лизинг шартномасида кўрсатилган муддатдан ошиб кетмаслиги лозим.

Лизинг тўлови - лизинг шартномасининг мухим элементи бўлиб, лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига тўланадиган карз суммасини билдиради. Молиявий лизингда лизинг тўлови ўз ичига лизинг объектининг киймати ва лизинг берувчининг фойдаси суммаларини олади. Оператив лизингда лизинг тўлови лизинг берувчининг шартномада кўрсатилган фойда суммасидан иборат бўлади. Лизинг берувчи оладиган фойда суммаси лизинг объекти бўйича хисобланадиган амортизация харажатлари, таъмирлаш харажатлари, мол-мулк солиғи харажатлари, шунингдек лизинг суммасидан олинадиган ККС суммаларини тўлик коплаши, шунингдек унга маълум даражада соф даромад келтириш талабига жавоб бериши лозим.

Молиявий лизинг хисоби.

Лизинг олувчида. Лизинг олувчи молиявий лизинг бўйича куйидагиларни хисобини юритади:

1.Лизинг объектини лизинг шартномасида кўрсатилган кийматда балансга кабул килади

Дебет 0310 « Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»

Кредит 7910 «Тўланадиган узок муддатли лизинг»

2.Йил охирида тўланадиган лизинг мажбуриятини узок муддатли кисмдан жорий кисмини жорий мажбуриятларга ўтказади (хар йили)

Дебет 7910 «Тўланадиган узок муддатли лизинг»

Кредит 6910 « Тўланадиган лизинг»

3.Жорий йил учун лизинг фоизи тўловини хисоблайди:

Дебет 9690 « Молиявий фаолият буйича бошка харажатлар»

Кредит 6920 « Тўланадиган фоизлар»

5.Лизинг мажбуриятининг жорий кисми ва фоиз тўловини тўланишини хисобга олади:

Дебет 6910 «Тўланадиган лизинг», 6920 «Тўланадиган фоизлар»

Кредит 5110 « Хисоб-китоб счёти» ёки бошка пул маблағлари счётлари

6.Лизингга олинган мол-мулк бўйича амортизация (эскириш) суммасини хисоблайди:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чикариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чикариш» 2510 «Умумишлаб чикариш харажатлари», 9410 «Сотиш харажатлари , 9420 «Бошкарув харажатлари»

Кредит 0299 « Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар эскириши»

7.Лизинг муддати тугагач, лизинг мулкини асосий воситаларга олинишини хисобга олади:

Дебет 0112-0190 « Асосий воситалар хисоби счетлари»

Кредит 0310 « Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»

8.Мос равишда лизинга олинган мулк бўйича хисобланган эскириш суммасини асосий воситалар эскириши счётларига ўтказади

Дебет 0299 « Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»

Кредит 0212-0290 «Асосий воситалар эскириши хисоби счетлари»

9.Лизинг шартномаси тугагач, лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар кайтарилса:

Дебет 0299 «Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши»

Дебет 7910 «Тўланадиган узок муддатли лизинг»

Кредит 0310 « Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар»

Лизинг берувчида. Лизинг берувчи молиявий лизинг бўйича куйидагиларни хисобини юритади:

1.Лизинг объектини бошланғич кийматида баланслан чикаради

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чикими»

Кредит 0100 «Асосий воситалар хисоби счетлари»

2.Лизинг объекти бўйича жамланган эскиришни хисобдан чикаради

Дебет 0200 «Асосий воситалар эскириши хисоби счетлари»

Кредит 9210«Асосий воситаларнинг чикими»

3.Лизинг бўйича дебиторлик карзини лизинг муддати бошланган ойда хисобга олади

а) лизинг объектини келишилган кийматини узок муддатли кисмига

Дебет 0920 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»

Кредит 9210«Асосий воситаларнинг чикими»

б) лизинг объектини келишилган кийматини жорий йилга тегишли кисмига

Дебет 4810 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»

Кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чикими»

4.Лизинг объектининг келишув киймати ва колдик киймати ўртасидаги фаркини лизинг бошланган ойда келгуси йиллар даромадига, яъни бошка муддати узайтирилган мажбуриятларига, олиб боради:

а) Жорий кисмига

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чикими»

Кредит 6230 « Бошка муддати узайтирилган мажбуриятлар»

б) Узок муддатли кисмига

Дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чикими»

Кредит 7230 «Бошка муддати узайтирилган узок муддатли мажбуриятлар»

5.*Хар ойда молиявий лизинг бўйича хисобланган тўлов суммасини даромадга олади:*

Дебет 6230 « Бошка муддати узайтирилган мажбуриятлар»

Кредит 9550 «Узок муддатли ижарадан олинган даромадлар»

6.Лизинг тўловлари келиб тушушини хисобга олади:

Дебет Пул маблағлари хисоби счётлари

Кредит 4810 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»

7. Хар йилнинг охирида молиявий лизинг бўйича муддатли дебиторлик карзларнинг жорий кисмини жорий карзларга ўтказади:

Дебет 4810 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»

Кредит 0920 «Узок муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»

Молиявий лизинг ни аналитик хисоби лизинг шартномалари бўйича(лизинг олувчилар бўйича) олиб борилади.

Оператив (жорий) ижара хисоби.

Ижарага олувчида. Мулкни жорий ижарага олувчи оператив (жорий) ижара бўйича куйидагиларни хисобини юритади:

1.Ижара шартномасига асосан ижарага олинган асосий воситаларни кабул килиш-топшириш далолатномаси ёки счёт-фактура билан кабул килиб олади ва уларнинг кийматини балансдан ташкари бўлган № 001 «Ижарага олинган асосий воситалар» счетининг кирим кисмига ёзади.

2.Ижара шартномасига мувофик хар ойда ижара тўловини ижара мулкини ишлатиш максадига кўра хисобга олади:

Дебет «Харажатлар счетлари (2010,2310,2510,3110,9400)

Кредит 6910 «Тўланадиган киска муддатли ижара»

3.Ўтказилган ижара тўловини хисобга олади:

Дебет 6910 «Тўланадиган киска муддатли ижара»

Кредит Пул маблағлари счётлари (5010,5110,5210,5220)

4. Ижара муддати тугагач, ижара мулки эгасига кайтарилади ва у асосий воситаларни кабул килиш-топшириш далолатномаси ёки счёт-фактура билан топширилади. Топширилган асосий воситанинг кийматини балансдан ташкари бўлган № 001 «Ижарага олинган асосий воситалар» счетининг чиким кисмига ёзади.

Ижарага берувчида. Ижара берувчи оператив (жорий) ижара бўйича куйидагиларни хисобини юритади:

1..Ижарага берилган асосий воситаларни балансдан чикармайди, лекинда уларни кийматини жорий ижарага берилган асосий воситаларни хисобга олишга мўлжалланган счетга ўтказади. Масалан, ишчи счётлар режасига 0191 «Жорий ижарага берилган асосий воситалар» счётини очиши мумкин.

Дебет 0191 «Жорий ижарага берилган асосий воситалар»

Кредит 0120-0190 « Асосий воситалар хисоби счётлари»

2.Хар ойда лизинг шартномасига мувофик ижара фоизини (тўловини) хисобга олади:

Дебет 4820 «Киска муддатли ижара бўйича олинадиган ан тўловлар»

Кредит 9350 «Киска муддатли ижарадан олинган даромадлар»

3.Жорий ижара бўйича хисобланган ККС суммасини акс эттиради

Дебет 4820 «Киска муддатли ижара бўйича олинадиган ан тўловлар»

Кредит 6410«Бюджетга тўловлар бўйича карзлар

4. Ижара хакини келиб тушушини хисобга олади:

Дебет «Пул маблағлари счётлари» (501,5110,5210,5220)

Кредит 4820 «Киска муддатли ижара бўйича олинадиган ан тўловлар»

5. Ижара муддати тугагач, лизингга берилган асосий воситалар кайта кабул килинади ва эски счётлар таркибига тикланади:

Дебет 0120-0190 « Асосий воситалар хисоби счётлари»

Кредит 0191 «Ижарага берилган асосий воситалар»

Жорий ижаранинг аналитик хисоби шартномалар (лизинг олувчилар) бўйича юритилади.

4.1.8. Асосий воситаларни инвентаризация килиш ва уни натижаларининг хисоби

Асосий воситаларни инвентаризация килиш ва унинг натижаларини хисобга олиш тартиби БХМС № 5 «Асосий воситалар» ва БХМС № 19 «Инвентаризацияни ташкил килиш ва ўтказиш» билан регламентлаштирилган.

Асосий воситаларни инвентаризация килишнинг асосий максадлари бўлиб куйидагилар хисобланади:

- Мол-мулкни реал мавжудлигини аниклаш;
- Мулкни хакикий мавжуд холатини хисоб маълумотларига мос келишлигини аниклаш:
- Мулкни хисобда тўлик акс эттирилганлигини аниклаш.

БХМС № 5 «Асосий воситалар»га мувофик (п. 35) инвентаризацияда аникланган камомадлар айбдор шахс бўйнига кўйилади ёки айбдорларни аниклашнинг имкони бўлмаганда корхона хисобидан копланади, ортикчалар эса бошка операцион фаолиятга доир даромадларга олиб борилади.

Асосий воситаларнинг аникланган камомадлари бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади.

1.Кам чикган асосий воситанинг бошланғич киймати балансдан чикарилганда

Дебет 9210« Асосий воситаларнинг чикими»
Кредит 0112-0199 « Асосий воситалар хисоби счётлари»

2.Кам чикган асосий воситанинг жамланган эскириш суммаси хисобдан чикарилганда

Дебет 0212-0299 «Асосий воситаларни эскириши хисоби счётлари»
Кредит 9210« Асосий воситаларнинг чикими»

3.Кам чикган асосий воситанинг колдик кийматига

Дебет 4730 « Моддий зарарни коплаш бўйича ходимларнинг карзлари»
Кредит 9210 « Асосий воситаларнинг чикими»

4. Камомад чикишига йўл кўйган шахсга нисбатан асосий воситанинг колдик кийматидан юкори кийматда жазо чораси белгиланганда ўртадаги фарк суммасига

Дебет 4730 « Моддий зарарни коплаш бўйича ходимларнинг карзлари»
Кредит 9390 « Бошка операцион даромадлар»

5. Карз ўндириб олинганда

Дебет «Пул маблағлари счетлари», 6710 « Мехнат хаки бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар»
Кредит 4730 « Моддий зарарни коплаш бўйича ходимларнинг карзлари»

Асосий воситалар инвентаризациясида аникланган ортикчалар суммасига

Дебет 0112-0199 « Асосий воситалар хисоби счётлари»
Кредит 9390 «Бошка операцион даромадлар»

Солик Кодексига мувофик корхонанинг ялпи даромадига киритилган асосий воситаларнинг инвентаризацияда аникланган ортикча суммалари, шунингдек камомадга йўл кўйганлик учун ўндирилган молиявий жазо суммаси умум тасдикланган тартибга мувофик соликга тортилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1. Куйидагиларнинг кайси бири асосий воситаларга кирмайди

а) Бинолар

б) Компьютер
в) Кўй
г) Гудвилл

2. Кўйидагиларнинг кайси бири ишлаб чикаришга доир асосий воситага кирмайди

а) Преслаш машинаси
б) Газ -3110
в) Саралаш машинаси
г) Генератор

3. Куйидагиларнинг кайси бири бошланғич кийматга кирмайди ?

а) Сотиб олиш бахоси
б) Бож тўлови
в) Директорнинг иш хаки
г) Ташиб келтириш харажати

4. Куйидагиларни кайси бири туғри

а) Колдик киймат хисоб бахоси хисобланади
б) Бошланғич киймат хисоб бахоси хисобланади
в) Сотиш бахоси хисоб бахоси хисобланади
г) Амортизация суммаси хисоб бахоси хисобланади

5. Асосий восита сотиб олинганда куйидаги бухгалтерия ёзуви килинади

а) Дт 0111-0190 Кт 2010
б) Дт 0111-0190 Кт 0810
в) Дт 0111-0190 Кт 0820
г) Дт 0111-0190 Кт 4710

6. Бепул келиб тушган асосий восита

а) Резерв капиталига олинади
б) Корхонанинг фойдасига олинади
в) Корхона харажатларини камайтиришга олиб борилади
г) Кўшилган капиталга олинади

7. Таъсисчилардан олинган асосий восита кирим килинади

а) Сотиш бахосида
б) Келишув бахосида
в) Колдик бахосида
г) Хохлаган бахода

8. Капитал инвестициялар

а) асосий воситаларнинг кийматини оширади
б) асосий воситалар кийматини оширмайди
в) таъмирлаш билан боғлик харажатлар
г) сотиш билан боғлик харажатлар

9. Капитал таъмирлаш

а) асосий воситани бошланғич кийматини оширади
б) асосий воситани бошланғич кийматини оширмайди
в) номоддий активлар хисобланади
г) капитал инвестиция хисобланади

10. Асосий воситалар бўйича эскириш меъёрини ким белгилайди

1. Вазирлар Махкамаси
2. Молия Вазирлиги
3. Корхона рахбари
4. Кузатув кенгаши

11. Асосий воситалар амартизациясини хисоблашнинг кайси усули Солик Кодекси негизига олинган

1. Кумулятив усул
2. Бир маромда хисоблаш усули
3. Ишлаб чикариш усули
4. Тезлаштирилган усул

12. Асосий воситаларни ликвидация килиш натижасида олинган курилиш материаллари кийматига?

1. Дт 1010 Кт 4710
2. Дт 1050 Кт 9210
3. Дт 1050 Кт 9310
4. Дт 1050 Кт 9220

13. Кам чикган асосий воситалар объекти бўйича колдик кийматининг хисобдан чикарилишига кандай бухгалтерия проводкаси берилади?

1. Дт 8410 Кт 4710
2. Дт 4630 Кт 9210
3. Дт 9210 Кт 0110
4. Дт 9210 Кт 8410

14. Капитал таъмирлаш

1. Асосий воситанинг кийматини кўпайтиради
2. Асосий воситани кийматини кўпайтирмайди
3. Корхона устав капиталини оширади
4. Корхона тўлайдиган соликни оширади

15. Молиявий лизинг -бу

1. Бир йилдан ошик муддатга ижарага берилган асосий воситалар
2. Бир йилгача бўлган ижара
3. Бир йилдан кўп муддатга ижарага берилган асосий воситалар
4. Молиявий куйилмалар

4.2. Номоддий активларнинг хисоби

Номоддий активларнинг мохияти . Номоддий активларнинг мохияти, уларни бахолаш ва хисобга олиш тартиби БХМС № 7 «Номоддий активлар» билан регламентлаштирилган.

Ушбу стандартга мувофик **номоддий активлар деганда,** *моддий буюм мазмунига эга бўлмаган корхона томонидан хўжалик фаолиятида бошкарув учун кўллашда назорат килинадиган, шунингдек кўп йиллар (бир йилдан ортик) ишлатиладиган мулк объектлари тушунилади* (п. 7).

Мулк объектларини номоддий актив сифатида тан олиш учун улар куйидаги мезонларга жавоб беришлари лозим:

- актив тушунчаси талабларини кондириши, яъни корхонанинг иктисодий ресурси бўла олишлиги;
- бахолаш мумкинлиги;
- ахамиятлилиги;
- тўғрилиги;
- келгусида иктисодий наф келтиришлиги;
- мустакил фойдаланиш мумкинлиги, яъни ишлатиш, сотиш, алмаштириш, бепул бериш, хисобдан алохида чикариш мумкинлиги

Номоддий активларнинг характерли хусусияти шундаки, улар асосан мулк объектига нисбатан эгалик хукуки сифатида намоён бўлади. Дунё мамлакатларида энг кенг таркалган ва номоддий актив сифатида эътироф этиладиган хукукларга куйидагилар киради:

- **Патент, ноу-хау** –бу ишлаб чикилган буюм, технологик жараён, фаолиятга эгалик килиш хукуки. Бундай хукукни эгалик килувчи субъектга махсус патент бериш ваколатига эга Вазирлик ёки идоралар беради.
- **Муаллифлик хукуки** – бу ёзилган китоб, яратилган мусика , тасвирий санъат ва бошка асарлар учун унинг муаллифига берилган хукук. Ушбу хукук асарлар эгаларига уларни чоп эттириш, кайта босмага бериш, кўпайтириш, сотиш, ёздириш, ижро этиш, таксимлаш ва шу каби бошка харакатларни килишни ўз ичига олади.
- **Лицензия** –бу у ёки бу хўжалик фаолияти, хўжалик операцияси билан шуғулланиш учун давлатнинг компетент органи томонидан берилган рухсатнома. Лицензия махсус расмий хужжат бўлиб, у корхонага унда кўрсатилган фаолият турини белгиланган муддат ичида амалга оширишга рухсат беради. Лицензия олиш лозим бўлган фаолият ёки операцияларнинг турлари, лицензия бериш ваколати юклатилган компетент органлар давлат томонидан белгиланади. Масалан, дори-дармон ишлаб чикариш бўйича лицензияни Соғликни саклаш Вазирлиги, туристик хизматларни ккрсатиш учун лицензияни «Ўзбектуризм» ассоциацияси, аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияни Молия Вазирлиги беради. Лицензия олиш учун корхона тегишли компетент органга куйидаги хужжатларни такдим этади:
  - Лицензия бериш тўғрисида ариза, унда фаолият тури, муддати кўрсатилади;
  - Корхонанинг натариусдан тасдикланган таъсис хужжатлари (таъсис шартномаси, устав, давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги карор ва бошкалар);
  - Давлат солик идорасида хисобга олинганлик тўғрисидаги маълумотнома нусхаси;
  - Бошка талаб килинган хужжатлар

Лицензия берилган муддатида кучга эга бўлади. Корхонанинг тугатилиши билан лицензия ўз кучини йўкотади.

Савдо маркаси, савдо белгилари ва саноат намуналари- бу корхона томонидан ишлаб чикариладиган махсулот ёки хизмат учун берилган номлар ёхуд

рамзлар, масалан «Кока-Кола», «Нексия», «Сони», «Хон» ва шу кабилар. Эгалик килиш максадида ушбу савдо маркалари, савдо белгилари ва саноат намуналари давлат рўйхатидан ўтказилиши мумкин. Рўйхатдан ўтказилган белгилар, рамзлар бўйича эгалик хукуки конун асосида химояланади.

Дастурий таъминот - бу замонавий компьютерларда техник-иктисодий хисоб-китобларни олиб бориш бўйича яратилган дастурлар, алгоритмлар тўплами.

Франчайзлар – бу янги формула ва алгоритмларни, технологияларни, ташки кўриниш ва белгиларни куллаш бўйича хукук. Ушбу хукук франчайзга (фойдаланиш хукукини олувчи) франчайзор (фойдаланиш хукукини берувчи) томонидан махсус франчайз шартномаси асосида берилади. Масалан, кетчуп ишлаб чикариш технологиясидан фойдаланиш хукукини «Балтимор-Челек» кушма корхонасига «Балтимор» холдинг компаниясидан франчайз шартномаси асосида олган.

Гудвил - бу корхонанинг соф активларини сотиб олиш киймати ва бозор киймати (ёки хакконий хисоб киймати) ўртасидаги фарк бўлиб, у факат биринчи киймат иккинчисидан ортик бўлганда вужудга келади. Масалан, сотиб олинган корхонанинг киймати 40 млн. сўм, унинг активларининг бозор киймати ёки хакконий хисоб киймати –45 млн. сўм, корхонанинг мажбуриятлари –8 млн. сўм. Бу холда, сотиб олинаётган корхонанинг соф активларининг хакконий (бозор) киймати –37 млн сўм (45-8) бўлади. Ўртадаги 3 млн. сўмлик (40 –37) фарк сотиб олувчи корхона учун гудвил хисобланади. Гудвил юкори нархларда сотиб олинган активларни келгусида катта даромад келтириши мумкинлиги аник бўлган холларда самарали хисобланади.

Ташкилий харажатлар – бу корхона таъсисчиларининг уни ташкил этиш бўйича сарфлаган харажатлари, масалан корхонани таъсис хужжатларини ишлаб чикиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, мухр ва штампни тайерлаш, банкдаги хисоб ракамини очиш ва бошка шу каби ташкилий ишларга сарфланган харажатлар. Бу харажатлар , одатда, таъсисчи (лар) нинг шахсий маблағлари эвазига корхона иш фаолиятини бошлагунга кадар килинади. Конун хужжатларига мувофик ташкилий харажатлар таъсисчиларнинг устав капиталига хиссаси сифатида тан олиниши ва кабул килиниши мумкин.

Юкорида номлари ва тавсифи келтирилган номоддий активларнинг барчаси (гудвил ва ташкилий харажатлардан ташкари) сотиш, алмаштириш, бериш объекти бўлиб хисоблананиши мумкин.

Номоддий активлар хисобининг вазифалари. Номоддий активлар бўйича бухгалтерия хисобининг асосий вазифалари бўлиб куйидагилар хисобланади:

- Номоддий активларни уларнинг мохиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда хисобга олиш;
- Номоддий активларни тўғри туркумлаш ва гурухларга ажратиш;
- Номоддий активларни тўғри бахолаш;
- Номоддий активлар холати ва харакатини тўғри, ўз вактида тегишли бошланғич хужжатлар билан расмийлаштириш ва хисоб регистрларида акс эттириш;
- Номоддий активлар амортизацияси (эскириши) ни белгиланган усул ва меъёрлар бўйича тўғри хисоблаш;
- Номоддий активларни Солик Кодексига мувофик соликга тортилишини таъминлаш;

- Номоддий активлар бутлигини таъминлаш, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда кайта рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация килиш), унинг натижаларини тўғри аниклаш ва хисобга олиш;
- Мавжуд номоддий активлардан унумли фойдаланиш, кераксиз номоддий активларни ликвидация килиш, бепул бериш ёки сотиш натижаларини тўғри хисобга олиш;
- Номоддий активларга килинган кўшимча харажатларни (капитал куйилмаларни) тўғри хисобга олиш.

Номоддий активларни бахолаш . Номоддий активларни бахолашда бошланғич киймат, тикланган киймат, колдик киймат, амортизацияланадиган киймат, сотиш киймати турлари ишлатилиши мумкин (БХМС № 7, п. 9-15). Ушбу киймат турларининг мохияти асосий воситаларни бахолашда кулланиладиган киймат турларининг мохиятига тўлик ўхшашдир.

Номоддий активларни хисобга олиш киймати бўлиб бошланғич киймат хисобланади. Ушбу киймат номоддий активларни келиб тушиш манбаларига караб куйидагича аникланади:

- Таъсисчилардан устав капиталига таъсис бадали сифатида кабул килинганда – *таъсисчиларни келишув шартномаси бўйича;*
- Сотиб олинганда – *сотиб олиш бахоси плюс барча ишлашга тайёр холатга келтиришга кетган харажатларни ўз ичига олган киймат бўйича;*
- Бепул олинганда – *эксперт йўли билан аникланган киймат бўйича;*
- Илмий тадкикот ва изланишларнинг натижаси сифатида кабул килинганда – *хакикий таннархи бўйича.*

Тикланган киймат номоддий активларни кайта бахолашдан кейинги ёки кўшимча капитал куйилмалардан кейинги вактинчалик киймати бўлиб, у шу санадан бошлаб бошланғич киймат хисобланади.

Колдик киймат номоддий активларни жамланган эскириш суммаси чегириб ташлангандан кейинги бошланғич киймати бўлиб, асосан уларни баланс кийматини топишда ишлатилади.

Сотиш киймати номоддий активларни олувчи ва сотувчи ўртасидаги келишув киймати бўлиб, у факат сотиш натижаларин хисобга олишда кўлланилади.

Амортизацияланадиган киймат бошланғич ва ликвидацион киймат ўртасидаги фарк бўлиб, у амортизация (эскириш) суммасини хисоблашда кўлланилади.

Номоддий активларнинг синтетик ва аналитик хисоби. 21- сон БХМС да номоддий активлар хисобини юритиш учун актив бўлган № 0400 «Номоддий активлар хисоби счётлари» ва контрактив бўлган № 0500 «Номоддий активларнинг эскириши хисоби счётлари» тизимлари кўзда тутилган.

	Актив счётлар		**Контрактив счётлар**
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау	0510	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хауларнинг амортизацияси
0420	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари	0520	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси
0430	Дастурий таъминот	0530	Дастурий таъминотнинг амортизацияси

0440	Ердан ва табиий песурслардан фойдаланиш хукуки	0540	Ердан ва табиий песурслардан фойдаланиш хукукининг амортизацияси
0450	Ташкилий харажатлар	0550	Ташкилий харажатларнинг амортизацияси
0460	Франчайз	0560	Франчайзнинг амортизацияси
0470	Муаллифлик хукуклари	0570	Муаллифлик хукукларининг амортизацияси
0480	Гудвил		
0490	Бошка номоддий активлар	0590	Бошка номоддий активларнинг амортизацияси

0410-0490 «Номоддий активлар хисоби счетлари»нинг дебетида уларнинг бошланғич кийматини ошишига олиб келувчи операциялар (масалан, янги номоддий активларни сотиб олиниши, уларни бепул келиб тушуши, кайта бахоланиши, инвентаризацияда аникланган ортикчалар), кредитида эса номоддий актвларнинг бошланғич кийматини камайишига олиб келувчи операциялар (масалан, уларни сотилиши, бепул берилиши, хисобдан чикарилиши, аникланган камомадлар) куйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттирилади.

№	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат
1.	Номоддий активлар сотиб олинганда	0410-0490	0830	Шартномалар, счет-фактуралар
2.	Илмий тадкикот ва тажриба конструкторлик ишланмалари натижасида кабул килинган номоддий активларнинг хакикий таннархига	0410-0490	3190	Лойиха-смета хужжатлари, далолат-номалар
3.	Бепул келиб тушган номоддий активларнинг эксперт йули билан белгиланган кийматига	0410-0490	8530	Шартнома, далолатнома, счет-фактура
4.	Таъсис бадали сифатида кирим килинган номоддий активларнинг келишув бахосидаги кийматига	0410-0490	4610	Таъсис шартномаси, далолатнома, счет- фактура
5.	Инвентаризацияда аникланган ортикча номоддий активларнинг кийматига	0410-0490	9390	Карор, далолатнома
6.	Номоддий активларни сотилиши ва бепул берилишида : -сотиш кийматига -ККС суммасига -бошланғич кийматга -эскириш суммасига	 4010 9220 9220 0510-	 9220 6410 0410-0490 9220	Шартнома, Счет-фактура, далолатнома

	-олинган фойдага -кўрилган зарарга	0590 9220 9430	 9320 9220	
7.	Номоддий активлар молиявий инвестициялар сифатида киритилганда: -келишув кийматига -бошланғич кийматига -эскириш суммасига -ККС суммасига -олинган фойда суммасига	 0610-0690 9220 0510-0590 9220 9220	 9220 0410-0490 9220 6410 9320	Шартнома, Счет-фактура, далолатнома
8	Гудвил корхона харажатлари эвазига хисобдан чикарилганда	Харажат счёт-лари	0480	Расчет
9.	Инвентаризацияда камомад аникланганда -бошланғич кийматга -эскириш суммасига -камомад суммасига	 9220 0510-0590 470	 0410-0490 9220 9220	Далолатнома, карор

БХМС № 7 «Номоддий активлар» га мувофик (п.46) номоддий активлар хар йилнинг охирида якуний хисобот тузиш олдидан инвентаризациядан ўтказилиши лозим. Бундан ташкари улар кайта бахолашда, корхонада реорганизация (бирлашиш, бўлиниш) юз берганда, корхона тугатилганда инвентаризация килинади. Номоддий активларни инвентаризациясини ўтказиш БХМС № 19 «Инветаризацияни ташкил килиш ва ўтказиш»да белгиланган тартиб бўйича амалга оширилади.

Номоддий активларнинг киймати оширилганда инвентаризация кайдномаси маълумотлари асосда куйидаги бухгалтерия ёзувлари килинади:

- *Бошланғич киймат оширилганда*

Дебет 0410-0490 «Номоддий актвлар хисоби счетлари»

Кредит 8510 «Активларни кайта бахолаш бўйича тузатишлар»

- *Бошланғич киймат камайтирилганда*

Дебет 8510 «Активларни кайта бахолаш бўйича тузатишлар»

Кредит 0410-0490 «Номоддий актвлар хисоби счетлари»

Номоддий активларнинг аналитик хисоби моддий жавобгар шахслар бўйича хар бир инвентар объектнинг коди (тартиб номери) бўйича карточкаларда ёки китобда юритилади. Ушбу карточка ва китоблар номоддий активлар келиб тушганда очилади ва уларнинг бутун фойдали хизмат муддати даври давомида сакланади.

Номоддий активларни эскиришининг хисоби. Номоддий активларга эскириш хисоблашда куйидаги омиллар асос килиб олинади:

- Фойдали хизмат муддати;
- Корхонанинг устав фаолиятининг муддати;
- Номоддий активнинг жисмоний ва маънавий эскириш характери;

Фойдали хизмат муддатини хисоблаш мумкин бўлган номоддий активлар учун йиллик эскириш суммаси уларнинг амортизацияланадиган кийматини фойдали хизмат йиллар сонига булиш йўли билан топилади. Топилган суммани 12 га бўлиб, хар ойлик эскириш суммаси харажатлар счётларига олиб борилади.

Фойдали хизмат муддатини аниклаш кийин бўлган номоддий активлар бўйича хизмат муддати энг кўпи билан 5 йил килиб, лекинда корхона устав фаолияти муддатидан кўп бўлмаган мудддатга, белгиланади (БХМС № 7, п. 39.2).

БХМС № 7 га мувофик (п.42-44), номоддий активларга амортизация (эскириш) хисоблаш худди асосий воситалар сингари бир маромли, бажарилган иш хажмига пропорционал, хизмат йиллари сонлари йиғиндисига пропорционал (кумулятив) ва камайиб борувчи колдик кийматдан хисоблаб топиш усуллари бўйича амалга оширилади. Танланган усул (усуллар) корхонанинг хисоб сиёсатида кўрсатилган бўлиши лозим. Асосий воситалар каби номоддий активлар амортизациясини хисоблашда Солик Кодекси негизига бир маромда хисоблаш усули олинган, колган усуллар бўйича хисоб-китобларда аникланган меъёрдан ортикча суммалар фойда солиғи базасига кайта кўшилади ва шу йўл билан соликга тортилади.

Хар хисобот йили охирида номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати кайта кўриб чикилиши ва шунга мос равишда амортизация (эскириш) меъёри ўзгартирилиши мумкин (БХМС № 7, п. 46).

Номоддий активлар бўйича амортизация (эскириш) ни хисобланиши уларнинг ишлатиш максадига кўра 0510-0590-счетларнинг кредитида ва харажатлар счетларининг (2010, 2310, 2510, 2710, 3110,9410,9420) дебетида акс эттирилади. 0510-0590 счетларнинг дебетида номоддий активларни сотилиши, бепул берилиши, хисобдан чикарилиши, камомадлари ва таъсис бадали сифатида киритилиши муносабати билан уларга тўғри келадиган жамланган эскириш суммасини камайтириш акс эттирилади. Бунда 9220 «Бошка активларни сотилиши ва турли чикимлари», 0480 «Гудвил», 8510 «Активларни кайта бахолаш бўйича тузатишлар» счётлари кредитланади.

Номоддий активлар амортизациясининг аналитик хисоби хар бир номоддий актив бўйича карточкаларда ёки китобда олиб борилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Куйидагиларнинг кайси бири номоддий активларга кирмайди

а) Бинолар
б) Гудвил
в) Муаллифлик хукуки
г) Франшизалар

2.Кўйидагиларнинг кайси бири ишлаб чикаришга доир номоддий активларга кирмайди

а) Франшизалар

б) Патент
в) “1-С “ бухгалтерия дастури
г) Ишлаб чикаришга доир лицензия

3.Бепул келиб тушган номоддий актив
а) Резерв капиталига олинади
б) Корхонанинг фойдасига олинади
в) Корхона харажатларини камайтиришга олиб борилади
г) Кўшилган капиталга олинади

1. Таъсисчилардан олинган номоддий активлар кирим килинади
а) Сотиш бахосида
б) Келишув бахосида
в) Колдик бахосида
г) Хохлаган бахода

2. Капитал инвестициялар
а) номоддий активнинг кийматини оширади
б) номоддий активнинг кийматини оширмайди
в) таъмирлаш билан боғлик харажатлар
г) сотиш билан боғлик харажатлар

3. Номоддий активлар устав капиталига иштирокчиларнинг улуши сифатида киритилганда кандай бухгалтерия ёзуви килинади?
1. Дт 0410-0490 Кт 4710
2. Дт 0410-0490 Кт 5110
3. Дт 0410 Кт 8510
4. Дт 0410 Кт 4810

7. Номоддий активлар качон ва кайси муддатларда инвентаризация килинади
1. Хар ойнинг охирида
2. Хар йилнинг охирида
3. Хар чоракнинг бошида
4. Хар чоракнинг охирида

4.3. Молиявий инвестицияларнинг хисоби

Молиявий инвестицияларнинг мохияти. *Молиявий инвестициялар* – бу корхонанинг бошка корхоналарга уларнинг кувватини ошириш ва бунинг эвазига келгусида узи хам моддий наф куриш , кушимча даромад олиш максадида киритган маблаглари мажмуаси.

Молиявий инвестицияларни турлича белгиларига караб таснифлаш мумкин бўлади.

Муддатига кўра молиявий инвестициялар узок муддатли ва киска муддатли инвестицияларга бўлинади. **Узок муддатли молиявий инвестициялар** деганда, БХМС № 12 «Молиявий инвестицияларнинг хисоби» га мувофик, 12 ойдан кўп

муддатга киритилган маблағлар тушунилади. Ушбу муддатдан кам вактга киритилган маблағлар к**иска муддатли молиявий инвестициялар** деб аталади.

Киритилиш йўналишига кўра молиявий инвестициялар хўжалик юритувчи субъектларнинг турлари бўйича алохида гурухларга ажратилади. Жумладан, узок ва киска муддатли молиявий инвестициялар ушбу белгисига кўра кўйидаги гурухларга ажратилади:

- Акционерлик жамиятларига киритилган молиявий инвестициялар;
- Банкларга киритилган молиявий инвестициялар;
- Шўъба корхоналарга киритилган молиявий инвестициялар;
- Кўшма корхоналарга киритилган молиявий инвестициялар;
- Карам жамиятларга киритилган молиявий инвестициялар;
- Бошка турдаги корхоналарга киритилган молиявий инвестициялар.

Кўриниши бўйича барча молиявий инвестицияларни кўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

- Кимматли коғозларга киритилган инвестициялар;
- Карз сифатида киритилган инвестициялар;
- Кредит сифатида киритилган молиявий инвестициялар;
- Таъсис бадали сифатида киритилган инвестициялар;

Кимматли коғозларга киритилган инвестициялар деганда очик акционерлик жамиятлари ва акционерлик тижорат банкларини чикарган акцияларини ва бошка кимматли коғозларга тенглаштирилган эквивалентларни сотиб олишга сарфланган маблағлар тушунилади. Сотиб олинган акциялар корхонага дивиденд кўринишида даромад келтиради, шунингдек улар корхонага акционерлик жамияти йиғилишларида овоз бериш хукукини хам беради. Кимматли коғозларга тенглаштирилган эквивалентларга облигациялар, векселлар, депозит сертификатлари киради. Бу турдаги молиявий инвестициялар, асосан, киска муддатли бўлиб, улар корхонага фоиз кўринишида даромад келтиради.

Корхона ихтиёридаги барча кимматли коғозлар биргаликда корхонанинг **инвестицион портфелини** ташкил этади.

Карз ва кредит сифатида киритилган инвестициялар деганда, корхоналарга молиявий ёрдам бериш максадида берилган маблағлар тушинилади. Бу гурух инвестициялар имтиёзли ва имтиёзсиз бўлиши мумкин. Имтиёзли инвестициялар деганда, устама фоизсиз ёки имтиёзли (кичик микдорли) фоизлар асосида берилган карз ва кредитлар тушунилади. Имтиёзсиз инвестициялар деганда маълум муддатга келишилган фоизлар асосида берилган карз ва кредитлар тушунилади. Шундай килиб, карз ва кредит сифатида киритилган инвестициялар корхоналарга фоизлар кўринишида даромад келтиради ёки даромад келтирмайди.

Таъсис бадали сифатида киритилган инвестициялар деганда, корхонанинг янги ташкил этилган бошка корхоналарнинг устав капиталига маблағ киритиши тушунилади. Корхоналар таъсис бадали сифатида маблағларни кизалок корхоналарга, кўшма корхоналарга, уюшган корхоналарга, карам жамиятларга ва бошка турдаги корхоналарга киритишлари мумкин. Бу гурух инвестициялар корхоналарга таъсис этилган бошка корхоналар фойдасидан улуш олиш кўринишида даромад келтиради.

Киритилган маблағларнинг турига кўра молиявий инвестицияларни кўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:

- Узок муддатли активлар билан киритилган молиявий инвестициялар ;
- Киска муддатли активлар билан киритилган молиявий инвестициялар.

Узок муддатли активлар хисобланган асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган капитал кўйилмалар, кимматли коғозлар карз ва кредит сифатида, таъсис бадали сифатида турли мулк ва шаклдаги бошка корхоналарга инвестиция тарзида киритилиши мумкин. Киска муддатли активлардан кимматли коғозларга асосан пул маблағлари киритилади. Карз ва кредит, шунингдек таъсис бадали сифатида киска муддатли активларнинг дебиторлик карзларидан ташкари барча турлари киритилиши мумкин.

Моливий инвестицияларнинг барчасига тааллукли умумий хусусиятлар мавжуд. Уларнинг асосийларига кўйидагиларни киритиш мумкин.

1. Максадлилик – барча молиявий инвестициялар аник максад билан киритилади.

2. Кайтаришлик – барча молиявий инвестициялар шартнома муддати тугагач корхонага кайтарилади.

3. Тўловлилик – барча молиявий инвестициялар учун шартномага мувофик уларни олган хўжалик субъекти тўлов мажбуриятини олади. Тўлов мажбурияти факат айрим холларда шартнома асосида бўлмаслиги мумкин ва бу, одатда, ночор корхонага молиявий ёрдам бергандагина вужудга келади.

4. Самарали фойдаланиш – инвестор берган маблағларини олган хўжалик субъекти томонидан самарали фойдаланилаётганлигини шартнома асосида назорат килиш хукукига эга бўлиши мумкин.

5. Сотиш объекти – киска муддатли молиявий инвестициялар 1 йил ичида тез ва эркин сотиладиган активлар хисобланади, узок муддатли инвестициялар эса эркин сотилмайдиган активлар хисобланади.

Молиявий инвестициялар хисобининг вазифалари. Молиявий инвестициялар бўйича бухгалтерия хисобининг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

- Молиявий куйилмаларни уларнинг мохиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда хисобга олиш;
- Молиявий куйилмаларни тўғри бахолаш ва кайта бахолаш;
- Молиявий куйилмалар холати ва харакатини тўғри, ўз вактида тегишли бошланғич хужжатлар билан расмийлаштириш ва хисоб регистрларида акс эттириш;
- Молиявий куйилмалар бўйича даромадларни хисоблаш тамойилига мувофик счетларда акс эттириш;
- Молиявий куйилмалардан олинган даромадларни Солик Кодексига мувофик соликга тортилишини таъминлаш;

.Молиявий инвестицияларни бахолаш. Молиявий инвестицияларнинг хар бир турини бахолаш ва кайта бахолаш ўзига хос хусусиятларга эга.

Кимматли коғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни бахолашда иккита сана мухим рол ўйнайди:

- *Сотиб олиш санаси*

• *Кейинги саналар*

Сотиб олиш санаси деганда, кимматли коғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни сотиб олиш, яъни уларни кабул килиб олиш санаси тушунилади.

БХМС № 12 «Молиявий инвестицияларнинг хисоби» га мувофик сотиб олиш санасида кимматли коғозларга йўналтирилган молиявий инвестициялар **сотиб олиш кийматида** тан олиниши ва хисоботда акс эттирилиши лозим.

Кимматли коғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг **сотиб олиш киймати** деганда, уларни сотиб олиш бахоси сотиб олишга кетган харажатлар билан биргаликда олинган киймати тушунилади. Сотиб олишга кетган харажатларга брокерлик канторалари га тўланган хаклар, бож тўлови, банк хизмати хаклари ва бошка сотиб олишга доир харажатлар киради. Сотиб олиш киймати кимматли коғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг **бошланғич кийматини** ёки **баланс кийматини** ташкил килади.

Агар сотиб олиш санасида сотиб олиш кийматига маълум санагача бўлган давр учун хисобланган дивидендлар ва фоизлар хиссаси киритилган бўлса, кимматли коғозларга йўналтирилган инвестициянинг баланс киймати ўтказиб берилган суммадан сотувчи томонидан бўнак сифатида тўланган фоиз ва дивидендлар суммасини чегиришдан кейин колган кийматда акс эттирилиши лозим. Чунки сотиб олиш вактида олинган сумма ва сотиб олиш киймати ўртасидаги фарк инвесторнинг инвестицияга киритган маблағлари учун аванс тарикасида олган даромади хисобланади. Бу аванс сумма инвестицияни сотиб олишдан то кайтарилганича бўлган даврда инвестор томонидан доимий даромад сифатида бир маромда хисобдан чикарилиб бориши керак.

Кейинги саналар деганда, сотиб олингандан кейинги баланс саналари тушунилади. Ушбу саналарда кимматли коғозларга йўналтирилган моливий инвестициялар балансда турли кийматда бахоланиши мумкин. Жумладан, БХМС № 12 нинг 15- пунктига мувофик кимматли коғозларга йўналтирилган узок муддатли моливий инвестициялар кўйидаги бахолардан бири бўйича акс эттирилиши керак:

- **Бозор кийматида ;**
- **Сотиб олиш кийматида;**
- **Бозор ва сотиб олиш кийматларидан энг кичигида;**
- **Кайта бахоланган кийматда**

БХМС № 12 нинг 13-моддасига мувофик кимматли коғозларга йўналтирилган киска муддатли молиявий инвестициялар балансда **бозор кийматида** ёки **бозор ва сотиб олиш кийматларининг энг кичик кийматида** акс эттирилиши керак. Агар улар бозор ва сотиб олиш кийматларининг энг кичик кийматида хисобга олинган бўлса, уларнинг баланс киймати кимматли коғозлар портфелининг жами инвестиция киймати, ёки кимматли коғозларнинг гурухлари бўйича киймати, ёки кимматли коғозларнинг алохида номлари бўйича кийматига асосланиб топилади.

Кимматли когозларга йуналтирилган молиявий инвестицияларнинг **бозор киймати** деганда уларнинг молия бозорида сотиш вактида намоён бўлган **сотиш киймати** тушунилади. Бозор кийматини, бошкачасига, х**акконий киймат** деб хам

атайдилар. Бу киймат кўп омилларга боғлик, жумладан, акционерлик жамияти ёки тижорат банкининг фойдалилик даражасига, тўланаётган дивидендларнинг микдорига, уларнинг келажакдаги обру-эътиборига ва бошка омилларга.

Киймат тамойилига мувофик кимматли коғозларга йўналтирилган молиявий инвестициялар бошка активлар сингари кейинги саналарда юкорида келтирилган кийматларнинг энг кичик микдорида балансда акс эттирилиши лозим. Ушбу кийматда узок муддатли кимматли коғозлар балансда инвестиция портфели методига асосланиб акс эттирилади. Киска муддатли кимматли коғозлар уларнинг бозор ва сотиб олиш кийматларининг энг кичик кийматида хисобга олинган бўлса, балансда кимматли коғозлар портфелининг жами инвестиция кийматига, ёки кимматли коғозлар гурухлари бўйича кийматига, ёки кимматли коғозларнинг алохида номлари бўйича кийматига асосланиб акс эттирилади.

Кейинги саналарда бозор киймати сотиб олиш кийматидан паст бўлса кимматли коғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг сотиб олиш киймати бозор киймати даражасигача етказилиши ва балансда шу киймат билан акс эттилиши керак. Агар сотиб олиш киймати бозор кийматидан паст бўлса , у холда кимматли коғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг киймати балансда ўзгаришсиз колдирилиши лозим. Хозирги вактда амалиётда бу тамойилга тўлик амал килинаётган эмас. Корхоналар балансида сотиб олинган кимматли коғозлар, жумладан акциялар, асосан сотиб олиш кийматида (номинал кийматда) акс эттирилмокда. Бозор кийматини ўзгариши, яъни уни сотиб олиш кийматидан паст ёки юкори бўлиши, уларнинг ичидан энг куйи микдорини ифодаловчи киймати балансда акс эттирилмасдан колмокда. Бу холнинг мавжудлигига сабаблардан бири булиб, корхоналарнинг хисоб сиёсатида кимматли коғозларга йўналтирилган инвестицияларнинг кейинги саналарда кийматини кўриб чикилиши тартибини аник белгиланмаганлиги хисобланади.

БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва моливий хисобот» га мувофик корхоналар ўзларининг хисоб сиёсатларида кимматли коғозларга йўналтирилган молиявий инвестициялари бўйича куйидагиларни аник белгилаб олишлари даркор.

1.Кимматли коғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни кейинги саналарда бахолаш турини

2.Кайта бахолашга асос бўлган хисоб усулини

3.Кайта бахолашни кимматли коғозларнинг номлари, гурухлари ёки инвестиция портфели бўйича даврийлигини

Кимматли коғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни кейинги саналарда бахолаш улар кийматини хакконийлигини таъминлаш учун зарур хисобланади, шунинг учун хам уларнинг кийматини кайта бахолаш зарурияти туғилади.

БХМС № 12 «Молиявий инвестицияларнинг хисоби» кимматли коғозлар кийматини кайта бахолашни куйидаги учта усуллардан бири бўйича амалга оширишни такоза этади:

- Кимматли коғозлар номлари бўйича;
- Кимматли коғозлар гурухлари бўйича;
- Тўлик инвестиция портфели бўйича

Биринчи усулда кайта бахолаш хар бир кимматли коғоз бўйича индивидуал тарзда амалга оширилади, яъни унинг сотиб олиш ва бозор (хаккоий) кийматларидан кайси бири кичик бўлса, ўша киймат кайта бахолаш киймати сифатида танлаб олинади ва шу кийматда у кайта бахоланган санага тузилган балансда акс эттирилади. Кайта бахолаш натижасида хар бир акция бўйича оширилган ёки камайтирилган киймат суммаси топилади. Ўртадаги фарк кимматли коғозларнинг баланс кийматини ошишига ёки камайишига олиб келади. Оширилган киймат кайта бахолашдан олинган даромад сифатида хусусий капитални кўпайишига олиб борилади. Пасайтирилган киймат эса корхонанинг харажати сифатида тан олинади ва у молиявий натижалар тўғрисида хисоботга киритилади.

Иккинчи усулда кайта бахолаш кимматли коғозларнинг гурухлари бўйича амалга оширилади. Гурух сифатида, одатда, маълум бир корхона (масалан, акционерлик жамияти, акционерлик тижорат банки) хисобланади. Ушбу усулда гурухга кирган кимматли коғозларнинг сотиб олиш ва бозор кийматлари ичидан энг кичиги танлаб олиниб, шу кийматда гурухга кирган барча кимматли коғозларнинг кайта бахоланган кийматдаги суммаси топилади. Кайта бахолаш натижасида хар бир гурух бўйича кимматли коғозларнинг оширилган ва камайтирилган киймат суммалари топилади. Барча гурухлар бўйича биргаликда топилган суммалар ўртасидаги фарк жами кимматли коғозларнинг баланс кийматини ошишига ёки камайишига олиб келади. Оширилган киймат, худди биринчи усулдагидек, кайта бахолашдан олинган даромад сифатида хусусий капиталга киритилади, пасайтирилган киймат эса- корхона харажати сифатида тан олинади ва хисоботда акс эттирилади.

Учинчи усулда кайта бахолаш жами инвестиция портфели бўйича амалга оширилади. Ушбу усулда гурухлар бўйича кайта бахолаш натижасида оширилган киймат суммаси хусусий капитал суммасига киритилади, пасайтирилган киймат суммаси харажатларга олиб борилади, ўртадаги фарк, агар ижобий бўлса инвестицияларни купайишига, агар салбий бўлса инвестицияларни камайишига олиб борилади.

Кимматли коғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларни кайта бахолаш усулларини фаркини тўларок тушуниш максадида куйидаги мисолни кўриб чикамиз.

Айтайлик, акционерлик жамияти куйидаги кимматли коғозларга эга:

Корхона	Ак ция сони	Акциянинг сотиб олиш киймати	Акция-нинг бозор киймати	Сотиб олиш киймати суммаси	Бозор киймати суммаси	Бозор кийматини ошиши ва пасайиши
Савдогарбанк	10	5000	5200	50000	52000	2000
Савдогарбанк	20	6000	5200	120000	104000	-16000
«Сухроб» АЖ	100	1000	800	100000	80000	-20000
«Сухроб» А Ж	50	1200	800	60000	40000	-20000
Жами				**330000**	**276000**	**-54000**

Ушбу шартли маълумотлар асосида кайта бахоланган молиявий инвестицияларнинг баланс киймати юкоридаги учта усулларда куйидагича бўлади:

Усул	Сотиб олиш киймати бўйича	Бозор киймати бўйича	Сотиб олиш ва бозор кийматидан энг кичиги бўйича	Фарк (=,-)
1- усул	330000	276000	274000	-56000
2-усул	330000	276000	270000	-60000
3-усул	330000	276000	276000	-54000

Кўриниб турибдики, 1-усулда акционерлик жамиятининг кимматли коғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларининг сотиб олиш ва бозор кийматларидан энг кичиги бўйича кайта бахоланган киймати 274000 сўмни ташкил этади, яъни сотиб олиш кийматига нисбатан уларнинг кадри 56000 сўмга тушиб кетган. Хисобот йили охирида ушбу усул бўйича кимматли коғозлар кайта баколанганда, уларнинг киймати балансда 274000 сўм этиб белгиланади ва ўртадаги фарк , яъни 56000 сўмлик зарар, резерв капитали хисобидан копланади. Агар резерв капитали ушбу максад учун шаклланмаган бўлса, у холда ушбу сумма корхона зарарига олиб борилади.

Агар корхона кимматли коғозларни кайта бахолашнинг иккинчи усулини танлаган бўлса, у холда кимматли коғозлар кадрини пасайиши натижасида 60000 сўмлик зарар кўрилган бўлади ва хисобот йили охирида уларнинг баланс киймати 270000 сум микдорида балансда акс эттирилади. Кўрилган зарар, худди 1-усулдагидек, резерв капитали хисобидан копланади ёки корхона зарарига олиб борилади.

Агар корхона кимматли коғозларни кайта бахолашнинг 3- усулини кўллаётган бўлса, у холда хисобот йили охирига кимматли коғозларнинг киймати 330000 сўмдан 276000 сўмга туширилади, ўртадаги фарк , яъни 54000 сўм, резерв капитали хисобидан копланади ёки бундай резерв капитали бўлмаса корхона зарарига олиб борилади.

Карз ва кредит сифатида киритилган инвестицияларни бахолаш. Карз ва кредит сифатида киритилган инвестицияларни бахолаш уларнинг бериш санасидаги хисоб киймати бўйича амалга оширилади. Хисоб киймати инвестицияга киритилган активнинг турига боғлик бўлади.

Жумладан, киска ва узок муддатга инвестицияга киритилган асосий воситалар ва номоддий активлар балансда уларнинг бошланғич киймати бўйича бахоланади. Бу активларни бошланғич кийматдан юкори бахоланиб инвестицияга киритилиши корхонага кўшимча даромад келтириши мумкин ва аксинча, паст килиб киритилиши корхонага зарар келтириши мумкин. Лекинда хар иккала холда хам инвестициянинг баланс киймати ушбу активлар бўйича бошланғич кийматга тенг бўлиши зарур. Инвестиция муддати тугагач бу турдаги активлар бошланғич кийматида мос счётлар таркибига тикланади.

Карз ва кредит сифатида инвестицияга киритилган товар-моддий захиралар уларнинг баланс кийматида, яъни таннархи бўйича балансда акс этиши лозим. Ушбу кийматдан четланиш (паст ёки юкори) корхонага , худди узок муддатли активлар сингари, мос равишда зарар еки кўшимча даромад келтиради. Моддий

захираларни кайтарилиши хам мос счетларга баланс кийматида, яъни таннархи бўйича тикланади.

Пул маблағларини карз ва кредит сифатида инвестицияга киритилиши уларнинг берилган суммадаги микдорида бахоланади ва ўша микдорда кайтарилгач мос счетларга тикланади.

Карз ва кредит шартномасига мувофик карз ва кредит сифатида киритилган инвестициялар кайта бахоланиши хам мумкин. Кайта бахолаш инвестицияга киритилган асосий воситалар ва моддий активларнинг бошланғич кийматлари хукумат карорлари ёки корхонанинг мулкини бошка мулк шаклига айланиши муносабати билан мутассади ташкилот карори билан ўзгартирилганда амалга оширилади. Бундай холда инвестор инвестицияга киритган узок муддатли активларининг баланс кийматини ўзгартиради ва ўша кийматда кейинги саналарда уларни балансда акс эттиради. Кайта бахолаш товар-моддий захираларга хам тааллукли бўлиб, уларнинг баланс кийматини ўзгариши инвестиция кийматини хам ўзгаришига олиб келади. Карз ва кредит сифатида инвестицияга киритилган активларнинг кайта бахоланиши шартнома шартларига мувофик инвесторнинг оладиган даромадига таъсир килиши хам, таъсир килмаслиги хам мумкин.

Активларни карз ва кредит сифатида инвестицияга киритувчи корхоналар ўзларининг хисоб сиёсатларида бахолаш ва кайта бахолаш тартибларини , уларни корхона даромад ва харажатларига таъсирини , шунингдек кайта бахолаш натижаларини счетларда акс эттириш усулларини очиб беришлари лозим.

Таъсис бадали сифатида киритилган инвестицияларни бахолаш карз ва кредит сифатида киритилган инвестицияларни юкорида келтирилган тартибига тўлик ўхшашдир.

Таъсис бадали сифатида киритилган инвестицияларнинг кайта бахоланиши , маълумки таъсис бадали суммасини ошишига ва бу ўз навбатида ундан олинадиган таъсисчиларнинг фойдаси хиссасини ўзгаришига олиб келиши мумкин. Шунинг учун таъсис бадали сифатида киритилган инвестицияларнинг кайта бахоланган киймати давлат регистрациясидан кайта ўтиши лозим ва факат шу асосда тан олиниши, шунингдек балансда акс эттирилиши лозим.

.Моливий инвестицияларнинг синтетик ва аналитик хисоби. 21-сон БХМС га мувофик узок муддатли молиявий инвестицияларнинг хисобини юритиш учун махсус 0600 «Узок муддатли инвестициялар хисоби счётлари» тизимида куйидаги счётлар кўзда тутилган:

- 0610 «Кимматли когозлар»
- 0620 «Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар»
- 0630 «Карам хўжалик жамиятларига инвестициялар»
- 0640 «Чет эл капиталига эга корхоналарга инвестициялар»
- 0690 «Бошка узок муддатли инвестициялар»

0610 «Кимматли коғозлар» счёти корхоналарнинг акция ва бошка кимматли коғозларни сотиб олишга йўналтирган узок муддатли молиявий инвестицияларини хисобини юритишга мўлжалланган. Ушбу счётнинг дебетида акция ва бошка кимматли коғозларни сотиб олиниши акс эттирилади, счётнинг дебет колдиғи эса сотиб олинган кимматли коғозларнинг кийматини кўрсатади. Счётнинг кредит томонида акция ва бошка кимматли коғозларнинг корхона балансидан чикиб кетиши, яъни уларни камайиши, акс эттирилади. Акция ва

бошка кимматли коғозларнинг хисоби 0610- счётда уларнинг номинал кийматида юритилади.

0620 «Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» счёти ўз ихтиёрида шўъба хўжалик жамиятларига эга бўлган корхоналарда кўулланилади ва улар ушбу счётда шўъба хўжалик жамиятларига киритган молиявий инвестицияларини хисобини олиб борадилар.

Шўъба хўжалик жамияти деб инвестор томонидан тўлик назорат килинадиган корхона тушунилади**.** Бу турдаги инвестициялар бўлиб шўъба хўжалик жамиятларининг чикарган акцияларини сотиб олиш олишга йуналтирилган маблағлар, уларга таъсис бадали сифатида киритилган, карз ёки кредит сифатида берилган маблағлар хисобланади.

0630 «Карам хўжалик жамиятларига инвестициялар» счёти корхоналарнинг карам хўжалик жамиятларига киритилган маблағларни хисобга олиш учун мўлжалланган. Бунда **карам хўжалик жамияти** деганда маблағ киритган инвестор катта таъсирга эга бўлган, лекинда унинг шўъба хўжалик жамияти ёки кўшма корхонаси бўлмаган корхона тушунилади.

Катта таъсир– бу корхонанинг сиёсатини назорат килмасдан унинг молиявий ва ишлаб чикариш бўйича фаолиятига доир карорларни кабул килишда катнашиш хукукидир. Катта таъсирни мавжуд бўлиши инвесторнинг куйидаги хукуклари оркали намоён бўлади :

- Директорлар кенгашида аъзоликни ёки шунга тенглаштирилган бошкарув органидаги вакилликни борлиги;
- Корхона сиёсатини ишлаб чикишда катнашиш;
- Инвестор ва карам жамият ўртасида фойдани келишиб таксимлаш ва бошка молиявий муносабатларни мавжуд бўлиши;
- Бошкарув ходимларини алмаштиришда иштирок этиш;
- Техник-иктисодий ахборотлар билан таъминлаш.

Агар инвесторнинг киритган маблаги карам хўжалик жамиятининг жами капиталида 20% дан кўп хиссани ташкил этса ва шу микдордан ортик овозга эга бўлса, у холда унинг карам хўжалик жамиятига таъсири катта хисобланади.

0640 «Чет эл капиталига эга корхоналарга инвестициялар» счёти кушма корхоналарга инвестициялар киритган корхоналар томонидан кўлланилади. Ушбу счётда кўшма корхонага таъсис бадали, карз ёки кредит сифатида киритилган маблағлар акс эттирилади.

0690 «Бошка узок муддатли инвестициялар» счётида корхоналарнинг давлат корхоналарига, хайрия ёки экологик жамиятларга келгусида моддий манфаат олиш максадида киритган маблағлари акс эттирилади.

Узок муддатли молиявий инвестицияларга доир операциялар 0610-0690 счётларнинг дебети ва кредитида куйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан акс эттирилади:

Т-б №	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат

1.	Узок муддатли инвестицияларни пул маблағлари билан киритиш (акция ва бошка кимматли коғозларни сотиб олиш, таъсис бадали, карз ва кредит бериш)	0610-0690	Пул маблағ-лари счетлари	Шартнома, касса ва банк хужжатлари
2.	Узок муддатли инвестицияларни бепул (кайтариб бермаслик шарти билан) олиш	0610	8530	Шартнома, касса ва банк хужжатлари
3.	Киска муддатли инвестицияларни узок муддатли инвестицияларга ўтказиш	0610-0690	5810-5890	Шартнома, далолатнома
4.	Узок муддатли инвестицияларни киска муддатли инвестицияларга ўтказиш	5810-5890	0610-0690	Шартнома, далолатнома
5.	Асосий воситаларни узок муддатли инвестиция сифатида киритиш	0610-0690 (9210	9210 0110-0190)	Шартнома Счет-фактура, далолатнома,
6.	Бошка активларни узок муддали инвестиция сифатида киритиш	0610-0690 (9220	9220 04,10,12 ва бошка-лар	Шартнома, счет-фактура, далолатнома
7.	Сотиб олиш ва номинал кийматлар ўртасидаги фарк (камига) (кўпига)	0610 9620	9560 0610	Шартнома, гувохнома, счет –фактура
8.	Инвестиция буйича валюта курслари фаркига А) Кийматга киритилганда Кийматдан чегирилганда Б) молиявий натижага олиб борилганда Ижобий суммага Салбий суммага	 0610 9690 0610 9690	 9560 0610 9560 0610	Курсни узгариши тугрисидаги млумотнома
9.	Инвестицияларни сотилиши	9220 50,51,52	0610-0690 9220	Далолатнома, касса ва банк хужжатлари
10.	Кимматли коғозларнинг камомади	4730	0610	Далолатнома, таккослаш кайдномаси
11.	Инвестицияларни хисобдан чикариш	9430 9220	9220 0610-0690	Карор, далолатнома, шартнома
12.	Молиявий инвестициялардан хисобланган даромадларга: - фоизларга -дивидендларга	 4830 4840	 9530 9520	 Авизо-хабар, хат, расчет

Молиявий инвестицияларнинг аналитик хисоби корхоналар бўйича инвестициянинг турларига кўра олиб борилади.

Молиявий инвестицияларни инвентаризация килиш 19-сон БХМС «Инвентаризацияни ташкил килиш ва ўтказиш» га мувофик (п.3.32-3.36) олиб борилади. Инвентаризацияда аникланган ортикчалар корхона даромадига, камомадлар эса айбдор шахслар бўйнига олиб борилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1. Молиявий инвестицияга киради

а) Корхонанинг номоддий активлари
б) Корхонанинг бир йилдан кўп хизмат киладиган моддий активлари
в) Корхонанинг капитал сарфлари
г) Корхонанинг молиявий куйилмалари

2.Куйидагиларнинг кайси бири молиявий инвестицияларга кирмайди

а) Олинган кредитлар
б) Берилган кредитлар
в) Акциялар
г) Таъсис бадали

3.Кўйидагиларнинг кайси бири таъсис бадали сифатида киритиладиган молиявий инвестицияларга кирмайди

а) Киритилган станок
б) Берилган Газ -3110
в) Берилган кредит
г) Ўтказиб берилган пул маблағлари

4.Куйидагиларнинг кайси бири акциянинг номинал кийматини ташкил килади ?

а) Акциянинг сотиш бахоси
б) Акциянинг типографик усулда ёзилган киймати
в) Хисобланган дивиденд суммаси
г) Тўланган дивиденд суммаси

5.Куйидагиларни кайси бири туғри

а) Молиявий инвестициялар кайтарилмайди
б) Молиявий инвестициялар кисман кайтарилади
в) Молиявий инвестициялар тўлик кайтарилади
г) Молиявий инвестициялар тўлик кайтарилмайди

6.Акциялар

а) фоиз ишлаш учун сотиб олинади
б) дивиденд олиш учун сотиб олинади
в) дивиденд бериш учун сотиб олинади
г) Фоиз тўлаш учун сотиб олинади

7.Карз сифатида киритилган инвестицияларга кирмайди

а) карзга берилган асосий воситалар
б) карзга берилган пул маблағлари маблағлари

в) кредит сифатида берилган пул маблағлари
г) карзга берилган номоддий активлар

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисида конуни. 1996 йил 30 августда кабул килинган.

2.Молиявий хисоботни тайёрлаш ва такдим этиш учун Концептуал асос. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 475.

3.БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 474.

4. БХМС № 5 «Асосий воситалар». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2004 йил 20 январда рўйхатдан ўтган, № 1299.

5. БХМС № 6 « Лизинг хисоби». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтган, № 503.

6. БХМС № 7 « Номоддий активлар». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 20 сентябрда рўйхатдан ўтган, № 506.

7. БХМС № 11 « Илмий - тадкикот ва малака – конструкторлик ишланмаларига кетган харажатлар». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтган, № 581.

8. БХМС № 12 « Молиявий инвестицияларнинг хисоби». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1999 йил 16 январда рўйхатдан ўтган, № 596.

9. БХМС № 19 «Инвентаризацияни ташкил килиш ва ўтказиш ». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1999 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтган, № 833.

10. БХМС № 21 «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалиги бухгалтерия хисобининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўрикнома. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.

11. Асосий фондлар кийматини хар йили 1 январ холатига кайта бахолаш тартиби тўғрисида Низом. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 4 декабрда рўйхатдан ўтган, № 1192.

12. Асосий фондлар кийматини хар йили 1 январ холатига кайта бахолаш тартиби тўғрисида Низомга ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш тўғрисида Адлия Вазирлигидан 2003 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтган, № 1192-1.

13. Абдуллаев А. Каюмов И. Бухгалтерия хисоби. Т, «Минхож» нашриёти, 2002.

14. Бобожонов О. Молиявий хисоб. Т., «Шарк», 2000.

15.Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий хисоб. Т., «Молия», 2002.

16.Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия хисоби, Т., Мехнат, 1999

17.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия хисоби бўйича мустакил ўрганиш учун кўлланма.Т., Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2000.

18.Ўразов К.Б. Асосий воситалар: хисоб сиёсати. Солик тўловчининг журнали, 1999, № 11.

19. Ўразов К.Б. Асосий воситаларга доир харажатлар. Солик тўловчининг журнали, 1999, № 12.

20.Ўразов К.Б. Асосий воситаларга доир даромадлар: хисоб сиёсатида

очилиши лозим бўлган жихатлар хусусида. Солик тўловчининг журнали, 2000, № 6

21.Ўразов К.Б. Инвестицияларнинг бухгалтерия хисоби ва соликка тортилиши. Монография. "Иктисодиёт ва хукук дунёси" нашриёт уйи, Тошкент, 2003

Y- боб. ТОВАР – МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИНГ ХИСОБИ

5.1. Ишлаб чикариш захираларининг хисоби

Хўжалик юритишнинг мухим омили бўлиб корхонанинг ишлаб чикариш захираларига эга бўлишлиги хисобланади.

Ишлаб чикариш захиралари –бу ишлаб чикаришнинг моддий асосини ташкил этувчи мехнат предметларидир. 4-сон БХМС «Товар-моддий захиралар» га мувофик, ишлаб чикариш захираларига куйидаги кўринишларга эга бўлган активлар киради:

- **Хом- ашё ва материаллар**- махсулот (иш, хизмат) ни ишлаб чикариш (бажариш)да унинг моддий асосини ташкил килувчи мехнат предметлари;
- **Ярим тайёр махсулотлар (полуфабрикатлар) –**бу ишловнинг маълум технологик боскичларидан ўтган, лекинда мустакил тайёр материал сифатида тан олиниши мумкин бўлмаган, кейинги ишлавга мухтож мехнат предметлари;
- **Бутловчи кисмлар –** бу буюмни бир бутун холатга келтиришда зарур бўлган кисмлари.
- **Ёкилғи** –бу ишлаб чикаришда ишлатиладиган ёкилғилар (бензин, керосин, салярка, суюлтирилган газ ва бошкалар);
- **Мойлаш материаллари –**бу техник воситаларни ишлатишга кетадиган солидол, афтол ва шу каби мойлар.
- **Эхтиёт кисмлар –**бу техник воситаларнинг таркибий унсурлари (поршен, гильза, баллон, камера ва бошкалар);
- **Курилиш материаллари** – бу объектларни куриш, таъмирлашда кулланиладиган материаллар (ғишт, тахта, цемент ва бошкалар);
- **Ем-хашаклар –** бу корхоналарнинг балансида турган хайвонларни саклаш, ўстириш, бокиш учун етиштирилган, сотиб олинган омухталар, кўкат ўтлар, силос, ёнток, самон ва шу каби ем-хашаклар.
- **Тара**- бу махсулотларни ўрашда, ташишда, саклашда ишлатиладиган активлар (бутулка, бочка, ящик , халта ва бошкалар);

Ишлаб чикариш захираларига юкоридагилардан ташкари истесно тарикасида инвентарлар ва хўжалик буюмлари, шунингдек ўстиришдаги ва бокувдаги моллар хам киради.

Ишлаб чикариш захиралари ишлаб чикаришдаги ролига кўра асосий ва ёрдамчи захираларга бўлинади.

Асосий ишлаб чикариш захираси деганда ишлаб чикариладиган махсулотни асосий компонентини ташкил этадиган хом - ашё материаллар тушунилади. Масалан, колбаса ишлаб чикарувчи корхона учун асосий хом-ашё материал бўлиб гўшт хисобланади. Колган материаллар, айтайлик, чеснок, калампир, туз, сирка, ўраш плёнкаси, шпагат ва бошкалар ушбу корхона учун ёрдамчи материаллар хисобланади. Худди шундай курилиш ташкилотида курилиш материаллари, транспорт корхонасида эхтиёт кисмлар асосий ишлаб чикариш захиралари бўлиб хизмат килади.

Ишлаб чикариш захиралари хисобининг вазифалари. Ишлаб чикариш захиралари бўйича бухгалтерия хисобининг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

- Ишлаб чикариш захираларини уларнинг мохиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда хисобга олиш;
- Ишлаб чикариш захираларини тугри туркумлаш ва гурухларга ажратиш;
- Ишлаб чикариш захираларини тугри бахолаш;
- Ишлаб чикариш захираларига килинган кушимча харажатларни (ташиб келтириш, бож ва солик тўловлари, курс ўртасидаги фарклар, устамалар, сертификациялаш ва бошкалар) тугри хисобга олиш, уларни уз вактида сотиб олинган захиралар таннархига (кийматига) ёки корхона харажатларига киритиш.
- Ишлаб чикариш захиралари холати ва харакатини тугри, уз вактида ва тегишли бошлангич хужжатлар билан расмийлаштириш хисобга олиш;
- Ишлаб чикариш захираларига моддий жавобгарликни таъминлаш, моддий жавобгар шахслар томонидан хисоботларни туғри ва ўз вактида тузилиши, такдим этилишини назорат килиш;
- Ишлаб чикариш захиралари холати ва харакати бўйича моддий жавобгар шахсларнинг хисоботлари маълумотлари ва хисоб маълумотларини тўлик уйғунлигини таъминлаш;
- Ишлаб чикариш захираларининг бутлигини таъминлаш, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда кайта руйхатдан утказиш (инвентаризация килиш), унинг натижаларини тугри аниклаш ва хисобга олиш;
- Мавжуд ишлаб чикариш захираларидан унумли фойдаланиш, бунинг учун омборларда меъеридан ортик захираларни сакламаслик, уларни кўшимча нобудгарчиликларига йўл кўймаслик, кераксиз материалларни сотиш ва унинг натижаларини тугри хисобга олиш;
- Ишлаб чикариш захираларини асосли равишда кайта бахолаш ва унинг натижаларини хисобда тўғри акс эттириш;
- Арзон бахоли буюмларнинг эскиришини тўғри хисоблаш, тўлик эскирган буюмларни ўз вактида хисобдан чикариш, уларни баланс кийматини хисоботда тўғри акс эттириш.

Ишлаб чикариш захираларини бахолаш. Ишлаб чикариш захиралари 4-сон БХМС «Товар- моддий захираларга мувофик (п.7) уларнинг таннархи ёки сотилишини соф кийматидан бири бўйича энг кичигини танлаш йўли билан бахоланади.

Ишлаб чикариш захираларининг таннархи-бу уларни сотиб олишга ёки ишлаб чикаришга кетган барча харажатлар мажмуаси.

Сотиб олинган ишлаб чикариш захираларининг таннархи уларни сотиб олиш киймати, божхона йиғим ва тўловлари, сертификация харажатлари, комиссия

тўлови, транспорт-тайёрлов ва бошка сотиб олишда кетган харажатларни ўз ичига олади. Кўшилган киймат солиғини (ККС) тўловчи хисобланмаган корхоналарда ишлаб чикариш захираларини сотиб олишда таъминотчиларга тўланган ККС хам уларнинг таннархига киритилади. ККС ни тўловчи корхоналарда захираларни сотиб олишда тўланган ККС суммаси бюджетга ушбу солик бўйича карздан чегирилади (зачетга олинади).

Ишлаб чикарилган захираларнинг таннархи –бу ўз кучи билан ишлаб чикарилган материаллар ва бошка захираларга кетган бевосита ва билвосита моддий, мехнат ва бошка устама харажатлар мажмуаси.

Сотишнинг соф киймати –бу ишлаб чикариш захирасининг таннархидан кичик киймати бўлиб, факатгина уларни керагидан кўп микдорда йиғилиб колганида бахони пасайтириш холларида вужудга келади. Бундай холда ишлаб чикариш захиралари пасайтирилган бахоларда, яъни сотишнинг соф кийматида балансда акс эттирилади.

Ишлаб чикариш захиралари киймати 4- сон БХМС га мувофик (п. 16-18) куйидаги усулларнинг бирида бахоланади:

- **ФИФО –**захираларни келиб тушиш вактидаги бахосида чиким килиш, яъни биринчи тушум, биринчи чиким **.**Ушбу усулда олдин келган захира олдин сарфланади ва ишлаб чикариш таннархига келиб тушган бахосида киритилади, ушбу захира тугагач, кейинги тушган захира тушгандаги бахосида сарфланади ва ишлаб чикариш таннархига киритилади. Ушбу усулнинг характерли хусусияти шундаки, хисобот даври охирида корхонада факатгина охирги навбатда ва бахоларда келиб тушган захиралар колади. Кейинги ойда колган захиранинг чикими биринчи навбатда келиб тушган бахосида ишлаб чикариш таннархига киритилади. Масалан, «А» материал 5 январда 1000 дона 100 сумдан жами 100000 сумга, 15 январда 2000 дона 150 сумдан 300000 сумга, 20 январда 1000 дона 200 сумдан 200000 сумга келиб тушди. Айтайлик, январда жами материаллардан 3500 донаси ишлаб чикаришга сарфланди. Ишлаб чикариш таннархига киритилган захираларнинг киймати ушбу усулда жами 500000 сумни ташкил этади. Ой охирида омборда 20 январда келиб тушган ва ишлатилмай колган 500 дона материал 200 сумдан жами 100000 сумга захира бўлиб колади. Кейинги ойда ушбу материални ишлаб чикаришга сарфланиши айнан шу бахода, яъни 200 сумдан чиким килинади.

- **АВЭКО-** бу захиралар кийматини ўртача нархлардаги бахолар бўйича хисобдан чикариш усули. Юкоридаги мисолимизда келиб тушган бир дона материалнинг ўртача киймати 150 сўмни (600000/4000) , ишлаб чикаришга сарфланган материалнинг киймати 525000 сумни (3500*150) ва ой охирида колган материаллар киймати 75000 сўмни (500*150) ташкил этади.

- **ЛИФО-** бу захираларни охирги тушум бахосидан бошлаб хисобдан чикариш усули. Юкоридаги мисолда ишлаб чикаришга сарфланган материаллар киймати 550000 сумни (1000*200+2000*150+500*100), ой ихирида колган материаллар киймати –50000 сумни (500*100) ташкил этади. Бахоларни ўсиб бориши юз бераётган шароитда ушбу усул дастлаб таннархни ошишига, кейинчалик эса камайишига, ой охирида эски нархлардаги материалларни омборларда колиб кетишига олиб келади. Шунинг учун материалларни кўп марталаб кайта бахолаш зарурияти туғилади.

Захираларнинг юкорида келтирилган усуллари ишлаб чикарилган махсулотларни таннархига ва уларнинг колдик кийматига турлича таъсир кўрсатади. Чунончи, энг кичик таннарх ва энг катта захиралар колдиғи ФИФОда, энг катта таннарх ва энг кичик захиралар колдиғи ЛИФО да юз беради. Бизнинг мисолимизда, жумладан бу куйидагича:

КЎРСАТКИЧЛАР	ФИФО	АВЭКО	ЛИФО
Таннарх	500000	525000	550000
Захира колдиғи	100000	75000	50000

Ишлаб чикариш захиралари кийматини бахолаш усуллари таннарх оркали фойдага, у оркали эса фойдадан(даромаддан) олинадиган соликларга хам турлича таъсир кўрсатади. Мисол учун захиралардан 3500 донаси 250 сумдан сотилди дейлик. Бунда корхонанинг сотишдан олган фойдаси ва фойдадан олинадиган соликлар (давр харажатлари , солик базасига кайта кўшиладиган харажатлар ва имтиёзлар хисобга олинмаган шартли равишда) куйидагича бўлади.

КЎРСАТКИЧЛАР	ФИФО	АВЭКО	ЛИФО
Соф тушум	875000	875000	875000
Таннарх	500000	525000	550000
Фойда	375000	350000	325000
Фойда солиғи, 20%	75000	70000	65000
Инфраструктура-ни ривожланти-риш солиғи, 8%	24000	22400	20800

Мисолдан кўриниб турибдики, энг катта фойдадан олинадиган соликлар ФИФО да, энг кичиги эса ЛИФО да намоён бўлади.

БХМС №4 га мувофик (п.17) Ўзбекистон Республикасида кўпрок эътиборли бўлган ФИФО ва АВЭКО усулларни кўллаш кўзда тутилган, ЛИФО усулини кўллаш кўзда тутилмаган.

Хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чикариш захираларининг кийматини бахолашнинг юкорида келтирилган ФИФО ва АВЭКО усулларидан бирини танлаб олишлари ва уни ўзларининг хисоб сиёсатларида кўрсатишлари керак. Бир вактнинг ўзида икки усулни кўллаш таъкикланади. Бир усулдан иккинчисига асос бўлганда ўтиш мумкин ва бу тўғрида хисоб сиёсатига киритилган ўзгаритиришлар тегишли органларга етказилиши керак.

Ишлаб чикариш захираларининг саклаш жойларидаги хисоби.

Корхоналарда ишлаб чикариш захираларининг сакланиш жойлари бўлиб омборлар, цехлар, майдончалар, участкалар, молхоналар ва бошкалар хисобланади. Барча саклаш жойларида захиралар бўйича аник моддий жавобгар шахслар белгиланади ва улар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилади.

Моддий жавобгар шахслар бўлиб омбор мудирлари, цех бошликлари, хўжалик бўлими мудирлари, прораблар, гараж бошлиғи, мол бокар чўпонлар, бўрдокичилик базалари мудирлари ва бошкалар хисобланади.

Моддий жавобгар шахсларнинг асосий вазифаларига ишлаб чикариш захираларини ўз вактида кирим килиш, корхона рахбари фармойиши билан уларни ишлаб чикариш цехлари ва участкаларига кўрсатилган микдорда бериш, моддий бойликларни бутлигини тўлик таъминлаш, талон-тарожликга йул кўймаслик, захираларнинг кирим ва чикимини тўғри ва ўз вактида тегишли хужжатлар билан расмийлаштириш, уларнинг холати ва харакати тўғрисида хисоботларни белгиланган муддатларда тўғри тузиш ва бухгалтерияга топшириш киради.

Ишлаб чикариш захиралари уларнинг сакланиш жойларида соний ва суммавий жихатдан микдор ва пул ўлчовларида хисобга олинади. Бунинг учун хар бир ишлаб чикариш захирасига инвентар карточка очилади ёки умумий обмор китоби юритилади. Бунда куйидаги бошланғич ва жамлама хужжатлар ишлатилади:

- **Кирим бўйича:**

1. Счёт фактура – ташки таъминотчилардан олинган ишлаб чикариш захираларини кабул килишда.

2. Накладной- ички бўлинмалардан кирим килишда.

3. Кабул килиш далолатномаси – таъсисчилардан, бошка шахслардан кайтариб бермаслик шарти билан кабул килинганда, ички алмашувда, ёрдамчи ишлаб чикаришдан олинганда, илмий изланишлар ва тажриба –конструкторлик ишланмалари натижаси сифатида кирим килинганда ва бошка холларда.

4. Инвентаризация вараги ва таккослама кайднома – инвентаризацияда ортикчалар аникланганда, бир моддий жавобгар шахсдан иккинсисига топширилганда

- **Чиким бўйича:**

Талабнома – омбордан ишлаб чикаришга берилганда

2.Забор варакаси - бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига хар кунда маълум микдордаги материалларни бериб бориш холларида

3.Счет-фактура – материаллар четга сотилганда, бепул берилганда, таъсис бадали сифатида киритилганда ва бошка холларда

4.Хисобдан чикариш далолатномалари – материалларни хисобдан чикариш холлари булганда ва бошкалар.

Моддий жавобгар шахслар кирим ва чиким хужжатлари асосида белгиланган муддатларда (хисоб сиёсатига мувофик белгиланган муддатларда) моддий хисобот тузадилар. Ушбу хисоботлар тасдикланган шаклларда тузилади. Уларда ишлаб чикариш захираларининг холати ва харакати соний ва суммавий кўринишда акс эттирилади. Моддий хисоботлар икки нусхада тузилади, моддий жавобгар шахслар томонидан имзоланади ва уларнинг биринчи нусхаси бухгалтерияга топширилади. Айнан моддий хисоботлар ва уларга тикилган бирламчи хужжатлар ишлаб чикариш захираларининг синтетик хисобини юритишга асос бўлиб хисобланади.

Материалларнинг синтетик хисоби. Материалларининг синтетик хисобини юритиш учун 21-сон БХМС да куйидаги счётлар кўзда тутилган.

• **1010 «Хом –ашё ва материаллар».** Ушбу счётнинг дебетида асосий ва ёрдамчи хом-ашё ва материалларнинг, кайта ишлов учун тайёрланган кишлок хўжалик махсулотларининг, ем-хашак ва тўшаш материалларининг бошланғич колдиғи ва уларни турли манбалардан келиб тушуш эвазига кўпайиши, кредитида эса – материалларнинг ишлаб чикаришга сарфи ва бошка чикимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш кийматларидан энг кичик бўлган кийматда акс эттирилади.

• **1020 «Сотиб олинган ярим тайёр махсулотлар ва бутловчи буюмлар».** Ушбу счётнинг дебетида ярим тайёр махсулотлар, бутловчи буюмлар, курилиш деталлари ва конструкцияларининг мавжуд колдиклари ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чикаришга, курилишга сарфи ва бошка чикимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш кийматларидан энг кичик бўлган кийматда акс эттирилади.

• **1030 «Ёкилғи».** Ушбу счетнинг дебетида мавжуд нефть махсулотлари, ёкилғи-мойлаш материалларининг (нефть, бензин, керосин, дизел ёкилғиси, мойлар ва бошкалар), газсимон ёкилғи турларининг (газ ва газолин), шунингдек каттик ёкилғи турларининг (кўмир, ўтин ва бошкалар) колдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чикариш ва бошкарувга сарфи, шунингдек бошка чикимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш кийматларидан энг кичик бўлган кийматда акс эттирилади.

• **1040 «Эхтиёт кисмлар».** Ушбу счетнинг дебетида машина ва механизлар, транспорт воситаларини таъмирлаш учун зарур бўлган эхтиёт кисмлари, автомобилларнинг захирадаги шиналарининг мавжуд колдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлаб чикариш ва бошкарувга сарфи, шунингдек бошка чикимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш кийматларидан энг кичик бўлган кийматда акс эттирилади.

• **1050 «Курилиш материаллари».** Ушбу счетнинг дебетида курилиш, курилиш –монтаж ишлари, курилиш деталлари ва конструкцияларини ясаш учун зарур бўлган курилиш материалларининг захирадаги мавжуд колдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг курилиш, курилиш-монтаж ишларига, турли конструкцияларни ишлаб чикаришга сарфи, шунингдек бошка чикимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш кийматларидан энг кичик бўлган кийматда акс эттирилади.

• **1060 «Тара ва тара материаллари».** Ушбу счетнинг дебетида хўжалик инвентари ва буюми сифатида ишлатилмаётган барча турдаги таралар, тараларни ясаш ва таъмирлаш учун зарур бўлган материал ва деталларнинг захирадаги мавжуд колдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек бошка чикимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш кийматларидан энг кичик бўлган кийматда акс эттирилади.

• **1070 «Четга кайта ишлаш учун берилган материаллар».** Ушбу счетнинг дебетида четга кайта ишлаш учун берилиши мумкин бўлган асосий ва ёрдамчи материалларнинг захирадаги мавжуд колдиғи ва уларни четдан сотиб олиш эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек бошка чикимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш кийматларидан энг кичик бўлган кийматда акс эттирилади.

• **1090 «Бошка материаллар».** Ушбу счетнинг дебетида юкоридаги счетларга киритилмаган, ишлаб чикаришдан , асосий воситаларни тугатишдан ва бошка операциялардан олинган моддий бойликларнинг (чикиндилар, тузатиб

бўлмайдиган брак махсулотлар, металлолом, эски шиналар ва резиналар, ишлатилган мой, нигрол ва ш.к.) захирадаги мавжуд колдиғи ва уларни ишлаб чикаришдан олиниши эвазига кўпайиши, кредитида эса – уларнинг ишлатилиши, шунингдек бошка чикимлари натижасида камайиши таннарх ёки соф сотиш кийматларидан энг кичик бўлган кийматда акс эттирилади.

- **1510 «Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш».** Ушбу счет корхонанинг хисоб сиёсатида тайёрлов жараёнини алохида акс эттириш кўзда тутилган холда кўлланилади. Унинг дебетида материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш жараёнининг киймати, кредитида эса ушбу кийматни кирим килинган материаллар кийматига киритилиши эттирилади. Агар корхонанинг хисоб сиёсатида материалларнинг киримини бевосита тўғридан тўғри 1010-1090 –счетларда акс эттириш кўзда тутилган бўлса, у холда 1510-счет кўлланилмайди.
- **1610 « Материаллар кийматидаги четланишлар».** Ушбу счет корхонанинг хисоб сиёсатида материалларнинг тайёрлов ва сотиб олиш кийматини хисоб бахоларида акс эттириш кўзда тутилган холда кўлланилади. Хисоб бахоси бўлиб, одатда, норматив ёки режали таннарх хисобланади. Тайёрланган (сотиб олинган) материалларнинг хакикий таннархини хисоб бахосидан кўп бўлиши ушбу счетнинг дебетида, кам бўлиши эса унинг кредитида 1510-счет билан корреспонденция-ланган холда акс эттирилади. 1610-счетнинг дебет колдиғи суммаси хисоб бахоларидан ортик кийматда келиб тушган материалларга тўғри келадиган четланишлар суммасини кўрсатади. Бахолар ўртасидаги фарклар сотиб олинган материалларни хакикатда сарфланган вактида уларнинг хисоб бахосидаги кийматига пропорционал равишда харажатлар счетларига киритилиб борилади.

Материалларнинг харакатига доир операциялар счётларда куйидагича акс эттирилади.

1. Хисоб сиёсатида 1510 –счётни кўллаш кўзда тутилмаган холда

Тар-тиб ракам	Операциянинг мазмуни	Дебет счёт	Кредит счёт	Ёзувга асос бўлувчи хужжат
1.	Материаллар таъминотчилардан кабул килинганда: - захираларни ККСсиз сотиб олиш кийматига - ККС суммасига	 1010-1090 4410	 6010, 4110 6010	Шартнома, счет-фактура
2.	Ёрдамчи ишлаб чикаришдан олинганда	1010-1090	2310	Хисобот, накладной
3.	Хисобдор шахслардан олинганда	1010-1090	4220-4230	Бўнак хисоботи
4.	Ярим тайёр материаллар хом ашё ва материаллар таркибига киритилганда	1010-1090	2110	Карор, накладной
5.	Тайёр махсулотлар материалларга айлантирилганда	1010-1090	2810-2820	Карор, накладной, талабнома
6.	Хўжалик инвентарлари ва буюмлари материалларга	1010-1090	1080	Карор, талабнома,

	айлантирилганда			накладной
7.	Таъсисчилардан олинганда	1010-1090	4610	Устав, шартнома, далолатнома, счет-фактура
8.	Даъволар бўйича олинганда	1010-1090	4860	Карор, счет-фактура
9.	Бепул олинганда	1010-1090	8530,	Карор, счет-фактура, далолатнома
10.	Молиявий ёрдам сифатида олинганда	1010-1090	9380	Шартнома, счет-фактура, далолатнома
11.	Камомадлар ўрнига кабул килинганда	1010-1090	4730	Карор, счет-фактура, далолатнома
12.	Накд сотиб олинганда	1010-1090	5010-5020	Счет-фактура, чиким касса ордери
13	Инвентаризация аникланган ортикчалар суммасига	1010-1090	9390	Инвентариза-ция вараѓи, карор
14.	Ички аламашув бўлганда	1010-1090	1010-1090	Инвентариза-ция вараѓи, накладной, талабнома
15	Кайта бахоланганда: -нархи оширилганда -нархи камайтирилганда	 1010-1090 9430	 9390 1010-1090	Далолатнома
16	Асосий ишлаб чикаришга сарфланганда	2010	1010-1090	Талабнома, накладной
17	Ёрдамчи ишлаб чикаришга сарфланганда	2310	1010-1090	Талабнома, накладной
18	Умум ишлаб чикаришга сарфланганда	2510	1010-1090	Талабнома, накладной
19.	Хизмат килувчи хужаликларга сарфланганда	2710	1010-1090	Талабнома, накладной
20.	Реклама учун сарфланганда	9410	1010-1090	Талабнома, накладной
21.	Бошкарув максадларига сарфланганда	9420	1010-1090	Талабнома, накладной
22.	Сотилганда: -сотиш кийматига -ККС суммасига -таннархига	 4010 9220 9220	 9220 6410 1010-1090	Шартнома, счет-фактура

	-сотишдан олинган фойдага -сотишдан кўрилган зарарга	9220 9430	9320 9220	
23	Бепул берилганда: -таннархига -ККС суммасига -кўрилган зарарга	 9220 9220 9430	 1010-1090 6410 9220	Карор, счет-фактура, шартнома
24.	Камомад чикганда: -моддий жавобгар шахс бўйнига кўйилганда -каррали ўндириш суммасига -корхона зарарига олиб борилганда	 4730 4730 9430	 1010-1090 9390 1010-1090	Далолатнома, Карор
25	Таъсис бадали сифатида киритилганда: -келишув кийматига -ККС суммасига -таннархига фойда суммасига	 0610-0690 9220 9220 9220	 1010-1090 6410 1010-1090 9320	Шартнома, карор, счет-фактура
26.	Тайёр махсулотга айлантирилганда	2810-2820	1010-1090	Карор, талабнома, накладной
27	Ярим тайёр материалга айлантирилганда	2110	1010-1090	Карор, талабнома, накладной
28	Арзон бахоли инвентарларга айлантирилганда	1080	1010-1090	Карор, талабнома, накладной
29.	Тайёрлов- транспорт харажатлари таннархга киритилганда	1010-1090	1510	Расчет
30	Брак махсулотга киритилганда	2610	1010-1090	Карор, талабнома, накладной
31	ИТИ ва ТКИ га сарфланганда	3190	1010-1090	Карор, талабнома, накладной
32	Капитал куйилмаларга киритилганда	0810	1010-1090	Карор, талабнома, накладной
33	Таъминотчиларга кайтарилганда	6010, 4110	1010-1090	Далолатнома, счет-фактура
34.	Бартер операцияларига киритилган материалларнинг таннархига	4010	1010-1090	Шартнома, Счет-фактура
35.	Фавкулотдаги ходисалар окибатларини бартараф этишга сарфланганда	9720	1010-1090	Карор, счет-фактура, далолатнома

2. Хисоб сиёсатида 1510 –счётни кўллаш кўзда тутилган холда

Тар-тиб ракам и	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат
1.	Материаллар таъминотчилардан кабул килинганда: - Захираларни ККСсиз сотиб олиш кийматига - ККС суммасига	 1510 4410	 6010, 4110 6010	 Шартнома, счет-фактура
2.	Ёрдамчи ишлаб чикаришдан олинганда	1510	2310	Хисобот, накладной
3.	Хисобдор шахслардан олинганда	1510	4220-4230	Бўнак хисоботи
4.	Тайёрловга доир хизматларга	1510	6990	Счет-фактура
5.	Тайёрлов бўйича билдирилган даъволарга	4860	1510	Даъво хати
6.	Тайёрлов натижасида кирим килинган материалларга	1010-1090	1510	Кабул килиш далолатномаси
7.	Тайёрловнинг хакикий киймати материалларнинг хисоб бахосидан паст бўлганда	1510	1610	Бухгалтерия маълумот-номаси
8.	Тайёрловнинг хакикий киймати материалларнинг хисоб бахосидан юкори бўлганда	1610	1510	Бухгалтерия маълумот-номаси

Ўстиришдаги ва бўрдокидаги хайвонларнинг хисоби

Ўстиришдаги хайвонлар –бу она хайвонларнинг (от, сигир, кўй, эчки, чўчка, товук ва бошкалар) болалари , яъни тойчок, бузок, кўзи, улок, жўжа ва бошкалар.

Бўрдокидаги хайвонлар –бу гўшт учун ёки семиртириб сотиш учун бокилаётган хайвонлар.

Ўстиришдаги ва бўрдокидаги хайвонларнинг хисоби № 11 «Ўстиришдаги ва бўрдокидаги хайвонлар» счетида олиб борилади. Счет актив, доимий бўлиб, дебетида ўстиришдаги ва бўрдокидаги хайвонларнинг мавжуд сони ва уни кўпайиши таннархи бўйича , кредитида эса уларнинг камайиши акс эттирилади.

Ўстиришдаги хайвонлар асосан куйидаги манбалар хисобидан кўпаяди:

- Туғишдан олинган хайвонлар ва уларни оғирлигини ошириш эвазига
- Ёш молларни сотиб олиш эвазига
- Бепул олиш эвазига
- Таъсисчилардан бадал сифатида кирим килиш эвазига

Она хайвонларни туғишидан ўстиришга олинган хайвон болалари сони бўйича хисобга олинади, уларнинг бошланғич киймати она хайвонларни саклашга

кетган харажатларга тенглаштириб олинади. Ушбу харажатлар № 2010 «Асосий ишлаб чикариш», № 2310 «Ёрдамчи ишлаб чикариш» счетларининг дебетида тўпланади, она хайвонларни туғишидан бола хайвонлар олингач, бу харажатлар юкоридаги счетларнинг кредитига ёзилиб, № 11 «Ўстиришдаги ва бўрдокидаги хайвонлар» счетининг дебетига олиб борилади.

Бола хайвонларни ўстиришга кетган харажатлар № 2010 «Асосий ишлаб чикариш», № 2310 «Ёрдамчи ишлаб чикариш» счетларининг дебетида тўпланиб, хисобот даврлари (ой,чорак, йил) охирида махсус тортиш кайдномалари асосида ўстиришдаги хайвонларнинг кийматига киритилиб борилади. Ўстириш даври тугаб, улар асосий подага утказилганда, куйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 0840 «Асосий подани шаклланиши»

Кредит 1110 «Ўстиришдаги ва бўрдокидаги хайвонлар»

0840-««Асосий подани шаклланиши» счетида тўпланган сумма ўстирилган хайвонни ишчи ва махсулдор хайвонлар гурухига киритилишига караб хисобдан чикарилади, яъни:

Дебет 0170 «Ишчи ва махсулдор хайвонлар»

Кредит 0840«Асосий подани шаклланиши»

Ёш хайвонлар ўстириш учун бошка юридик ва жисмоний шахслардан олинса, у холда куйидаги ёзувлар килинади:

1. Сотиб олинса

Дебет 1110 «Ўстиришдаги ва бўрдокидаги хайвонлар»

Кредит 6010 « Таъминотчиларга карзлар»

Кредит 4230 « Ходимларнинг берилган авансlар бўйича карзлари»

Кредит 6890 « Бошка мажбуриятлар»

2. Бепул олинса

Дебет 1110 «Ўстиришдаги ва бўрдокидаги хайвонлар»

Кредит 8530 « Бепул олинган мулклар»

3. Таъсисчилардан олинса

Дебет 1110 «Ўстиришдаги ва бўрдокидаги хайвонлар»

Кредит 4610 « Таъсисчиларнинг устав капиталига улуши бўйича карзлари»

Бу турдаги ёш хайвонлар хам ўстириш жараёни тугагач, асосий подага ишчи хайвонлар ёки махсулдор хайвонлар сифатида кирим килинади.

Ўстиришдаги хайвонлар сотилиши, бепул берилиши, таъсис бадали сифатида бошка корхонага берилиши, халок бўлиши мумкин. Барча холларда уларнинг таннарх бўйича киймати Дебет 9220 Кредит 1110 ёзуви билан хисобдан чикарилади, олинган фойда Дт 9220 Кредит 9320 ёзуви билан, курилган зарар эса Дебет 9432 Кредит 9220 ёзуви билан акс эттирилади. Харидорлардан тушадиган тушумга Дебет 4010 Кредит 9220 ёзуви берилади.

Бўрдокидаги хайвонлар семиртиришга кетган харажатлар № 2010 «Асосий ишлаб чикариш» счетининг дебетида тўпланиб, хисобот даврлари охирида молнинг семириш таннархига киритиб борилади.

Бўрдокидаги моллар сўйиб сотилганда ёки тириклайин сотилганда сотишдан тушган тушум корхонанинг даромадига олинади (Дебет 5010,4010 Кдедит 9010), бир вактнинг ўзида сотилган бўрдоки молнинг таннархи хисобдан чикарилади (дебет 9110 Кредит 1110).

Ўстиришдаги ва бўрдокидаги хайвонлар халок бўлганда, уларнинг таннархи моддий жавобгар шахс ёки корхона хисобидан, шунингдек суғурта килинган бўлса, суғурта полиси эвазига хам копланади.Бу операциялар мос равишда Дебет 4630, 9430,6510 Кредит 9220 ёзувлари билан акс эттирилади

Ўстиришдаги ва бўрдокидаги хайвонларнинг аналитик хисоби уларнинг турлари, гурухлари, ёшига караб сакланиш жойлари ва моддий жавобгар шахслар бўйича юритилади.

Инвентарлар ва хўжалик буюмларининг хисоби

Инвентарлар ва хўжалик буюмлари – бу куйидаги шартларнинг бирига жавоб берувчи мехнат воситалари ва предметлари (хўжалик инвентарлари):

а) хизмат муддати 1 йилдан кам бўлган;

б) киймати бир бирликга сотиб олиш чоғида Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган энг кам иш хакининг 50 баробаригача бўлган.

Кийматидан катъий назар инвентарлар ва хўжалик буюмларига куйидагилар киради:

- Махсус инструментлар ва мосламалар;
- Махсус ва санитар кийимлар, махсус пайофзал;
- Ўриндик буюмлари (кўрпа, ёстик, чойшаб ва шу кабилар.);
- Канцелярия буюмлари (калькуляторлар, стол усти приборлари ва бошкалар);
- Ошхона инвентарлари (кошик, вилка, козон, чойник-пиёлалар, пичок, скатерт ва шу кабилар);
- Вактинчалик мослама ва курилмалар (титулсиз иншоатлар)- тахта йўлкалар, ювиниш хоналари, хожатхона ва шу каби курилиш-монтаж ишлари тугагач уларнинг кийматига кирувчи мосламалар;
- Хизмат муддати бир йилгача бўлган смена жихозлари;
- Балик овлаш куроллари (кармок, тўр ва шу кабилар).

Бухгалтерия хисобида инвентарлар ва хўжалик буюмлари турган жойига караб акс эттирилади. Ушбу белгисига кўра улар икки гурухга бўлинади:

- Омбордаги инвентарлар ва хўжалик буюмлари.
- Фойдаланишдаги инвентарлар ва хўжалик буюмлари.

Мос равишда инвентарлар ва хўжалик буюмлари куйидаги счетларда хисобга олинади:

1.Омбордаги захиралар - 1080 «Инвентарлар ва хўжалик буюмлари» счётида.

2. Фойдаланишдаги кисми – 014 « Фойдаланишдаги инвентарлар ва хўжалик буюмлари» балансдан ташкари счётда.

Корхонага барча манбалардан келиб тушган инвентарлар ва хўжалик буюмлари (таъминотчилардан, таъсисчилардан, бепул берилган ва бошкалар) № 1080 «Инвентарлар ва хўжалик буюмлари» счетига кирим килинади (Дебет 1080 Кредит 6010,4610,8530,4220,6990,1010-1090, 4110,9390,5010 ва бошкалар).

Омбордан фойдаданишга берилган инвентарлар ва хўжалик буюмлари бирданига харажатлар счётларига хисобдан чикарилади (Дебет 2010,0810,9410,9420 ва бошка счётлар Кредит 1080). Бир вактнинг ўзида ишлатишга берилган инвентар ва хўжалик буюмлари 014- балансдан ташкари счетнинг киримида акс эттирилади. Ушбу счётдан улар хизмат муддати тугаганда, фойдаланишга яроксиз холатга келганида махсус далолатномалар асосида чиким килинади.

Инвентарлар ва хўжалик буюмларининг сотилиши, бепул берилиши, таъсис бадали сифатида киритилиши 9220 «Бошка активларни сотилиши ва турли чикимлари» счетининг дебетида ва 1080- счетнинг кредитида таннархи бўйича акс эттирилади.

Инвентарлар ва хўжалик буюмларининг аналитик хисоби моддий жавобгар шахслар бўйича уларнинг номлари, бахолари ва бошка белгиларига караб юритилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Ишлаб чикариш захиралари
а) Корхонанинг моддий техник базасини ташкил этади
б) Корхона уларни сотиш учун сотиб олади
в) Корхонанинг устав капитал суммасига тенг бўлади
г) Ишлаб чикаришнинг моддий негизини ташкил этади

2.Куйидагиларнинг кайси бири ишлаб чикариш захираларига кирмайди
а) Товарлар
б) Номоддий активлар
в) Ёкилғи
г) Тара

3.Куйидагиларнинг кайси бири захиранинг таннархига кирмайди?
а) Сотиб олиш нархи
б) Божхона тўловлари
в) Директорнинг иш хаки
г) Ташиб келтириш харажатлари

4.Куйидагиларни кайси бири туғри
а) ФИФО таннархни камайтиради
б) ФИФО махсулот таннархини пасайтирмайди
в) ФИФО махсулот таннархини ошиб боришини ифодалайди
г) ФИФО нинг таннархга хеч кандай алокаси йўк.

5. Келиб тушган ишлаб чикариш захираларининг бутлуги учун жавобгар

а) Бош бухгалтер
б) Омбор мудири
в) Директор
г) Инвентаризатор

6. Материалларнинг таъминотчилардан олинишига куйидаги бухгалтерия ёзуви килинади

а) ДТ 1010 Кт 5010
б) Дт 1010 Кт 4310
в) Дт 1010 Кт 6010
г) Дт 1010 Кт 9410

7. Олинган материалга тўғри келадиган ККС суммасига куйидаги бухгалтерия ёзуви килинади

а) Дт 4410 Кт 6010
б) Дт 1010 Кт 6010
в) Дт 4510 Кт 6010
г) Дт 6410 Кт 6010

8. Материадларни сотилишига куйидаги проводка берилади:

А) Дт 2010 Кт 1010
Б) Дт 9220 Кт 2010
В) Дт 9220 Кт 1010
Г) Дт 1010 Кт 9220

9. Материаллар харакатини расмийлаштириш учун Солик Кодексида кандай хужжат кўзда тутилган

А) Акт
Б) Накладной
В) Счет-фактура
Г) Талабнома

10. Кайси корхонада келиб тушган материалга тўғри келадиган ККС бюджетга тўлов суммасидан камайтирилмайди?

А) Умумий соликларни тўловчи корхонада
Б) Ягона солик ткловчи корхонада
В) Курилиш ташкилотида
Г) Ишлаб чикариш фирмасида

11. Куйидагиларни кайси бири туғри

а) Таннарх тирик вазнни камайтиради
б) Ем-хашак харажати хайвон таннархини оширади
в) Хайвонларни бахолаш ЛИФОда ифодаланади
г) ФИФО хайвонларга бнвосита тааллукли

12. Ем –хашакнинг сарфи нимага боғлик

а) Чўпонга
б) Рахбарга
в) Ишлаб чикариш дастурига
г) Молларни бокиш рационига

13.Ўстиришдаги ва бўрдокидаги молларнинг вазнини ошишига куйидаги проводка берилади

а) Дт 1110 Кт 1010
б) Дт 1110 Кт 2010
в) Дт 1110 Кт 1210
г) Дт 1110 Кт 1110

14.Ўстириш учун бозордан сотиб олинган бузокга кандай проводка берилади

а) Дт 1110 Кт 5010
б) Дт 1110 Кт 4220
в) Дт 1110 Кт 4230
г) Дт 1110 Кт 5110

15**.Куйидагиларнинг кайси бири арзон бахоли буюмларга кирмайди**

а) Утюг
б) Парда
в) Кулф
г) Сканер

16. Арзон бахоли инвентарга киради

а) Компьютер
б) Офись мебели
в) Дискетага ёзилган дастур
г) Тоғора

17. Арзон бахоли буюмнинг хисобдан чикарилиши нимага боғлик

а) Омбор мудирига
б) Рахбарга
в) Ишлаб чикариш дастурига
г) Яроклилигига

5. 2. Ишлаб чикариш харажатларининг хисоби

Ишлаб чикариш харажатлари – *бу бевосита махсулотларни (иш, хизматларни) ишлаб чикаришга кетган, шунингдек уларнинг таннархини ташкил этувчи харажатлар.*

Таннарх – *бу махсулот (иш,хизмат) ларни ишлаб чикаришга кетган барча харажатларнинг пулда ифодаланган мажмуаси*.

Ишлаб чикариш харажатларининг турлари, таркиби, хисобга олиниш тартиби республикамизда Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54- сон

карори билан тасдикланган «*Махсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий нптижаларни шакллантириш тўғрисида Низом* **»** билан белгиланган.

Ушбу Низомга мувофик корхоналарнинг барча ишлаб чикариш харажатлари куйидаги белгилари бўйича таснифланади.

- Ишлаб чикариш жараёнидаги ролига караб;
- Таннархга киритилиш усулига караб;
- Ишлаб чикариш хажмига нисбатан ўзгаришига караб;
- Иктисодий мохиятига караб.

Ишлаб чикариш жараёнидаги ролига караб ишлаб чикариш харажатлари асосий ишлаб чикариш, ёрдамчи ишлаб чикариш, умум ишлаб чикариш харажатларига бўлинади.

Асосий ишлаб чикариш харажатлари деганда ишлаб чикаришнинг асосий технологик жараёнларини бевосита олиб борувчи ишлаб чикариш цехлари харажатлари тушунилади. Бундай харажатларга асосий цехларнинг технологик жараёнларида махсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чикарилишига бевосита сарфланган харажатлар киради.

Ёрдамчи ишлаб чикариш харажатлари деганда асосий ишлаб чикариш цехлари учун ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бўлиб хисобланган ишлаб чикариш бўлинмаларининг (цехларнинг) харажатлари тушунилади. Ёрдамчи цехлар бўлиб, масалан, таъмирлаш цехи, механика цехи, буғ бериш цехи ва бошкалар хисобланади. Ушбу цехларнинг харажатлари алохида хисобга олинади ва хар ойнинг охирида асосий ишлаб чикариш харажатлари таркибига киритилади.

Умум ишлаб чикариш харажатлари деганда барча асосий ва ёрдамчи ишлаб чикариш цехларини бошкарувига ва ташкил этишга тааллукли бўлган, шунингдек уларга хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг харажатлари тушунилади. Масалан, таъминот бўлими, ёнғинга карши курашиш бўлими, иситиш бўлими, кўриклаш бўлими ва бошкалар асосий ва ёрдамчи цехларга турли хизматларни кўрсатади. Бу бўлинмаларнинг харажатлари хам алохида хисобга олинади ва ой охирида хисоб сиёсатида белгиланган тартибга мувофик асосий ва ёрдамчи ишлаб чикариш харажатларига киритилади.

Таннархга киритилиш усулига караб барча ишлаб чикариш харажатлари бевосита ва билвосита харажатларга бўлинади.

Бевосита харажатлар деганда у ёки бу ишлаб чикарилган махсулотнинг таннархига тўғридан- тўғри олиб бориладиган харажатлар тушунилади. Уларга мисол килиб, масалан, нон ишлаб чикаришда тузилган калькуляцияга мувофик бевосита сарфланган ун ва бошка материалларнинг харажатларини, бевосита нон ишлаб чикариш билан шуғулланган ишчиларга хисобланган иш хаки харажатларини, ишлаб чикариш цехининг бевосита бошка харажатларини келтириш мумкин.

Билвосита харажатлар деганда корхонанинг бутун ишлаб чикариш фаолиятига тааллукли бўлган ,лекинда аник бир бўлинманинг (махсулотнинг) таннархига тўғридан-тўғри киритиб бўлмайдиган, шунинг учун маълум бир тартибга мувофик бўлинмалар (махсулотлар) ўртасида таксимланадиган харажатлар тушунилади. Аксарият умум ишлаб чикариш харажатлари айнан билвосита харажатлар хисобланади, улар ишлаб чикарилган махсулотларнинг

хиссаси, цех ходимлари иш хакининг хиссаси ва бошка белгиларига караб мутаносиб тарзда таксимланади.

Ишлаб чикариш хажмига нисбатан ўзгаришига караб ишлаб чикариш харажатлари ўзгарувчан ва шартли ўзгармас турларга бўлинади:

Ўзгарувчан харажатлар – бу ишлаб чикариш хажмининг ошиши ва камайишигага кўра сарфи микдор жихатдан бевосита ўзгариб турадиган харажатлар. Масалан, материал сарфи бевосита ишлаб чикарилган тайёр махсулотнинг микдорига боғлик, ишбай ишлайдиган ходимга хисобланадиган иш хаки суммаси эса - унинг ишлаб чикарган махсулоти(бажарган иши)нинг микдорига боғлик.

Шартли ўзгармас харажатлар – бу ишлаб чикариш хажмининг ўзгаришига карамасдан суммаси ўзгармайдиган, лекинда нисбий даражаси ўзгариши мумкин бўлган харажатлар. Мисол килиб ишлаб чикариш куроллари ва воситалари бўйича шартномага асосан катъий суммада тўланадиган ижара хаки, мол-мулкни суғурта килиш харажатларини келтириш мумкин. Бундай харажатлар микдор жихатдан шартли ўзгармас, лекинда ишлаб чикариш хажмига нисбатан даражаси ўзгарувчан харажатлар хисобланади.

Иктисодий мохиятига кўра махсулот таннархига киритиладиган барча ишлаб чикариш харажатлари «Махсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом »га асосан куйидаги элементларга бўлинади:

- *Ишлаб чикаришга доир моддий харажатлар (кайтариладиган чикиндилар кийматидан ташкари)* – бу гурухга кирувчи харажатлар 12 та моддадан иборат бўлиб, уларнинг тўлик рўйхати Низомнинг 1.1 –пунктида келтирилган.
- *Ишлаб чикариш характеридаги мехнатга хак тўлаш харажатлари* - бу гурухга кирувчи харажатлар 7 та модда ва 12 куйи моддадан иборат бўлиб, уларнинг тўлик рўйхати Низомнинг 1. 2 –пунктида келтирилган.
- *Ишлаб чикаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар* – бу гурухга кирувчи харажатлар 2 та моддадан иборат, уларнинг номи Низомнинг 1.3 – пунктида келтирилган.
- *Ишлаб чикаришга доир асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси* – бу гурухга кирувчи харажатлар 2та моддадан иборат, уларнинг номи Низомнинг 1.4 – пунктида келтирилган.
- *Ишлаб чикаришга доир бошка харажатлар* - бу гурухга кирувчи харажатлар 9 та модда ва 11 та куйи моддадан иборат бўлиб, уларнинг тўлик рўйхати Низомнинг 1.5 –пунктида келтирилган.

Ишлаб чикариш харажатлари хисобининг вазифалари. Ишлаб чикариш харажатлари бўйича бухгалтерия хисобининг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

- Ишлаб чикариш харажатларини уларнинг мохиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда хисобга олиш;
- Ишлаб чикариш харажатларини тўғри туркумлаш ва гурухларга ажратиш;
- Ишлаб чикариш харажатларини тўғри, ўз вактида ва тегишли бошланғич хужжатлар билан расмийлаштириш ;

- Ишлаб чикариш харажатлари бўйича моддий жавобгар шахсларнинг хисоботлари маълумотлари ва хисоб маълумотларини тўлик уйғунлигини таъминлаш;
- Тугалланган ишлаб чикариш харажатларини тўғри ва ўз вактида тайёр махсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритиш;
- Тугалланмаган ишлаб чикаришга тўғри келадиган харажатларни тўғри ва ўз вактида хисобга олиш, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда кайта рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация килиш), унинг натижаларини тўғри аниклаш ва хисобга олиш;
- Таннархни ошиб кетишига сабаб бўлувчи норационал чикимларни вужудга келиш сабаблари ва айбдорларини топиш, бндай чикимларга йўл кўймаслик учун моддий жавобгар шахслар фаолиятини доимий назорат килиш;
- Мавжуд ишлаб чикариш захиралари ва воситаларидан унумли фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш;
- Ишлаб чикариш харажатларини солик солиш базаси объекти сифатида тўғри шакллантириш ва бошкалар.

Ишлаб чикариш харажатларининг синтетик ва аналитик хисоби. 21- сон БХМС га мувофик ишлаб чикариш харажатларининг синтетик хисоби 2010 “Асосий ишлаб чикариш”, 2310 “Ёрдамчи ишлаб чикариш” ва 2510 “ Умумишлаб чикариш харажатлари” счетларида олиб борилади. Ушбу счётларни очиш негизига ишлаб чикариш харажатларининг ишлаб чикаришда тутган ўрни асос килиб олинган. Ушбу счётларнинг барчаси актив, доимий счётлардир. Уларнинг дебетида харажатларнинг кўпайиши, кредитида эса харажатларнинг хисобдан чикарилиши, яъни камайиши акс эттирилади. Бу счётларнинг колдиғи мос равишда асосий, ёрдамчи ва умум ишлаб чикаришнинг тугалланмай колган кисмини пулда ифодалайди. Аксарият корхоналарда 2310 “Ёрдамчи ишлаб чикариш” ва 2510 “ Умумишлаб чикариш харажатлари” счетлари хисобот даврининг охирида ёпилади, яъни уларнинг дебетида тўпланган суммалар, юкорида айтиб ўтганимиздек, у ёки бу усулга асосан таксимланади. Жумладан, уларнинг асосий ишлаб чикаришга доир кисми 2010 “Асосий ишлаб чикариш” счётининг дебетига ўтказилади ва шу асосда ушбу счётлар ёпилади, яъни давр охирида колдикга эга бўлмайди.

2010 “Асосий ишлаб чикариш “ счётининг дебетида тўпланган сумма (унинг кредитида акс эттирилган айрим суммалардан ташкари, масалан кайтарилган чикиндиларнинг киймати, брак суммаси) ишлаб чикарилган барча махсулотларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) умумий таннархини пулда ифодалайди. Ишлаб чикарилган тайёр махсулотлар (бажарилган ишлар ва хизматлар)нинг хакикий таннархи 2010 “Асосий ишлаб чикариш” счётининг кредити оркали мос равишда 2810 “Омбордаги тайёр махсулотлар”, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи 9130 “ Бажарилган ишларнинг ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи” счётларининг дебетига ўтказилади.

Ишлаб чикариш харажатларига доир операциялар счетларда куйидагича акс эттирилади.

Тар-тиб раками	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат

1.	Материал харажатларига	2010, 2310, 2510	1010-1090	Моддий ва ишлаб чикариш хисоботлари
2.	Хисобланган иш хаки харажатларига	2010, 2310, 2510	6710	Иш хаки хисоб-китоблари
3.	Ижтимоий суғурта органларига иш хаки фондига нисбатан белгиланган меъёрлардаги ажратмаларга	2010, 2310, 2510	6510-6520	Ажратмаларга доир хисоб-китоблар
4.	Ишлаб чикаришга доир асосий воситаларга хисобланган амортизация суммаларига	2010, 2310, 2510	0210-0299	Амортизация хисоб-китоби
5.	Ишлаб чикаришга доир бошка харажатлар	2010, 2310, 2510	6010, 6910-6990	Счет-фактура, далолатнома
6.	Ёрдамчи ишлаб чикариш харажатлари счёиини ёпиш	2010	2310	Бухгалтерия хисоб-китоби
7.	Умум ишлаб чикариш харажатлари счётини ёпиш	2010	2510	Бухгалтерия хисоб-китоби
8.	Ишлаб чикариш харажатларини тайёр махсулотнинг таннархига киритиш	2810	2010	Бухгалтерия хисоб-китоби
9.	Ишлаб чикариш харажатларини бажарилган ишлар ва хизматлар таннархига киритиш	9130	2010	Бухгалтерия хисоб-китоби
10.	Ишлаб чикаришдан олинган кайтариладиган чикиндилар кийматига	1090	2010	Далолатнома
11.	Ишлаб чикаришдан олинган бракга	2610	2010	Далолатнома
12.	Ишлаб чикаришда аникланган камомадларга	5910	2010, 2310, 2510	Далолатнома
13	Ишлаб чикаришдан олинган ярим махсулотларга	2110	2010 2310, 2510	Хисоботлар
14.	Тугалланмаган ишлаб чикаришни кайта бахолашада: - ошиш томонига - камайиш томонига	 2010 3210	 6230 2010	Инвентариза-ция вараги, Далолатнома

2010, 2310, 2510 –счётларда акс эттирилган ишлаб чикариш харажатларининг аналитик хисоби бўлимлар (цехлар) бўйича, махсулот турлари бўйича ва харажат моддалари бўйича хисоб сиёсатида белгиланган тартибда олиб борилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Ишлаб чикариш харажатлари
а) Махсулот таннархига кирмайди
б) Корхонанинг сотишга доир харажатларини ўз ичига олади
в) Сотиш харажатларини ўз ичига олмайди
г) Корхона фойдаси хисобидан копланади

2.Куйидагиларнинг кайси бири ишлаб чикариш харажатларига кирмайди?
а) Материал харажатлар
б) Маъмурият биносининг амортизацияси
в) Станокни таъмирлаш харажати
г) Мол-мулк солиғи суммаси

3.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри?
а) Материалнинг сотиш нархи ишлаб чикариш харажатига киради
б) Экология солиғи ишлаб чикариш харажатига киради
в) Директорнинг иш хаки ишлаб чикариш харажатига киради
г) Корхонани таъсис этишда килинган ташкилий харажатлар ишлаб чикариш харажатларига кирмайди

4.Куйидагиларни кайси бири тўғри
а) ФИФО усул ишлаб чикариш харажатларини камайтиради
б) ФИФО усул ишлаб чикариш харажатларини пасайтирмайди
в) ФИФО усул ишлаб чикариш харажатларини ошиб боришини ифодалайди
г) ФИФО усул ишлаб чикариш харажатларига таъсир ўтказмайди.

5.Куйидаги харажатларнинг кайси бири ўзгарувчан харажат хисобланади?
а) Ижара хаки
б) Электр энергияси харажати
в) Суғурта харажати
г) Станокнинг бир маромда хисобланган амортизация суммаси

6.Гараж каровулига хисобланган иш хаки
а) Асосий ишлаб чикариш харажатига киради
б) Ёрдамчи ишлаб чикариш харажатига киради
в) Умумишлаб чикариш харажатига киради
г) Хеч кайсисига кирмайди

7.Олинган материалга тўғри келадиган ККС ушбу соликни тўловчи корхонада
а) Асосий ишлаб чикариш харажатига киради
б) Ёрдамчи ишлаб чикариш харажатига киради
в) Умумишлаб чикариш харажатига киради
г) Хеч кайсисига кирмайди

8.**Цехларга ўрнатилган сигнализация харажатлари:**

а) 2010- счётнинг дебетида акс эттирилади
б) 2310 –счётнинг дебетида акс эттирилади
в) 2510 –счётнинг дебетида акс эттирилади
г) Хеч кайсисида акс эттирилмайди

9.Умум хўжалик харажатлари

а) 2010 ва 2310 –счётларга ёпилади
Б) Факат 2310 – счётга ёпилади
В) Факат 2010 счётга ёпилади
Г) Факат 2110 –счётга ёпилади

10.Кайси корхонада келиб тушган материалга тўғри келадиган ККС ишлаб чикариш харажатларига киритилади?

А) Умумий соликларни тўловчи корхонада
Б) Ягона солик тўловчи корхонада
В) Курилиш ташкилотида
Г) Ишлаб чикариш фирмасида

5.3. Тайёр махсулотларнинг хисоби

Тайёр махсулот деганда *ишлаб чикаришнинг барча технологик жараёнларидан ўтган, ортик кайта ишловни талаб килмайдиган, ўзининг сифати бўйича давлат стандартларига, техник шартларга жавоб берадиган ва омборхоналарга кабул килинган тайёр буюмлар тушунилади.*

Корхонанинг фаолият турига караб у ишлаб чикарган тайёр махсулотлар турлича бўлиши мумкин. Масалан, машинасозлик заводининг тайёр махсулоти бўлиб енгил ёки юк ташиш автомобиллари, нон комбинатининг тайёр махсулоти бўлиб – нон ва нон махсулотлари, кишлок хўжалик корхонасининг тайёр махсулоти бўлиб етиштирилган мева-сабзавотлар ва бошка махсулотлар хисобланади.

Тайёр махсулотлар корхонада олиб борилган ишлаб чикариш жараёнининг пировард натижаси хисобланади. Уларни тайёрлашга кетган харажатлар корхонанинг ишлаб чикариш харажатларини, шунингдек тайёр махсулотнинг таннархини ташкил килади.

Тайёр махсулотлар корхоналарнинг айланма активларининг мухим тури хисобланади. Уларнинг айланиш тезлиги талаб ва таклифга, сифатига, ишлаб чикарилган хажмига, бахосига ва бошка омилларга боғлик бўлади. Ўз навбатида

тайёр махсулотларнинг харидорлигига сотиш хажми, пул тушумлари, даромад ва бошка кўрсаткичлар бевосита боғликдир. Шунинг учун хам тайёр махсулотлар бухгалтерия хисобининг мухим объектларидан бири хисобланади.

4-сон БХМС га мувофик тайёр махсулотлар куйидаги бахоларда хисобга олинади:

- Ишлаб чикаришдан олинганда – хакикий таннархи бўйича;
- Таъсисчилардан олинганда – келишув бахосида;
- Кайтариб бермаслик шарти билан бепул келиб тушганда – эксперт йўли билан аникланган кийматда;
- Бахосини реал аниклаш кийин бўлган буюмлар бўйича- режали (норматив) бахода.
- Харидоргирлигини йўкотган, сифати паст ёки шикастланган холларда- соф сотиш кийматида (таннархдан паст бўлган кийматда).

Тайёр махсулотлар кийматини бахолаш худди ишлаб чикариш захиралари каби корхона хисоб сиёсатида белгиланган ФИФО ёки АВЭКО усуллардан бирида амалга оширилиши мукин.

Махсулот таннархи ишлаб чикариш харажатларини хисобга олиш ва таннархни калькуляция килиш йўли билан топилади. Калькуляция, одатда бир хил номдаги махсулотга (иш ёки хизмат турига) тузилади. Амалиётда норматив (режали) калькуляция, хакикий таннарх калькуляцияси каби калькуляциянинг турлари кенг ишлатилади.

Норматив (режали) калькуляцияда кабул килинган махсулот (иш, хизмат) бирлигининг таннархи махсус тасдикланган рецептуралар асосида сарфланадиган харажатлар суммасини ишлаб чикаришга мўлжалланган махсулот(иш, хизмат)нинг сонига бўлиш йўли билан топилади. Масалан, 100 порция палов (250 граммлик) тайёрлаш учун рецептурада куйидаги харажатлар кўзда тутилган дейлик: гўшт –6 кг, гуруч –25 кг, ёғ –8 кг, сабзи –20 кг, пиёз –3 кг, туз ва зироварлар - 1 порцияга 5 сўм микдорида. Ишлатиладиган масалликлар бозордан сотиб олинади. Ушбу шартли маълумотларга кўра 1 порция паловнинг норматив(режали) таннархини калькуляцияси куйидагича бўлади.

1 порция паловнинг норматив (режали) таннархини калькуляцияси

100 порция паловга кетадиган харажатлар	**Сумма**
1. Гўшт 6 кг *2200 сўм	13200
2. Гуруч 20 кг *500 сўм	10000
3. Ёғ 8 кг *1100 сўм	8800
4. Сабзи 20 кг*250 сўм	5000
5. Пиёз 3 кг *150 сўм	450
6. Туз ва зироворлар	500
7. Жами харажатлар	**40950**
1 порция паловнинг ўртача норматив таннархи	409-50

Норматив(режали) калькуляция асосида хисобланган махсулот таннархи хисобот даври ичида хисоб бахоси сифатида кўлланилади. Чунки хисобот даври тугамагунча махсулотни ишлаб чикаришга кетган барча ишлаб чикариш харажатларини тўлик аниклаб бўлмайди,демак махсулотнинг хакикий ишлаб чикариш таннархини хам хисоблаб бўлмайди.

Махсулот (иш, хизмат)нинг хакикий таннархини калькуляция килиш учун хисобот даври охирида ушбу махсулот (иш,хизмат) учун хакикатда килинган харажатлар суммаси хисоб регистрларидан олинади, масалан бош китобдан. Жами харажат суммаси ишлаб чикарилган махсулот (иш, хизмат) нинг умумий сонига бўлинади ва шу йўл билан бир бирлик махсулот (иш, хизмат)га тўғри келадиган таннарх суммаси хисобланади. Мисол учун, фабрикада 1 килограмм чойни кадоклашнинг норматив (режадаги) ишлаб чикариш таннархи калькуляцияга мувофик – 1200 сўм, март ойида 20 тонна чой кадокланган ва жами кетган ишлаб чикариш харажатлари бош китоб бўйича 25000000 сўм, унда 1 килограмм кадокланган чойнинг хакикий таннархи 1250 сўм бўлади (25000000 / 20000 кг)., апрел ойида 25 тонна чой кадокланган ва жами кетган ишлаб чикариш харажатлари бош китоб бўйича 30000000 сўм, унда 1 килограмм кадокланган чойнинг хакикий таннархи 1200 сўмни ташкил этади.

Агар корхонада хисобот даври давомида тайёр махсулотларнинг харакати режали хисоб бахоларида хисобга олиб борилган бўлса, у такдирда хисобот даври охирида хакикий таннарх ва хисоб бахоси ўртасидаги фарк аникланади ва ушбу суммага тузатиш ёзувлари килинади. Ушбу ёзувлар тўғрисида кейинрок тўхталиб ўтамиз.

Таннархни калькуляцияси асосида махсулот (иш, хизмат)нинг сотиш бахоси хам калькуляция килинади. Сотиш бахосини калькуляциясининг таннархнинг калькуляциясидан фарки шундаки, унда сотишда таннарх устига кўйиладиган кўшимча кийматлар хисобга олинади. Бундай кийматлар бўлиб, жумладан корхонанинг рентабеллик даражаси бўйича оладиган фойдасининг суммаси, акциз солиғи, кўшилган киймат солиғи, савдо устамаси, овкатланиш корхонасининг устамаси хисобланади. Мисол учун, арок ишлаб чикарувчи заводда бир шиша арок ни (сиғими 0,5 литр) сотиш бахоси калькуляцияси тахминан куйидагича бўлади.

Сотиш бахоси калькуляцияси (заводда)

Бахо элементлари	Сумма, сўмда
1. Бир шиша арокнинг ўртача ишлаб чикариш таннархи	90
2. Корхона фойдаси 20%	18
3. Корхонанинг соф сотиш бахоси	108
4. Акциз солиғи 82% (акциз билан биргаликдаги сотиш бахосидан. Бу бахо топилади 108 *100 /100-82= 600 сум	492
5. Сотиш бахоси акциз солиғи билан	600
6. Кўшилган киймат солиғи 20%	120
7. Корхонанинг сотиш бахоси	720

Бир шиша арокнинг чакана савдо магазинида сотилиши вактида сотиб олиш бахоси устига савдо устамаси кўйилади. Бу холда бир шиша арокнинг сотиш бахосининг калькуляцияси куйидагича бўлади.

Сотиш бахоси калькуляцияси (магазинда)

Бахо элементлари	Сумма, сўмда
1. Бир шиша арокнинг сотиб олиш бахоси	720
2. Савдо устамаси 20%	144

3. Товарни чакана сотиш бахоси	864

Овкатланиш корхоналарида келиб тушган товарлар устига савдо устамасидан ташкари овкатланиш корхонасининг кўрсатган хизматлари учун хам кўшимча устама кўйилади. Бу холда, масалан, ресторанда, бир шиша арокнинг сотиш бахосининг калькуляцияси куйидагича бўлади.

Сотиш бахоси калькуляцияси (ресторанда)

Бахо элементлари	Сумма, сўмда
1. Бир шиша арокнинг сотиб олиш бахоси	720
2. Савдо устамаси 20%	144
3. Товарни чакана сотиш бахоси	864
4. Ресторан хизмати устамаси 30%	259
5. Арокнинг ресторан менюсидаги бахоси	1123

Тайёр махсулотлар хисобининг вазифалари. Тайёр махсулотлар бўйича бухгалтерия хисобининг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

- Тайёр махсулотларни уларнинг мохиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда хисобга олиш;
- Тайёр махсулотларни тўғри туркумлаш ва гурухларга ажратиш;
- Тайёр махсулотни тўғри бахолаш;
- Тайёр махсулотла холати ва харакатини тўғри, ўз вактида ва тегишли бошланғич хужжатлар билан расмийлаштириш;
- Тайёр махсулотларга моддий жавобгарликни таъминлаш, моддий жавобгар шахслар томонидан хисоботларни тўғри ва ўз вактида тузилиши, такдим этилишини назорат килиш;
- Тайёр махсулотларнинг бутлигини таъминлаш, бунинг учун уларни белгиланган муддатларда кайта рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация килиш), унинг натижаларини тўғри аниклаш ва хисобга олиш;
- Тайёр махсулотларни ўз вактида сотилиши, чунончи таннархдан паст бахоларда сотилмаслиги, омборларда меъёридан ортик захираларни тўпланиб колинишига йўл кўймаслик устидан назорат ўрнатиш;
- Тайёр махсулотларни асосли равишда кайта бахолаш ва унинг натижаларини хисобда тўғри акс эттириш ва бошкалар.

Тайёр махсулотларни сакланиш жойларидаги хисоби.Корхона омборхонасига тайёр махсулотлар асосан ишлаб чикариш бўлинмаларидан (цехлардан), шунингдек айрим холларда четдан таъсисчиларнинг бадали сифатида, кайтариб бермаслик шартлари билан бепул олинган буюмлар сифатида кабул килинади. Кирим килиш наклоднойлар, далолатномалар, счёт-фактуралар, забор варакалари асосида амалга оширилади. Кабул килинган тайёр махсулотларнинг соний-суммовий хисоби учун уларнинг хар бирига карточкалар очилади ёки умумий омбор хисоби китоби юритилади. Тайёр махсулотларнинг омборхонадан сотилиши ва бошка чикимлари факат рахбариятнинг рухсатномаси оркали амалга оширилади. Чиким операциялари счёт-фактуралар, накладнойлар, далолатномалар, талабномалар, забор варакалари ва бошка хужжатлар билан расмийлаштирилади.

Хисоб сиёсатида белгиланган муддатларда омбор мудирлари тайёр махсулотлар холати ва харакатини соний ва суммовий кўринишда ифодаловчи хисоботларни тузадилар ва уларни бухгалтерияга топширадилар. Хисоботлар ва уларга илова килинган бошланғич хужжатлар тайёр махсулотларнинг синтетик ва аналитик хисобини юритишга асос бўлиб хисобланади.

Тайёр махсулотларнинг синтетик ва аналитик хисоби. Тайёр махсулотларни хисобга олиш учун 21-сон БХМС да куйидаги счётлар тизими кўзда тутилган:

- **2810** “Омбордаги тайёр махсулотлар”
- **2820** “Кўргазмадаги тайёр махсулотлар”
- **2830** “Комиссияга берилган тайёр махсулотлар”

Ушбу счётлар актив счётлардир, уларнинг дебетида тайёр махсулотларнинг колдиғи, келиб тушиш натижасида кўпайиши, кредитида эса – камайиши акс эттирилади.

Корхона омборига кирим килинган барча тайёр махсулотлар 2810 “Омбордаги тайёр махсулотлар” счётининг дебетида ва бошка тайёр махсулотларни кайси манбалардан келиб тушганлигини кўрсатувчи счётларнинг кредитида акс эттирилади, жумладан:

- **Кредит** 2010 “Асосий ишлаб чикариш” – асосий ишлаб чикаришдан олинган тайёр махсулотларнинг таннарх бўйича кийматига;
- **Кредит** 2310 “Ёрдамчи ишлаб чикариш” – ёрдамчи ишлаб чикаришдан олинган тайёр махсулотларнинг таннарх бўйича кийматига;
- **Кредит** 4610 “Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг карзи” – таъсисчилардан таъсис бадали сифатида олинган тайёр махсулотларнинг кийматига;
- **Кредит** 9380 “Кайтарилмайдиган молиявий ёрдам” – бошка шахслардан кайтарилмайдиган молиявий ёрдам сифатида олинган тайёр махсулотларнинг кийматига;
- **Кредит** 1010 “ Материаллар “ - тайёр махсулот таркибига киритилган материаллар кийматига;
- **Кредит** 2810,2820,2830 – тайёр махсулотларнинг ички алмашувига
- **Кредит** 9390 “ Бошка операцион даромадлар” – инвентаризацияда аникланган ортикчалар суммасига ва бошкалар.

Тайёр махсулотларнинг сотилиши бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

1.Харидорларга такдим этилган счёт-фактуралар бўйича тайёр махсулотнинг ККС сиз бўлган сотиш бахосидаги кийматига

Дебет 4010 “Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”

Кредит 9010 “ Тайёр махсулотларни сотишдан олинган даромадлар”

2.Сотилган тайёр махсулотларга тўғри келадиган ККС суммасига

Дебет 4010 “Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”

Кредит 6410 “ Бюджетга тўловлар бўйича карзлар”

3.Харидорлар билан сотилган тайёр махсулотлар бўйича хисоб-китоб килинганда:

- Олинган аванс суммасига

Дебет 5010 “Касса”, 5110 “Хисоб-китоб счёти”, 5210 “Валюта счёти”

Кредит 6310”Харидор ва буюртмачилардан олинган авансlар”

• Олинган аванс суммасини махсулот сотилган сўнг ёпилишига

Дебет 6310”Харидор ва буюртмачилардан олинган авансlар”

Кредит 4010 Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”

• Охирги дебиторлик карзни олинишига

Дебет 5010 “Касса”, 5110 “Хисоб-китоб счёти”, 5210 “Валюта счёти”

Кредит 4010 Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”

4.*Сотилган тайёр махсулотларнинг хакикий таннарини хар бир счёт-фактура бўйича аниклаб бўлмайди. Шунинг учун сотилган махсулотларнинг таннархини топиш максадида хисобот даври охирида тайёр махсулотлар холати ва харакати бўйича баланс тузилади*. Ушбу баланс куйидагича тузилади.

Тайёр махсулот бўйича баланс

Кўрсаткичлар	**Таннархи бўйича**	**Сотиш бахоси бўйича**	**Фарки (+,-)**
1. Давр бошига колдик	2000000	2580000	258000
2. Ишлаб чикаришдан олинган махсулот	10000000	13400000	3400000
3. Кайта бахолаш суммаси		500000	500000
4.Жами сотишга тайёр махсулот (1 + 2 + 3)	12000000	14158000	2158000
5. 1 сўмлик махсулотга тўғри келадиган харажат	X	0,8475	
6. Сотилган тайёр махсулот	9322500	11000000	1677500
7.Давр охиридаги колдик	2677500	3158000	480500

Сотилган махсулотларнинг таннархини топиш учун балансда уларнинг холати ва харакати тўғрисидаги маълумотлар хакикий ишлаб чикариш таннархи ва сотиш бахоларида алохида устунчаларда кўрсатилади. Жами сотишга тайёр махсулотларга кетган барча харажатларни сотишга тайёр жами махсулотларни сотиш бахосига (ККС сиз) бўлиш йўли билан 1 сўмлик сотишга тайёр махсулотга тўғри келадиган ўртача таннарх аникланади. Топилган ўртача таннарх сотилган тайёр махсулотларнинг сотиш бахосидаги (ККС сиз) кийматига кўпайтирилади, чикган сумма жами сотилган тайёр махсулотнинг таннархини билдиради. Юкорида келтирилган шартли мисолда 1 сўмлик сотишга тайёр махсулотга тўғри келадиган ўртача таннархи 0, 85 сўмни ташкил килган. Жами сотилган тайёр махсулотнинг таннархи – 9322500 сўм (11000000 х 0,85). Ушбу суммага хисобот даври охирида куйидаги бухгалтерия ёзуви килинади:

Дебет 9110 “Сотилган тайёр махсулотнинг таннархи”

Кредит 2810 “Омбордаги тайёр махсулотлар”

5.*Тайёр махсулотларни сотишдан олинган фойдани топиш учун 9010- счётда акс эттирилган даромад № 9910 “Охирги молиявий натижа” счётининг кредитига, 9110- счётда акс эттирилган сотишнинг таннархи № 9910 “Охирги молиявий натижа” счётининг дебетига ўтказилади, охирги счётнинг кредит ва дебет оборотлари ўртасидаги ижобий фарк (бошка ёзувларсиз) сотишдан олинган фойдани ифодалайди*. Юкоридаги шартли мисолда сотишдан олинган фойда суммаси 1677500 сўмни ташкил этган.

Тайёр махсулотлар сотилган деб хисобланади, агарда улар харидорлардан ташкари ўз ходимларига мехнат хаки эвазига берилган бўлса, таъсис бадали сифатида бошка корхонага инвестиция килинган бўлса, хўжалик заруриятларига ишлатилган бўлса хам. Бундай холларда юкорида келтирилган ёзувларда 4010 – счётнинг ўрнига 0600 “ Молиявий инвестициялар “, “1000 “Материаллар” 6700 “ Ходимлар билан иш хаки бўйича хисоб-китоблар”, 9430 “Бошка операцион харажатлар” каби счётлар дебетланади.

2810 “Омбордаги тайёр махсулотлар” счётининг кредитида тайёр махсулотлар захираларининг бошка чикимлари хам акс эттирилади, жумладан:

- *Улар асосий ва ёрдамчи ишлаб чикаришга кайта сарфланганда*

Дебет 2010 “Асосий ишлаб чикариш” , 2310 “Ёрдамчи ишлаб чикариш”
Кредит 2810 “Омбордаги тайёр махсулотлар”

- *Улар корхонанинг магазинига берилганда*

Дебет 2920 “Чакана савдодаги товарлар”
Кредит 2810 “Омбордаги тайёр махсулотлар”

- *Брак махсулот деб тан олинганда*

Дебет 2600 “Ишлаб чикаришдаги браклар”
Кредит 2810 “Омбордаги тайёр махсулотлар”

- *Камомадлар аникланганда*

Дебет 5910 “ Бойликларни бузилишидан кўрилган камомад ва йўкотишлар”
Кредит 2810“Омбордаги тайёр махсулотлар”

- *Кўргазма залларига берилганда*

Дебет 2820 «Кўргазмадаги тайёр махсулотлар»
Кредит2810“Омбордаги тайёр махсулотлар”

- *Комиссияга берилганда*

Дебет 2830 «Комиссияга берилган тайёр махсулотлар»
Кредит2810 «Омбордаги тайёр махсулотлар»

Тайёр махсулотларнинг аналитик хисоби моддий жавобгар шахслар бўйича, махсулотларнинг турлари бўйича олиб борилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Тайёр махсулотга кирмайди
а) Нон
б) Булка
в) Ун
г) Печенье

2.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри
а) Тайёр махсулотнинг хисоб бахоси бўлиб сотиш бахоси хисобланади
б) Маъмурият биносининг амортизацияси махсулот таннархига киради
в) Махсулотлар таннархи бўйича хисобга олинади
г) Махсулотлар фойда суммасини ўз ичига олган бахода хисобга олинади

3.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри?
а) Дебет 2810 Кредит 0610
б) Дебет 2810 Кредит 2010

в) Дебет 2810 Кредит6610
г) Дебет 2810 Кредит 7510

4.Куйидагиларни кайси бири махсулотни сотилишига кирмайди?
а) Мактабга ёрдам сифатида берилган махсулотлар
б) Иш хаки эвазига берилган махсулот
в) Махсулотнинг табиий камайиши
г) Инвентарга айлантирилган махсулот

5.Махсулотни сотишдан олинган ККС ушбу соликни тўловчи корхонада
а) Асосий ишлаб чикариш харажатига киради
б) Ёрдамчи ишлаб чикариш харажатига киради
в) Умумишлаб чикариш харажатига киради
г) Олинадиган счётлар суммасига киради

6. **Тайёр махсулотлар счёти:**
а) Доимий счёт б) Пассив счёт в) Транзит счёт г) Бунака счёт йўк.
7.Сотилган махсулотнинг таннархи кайси счётнинг дебетида акс эттирилади?
а) 2010 –счётнинг дебетида
Б) 2810 – счётнинг дебетида
В) 9010 – счётнинг дебетида
Г) 9110 – счётнинг дебетида

5.4. Товарларнинг хисоби

Товар деганда *корхонанинг сотиш учун сотиб олинган ёки ишлаб чикарилган моддий активлари тушунилади.* Бу турдаги активларнинг характерли хусусиятларига куйидагиларни киритиш мумкин:

- Улар истеъмол кийматига эга бўлади, яъни одамларнинг истеъмол талабларини кондиради;
- Улар кийматга эга бўлади, яъни пулда ифодаланган бахога эга бўлади;
- Айланма активлар бўлиб хисобланади, яъни маълум бир цикл давомида уларнинг захиралари янгиланиб туради;
- Пулга ва бошка активларга алмаштирилади;
- Инвестиция воситаси сифатида кўлланилади;
- Ижарага бериш объекти хисобланмайди.

Бухгалтерия хисобида товарлар турган жойига, эгалик килиш хукукига, турларига, бахосига ва бошка белгиларига караб акс эттирилади.

Турган жойига караб товарларни омборлардаги, чакана савдо шахобчаларидаги, виставкадаги, комиссиядаги, консигнаторлардаги, йўлдаги ва бошка товарларга бўлиш мумкин.

Эгалик килиш хукукига кўра товарларни хусусий товарлар, консигнацион товарлар, комиссион товарларга ажратиш мумкин.

Товарларни сотишнинг асосан икки усули кенг кўлланилади: улгуржи ва чакана.

Улгуржи сотиш –бу товарларни келгусида бошкаларга сотиш ёки истеъмол килиш учун сотилиши. Ушбу савдо турини олиб борувчи хўжалик юритувчи субъектлар улгуржи савдо корхоналари деб аталади. Улгуржи савдонинг характерли хусусиятларига куйидагилар киради:

- Товарларни катта партияларда накдсиз сотилиши;
- Хар бир сотиш муомаласини албатта счёт-фактура билан катъий расмийлаштирилиши;
- Товарларни факат омборхоналардан жўнатилиши;

Республикамизда товарларни улгуржи сотилиши Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон карори билан тасдикланган «Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини кайд этиш ва олиб бориш тартиби тўғрисида Низом» га мувофик амалга оширилиши лозим. Ушбу Низомга мувофик улгуржи савдо билан шуғулланиш учун улгуржи савдо корхоналари, шунингдек улгуржи савдо билан шуғулланмокчи бўлган бошка корхоналар энг кам иш хакининг 6000 микдоридаги устав капиталига эга бўлиши, шундан энг кам иш хакининг 2000 микдоридаги маблағларни кайд этишгача банк муассасасида очилган дастлабки хисоб-китоб ракамига пул маблағлари билан киритган бўлишлари, товарларни катта партияда саклаш, саралаш, ўраш, юклаш, тушириш имконини берадиган хусусий омборхоналар, жихозлар ва бошка моддий-техник воситаларга эга бўлиши, шунингдек махаллий хокимликнинг рухсатномасига эга бўлишлари лозим.

Чакана сотиш – бу товарларни охирги истеъмолчига сотиш. Ушбу савдо турини олиб борувчи хўжалик юритувчи субъектлар чакана савдо корхоналари деб аталади. Чакана савдо корхоналарига овкатланиш корхоналари хам тенглаштирилади. Чакана савдонинг характерли хусусиятларига куйидагилар киради:

- Товарларни накд пулга сотилиши;
- Товарларни савдо шахобчаларида савдо устамалари билан бирга хисобга олиниши;
- Товарларни накдсиз майда улгуржи сотилишини чегаралганлиги;
- Хар бир товарнинг сотилишини хужжатли расмийлаштирилмаслиги, лекинда касса аппарати паттаси билан сотиш суммасини кайд этилиши;

Чакана савдо фаолиятини олиб бориш республикамизда Ўзбекистон Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон карори билан тасдикланган «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Коидалари» тартибга солинган.

21- сон БХМСда товарлар хисобини олиб бориш учун куйидаги счётлар тизими кўзда тутилган:

- **2910 «Омбордаги товарлар»** – ушбу счёт асосан улгуржи савдо ва овкатланиш корхоналарида товарларнинг сакланиш жойларидаги (омборлардаги) холати ва харакатини акс эттиришга мўлжалланган.
- **2920 «Чакана савдодаги товарлар»** - ушбу счёт чакана савдо ва овкатланиш корхоналарида (магазинлар, киоскалар, буфет ва бошка шахобчалардаги) товарларнинг холати ва харакатини акс эттиришга мўлжалланган.
- **2930 «Кўргазмадаги товарлар»** - ушбу счёт улгуржи, чакана ва овкатланиш корхоналарининг реклама килиш максадида кўргазмалар ва ярмаркаларга кўйилган товарларини холати ва харакатини акс эттиришга мўлжалланган.
- **2940 «Вактинча фойдаланишга бериладиган буюмлар»** – ушбу счёт махсус шахобчалар оркали тўлов асосида вактинча фойдаланишга кўйилган буюмларни холати ва харакатини акс эттиришга мўлжалланган.

• **2950 «Товар билан бўлган ва бўш турган идишлар»** -ушбу счёт товар билан бирга бўлган ва бўш турган идишларнинг холати ва харакатини акс эттиришга мўлжалланган.

• **2960 «Комиссион тартибда сотишга берилган товарлар»** –бу счёт махсус шахобчаларда комиссион тартибда сотишга берилган товарларнинг холати ва харакатини акс эттиришга мўлжалланган.

• **2970 «Йўлдаги товарлар»** –бу счёт пули тўланган ва таъминотчидан жўнатилган, лекинда корхонага хали келиб тушмаган товарларни акс эттиришга мўлжалланган.

• **2980 «Савдо устамаси»** –бу счёт савдо ва овкатланиш корхоналарида товарларга кўйилган савдо устамаларининг холати ва харакатини акс эттиришга мўлжалланган.

• **2990 «Бошка товарлар»** –бу счёт юкорида номлари зикр этилган счётларда акс эттирилмаган турли бошка товарларни, масалан консигнацияга берилган товарларни, хисобга олиш учун мўлжалланган.

Юкорида келтирилган 2980 «Савдо устамаси» счётидан ташкари барча бошка счётлар актив, доимий счётлар хисобланади, уларнинг дебетида товарларнинг колдики ва кўпайиши, кредитида эса камайиши акс эттирилади. 2980 «Савдо устамаси» счёти контрактив счёт бўлиб, унинг кредитида колдик товарларга тўғри келадиган савдо устамаларининг суммаси ва уларнинг кўпайиши, кредитида эса – савдо устамаларини камайиши акс эттирилади. Савдо устамаларининг суммасини товарларни сотилиши ва бошка чикимлари натижасида камайиши ушбу счётнинг кредитида «кизил ёзув» билан хам акс эттирилиши мумкин.

4-сон БХМС га мувофик товарларни хисобга олишнинг иккита тизими мавжуд:

1.**Даврий хисоб тизими** – бу тизим чакана савдо ва овкатланиш шахобчаларига тааллукли бўлиб, унда хар бир товарнинг сотилиши катъий хужжатлаштирилмайди, шу сабабли сотилган товарларнинг таннархини хар бир хужжат асосида аниклаб бўлмайди. Ушбу тизимдаги корхоналар хисобот даври ичида товарларни сотиб олинишини вактинчалик 9140 «Даврий хисобда товар-моддий бойликларни сотиб олиш» счётининг дебетида (кредит 6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларчиларга тўланадиган счётлар» ва бошкалар), товарларнинг давр бошидаги ва давр охиридаги колдикларидаги фаркни эса вактинчалик 9150 «Даврий хисобда товар-моддий бойликлар бўйича тузатишлар» счётининг дебетида (кредит 2910 «Омбордаги товарлар») акс эттирадилар. Давр охиридаги товарларнинг колдиғи ушбу усулда факат инвентаризация килиш йўли билан топилади. Хисобот давр охирига келиб, юкоридаги вактинчалик счётлар 9910 «Охирги молиявий натижа» счётининг дебетига ёпилади. Товарларнинг сотилиши ушбу усулда сотиш бахосида куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

а) *Накд сотилганда*

Дебет 5010 «Касса»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад»

б) *Накдсиз сотилганда*

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачиларлардан олинадиган счётлар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад»

Хисобот даври охирида товарларни сотишдан олинган даромад 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромад» счётининг дебетига ва 9910 «Охирги молиявий натижа» счётининг кредитига ёпилади.

2.Узликсиз хисоб тизими –ушбу тизим омборхоналарда товарларнинг келиб тушуши ва кетиши катъий хужжатлаштириладиган улгуржи ва овкатланиш корхоналари учун хос. Унда товарларнинг сотиб олиш бахосидаги киймати 2910 «Омбордаги товарлар» счётининг дебетида ва уларни сотиб олиш манбалари ва усулларини кўрсатувчи счётларнинг кредитида (6010 «Таъминотчилар ва пудратчиларчиларга тўланадиган счётлар» ва бошкалар) акс эттирилади. Товарлар сотилганда сотиш бахосида корхона даромадига олинади (дебет 5010 «Касса», 4010«Харидор ва буюртмачиларлардан олинадиган счётлар» кредит 9020«Товарларни сотишдан олинган даромад»), бир вактнинг ўзида сотилган товарларнинг таннархи сотиб олиш бахосида хисобдан чикарилади (дебет 9120 «Сотилган оварларнинг таннархи» кредит 2910 «Омбордаги товарлар»). Хисобот даври охирида даромад ва сотиш таннархини акс эттирувчи счётлар мос равишда 9910 «Охирги молиявий натижа» счётининг кредити ва дебетига ёпилади.

Товар-моддий бойликларни акс эттирувчи счётларнинг (№ 2910-2990) дебет ва кредитида юкорида келтирилган операциялардан ташкари бошка куйидаги хўжалик муомалалари хам акс эттирилади:

Тар-тиб раками	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат
1.	Товарларни кўпайиши: -таъсисчилардан олинганда -хисобдор шахслардан олинганда -ишлаб чикариш цехлари келганда -тайёр махсулот омборидан -материаллар хисобига -ортикчалар эвазига -бепул олиниш эвазига -ички алмашув эвазига -нархи оширилганда -савдо устамаси эвазига	2910-2990	4610 4230 2010 4010 1010 9390 9380 2910-2990, 6230 2980	Товар хисоботи, Товар-пул Хисоботи, Счёт-фактура, Накладнойлар, Далолатнома ва бошка хужжатлар
2.	Товарларни камайиши: -ишлаб чикаришга берилганда -материалга айлантирилганда -камомад чикганда -нархи пасайтирилганда -ички алмашувга	2010, 1010, 5910, 3190, 2910-2990	2910-2990	Хисоботлар, Далолатнома-лар, накладной, Счёт-фактура ва бошка хужжатлар

2910-2990 счётларда акс эттирилган товарларнинг аналитик хисоби моддий жавобгар шахслар, сакланиш жойлари, турлари, нави, бахоси ва бошка белгилари бўйича олиб борилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Ўз товари хисобланмайди
а) Омбордаги товарлар
б) Вактинчалик саклашга кабул килинган товарлар
в) Чакана савдо шахобчаларидаги товарлар
г) Консигнацияга берилган товарлар
2.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри
а) Магазинда товарлар сотиш бахосида хисобланади
б) Магазинда товарлар сотиб олиш бахосида хисобланади
в) Магазинда товарлар ККС билан сотилади
г) Магазинда товарлар таннархдан паст нархда хисобга олинади

3.Куйидагиларнинг кайси бири омбордаги тайёр махсулотни магазинга берилишини тўғри ифодалайди?
а) Дебет 2820 Кредит 2810
б) Дебет 2920 Кредит 2810
в) Дебет 2910 Кредит2820
г) Дебет 2960 Кредит 2830

4.Куйидагиларни кайси бири товарларни сотилишига кирмайди?
а) Мактабга ёрдам сифатида берилган товарлар
б) Иш хаки эвазига берилган товарлар
в) Кайта ишловга берилган товарлар
г) Инвентарга айлантирилган товарлар

5.Сотилган товарнинг таннархи кайси счётнинг дебетида акс эттирилади?
а) 2010 –счётнинг дебетида
б) 2810 – счётнинг дебетида
в) 9120 – счётнинг дебетида
г) 9110 – счётнинг дебетида

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисида конуни. 1996 йил 30 августда кабул килинган.

2. «Махсулот (иш,хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатларининг таркиби хамда охирги молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом». Ўз.Р. ВМ нинг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон карори билан тасдикланган.

3.Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини кайд этиш ва олиб бориш тартиби тўғрисида Низом. ЎзюР. ВМ нинг 2002 йил 26 ноябрдаги 407- сон карори билан тасдикланган.

4.Ўзбекистон Республикасида чакана савдо Коидалари. Ўз.Р. ВМ нинг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон карори билан тасдикланган.

5.Молиявий хисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун Концептуал асос. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 475.

6.БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 474.

7. БХМС № 4 «Товар-моддий захиралар». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 28 августда рўйхатдан ўтган, № 486.

8. БХМС № 4 «Товар-моддий захиралар».га ўзгартиришлар. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 20 ноябрда рўйхатдан ўтган, № 486-1.

9. БХМС № 19 «Инвентаризацияни ташкил килиш ва ўтказиш ». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1999 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтган, № 833.

10.БХМС № 21 «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалиги бухгалтерия хисобининг счётлар режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.

11. Абдуллаев А. Каюмов И. Бухгалтерия хисоби. Т, «Минхож» нашриёти, 2002.

12.Бобожонов О. Молиявий хисоб. Т., «Шарк», 2000.

13.Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий хисоб. Т., «Молия», 2002.

14.Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия хисоби, Т., Мехнат, 1999

15.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия хисоби бўйича мустакил ўрганиш учун кўлланма.Т., Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2000.

YI- боб. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ХИСОБИ

6.1.Пул маблағларининг турлари, мохияти ва улар хисобининг вазифалари

Корхоналар хўжалик фаолиятида иштирок этувчи активлар ичида жуда катта ролни пул маблағлари ўйнайди.

Пул маблағлари деганда ўта тез ликвидлик характерига эга бўлган, барча муносабатларда умумий эквивалент ролини ўйнайдиган, давлат томонидан коғозли ва металли кўринишда маълум кийматларда чикариладиган махсус товар тушунилади. Пулнинг жамиятдаги ўрни у томонидан бажариладиган киймат ўлчови, тўлов воситаси, муомала воситаси ва жамғариш воситаси каби фунцияларида ёркин намоён бўлади.

Бухгалтерия хисобида пул маблағларини асосан иккита белгисига караб, яъни кўриниши ва турган жойига караб, гурухлаш ва акс эттириш кенг кўлланилади.

Кўринишига кўра пул маблағлари иккига бўлинади:

- **Миллий валютадаги пул маблағлари** – бу давлат томонидан метал ва коғозларда киймати ифодаланган, муомала, айирбошлаш, бахолашда умумий эквивалент ролини бажарарувчи махсус банк белгилари. Пул белгилари бўлиб бизнинг мамалакатимизда сўм ва тийинлар хисобланади.
- **Чет эл мамлакатлари пул маблағлари** – бу ўзга давлатларнинг метал ва коғозларда киймати ифодаланган, муомала, айирбошлаш, бахолашда умумий эквивалент ролини бажарарувчи махсус банк белгилари. Уларга АКШ доллари, Англия фунт стерлинги, ЕВРО ва бошкалар мамлакатларнинг миллий валюталари киради. Чет элмамлакатлари валюталаридан ўзаро хисоб-китобларда фойдаланиш давлатлараро келишувларга асосан амалга оширилади.

Турган жойига караб пул маблағлари куйидаги гурухларга бўлинади:

- **Кассадаги пул маблағлари** – бу корхонанинг кунлик эхтиёжлари учун зарур бўлган, турли максадлар ва манбалардан келиб тушган, белгиланган муддатлар ва микдорларгача сакланадиган кассадаги пул маблағлари. Кассада сакланиши мумкин бўлган пул маблағларининг энг кичик микдори касса лимити деб аталади ва у корхона томонидан аникланиб, хизмат килувчи банк билан тузилган шартномада кўрсатилади.
- **Йўлдаги пул маблағлари** – бу корхона кассасидан банкга турли йўллар билан топширилган, масалан инкассаторлар оркали, алока бўлими оркали, банкнинг кечки кассалари оркали, лекинда ойнинг охирида хали хисоб-китоб счётига кирим килинганлиги банк кўчирмаси билан тасдикланмаган пул маблағлари. Пул маблағлари хисоб-китоб счётига кирим килинган кундан бошлаб улар йўлдаги пул маблағлари гурухидан чикарилади.
- **Банкдаги пул маблағлари** – бу корхонанинг хизмат килувчи банкларда очилган депозит счётларида сакланаётган пул маблағлари. Корхона битта асосий, хохлаганча махсус депозит счётларни хизмат килувчи банкларда очиши ва уларда ўз пул маблағларини саклаши мумкин. Чет эл валютаси билан муомаларга эга бўлган корхоналар хизмат килувчи банкларда битта асосий ва хохлаганча махсус валюта счётларини, масалан, конвертация учун, консигнацион товарлар учун ва бошка максадлар учун, очишлари мумкин.

Пул маблағлари бўйича бухгалтерия хисобининг асосий вазифалари бўлиб куйидагилар хисобланади**:**

- .Пул маблағлари холати ва харакати устидан доимий назоратни олиб бориш;
- .Пул маблағларини кассадан ўз вактида банкга топширишни назорат килиш;
- Кассада пул маблағларининг белгиланган минимал микдоридан кўп микдоридаги пул маблағларини туриб колишига йўл кўйилмасликни назорат килиш;
- Пул маблағларидан максадли фойдаланишни назорат килиш;
- Пул маблағлари харакатини ўз вактида ва тўғри тегишли хужжатлар билан расмийлаштириш;
- Пул маблағлари бўйича моддий жавобгарликни ўрнатиш, моддий жавобгар шахсларнинг фаолиятини доимий назорат килиб бориш;
- Пул маблағларини бутлигини, талан-тарож бўлиб кетмаслигини доимий назорат килиш, бунинг учун уларни конунда белгиланган муддатларда (хар ойда) инвентаризациясини ўтказиш ва бошкалар.

6.2.Кассадаги пул маблағларининг хисоби

Кассадаги пул маблағларининг хисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдикланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда 565-тартиб раками билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини ошириш Коидалари»га ва уларга киритилган ўзгартиришлар ва кўшимчаларга мувофик олиб борилади. Ушбу меъёрий хужжатга асосан хўжалик юритувчи субъектлар касса хўжалигини ташкил этишлари лозим. Касса хўжалиги ўз ичига куйидаги элементларни олади:

- Касса бўйича моддий жавобгар шахс, яъни кассир, у билан моддий жавобгарлик тўғрисида тузилган шартнома;
- Тегишли хавфсизлик воситалари билан таъминланган ва жихозланган касса хонаси. Ушбу хонанинг эшик ва дерезаларига темир панжаралар ўрнатилган бўлиши, ичида темир сейфлар, сигнализация ва ўт ўчириш анжомлари бўлиши зарур;
- Касса бўйича хужжатлар тизими, яъни касса китоби, кирим ва чиким касса ордерлари, уларни кайд этиш журнали ва бошкалар.

Кассага пул маблағлари турли манбалардан келиб тушади, масалан банкдан, савдо шахобчаларидан, корхона ходимларидан ва бошка манбалардан. Барча холларда пул маблағлари кассага «Кирим касса ордери» хужжати асосида кабул килинади. Ушбу барча корхоналар учун ягона шакл ва мазмунга эга бўлган хужжат бухгалтерияда тузилади, унга кирим ва чиким касса ордерларини кайд этиш журнали бўйича тартиб раками берилади. Кирим касса ордери чап ва ўнг томонларга бўлинади. Унинг чап томони кирим касса ордери деб аталиб, унда пул маблағларининг кимдан, качон, нима максадда ва канча микдорда олинганлиги кўрсатилади. Хужжатнинг ўнг томони кирим касса ордерига квитанция деб аталади ва унда хам чап томондаги ёзувлар бир хил мазмунда акс эттирилади. Кирим касса ордери бош хисобчи ва пулни кабул килиб олган кассир томонидан имзоланади. Хужжатнинг чап томони кассирда колади, ўнг томони эса пулни топширган шахсга берилади.

Кассадан пул маблағлари турли максадларда чиким килинади, масалан иш хаки, нафака, сафар харажатлари ва бошка максадларда, шунингдек келиб тушган савдо тушуми ва бошка максадларда олинган пуллар банкдаги корхонанинг хисоб-

китоб счётига топширилади. Барча холларда пул маблағларининг кассир бўйнидан сокит этилиши «Чиким касса ордери» хужжати билан расмийлаштирилади. Ушбу хужжат хам хамма корхоналар учун ягона шакл ва мазмунга эга. Унда качон, кимга, нима учун , канча микдорда пул берилганлиги, олган шахснинг хакикатда пулни кандай хужжат асосида олганлиги тўғрисида маълумотлар ёзилади. Чиким касса ордери корхона рахбари, бош хисобчи, кассир ва пулни олган шахс томонидан имзоланади. Хужжатлар сонини кўпайтириб юбормаслик учун кассадан иш хаки, мукофат пуллари, нафакалар, сафар харажатлари ва бошкалар олдин кассадан кайдномалар асосида берилиши, шундан сўнг уларнинг умумий суммасига битта чиким касса ордери тузилиши мумкин. Бундай холларда чиким касса ордерларида ушбу кайдномаларнинг тартиб ракамлари, кайдномаларда эса – чиким касса ордерининг тартиб раками кўрсатилади. Барча чиким касса ордерларига кирим ва чиким касса ордерларини кайд этиш журнали бўйича тартиб ракамлари берилади.

Кирим ва чиким касса ордерларида тузатишлар, бўяб ёзишлар, битта тартиб ракамини такрорланиши мумкин эмас.

Кирим ва чиким касса ордерлари асосида кассир «Касса китоби»ни юритади. Ушбу китоб тикилган, номерланган, корхона рахбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган ва корхона мухри билан тасдикланган бўлиши лозим. Китобнинг хар бир вараги икки кисмдан иборат бўлиб, ўнг кисми чап кисмининг тагига букилади, улар ўртасига нусха ўтказувчи коғоз кўйилади. Кассир китобнинг чап кисмига давр бошига кассадаги пул маблағларининг колдиғини, кейинги катордан бошлаб олдин кирим касса ордерлари бўйича кабул килинган пул маблағларини, кейин эса чиким касса ордерлари бўйича пул маблағларини чикимини алохида устунчаларда кўрсатади. Барча кирим ва чиким касса ордерлари ёзилгач, кирим ва чиким суммалари жамланади. Китобнинг сўнгида кассир давр охирига кассада колган пул маблағларининг колдиғини, шу жумладан таркатилмай колинган иш хаки суммасини, ёзади. Касса китобининг ўнг томони йиртиб олинади ва хисобот сифатида барча кирим ва чиким хужжатлари билан бирга имзоланиб бухгалтерияга топширилади. Кассирнинг хисоботи бухгалтер томонидан текшириб кабул килинади, хисоботнинг охирги кисмида унга нечта кирим ва чиким хужжатлари киритилганлиги ёзилади ва имзоланади. Касса китобида хам бошка касса хужжатлари каби бўяб ёзишлар, тузатишлар мумкин эмас. Бузилган касса китобининг вараклари кайта ёзилади, бузилган вараклар китобда сакланиши керак.

Бухгалтерияга топширилган касса хисоботи ва унга илова килинган бошланғич хужжатлар кассадаги пул маблағларининг синтетик ва аналитик хисоби регистрларини (1-сон журнал-ордер ва 1-сон кайдномани) юритишга асос бўлади.

Чет эл валютаси бўйича касса операциялари юз берган холларда, уларга доир муомалалар алохида касса китобида кайд этилади.

Кассадаги пул маблағларининг синтетик хисобини юритиш учун 21- сон БХМС да 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» ва 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счётлар кўзда тутилган. Ушбу актив счётларнинг дебет тарафида пул маблағларининг колдиклари ва давр мабойнидаги киримлари, кредит тарафида эса уларнинг чикимлари акс эттирилади. Ушбу счётлар бўйича асосий бухгалтерия ёзувлари куйидагилардан иборат бўлади.

Тар-тиб	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат

раками				
1.	Пул маблағларининг тушуми: -банкдаги хисоб-китоб счётидан -валюта счетидан -таъсисчилардан олинганда -хисобдор шахслардан олинганда -кредит олинганда -карз олинганда - кайтарилмайдиган молиявий ёрдам -сотишдан олинганда -ходимлардан карзни копланиши -ортикчалар эвазига -максадли маблағлар	5010- 5020	5110 5210 4610 4220- 4230 6810 6820 9380 9010- 9030 4730 9390 8810- 8890	Кирим Касса Ордери
2.	Пул маблағларини чикими: -хисоб-китоб счётига топширилса -валюта счетига топширилса -кредит кайтарилса -карз кайтарилса -иш хаки берилса -сафар харажатлари бўйича карз берилса -хўжалик заруриятларига берилса -иш хаки хисобидан аванс берилса -сафар харажатлари учун аванс -нафака берилса -келгуси давр учун сарфланса -инкассаторларга топширилса -камомад чикса	5110 5210 6810 6820 6710- 6720 6970 9420 4210 4220 6520 3110- 3190 5710 4730	5010- 5020	Чиким касса ордери

Кассада турли пулли эквивалентлар (маркалар, билетлар, йўлланмалар ва бошкалар) сакланиши мумкин. Бундай пулли эквивалентларнинг хисоби махсус 5610 « Пулли эквивалентлар» счётида хисобга олинади.

6.3.Хисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг хисоби

Корхоналарнинг бўш турган пул маблағлари банкда очилган хисоб-китоб счётида сакланади. Хисоб- китоб счёти корхона ташкил этилган вактда танлаб олинган банк муассасаларидан бирида очилади. Хисоб-китоб счётини очиш учун банк муассасига ариза билан чикилади ва унга куйидаги хужжатлар илова килинади:

- Махаллий хокимиятнинг корхонани давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида карорининг нусхаси;
- Корхонанинг натариусдан тасдикланган устави;
- Натариусдан тасдикланган таъсис шартномаси;
- Корхона бўйича биринчи ва иккинчи шахсларнинг имзоларини намуналари карточкаси.

Корхона ва банк ўртасида хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузилади, унда томонларнинг хукук ва мажбуриятлари, жавобгарликлари, хизматлар учун тўланадиган тўловнинг микдори, сакланадиган пул маблағлари учун банк тўлайдиган фоизлар ва бошка жихатлар акс эттирилади. Шартномага мувофик банкда корхонага 20 та ракамдан иборат бўлган шахсий счёт очилади, ушбу счёт корхонанинг банкдаги хисоб-китоб счётининг ракамини билдиради. Барча банк операцияларига доир хужжатларда корхона ўзининг ушбу хисоб-китоб счёти ракамини, банкнинг номи ва кодини кўрсатиши шарт бўлади.

Корхонанинг хисоб-китоб счётига пул маблағлари накд ва накдсиз йўллар билан келиб тушади. Накд пуллар хисоб-китоб счётига корхонанинг ўзи томонидан топширилади. Бунинг учун кассир ёки пул топшириш ваколати берилган бошка шахс банкда махсус “Накд пул топширишга эълон” хужжатини тўлдиради. Ушбу хужжат уч кисмдан иборат: биринчи кисми накд пул топширишга эълон деб аталади, иккинчи кисми квитанция ва учинчи кисми ордер деб аталади. Хужжатнинг барча кисмлари бир хил мазмундаги ёзувларга эга бўлади, яъни уларда хисоб-китоб счётининг раками, нима учун ва канча пул топширилаётганлиги, шунингдек пулни топширган шахснинг фамилияси, исми-шарифи ва имзоси акс эттирилади. Пул банк кассасига топширилгач, топширувчи шахснинг кўлига имзоланган ва мухр билан тасдикланган квитанция берилади, эълон ва ордер банкда колади. Охирги хужжат хам банк кўчирмаси билан илова сифатида корхонага кайтиб келади.

Накдсиз йўл билан пул маблағлари корхонанинг хисоб-китоб счётига бошка корхоналардан, давлат органларидан, банкнинг ўзидан келиб тушуши мумкин. Бундай пул маблағлари банкда корхонанинг хисоб-китоб счётига тўлов топширикномалари, электрон авизо, мемориал-ордерлар асосида киритилади.

Корхона хисоб-китоб счётидан пул маблағлари накд ва накдсиз йўллар билан чиким килинади. Пул маблағларини накд олиш учун корхона банк томонидан шартномага мувофик чек дафтарчаси билан таъминланади. Ушбу дафтарчанинг хар бир вараги икки кисмдан иборат бўлиб, чап кисми корешок, ўнг кисми эса чек деб аталади. Дафтарчага киритилган чекларнинг тартиб ракамлари босмахона усулида олдиндан ёзилган бўлади. Накд пуллар корхонага чек асосида берилади. Чекнинг юза кисмида пул олиш ваколати берилган шахснинг фамилияси, исми-шарифи, олиниши керак бўлган сумманинг микдори кўрсатилади, чек рахбар ва бош хисобчи томонидан имзоланади ва корхона мухри билан тасдикланади. Чекнинг орка тарафида олинаётган пул маблағларининг микдори максадлари бўйича акс эттирилади, шунингдек пул олувчи шахснинг имзоси ва паспорт бўйича маълумотлари , унинг имзосини тасдикловчи рахбар ва бош хисобчининг имзолари

кўрсатилади. Чек банкда, унинг корешоги чек дафтарчасида колади. Чек дафтарчасида бўяб ва тузатиб ёзишлар мумкин эмас, уларга кўйиладиган имзолар хам банкга берилган имзо намуналаридан фарк килмаслиги керак. Бу талабларга жавоб бермайдиган чеклар банк томонидан кабул килинмайди ва бузилган хисобланади, уларни кайтадан расмийлаштириш, бузилган чекларни дафтарчага кайтадан элимлаб кўйиш лозим. Тўлик фойдаланилган чек дафтарчалари банкга топширилади ва унинг ўрнига янги чек дафтарчаси сотиб олинади.

Корхона хисоб-китоб счётидан пул маблағлари накдсиз йўл билан бошка корхоналарга, давлат органларига ўтказиб берилади, шунингдек банкнинг ўзи оркали шартнома шартларига кўра кўрсатилган хизматлар учун ушлаб колинади. Пул маблағларини накдсиз чиким килишга асос бўлиб тўлов топширикномалари, инкассо топширикномалари, банкнинг мемориал ордерлари хисобланади.

Тўлов топширикномаси – бу корхона томонидан банкга маълум бир суммани бошка юридик шахсларга олинган активлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун, шунигдек корхонанинг давлат органлари олдидаги мажбуриятларини тўлаш учун берган ёзма гувохномаси. Барча корхоналар учун ягона шакл ва мазмунга эга бўлган ушбу хужжатда унинг тартиб раками, тузилган санаси, тўловчи ва олувчи корхоналарнинг номларии, банк реквизитлари, солик тўловчи сифатидаги реквизитлари, ўтказиладиган сумманинг микдори, ўтказиш максади ва унга асос бўлувчи хужжатнинг тартиб раками ва санаси кўрсатилади. Тўлов топширикномаси корхона рахбари ва бош хисобчи томонидан имзоланади ва корхона мухри билан тасдикланади.

Инкассо топширикномаси – бу банк муассасасига солик идораси, йўл фонди ва бошка мажбурий тўловларни йиғувчи органлар томонидан корхонанинг рухсатисиз унинг хисоб-китоб счётидан ўтказиб бериш учун келиб тушган ёзма топширикнома.

Мемориал –ордерлар – бу банк муассасанинг кўрсатган хизматлари учун корхонанинг хисоб-китоб счётидан ўндириб олган суммаларини тасдикловчи хужжат.

Банк муассасаси барча кирим ва чиким хужжатлари асосида шартномада кўрсатилган муддатларда корхонага хисоб-китоб счётидан маълум бир давр учун кўчирма берадилар. Кўчирмада давр боши ва ихирига хисоб –китоб счётидаги пул маблағларининг колдиғи, шу даврдаги барча кирим ва чикимларнинг суммалари хужжатлар асосида кўрсатилади. Банк кўчирмасига чекдан ташкари барча кирим ва чикимга гувохлик берувчи хужжатлар илова килинади. Банк кўчирмалари корхона бухгалтериясида хисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг синтетик ва аналитик хисоб регистрларини юритишга асос бўлади.

Хисоб китоб счётидаги пул маблағларининг синтетик хисоби 5110 « Хисоб-китоб счёти»да бритилади. Ушбу актив счётнинг дебет тарафида пул маблағларининг колдиғи ва кўпайиши, кредит тарафида эса камайиши акс эттирилади. Айрим холларда банк тузилган шартномага мувофик мижознинг илтимосига кўра хисоб –китоб счётидан унда мавжуд бўлган суммадан кўп бўлган суммани чиким килиши мумкин. Бундай холларда хисоб- китоб счётининг колдиғи вактинча кредитда бўлиб колади ва у корхонанинг банк олдидаги кредиторлик карзини ифодалайди. Ушбу кредиторлик карзи ***овердрафт*** деб аталади.

Хисоб -китоб счёти бўйича асосий хўжалик операцияларига куйидаги бухгалтерия ёзувлари килинади.

Тар-тиб раками	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат
1.	Пул маблағларининг тушуми: -корхона кассасидан тушганда -валюта счетидан тушганда -харидорлардан аванс тушганда -харидорлардан карз келиб тушса -таъсисчилардан олинганда -таъминотчилардан кайтарилганда -кредит олинганда -карз олинганда -кайтарилмайдиган молиявий ёрдам келиб тушганда -бюджетдан келиб тушганда -ижтимоий суғурта органларидан келиб тушганда -максадли маблағлар келиб тушганда -махсус счетлардан келиб тушганда -киска муддатли инвестициялар киймати келиб тушганда -инкассатор суммасида ортикча суммалар аникланганда	5110	5010 5210 6310 4010 4610 6010 6810 6820 9380 6410 6520 8810-8890 5500 5810-5820 9390	Чиким касса Ордери, банк кўчирмалари ва уларга илова килинган хужжатлар
2.	Пул маблағларини чикими: -корхона кассасига келиб тушганда -валюта счетига топширилса -кредит кайтарилса -карз кайтарилса -таъминотчига аванс ўтказилганда -таъминотчига карз ўтказилса -харидорга аванс кайтарилса -бюджетга аванс ўтказилса -бюджетга карз ўтказилса -ижтимоий суғурта учун ўтказилса -мажбурий тўловлар ўтказилса -келгуси давр учун сарфланса -депозит счётларга ўтказилса -хайрия сифатида ўтказилса -таъсис бадали сифатида киритилса -махсус счётларга ўтказилса	5010 5210 6810 6820 4310-4330 6010 6310 4410 6410 6520 6520 3110-3190 5890 9430 0600 5500	5110	Банк кўчирмалари ва уларга илова килинган бошланғич хужжатлар

6.4.Валюта счётидаги пул маблағларининг хисоби

Валюта счётини очишга асос бўлиб ташки иктисодий фаолиятни юритишга берилган рухсатнома (лицензия) , корхона устави, махаллий хокимиятдан давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида карор ва бошка тегишли хужжатлар хисобланади.

Валюта счётидаги пул маблағларининг хисоби 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» ва 5220 « Чет элдаги валюта счётлари» да юритилади. Ушбу валюта счётларини юритиш хисоб-китоб счётини юритиш тартибига тўлик ўхшайди. Факат фарк шундаки, валюта счётлари икки бирликда, яъни чет эл валютаси ва миллий валюталарда юритилади. Банк валюта счётларидаги пул маблағларининг холати ва харакатини факат чет эл валютасида хисобини юритади ва чет эл валютасида ифодаланган валюта счётларидан кўчирмани беради. Корхона эса валюта счётларидаги пул маблағларини хам чет эл валюталарида, хам уларни Марказий банк эълон килган расмий курслар бўйича миллий валютага ўтказилган холда хисобга олади. Бухгалтерия баланси ва молиявий хисоботнинг бошка шаклларида чет эл валюталари факат миллий валюта хисобида акс эттирилади.

Чет эл валюталарининг келиб тушиши ва чикими операциялар юз берган санадаги расмий курслар бўйича хисобга олинади. Келиб тушган санадан бошлаб мавжуд чет эл валюталари бўйича расмий курсларни ўзгариши санасига курслар ўртасидаги фарклар вужудга келади. Агар курслар ўсиш томонга ўзгарган бўлса мавжуд чет валюталари бўйича корхона ижобий курс фаркларидан даромадга эга бўлади. Агар курс пасайиш томонга ўзгарган бўлса мавжуд чет валюталари бўйича корхона салбий курс фаркларидан зарар кўрган бўлади.

Валюта счётлари бўйича асосий хўжалик операцияларига куйидаги бухгалтерия ёзувлари килинади.

Тар-тиб раками	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат
1.	Пул маблағларининг тушуми: -корхона кассасидан тушганда -харидорлардан аванс тушганда -харидорлардан карз келиб тушса -таъсисчилардан олинганда -таъминотчилардан кайтарилганда -кредит олинганда -карз олинганда -кайтарилмайдиган молиявий ёрдам келиб тушганда -максадли маблағлар келиб тушганда -инкассатор суммасида ортикча суммалар аникланганда -ижобий курс фаркларига	5210-5220	5010 6310 4010 4610 6010 6810 6820 9380 8810-8890 9390 9540	Чиким касса ордери, банк кўчирмалари ва уларга илова килинган хужжатлар
2.	Пул маблағларини чикими: -корхона кассасига келиб тушганда -кредит кайтарилганда	5020 6810	5210-5220	Банк кўчирмалари ва уларга илова

	-карз кайтарилганда -таъминотчига аванс ўтказилганда -таъминотчига карз ўтказилса -харидорга аванс кайтарилса -келгуси давр учун сарфланса -хайрия сифатида ўтказилса -таъсис бадали сифатида киритилса -валюта сотилганда -салбий курслар фаркига	6820 4310- 4330 6010 6310 3110- 3190 9430 0600 9220 9630		килинган бошланғич хужжатлар

Валюта счётларидаги пул маблағларининг аналитик хисоби банк муассасаларида очилган счётлар бўйича юритилади.

6.5.Бошка счётлардаги пул маблағлари ва пул эквивалентларининг хисоби

Корхоналарнинг пул маблағлари касса, хисоб-китоб ва валюта счётларидан ташкари яна куйидаги бошка актив счётларда хам хисобга олинади.

- **5510 «Аккредитивлар» -** бу счётда банк муассасаларида корхонанинг у ёки бу мижози билан хисоб-китобларни олиб бориш учун очилган счётларидаги пул маблағларининг холати ва харакати акс эттирилади. Аккредетив счётлар киска муддатларга корхонанинг маблағлари ёки банк кредитлари хисобидан очилиши мумкин, бунда куйидаги бухгалтерия ёзувлари килинади:

Дебет 5510 «Аккредитивлар»

Кредит 5110»Хисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 « Киска муддатли банк кредитлари» .

Аккредетив счётлар улардаги маблағларнинг ишлатилиши билан, шунингдек ишлатилмай колган маблағларни ташкил этилган манбасини акс эттирувчи счётга кайтарилиши билан ёпилади, яъни:

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчилар билан хисоб-китоблар», 5110»Хисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 « Киска муддатли банк кредитлари» .

Кредит 5510 «Аккредитивлар»

- **5520 «Чек дафтарчалари» -** бу счётда корхонанинг у ёки бу мижозлари билан хисоб-китобларни чек дафтарчалари асосида олиб бориш учун очилган махсус депонент счётларидаги пул маблағларининг холати ва харакати акс эттирилади. Ушбу счётлар хам аккредетив счётлар каби киска муддатларга корхонанинг маблағлари ёки банк кредитлари хисобидан очилиши мумкин, бунда куйидаги бухгалтерия ёзувлари килинади:

Дебет 5520 «Чек дафтарчалари»

Кредит 5110»Хисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 « Киска муддатли банк кредитлари» .

Чек дафтарчалари счётлари улардаги маблағларнинг ишлатилиши билан, шунингдек ишлатилмай колган маблағларни ташкил этилган манбасини акс эттирувчи счётга кайтарилиши билан ёпилади, яъни:

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчилар билан хисоб-китоблар», 6990 «Бошка мажбуриятлар», 5110»Хисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 « Киска муддатли банк кредитлари».

Кредит 5510 «Чек дафтарчалари»

- **5530 «Бошка махсус счётлар»** -ушбу актив счёт корхонанинг махсус максадлар учун олдиндан резерв килиб тўпланадиган, кейин эса ўша максадларда сарфланадиган маблағларини акс эттириш учун мўлжалланган. Бундай счётлар бўлиб, масалан, конвертация счёти, консигнацион товарлардан олинган тушумлар счёти, капитал куйилмалар счёти ва бошкалар хисобланади. Ушбу счётларнинг дебетида маблағларнинг резерв килинганлиги, кредитида эса уларнинг ишлатилганлиги акс эттирилади.
- **5610 «Пулли эквивалентлар» –** ушбу актив счётда сотиб олинган алока бўлимларининг маркалари, йўл патталари, санатория йўлланмалари ва бошка пулли хужжатларнинг холати ва харакати (кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида) акс эттирилади.
- **5710 « Йўлдаги пул маблағлари»** - ушбу актив счётда корхонанинг сотишдан олинган ва инкассаторларга, алока бўлимларига, банкнинг кечки кассаларига топширилган пул маблағлари холати ва харакати (кўпайиши дебетида, камайиши эса кредитида) акс эттирилади.
- **5810 «Кимматли коғозлар»** - ушбу актив счётда корхонанинг акцияларга, давлатнинг фоизли облигацияларига киритилган киска муддатлт инвестицияларининг холати ва харакати акс эттирилади. Сотиб олинган акциялар ва облигациялар сотиб олиш кийматида кирим килинади, бунда кимматли коғозлар учун берилган маблағларни акс эттирувчи счётлар кредитланади (5010, 5110,5210,9010,9020,9030,9210,9220 ва бошка счётлар). Кимматли коғозларни кайтариш номинал кийматида амалга оширилади. Шунинг учун кайтариш муддатигача сотиб олиш ва номинал киймат ўртасида вужудга келган фарк корхонанинг даромад ёки харажат счётларида акс эттирилиши лозим. Агар сотиб олиш киймати номинал кийматдан паст бўлган бўлса, у холда ўртадаги фарк суммасига куйидаги ёзув килинади:

Дебет 5810 «Кимматли коғозлар»

Кредит 9590 «Молиявий фаолиятдан олинган бошка даромадлар»

Агар сотиб олиш киймати номинал кийматдан юкори бўлса, у холда ўртадаги фарк суммасига куйидаги ёзув килинади:

Дебет 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошка харажатлар»

Кредит5810 «Кимматли коғозлар»

Кимматли коғозларни муддати тугаши билан кайтариб берилиши 5810-счётнинг кредитида ва пул маблағлари счётларининг дебетида номинал киймати бўйича акс эттирилади.

- **5820 « Берилган киска муддатли карзлар»** -ушбу счётда бошка юридик шахсларга шартнома асосида берилган киска муддатли карзларнинг холати ва харакати (берилиши дебетида, кайтарилиши кредитида) пул маблағлари счётлари билан корреспонденцияланган холда акс эттирилади.

• **5890 «Бошка жорий инвестициялар»** -ушбу счётда банклардаги турли депозит счётларга кўшимча даромад олиш максадида кўйилган пул маблағларининг холати ва харакати (кўйилиши дебетида, кайтарилиши кредитида) пул маблағлари счётлари билан корреспонденцияланган холда акс эттирилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Касса хўжалиги учун маъсул
а) Кассир
б) Бош хисобчи
в) Рахбар
г) Кадрлар бўйича инспектор

2.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри
а) Пул маблағлари миллий валютада хисобга олинади
б) Пул маблағлари чет эл валютасида хисобга олинади
в) Пул маблағлари хар иккала валютада балансда акс эттирилади
г) Пул маблағлари хохлаган валютада хисобга олинади

3.Куйидагиларнинг кайси бирида сотишдан олинган даромадни ифодалайди?
а) Дебет 5010 Кредит 4010
б) Дебет 5010 Кредит 9020
в) Дебет 5110 Кредит 5010
г) Дебет 5110 Кредит 4010

4.Куйидагиларни кайси бири хисоб-китоб счётидан пул маблағларини корхонанинг рухсатисиз ўндириб олиши мумкин?
а) Харидорлар
б) Ходимлар
в) Давлат органлари
г) Таъсисчилар

5. Валюта курси фаркларини ким аниклайди?
а) Кассир
б) Банк ходими
в) Бухгалтер
г) Директор

6. **Пул маблағлари счётлари:**
а) Доимий счётлар
б) Пассив счётлар
в) Транзит счётлар
г) Контрпассив счётлар.

7. Депозит счётга кўйилган пул маблағлари кайси счётнинг дебетида акс эттирилади?
а) 5010 –счётнинг дебетида
б) 5110 – счётнинг дебетида
в) 5890 – счётнинг дебетида
г) 5530 – счётнинг дебетида

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисида конуни. 1996 йил 30 августда кабул килинган.

2.Молиявий хисоботни тайёрлаш ва такдим этиш учун Концептуал асос. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 475.

3.БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 474.

4.БХМС № 12 «Молиявий инвестицияларнинг хисоби» Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1999 йил 16 январда рўйхатдан ўтган, № 596.

5. БХМС № 19 «Инвентаризацияни ташкил килиш ва ўтказиш ». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1999 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтган, № 833.

6.БХМС № 21 «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалиги бухгалтерия хисобининг счётлар режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.

7.Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш Коидалари.Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтган, №565.

8.Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз хисоб –китоблар тўғрисида Низом. Ўз..Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда рўйхатга олинган, № 1122.

9.Абдуллаев А. Каюмов И. Бухгалтерия хисоби. Т, «Минхож» нашриёти, 2002.

10.Бобожонов О. Молиявий хисоб. Т., «Шарк», 2000.

11.Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий хисоб. Т., «Молия», 2002.

12. Завалишина И.А. Бухгалтерский учет по новому. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент. 2003

13.Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия хисоби, Т., Мехнат, 1999

14.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия хисоби бўйича мустакил ўрганиш учун кўлланма.Т., Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2000.

YII-боб. ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАРНИНГ (ДЕБИТОРЛИК КАРЗЛАРНИНГ) ХИСОБИ

7.1.Олинадиган счётларнинг (дебиторлик карзларнинг) мохияти, турлари ва улар хисобининг вазифалари

Олинадиган счётлар деганда харидорлар ва буюртмачиларнинг сотилган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун, шунингдек турли юридик ва жисмоний шахсларнинг маълум максадларда олган маблағлари учун корхона олдидаги дебиторлик карзлари тушунилади. Бухгалтерия хисобида олинадиган счётларни асосан муддати и характери бўйича акс эттириш тартиби кенг кўлланилади.

Муддат белгиси олинадиган счётларни турли жихатлари бўйича гурухлашга имкон беради, жумладан хисобот даврлари, тўлов ва даъво муддатлари, шунингдек келиб тушиш эхтимолига кўра.

Хисобот даврларига кўра олинадиган счётлар киска муддатли (бир йилгача) ва узок муддатли (бир йилдан ошик) бўлиши мумкин.

Тўлов муддатига кўра олинадиган счётлар тўлов муддати ўтмаган ва тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик карзларга бўлинади. Ўзбекистон Республикасида кабул килинган тартибга асосан 90 кунгача олинмаган счётлар муддати ўтмаган, 90 кундан ортик муддатда тўланмаган счётлар тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик карзлари бўлиб хисобланади. Республикамиз конунларига мувофик 90 кундан тўлов муддати ошиб кетган дебиторлик карзларига йўл кўйганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларнинг рахбарлари ва бош хисобчилари маъмурий ва молиявий жаъзога тортилади.

Даъво муддатига кўра олинадиган счётлар даъво муддати ўтиб кетмаган ва даъво муддати ўтиб кетган дебиторлик карзларга бўлинади. Тўлов муддати 3 йилдан ошмаган олинадиган счётлар даъво муддати ўтмаган дебиторлик карзлари, тўлов муддати 3 йилдан ошиб кетган олинадиган счётлар эса даъво муддати ўтиб кетган дебиторлик карзлари бўлиб хисобланади. Республикамиз конунларига мувофик даъво муддати ўтиб кетган дебиторлик карзлари балансдан чикарилиши , даъво муддати ўтиб кетмаган дебиторлик карзлари асоссиз балансдан чикарилмаслиги лозим.

Келиб тушиш эхтимолига кўра олинадиган счётлар келиб тушуши шубхали ва келиб тушиши шубхасиз бўлган дебиторлик карзларга бўлинади. Шубхали дебиторлик карзлар деганда, одатда, инкирозга учраган, фаолиятини тўхтатиб кўйган ёки умуман ёпилиб кетган, катта микдорда кредиторлик карзларга эга бўлган, тўлов кобилиятига эга бўлмаган, фаолияти учун суд ва прокуратура органлари олдида жавоб бераётган юридик ва жисмоний шахсларнинг корхона олдидаги карзлари тушунилади. Шубхали карзлар суд органлари оркали ўндирилади, ўндириш имконияти бўлмаганда корхонанинг зарарига олиб борилади.

Характерига кўра олинадиган счётлар товар характеридаги ва нотовар характеридаги дебиторлик карзларга бўлинади. Товар характеридаги олинадиган счётларга бевосита товар операцияларига дахлдор бўлган дебиторлик карзлари, масалан харидор ва буюртмачиларнинг карзлари, таъминотчиларнинг олган авансlар бўйича карзлари киради. Бевосита товар операциялари билан боғлик бўлмаган олинадиган счётлар нотовар характеридаги дебиторлик карзлари хисобланади. Уларга, масалан, ходимларнинг карзлари, таъсисчиларнинг карзлари, бюджет ва ижтимоий суғурта органларининг карзлари ва бошкалар киради.

Дебиторлик карзлар хисоблаш тамойилига мувофик хўжалик операциялари юз берган санадан бошлаб тан олинади. Тан олинган дебиторлик карзлари бошланғич (дастлабки) кийматда ва соф кийматда бахоланади. Дебиторлик карзлар бухгалтерия хисоби счётларида бошланғич кийматида, баланс ва хисоботнинг бошка шаклларида эса соф кийматида акс эттирилади

Дебиторлик карзларнинг бошланғич (дастлабки) киймати деганда уларнинг вужудга келган санасидаги киймати тушунилади. Ушбу киймат бўлиб, одатда, счёт-фактура ва далолатномаларда кўрсатилган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг сотиш бахосидаги киймати хисобланади.

Дебиторлик карзларнинг соф киймати деганда харидор ва буюртмачиларга берилган пулли чегирмалар, савдо чегирмалари, улардан кайтиб келган товар-моддий бойликлар, шубхали карзлар суммалари айирилиб ташлангандан кейин, шунингдек чет эл валюталари курслари ва миллий валюта курси ўртасидаги фарклар хисобга олиб топилган киймат тушунилади.

Пулли чегирмалар – бу жами олинадиган счётлар суммасининг маълум бир кисмини рағбатлантириш воситаси сифатида харидор ва буюртмачилар ихтиёрида колдириладиган кисми. Бундай чегирмалар, одатда, сотувчи томонидан дебиторлик карзларни тезрок ўндириб олиш, шубхали карзларни вужудга келишининг олдини олиш максадларида берилади. Пулли чегирмалар олинадиган счётлар суммасига нисбатан фоизлар кўринишида ёки катъий суммада белгиланиши мумкин.

Савдо чегирмалари – бу товарларни тезрок катта микдорда сотиш максадида, шунингдек уларни реклама килиш максадида харидорлар фойдасига сотиб олишда товарнинг сотиш бахосидан камайтириладиган кисми.

Кайтарилган товар-моддий бойликлар киймати– бу харидор ва буюртмачиларга жўнатилган, лекинда маълум сабабларга кўра улар томонидан кайтариб берилган, шунинг учун келиб тушадиган дебиторлик карзлар суммасидан айириб ташланадиган киймат.

Олинадиган счётлар бўйича бухгалтерия хисобининг асосий вазифалари бўлиб куйидагилар хисобланади:

- Олинадиган счётларни асосли тан олиш ва реал бахолаш;
- Олинадиган счётларни вужудга келиши ва копланишини ўз вактида тегишли хужжатлар билан тўғри расмийлаштириш;
- Олинадиган счётларни мазмуни, характери ва бошка белгилари бўйича улар учун кўзда тутилган счётларда акс эттириш;
- Олинадиган счётларнинг холати ва харакати устидан доимий назоратни олиб бориш;
- Олинадиган счётларни ўз вактида келиб тушушини, тўлов муддатини ўтиб кетмаслиги устидан доимий назорат килиш;

- Келиб тушуши шубхали хисобланган дебиторлик карзларни суд органлари оркали ўндириб олинишини ёки корхона хисобидан тўғри чикарилишини назорат килиш;
- Олинадиган счётлар бўйича хисоботларни тўғри ва ўз вактида тегишли органларга етказиш ва бошкалар.

7.2.Товар операциялари бўйича олинадиган счётларнинг хисоби

Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар хисоби. Харидор ва буюртмачилар билан олинадиган счётлар бўйича хисоб-китобларнинг хисоби 21-сон БХМС га мувофик куйидаги счётларда олиб борилади:

- **4010 "Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар"** – бу актив счёт корхонанинг харидорлари ва буюртмачилари билан жўнатилган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун хисоб-китобларни накд ва накдсиз пул кўчириш йўллари билан олиб боришда кўлланилади. Унда олинадиган счётларнинг холати ва харакати акс эттирилади. Олинадиган счётларни вужудга келишига жўнатилган товар-моддий бойликларни, бажарилган ишлар ва хизматларни хакикатда амалга оширилганлигини ифодаловчи бошланғич хужжатлар (счёт-фактуралар, далолатномалар) асосида куйидаги бухгалтерия ёзувлари килинади:

Дебет 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар "

Кредит 9010 «Тайёр махсулотларни сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар», 9210 «Асосий воситаларнинг чикимлари», 9220 «Бошка активларнинг чикимлари».

Чет эл валюталарида хорижий мамлакатларга экспорт килинган махсулотлар, товарлар, иш ва хизматлар учун муддатида келиб тушмаган дебиторлик карзлар бўйича ижобий курс фарклари вужудга келиши мумкин. Бундай курс фарклари миллий валюта хисобида хорижий харидор ва буюртмачиларнинг корхона олдидаги дебиторлик карзларини кўпайтиради ва у куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Дебет4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар "

Кредит 9540 «Валюта курсларидаги фарклардан олинган даромадлар»

Олинадиган счётлар харидор ва буюртмачилардан олдиндан олинган аванс суммалари эвазига, шунингдек дебиторлик карзлар накд ва накдсиз йўллар билан кейинчалик келиб тушгандан сўнг ёпилади, яъни:

Дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган авансlар», 5010 «Касса», 5110»Хисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 « Киска муддатли банк кредитлари» ва бошкалар.

Кредит 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар "

Чет эл валюталарида хорижий мамлакатларга экспорт килинган махсулотлар, товарлар, иш ва хизматлар учун муддатида келиб тушмаган дебиторлик карзлар бўйича салбий курс фарклари вужудга келганда, унинг суммаси корхона зарарига олиб борилади ва у куйидагича акс эттирилади:

Дебет 9620 « Валюта курслари фаркларидан кўрилган зарарлар»

Кредит 4010 «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар “

Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китобларнинг аналик хисоби уларнинг хар бири бўйича алохида юритилади.

• **4020 “ Олинган векселлар” –**ушбу актив счёт хисоб-китоблар векселлар асосида амалга оширилганда кўлланилади ва олинган векселлар бўйича хисоб-китобларнинг холати ва харакатини акс эттиради. Ушбу счётнинг дебетида олинган векселлар, кредитида эса уларнинг тўланиши акс эттирилади.

Вексел – бу харидор ёки буюртмачининг сотувчига карзини маълум бир муддатдан сўнг тўлаш бўйича олган мажбуриятини акс эттирувчи хужжат. Векселлар оддий ва мураккаб, фоизли ва фоизсиз бўлади.

Оддий векселлар –бу фоизлар факат векселнинг асосий суммасидан тўланадиган векселлар. Асосий сумма бўлиб, векселнинг номинал киймати, яъни босмахона усулида векселда кўрсатилган киймат, хисобланади.

Мураккаб векселлар –бу фоизлар келгуси даврларда асосий сумма ва олдинги давр учун хисобланган фоизлар суммаси билан бирга олинган кийматдан хисобланадиган векселлар.

Фоизли векселлар – бу хисобланадиган фоиз микдори олдиндан босмахона усулида акс эттирилган векселлар.

Фоизсиз векселлар – бу хисобланадиган фоиз микдори олдиндан босмахона усулида акс эттирилмаган векселлар.

Векселлар бўйича фоизларнинг суммаси (Фс) векселнинг асосий суммаси бўлган номинал кийматини (Нк) йиллик фоиз микдорига (Фм) кўпайтириш ва 100% га бўлиш, топилган суммани йилдаги календар кунлар сонига бўлиш (365 кун) ва векселни хисобот даврида хакикатда харакатда бўлган кунлари сонига (К) кўпайтириш йўли билан топилади, яни

Фс = Нк х Фм : 100% : 365 х К

Сотувчига харидор ёки буюртмачи дебиторлик карзини ўрнига векселлар берганда куйидаги ёзув килинади:

Дебет 4020 “Олинган векселлар”

Кредит 4010 “ Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”

Оддий ва мураккаб , фоизли ва фоизсиз векселлар бўйича шартномага асосан хисобланган фоизлар суммасига куйидаги ёзувлар килинади:

Дебет 4830 “ Олинадиган фоизлар”

Кредит 9530 “ Фоизлар кўринишидаги даромадлар”

Векселлар киймати ва улар бўйича фоизлар келиб тушганда куйидаги ёзувлар килинади:

Дебет 5010 “Касса”, 5110 “Хисоб –китоб счёти” , 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 « Киска муддатли банк кредитлари» ва бошкалар.

Кредит 4020 “Олинган векселлар”, 4830 “ Олинадиган фоизлар”

• **4110 «Алохида ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар» ва 4120 «Шўъба ва карам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар»** -ушбу счётлар корхонанинг алохида ажратилган бўлинмалари (филиаллари ва ваколатхоналари), шунингдек унинг таъсис этилган шўъба ва карам хўжалик

жамиятлари билан хисоб –китобларининг холати ва харакатини акс эттиришга мўлжалланган. Ушбу счётларни юритиш тартиби 4010–счётни юритиш тартибига тўлик ўхшашдир.

Таъминотчилар билан олинган счётлар бўйича хисоб-китобларнинг хисоби. 21-сон БХМС га мувофик таъминотчиларга товар-моддий бойликлар (ТМБ) ва бошка активлар учун, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан аванс тарикасида ўтказиб берилган маблағлар бўйича хисоб китобларнинг холати ва харакати 4310 «Таъминотчилар ва пудратчиларга ТМБ учун ўтказиб берилган авансlар», 4320 «Таъминочиларга ва пудратчиларга узок муддатли активлар учун ўтказилган авансlар» ва 4330 «Бошка берилган авансlар» счётларида акс эттирилади. Ушбу счётларнинг дебет томонидаги ёзувлар таъминотчилар ва пудратчиларга кассадан (счёт № 5010), хисоб-китоб счётидан (счёт № 5110), валюта счётидан (счёт 5210,5220), банкдаги ссуда счётларидан (счёт № 6810) ўтказиб берилган аванс суммаларини кўрсатади. Бу суммалар таъминотчилар ва пудратчилардан ТМБ, бошка активлар ва хизматларни олинишига караб улар олидидаги кредиторлик карзларни ёпилишига йўналтирилади ва бу бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 6010 «Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»

Кредит 4310 « Таъминотчилар ва пудратчиларга ТМБ учун ўтказиб берилган бўнаклар», 4320 « Таъминочиларга ва пудратчиларга узок муддатли активлар учун ўтказилган бўнаклар» , 4330 « Бошка берилган бўнаклар».

Импорт билан боғлик операциялар бўлганда, аванс тарикасида мавжуд бўлган дебиторлик карзлар бўйича ижобий ва салбий валюта курслари вужудга келиши мумкин. Бундай фарклар худди 4010- счётга ўхшаб бухгалтерия ёзувлари билан мос равишда молиявий фаолият бўйича даромад (счёт № 9540) ва зарарлар (счёт № 9620) га олиб борилади.

Агар таъминотчи ва пудратчиларга ўтказилган бўнаклар кайтариб олинса, у холда куйидаги ёзувлар килинади:

Дебет 5010 “Касса”, 5110 “Хисоб –китоб счёти” , 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет эллардаги валюта счётлари», 6810 « Киска муддатли банк кредитлари» ва бошкалар

Кредит 4310 « Таъминотчилар ва пудратчиларга ТМБ учун ўтказиб берилган бўнаклар», 4320 « Таъминочиларга ва пудратчиларга узок муддатли активлар учун ўтказилган бўнаклар» , 4330 « Бошка берилган бўнаклар».

7..3. Ходимларга берилган бўнакларнинг хисоби

Корхоналар ўзларининг ходимларига турли максадларда бўнак тарикасида маблағларни беришлари мумкин, масалан иш хаки бўйича, киладиган сафари бўйича, тайёрлов максадида ва бошка максадларда. Бундай дебиторлик карзлари бўйича хисоб-китобларнинг хисоби 21-сон БХМС га мувофик куйидаги счётларда олиб борилади:

- **4210 “Иш хаки бўйича берилган бўнаклар”** – бу актив счёт корхонанинг ўз ходимларига иш хаки бўйича хисобот даври ичида берган маблағларининг холати ва харакатини акс эттиришга мўлжалланган. Ходимларга иш хаки бўйича бўнаклар кассадан тўлов кайдномалари асосида берилади. Умумий берилган бўнак суммасига тўлов кайдномалари асосида куйидаги бухгалтерия ёзувлари килинади:

Дебет 4210 « Иш хаки бўйича берилган аванслар “

Кредит 5010 «Касса»

Берилган бўнаклар ой охирида ходимлар билан якуний хисоб-китобларни амалга оширишда эътиборга олинади ва жами хисобланган иш хакидан ушлаб колинади, яъни:

Дебет 6710 «Ходимлар билан иш хаки бўйича хисоб-китоблар»

Кредит 4210 « Иш хаки бўйича берилган бўнаклар “

Ходимларга иш хаки бўйича берилган бўнакларнинг аналитик хисоби хар бир ходим бўйича олиб борилади

- **4220 «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»** - бу актив счёт корхонанинг ўз ходимларига хизмат сафарлари бўйича хисобот даври ичида берган маблағларининг холати ва харакатини акс эттиришга мўлжалланган. Ходимларга хизмат сафарлари бўйичабўнаклар корхона рахбарининг хизмат сафари тўғрисидаги буйруғи, хизмат сафари учун кетадиган сарф-харажатларнинг дастлабки хисоб-китоблари асосида хисобланади ва кассадан тўлов кайдномалари ёки чиким касса ордерлари асосида берилади. Берилган бўнак суммаларига касса хужжатлари асосида куйидаги бухгалтерия ёзувлари килинади:

Дебет 4220 « Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»

Кредит 5010 «Касса»

Берилган бўнаклар ходимлар билан якуний хисоб-китобларни амалга оширишда эътиборга олинади ва ходимнинг тасдикланган бўнак хисоботига асосан ёпилади, яъни:

Дебет 6970 «Хисобдор шахсларга карзлар» ёки 2010 «Асосий ишлаб чикариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чикариш», 9420 «Маъмурий–бошкарув харажатлари» , 1010-1090 «Материаллар счётлари» ва бошкалар

Кредит 4220 « Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»

Агар берилган бўнак суммаси ходимнинг тасдикланган бўнак хисоботи суммасидан кўп бўлган бўлса, у холда ортикча берилган сумма корхона кассасига кайтарилади ёки ходимнинг иш хакидан ушлаб колинади, яъни:

Дебет 6710 «Ходимлар билан иш хаки бўйича хисоб-китоблар», 5010 «Касса»

Кредит 4220 « Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»

Ходимларга хизмат сафарлари учун берилган бўнакларнинг аналитик хисоби хар бир ходим бўйича олиб борилади.

Чет элга хизмат сафарига юборилаётган шахсларга аванслар чет эл валютасида берилади. Бундай аванслар суммасини банкдан олиниши ва берилиши махсус Тартибга асосан амалга оширилади ва хисобга олинади.

- **4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»** - бу актив счёт корхонанинг ўз ходимларига умумхўжалик харажатлари учун хисобот даври ичида берган маблағларининг холати ва харакатини акс эттиришга мўлжалланган. Бундай бўнаклар, одатда, майда хўжалик буюмларини накд сотиб олиш ва учун хўжалик ишлари бўйича моддий жавобгар бўлган шахсларга берилади. Ходимларга умумхўжалик максадларидаги бўнаклар кассадан чиким касса ордерлари асосида берилади. Берилган бўнак суммаларига чиким касса ордерлари асосида куйидаги бухгалтерия ёзувлари килинади:

Дебет 4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»

Кредит 5010 «Касса»

Берилган бўнаклар ходимлар билан якуний хисоб-китобларни амалга оширишда эътиборга олинади ва ходимнинг тасдикланган бўнак хисоботига асосан ёпилади, яъни:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чикариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чикариш», 9420 «Маъмурий–бошкарув харажатлари» , 1010-1090 «Материаллар счётлари» ва бошкалар

Кредит 4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»

Агар берилган бўнак суммаси ходимнинг тасдикланган бўнак хисоботи суммасидан кўп бўлган бўлса, у холда ортикча берилган сумма корхона кассасига кайтарилади ёки ходимнинг иш хакидан ушлаб колинади, яъни:

Дебет 6710 «Ходимлар билан иш хаки бўйича хисоб-китоблар», 5010 «Касса»

Кредит 4230 “ Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар»

Ходимларга умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнакларнинг аналитик хисоби хар бир ходим бўйича олиб борилади

- **4290 « Ходимларга берилган бошка бўнаклар»** - бу актив счёт корхонанинг ўз ходимларига юкоридаги счётларда акс эттирилмаган максадлар учун хисобот даври ичида берган маблағларининг холати ва харакатини акс эттиришга мўлжалланган. Бундай авансlар бўлиб, масалан, кишлок хўжалик махсулотлари ва молларини бозорлардан сотиб олиш, иш жойлари корхонанинг маъмурий биносидан узок жойларда жойлашган ходимларнинг иш хакларини таркатиш , телефон-телеграф харажатларини тўлаш учун берилган бўнаклар хисобланади. Ходимларга бундай бўнаклар кассадан чиким касса ордерлари асосида берилади. Берилган бўнак суммаларига чиким касса ордерлари асосида куйидаги бухгалтерия ёзувлари килинади:

Дебет 4290 «Ходимларга берилган бошка авансlар »

Кредит 5010 «Касса»

Берилган бўнаклар ходимлар билан якуний хисоб-китобларни амалга оширишда эътиборга олинади ва ходимнинг тасдикланган бўнак хисоботига асосан ёпилади, яъни:

Дебет 2010 «Асосий ишлаб чикариш», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чикариш», 9420 «Маъмурий–бошкарув харажатлари» , 1010-1090 «Материаллар счётлари»,1100 «бокувдаги ва ўстиришдаги моллар», 6710 « Ходимлар билан иш хаки бўйича хисоб-китоблар» ва бошкалар

Кредит 4240 «Ходимларга берилган бошка бўнаклар »

Агар берилган бўнак суммаси ходимнинг тасдикланган бўнак хисоботи суммасидан кўп бўлган бўлса, у холда ортикча берилган суммалар юкорида келтирилган тартибга ўхшаб корхона кассасига кайтарилади ёки ходимнинг иш хакидан ушлаб колинади

Ходимларга берилган авансларнинг аналитик хисоби ушбу счёт бўйича хам хар бир ходим бўйича олиб борилади

7.4.Соликлар ва мажбурий тўловлар бўйича тўланган бўнакларнинг хисоби

Бюджетга тўланган бўнакларнинг хисоби. Ўзбекистон Республикасининг Солик Кодекси, шунингдек соликларни хисоблаб чикариш ва бюджетга тўлашга мувофик корхоналар соликлар бўйича бўнак тўловларини белгиланган муддатларда амалга ошириб боришлари лозим. Бундай бўнак тўловлари, жумладан, акциз солиғи, ККС ва даромад(фойда) солиғи ва бошка соликларга бевосита дахлдордир. 21-сон БХМС га мувофик бюджетга тўланган бўнак тўловлари билан боғлик дебиторлик карзларнинг хисоб-китоблари 4410 “ Бюджетга соликлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)” счётида акс эттирилади. Корхоналар ўзларининг ишчи счётлар режасида соликлар ва йиғимларнинг хар бир турига алохида счётларни очишлари мумкин, масалан, 4411 “ККС бўйича бюджетга бўнак тўловлари”, 4412 “Акциз бўйича бюджетга бўнак тўловлари” 4413 “ Даромад(фойда) солиғи бўйича бюджетга бўнак тўловлари” ва шу каби бошкалар. Ушбу счётларнинг дебет тарафида ва 5110 « Хисоб–китоб счёти»нинг кредитида бюджетга ўтказилган бўнак тўловлари тўлов топширикномалари ёки солик идорасининг инкассо топширикномалари асосида акс эттирилади. Хисобот даври тугагач, солик бўйича якуний хисоб-китоблар амалга оширилганда, ушбу счётлар охирги карзни топишда эътиборга олинади, яъни:

Дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича карз (турлари бўйича)»

Кредит 4410 “ Бюджетга соликлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)”

Агар бўнак тўловлари хисобланган карзлардан кўп бўлса, у холда 6410-счёт (солик турлари бўйича) ёпилиб, колдик 4410-счётда (солик турлари бўйича) колади. Агар хисобланган карзлар бўнак тўловларидан кўп бўлса, у холда 4410-счёт (солик турлари бўйича) ёпилиб, колдик 6410-счётда (солик турлари бўйича) колади.

Давлатнинг бюджетдан ташкари максадли фондларига ва суғуртага тўланган бўнакларнинг хисоби. Ўзбекистон Республикаси конунларига мувофик корхоналар соликлардан ташкари давлатнинг бюджетдан ташкари максадли фондларига белгиланган микдорларда ва тартибларда мажбурий ажратмаларни амалга оширадилар, шунингдек ўзларининг мулкларини ва ходимларини суғурта килишлари хам мумкин. Давлатнинг бюджетдан ташкари максадли фондларига Пенсия фонди, Йўл фонди ва Иш билан бандлик фонди киради. Ушбу бюджетдан ташкари давлатнинг максадли фондларига корхоналар томонидан мажбурий ажратмалар ва ушланмаларнинг микдорлари Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади. Жумладан бу ажратмалар ва ушланмалар 2003 йил учун куйидаги микдорларда белгиланган эди:

Бюджетдан ташкари давлатнинг максадли фондлари	Ажратмаларнинг турлари	Ажратма учун база
Пенсия фонди	• 35% лик ажратма • 2,5 % лик иш хакидан ушланма • 0,7 % лик ажратма	• Ажратмага мўлжалланган иш хаки фонди • Ажратмага мўлжалланган иш хаки фонди • Корхоналарнинг махсулот, товар, иш, хизматларни сотишдан олинган соф тушуми
Иш билан бандлик фонди	• 1,5 % лик ажратма	• Ажратмага мўлжалланган иш хаки фонди
Йўл фонди	• 1,5 % лик ажратма • 1% лик ажратма • 2,5 % лик ажратма	• Корхоналарнинг махсулот, товар, иш, хизматларни сотишдан олинган соф тушуми • Товароборот хажми • Автотранспорт даромади

Эслатма: *Ногиронлар мехнатидан фойдаланувчи корхоналар пенсия фондига ижтимоий суғурта ажратмасини ногиронларга хисобланган иш хаки фондидан 4,7 % микдорида, «Ўзбекистонлик Чернобилчилар» Республика Ассоциацияси – иш хаки фондидан 4,7% микдорида, «Ўзбекистон болалар кишлоклари» SOS Ассоциацияси –иш хаки фондидан 7% микдорида хисоблайдилар.*

21- сон БХМС га мувофик корхоналарнинг бюджетдан ташкари давлатнинг максадли фондлари ва суғурта ташкилотларига ўтказган аванс тўловлари 4510 «Суғурта бўйича бўнак тўловлари» ва 4520 «Давлатнинг максадли фондларига бўнак тўловлари» счётларининг дебет тарафида хисоб-китоб счётидан ўтказиб берилган вактдан бошлаб хисобга олинади. Хисобот даври тугагач, охирги хисоб-китоблар тайёрланганда ушбу бўнак тўловлари ёпилади, яъни :

Дебет 6510 «Суғурта бўйича тўловлар», 6520 «Давлатнинг максадли фондларига тўловлар»

Кредит 4510 «Суғурта бўйича бўнак тўловлари» ва 4520 «Давлатнинг максадли фондларига бўнак тўловлари»

Агар бўнак тўловлари хисобланган карзлардан кўп бўлса, у холда 6510-6520 счётлар ёпилиб, колдик 4510-4520 счётларда колади. Агар хисобланган карзлар бўнак тўловларидан кўп бўлса, у холда 4510-4520 счётлар ёпилиб, колдик 6510-6520 счётларда колади.

7.5.Таъсисчилар ва бошка дебиторларлардан олинадиган счётларнинг хисоби

Таъсисчиларнинг дебиторлик карзларининг хисоби. Ўзбекистон Республикаси конунларига мувофик таъсисчилар таъсис этган корхоналарига ўз улушларини бир йилгача бўлган муддатда киритишлари лозим. Ушбу даврда мавжуд бўлган дебиторлик карзлари 21- сон БХМС га мувофик 4610 “ Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг карзи” счётининг дебетида ва 8330 “Пай ва бадаллар” счётининг кредитида акс эттирилади. Таъсисчи томонидан бадални киритилиши билан ушбу счётда акс эттирилган дебиторлик карзи камаяди, тўлик киритилгандан сўнг эса ёпилади. Карзнинг ёпилиши таъсисчи киритган маблағларнинг турига караб турли счётларнинг дебетида (масалан, 5010,1010-1090,0410-0490,0120-0190 ва бошка счётлар) ва 4610 “ Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчиларнинг карзи” счётининг кредитида акс эттирилади. Таъсисчиларнинг дебиторлик карзларининг аналитик хисоби хар бир таъсисчи бўйича юритилади.

Ходимларнинг бошка операциялар бўйича карзларининг хисоби. Корхонага унинг ходимлари турли операциялар бўйича карздор бўлиб колишлари мумкин, масалан, кредитга олган товарлар учун, олган карзи учун, кўрсатган зараларни учун, вактинчалик кайтариб бериш шарти билан кўрсатилган молиявий ёрдамлар ва бошкалар учун. 21-сон БХМС га мувофик бундай дебиторлик карзларнинг холати ва харакати мос равишда 4710 “ Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг карзи”, 4720 “ Берилган карзлар бўйича ходимларнинг карзи”, 4730 “ Моддий зараларни коплаш бўйича ходимларнинг карзи”, 4790 “ Ходимларнинг бошка карзлари” счётларида хисобга олинади. Карзларнинг вужудга келиши ушбу счётларнинг дебетида, карзларнинг узилиши эса уларнинг кредитида куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Тар-тиб раками	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат
1.	Кредитга сотиб олинган товарлар бўйича: -Товар учун пул ўтказиб берилганда -Товар учун банк кредити олинганда -Карз кассага ўндирилганда -Карз иш хакидан ўндирилганда	 4710 4710 5010 6710-6720	 5110 6810 4710 4710	Кредит шартномаси, тўлов топширик-номаси, кирим касса ордери, хисоб-тўлов кайдномаси
2.	Ходимга берилган карзлар бўйича: -Карз накд берилганда -Карз банкдан ўтказиб берилганда -Карз кассага ўндирилганда -Карз иш хакидан ўндирилганда	 4720 4720 5010 6710-6720	 5010 5110 4720 4720	Карз шартномаси, тўлов топширик-номаси, кирим касса ордери, хисоб-тўлов кайдномаси

3.	Етказилган зарарларни коплаш бўйича: -етказилган зарарлар бўйнига кўйилганда -зарарлар кассага ўндирилганда -зарарлар иш хакидан ушланганда	 4730 5010 6710-6720	 0110-0190, 1010-1090 2810-2890, 2910-2990, 5010 4730 4730	Карор, буйрук, далолатнома ва бошка хужжатлар
4.	Ходимларнинг бошка карзлари бўйича: -Сув,газ, электр энергияси, обуна ва бошка тўловлар килинганда -Карзлар кассага ўндирилганда -Карзлар иш хакидан ушланганда	 4790 5010 6710-6720	 5110 4790 4790	Ариза, буйруклар, банк ва касса хужжатлари

Ходимларнинг бошка операцияларга доир карзларининг аналитик хисоби уларнинг хар бири бўйича олиб борилади.

Турли бошка дебиторлик карзларининг хисоби. 21-сон БХМС га мувофик турли бошка дебиторларни карзларининг хисоби куйидаги счётларда олиб борилади:

• **4810 “ Узок муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар” –**ушбу счётда узок муддатли ижара бўйича ижара олувчининг ижара берувчи олдидаги жорий тўловларининг холати ва харакати акс эттирилади. Узок муддатли ижара бўйича жорий тўлов суммаси шартномага асосан белгиланади ва 0920 ” Узок муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар” счётининг кредитидан ўтказилади. Тўлов амалга ошиши билан ушбу счёт ёпилади (5010,5110,5210 ва бошка счётларнинг дебетига ва 4810- счётнинг кредитига).

• **4820 “ Киска муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар”-** ушбу счётда киска муддатли ижара бўйича ижара олувчининг ижара берувчи олдидаги жорий тўловларининг холати ва харакати акс эттирилади. Киска муддатли ижара бўйича жорий тўлов суммаси шартномага асосан белгиланади ва куйидагича счётларда акс эттирилади:

Дебет 4820 ” Киска муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар”

Кредит 6410 “ Бюджетга тўловлар бўйича карзлар” –хисобланган ККС суммасига

Кредит 9350 “ Киска муддатли ижарадан даромадлар” – тўловдан ККС суммасини айириб ташлагандан кейин колган кисмига.

Тўлов амалга ошиши билан ушбу счёт ёпилади (5010,5110,5210 ва бошка счётларнинг дебетига ва 4820- счётнинг кредитига).

• **4830 “Олинадиган фоизлар” -** ушбу счётда корхонанинг киска муддатларга бошка юридик ва жисмоний шахсларга берган карзлари ва кредитлари бўйича

шартномаларга асосан хисобланган фоизларга тегишли олинадиган жорий тўловларининг холати ва харакати акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебетида фоизлар бўйича дебиторлик карзини вужудга келиши ва даромадга киритилиши (9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар” счётининг кредитига), кредитида эса ушбу тўловлар бўйича дебиторлик карзларини пул маблағлари счётларига келиб тушиши натижасида камайиши акс эттирилади.

- **4840 “ Олинадиган дивидендлар”** - ушбу счётда корхонанинг бошка юридик шахсларнинг акцияларига киритилган инвестициялари бўйича хисобланган дивидендларга тегишли олинадиган жорий тўловларининг холати ва харакати акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебетида дивиденд бўйича дебиторлик карзини вужудга келиши ва даромадга киритилиши (9520 “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар” счётининг кредитига), кредитида эса ушбу тўловлар бўйича дебиторлик карзларини пул маблағлари счётларига келиб тушиши натижасида камайиши акс эттирилади.
- **4850 “ Олинадиган роялти”** - ушбу счётда корхонанинг бошка юридик шахсларга фойдаланишга бериб кўйилган номоддий активларидан келиб тушадиган ва чет элда “роялти” номини олган даврий ажратмаларига тегишли олинадиган жорий тўловларининг холати ва харакати акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебетида роялтилар бўйича дебиторлик карзини вужудга келиши ва даромадга киритилиши (9510 “Роялти кўринишидаги даромадлар” счётининг кредитига), кредитида эса ушбу тўловлар бўйича дебиторлик карзларини пул маблағлари счётларига келиб тушиши натижасида камайиши акс эттирилади.
- **4860 “ Даъволар бўйича олинадиган счётлар”**- ушбу счётда корхонанинг бошка юридик шахсларга турли сабабларга кўра билдирган даъволарига тегишли олинадиган жорий тўловларининг холати ва харакати акс эттирилади. Даъволар таъминотчиларга, хизмат кўрсатувчи субъектларга, банкга, давлат идораларига ва бошка юридик шахсларга шартнома шартларини хакикатда бажаришда йўл кўйилган четланишлар учун билдирилади. Ушбу счётнинг дебетида ушбу билдирилган даъволар бўйича дебиторлик карзини вужудга келиши (6010, 1010-1090,1510,5110 ва бошка счётларнинг кредити), кредитида эса ушбу тўловлар бўйича дебиторлик карзларини келиб тушиши ёки корхона хисобидан копланиши (1010-1090,1510,5010,5110,9430 ва бошка счётлар) акс эттирилади.
- **4890 “Бошка дебиторларнинг карзлари”** - ушбу счётда корхонанинг бошка юкоридаги счётларда акс эттирилмай колган олинадиган жорий тўловларининг холати ва харакати акс эттирилади.

Шубхали карзлар бўйича резервларнинг хисоби. Тўлови шубхали бўлган дебиторлик карзларни хисобот даврлари бўйича бир маромда хисобдан чикариб бориш максадида корхоналар махсус резерв ташкил этишлари мумкин. Ушбу резервни ташкил этишнинг икки усули мавжуд:

1-усул. Сотилган товарлар хажмига нисбатан хисоблаш усули. Ушбу усулда хар ойлик резерв суммаси накдсиз йўл билан сотилган товарлар хажмини резервга ажратма килишнинг фоизларда белгиланган меъёрига кўпайтириш ва 100 фоизга бўлиш оркали аникланади. Аникланган сумма йил бошидан бошлаб мавжуд бўлган шубхали карзлар резерви суммасига кўшиб борилади, яъни уни кўпайтиради. Шубхали деб тан олинган ва келиб тушиши даргумон бўлган карзлар ташкил этилган резерв хисобидан хисобдан чикарилади.

2- усул. **Дебиторлик карзлари суммасига нисбатан хисоблаш усули.** Ушбу усулда мавжуд дебиторлик карзлари тўлови ўтиб кетган муддатлари бўйича

гурухлаб чикилади (масалан , 30 кунгача, 60 кунгача, 90 кунгача, 90 кундан ортик ва шу каби). Хар бир гурух бўйича дебиторлик карзларнинг умумий суммалари топилади ва ушбу суммалардан шубхали карзлар резервига фоизларда белгиланган меъёрлар бўйича ажратмалар килинади. Тўлов муддатлари канчалик кўп бўлса, резервга ажратманинг меъёри хам шунчалик катта бўлади. Барча гурухлар бўйича топилган резерв суммалари жами шубхали карзлар резервини ташкил этади. Агар олдинги даврларда резерв счётида ишлатилмайин колинган сумма мавжуд бўлса, у холда резервга охирги ажратмани килишда ушбу сумма камайтирилади, агар олдинги даврларда резерв счёти манфий суммага эга бўлган бўлса, яъни ишлатилган сумма ташкил этилган суммадан кўп бўлган бўлса, у холда охирги ажратма суммасига ушбу манфий сумма микдори хам кўшиб хисобланади.

Шубхали карзлар резервини ташкил этишнинг танланган усули, резервга ажратмаларнинг фоизларда белгиланган меъёрлари корхонанинг хисоб сиёсатида кўрсатилган бўлиши лозим. Хар иккала усулда хам ташкил этилган резерв 4910 “ Шубхали карзлар бўйича резерв” контрактив счётида хисобга олинади. Резервга ажратмага куйидаги бухгалтерия ёзуви килинади:

Дебет 9430 “ Бошка операцион харажатлар”

Кредит 4910 “Шубхали карзлар бўйича резерв”

Шубхали карзлар даъво муддатлари ўтгандан сўнг ёки уларни даъво муддати ўтмасдан олдин хисобдан чикаришга етарли асослар бўлганда, масалан дебитор корхонанинг ёпилиб кетганлиги аник бўлса, ташкил этилган резерв хисобидан хисобдан чикарилади ва унга куйидагича бухгалтерия ёзуви килинади:

Дебет 4910 “Шубхали карзлар бўйича резерв”

Кредит Дебиторлик карзлар счётлари (4010-4020,4110-4120,4310-4330,4810-4890).

Хисобот йилнинг охирига келиб ишлатилмайин колинган резерв суммаси корхонанинг хисоб сиёсатида кўрсатилган тартибга мувофик келгуси йилга колдик сифатида ўтказилиши ёки бекор килининиши мумкин. Агар шубхали карзлар резерви келгуси йилга ўтказилса, у холда унинг суммасига балансда дебиторлик карзлар кам килиб кўрсатилади. Агар шубхали карзлар резервининг ишлатилмайин колинган кисми бекор килинса, у холда ушбу суммага резервга ажратма суммаси сторно килинади, яъни куйидаги кизил рангдаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 9430 “ Бошка операцион харажатлар”

Кредит 4910 “Шубхали карзлар бўйича резерв”

Шубхали карзлар бўйича резернинг аналитик хисоби шубхали карзлар ва уларнинг муддатларига караб юритилади. Корхонанинг хисоб сиёсатида шубхали карзлар бўйича резерв ташкил этиш кўзда тутилмаган бўлса, у холларда мавжуд шубхали карзларни хисобдан чикариш бевосита корхонанинг бошка операцион харажатларига (9430 –счёт) олиб борилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Дебиторлик карзлар - бу

а) корхонанинг хусусий капитали

б) корхонанинг мажбуриятлари

в) олинадиган счётлар

г) корхонанинг фойдаси

2.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри

а) Дебиторлик карзлар миллий валютада бошланғич кийматда хисобга олинади

б) Дебиторлик карзлар чет эл валютасида хисобга олинади

в) Дебиторлик карзлар миллий валютада соф кийматда балансда акс эттирилади

г) Дебиторлик карзлар хохлаган валютада хисобга олинади

3.Куйидагиларнинг кайси бирида сотишдан олинган даромадни ва дебиторлик карзни ифодалайди?

а) Дебет 5010 Кредит 4010

б) Дебет 5010 Кредит 9020

в) Дебет 4010 Кредит 9010

г) Дебет 5110 Кредит 4010

4.Куйидагиларни кайси бири корхона учун дебитор бўлиши мумкин эмас?

а) Харидорлар

б) Ходимлар

в) Давлат органлари

г) Холис аудиторлар

5. Валюта курсларидаги ижобий фарклар?

а) Дебиторлик карзларни камайтиради

б) Дебиторлик карзларига таъсир килмайди

в) Дебиторлик карзларни кўпайтиради

г) Дебиторлик карзларни кўпайтирмайди

6. **Олинадиган счётларнинг кайси бири контрактив счёт?**

а) 4010

б) 4220

в) 4910

г) 4520

7. Хизмат сафари учун берилган аванс кайси счётнинг дебетида акс эттирилади?

а) 4010 –счётнинг дебетида

б) 4220 – счётнинг дебетида

в) 4240 – счётнинг дебетида

г) 4910 – счётнинг дебетида

8.Дивидендлар бўйича олинадиган счётлар

а) корхона харажати хисобланади

б) корхона даромадига олиб борилади

в) шубхали карз хисобланади

г) келгуси йил даромадига олиб борилади

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисида конуни. 1996 йил 30 августда кабул килинган.

2.Молиявий хисоботни тайёрлаш ва такдим этиш учун Концептуал асос. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 475.

3.БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 474.

4.БХМС № 12 «Молиявий инвестицияларнинг хисоби» ». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1999 йил 16 январда рўйхатдан ўтган, № 596.

5. БХМС № 19 «Инвентаризацияни ташкил килиш ва ўтказиш ». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1999 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтган, № 833.

6.БХМС № 21 « Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалиги бухгалтерия хисобининг счётлар режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.

7.Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш Коидалари.Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтган, №565.

8.Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз хисоб –китоблар тўғрисида Низом. Ўз..Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда рўйхатга олинган, № 1122.

9.Абдуллаев А. Каюмов И. Бухгалтерия хисоби. Т, «Минхож» нашриёти, 2002.

10.Бобожонов О. Молиявий хисоб. Т., «Шарк», 2000.

11.Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий хисоб. Т., «Молия», 2002.

12.Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия хисоби, Т., Мехнат, 1999

13.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия хисоби бўйича мустакил ўрганиш учун кўлланма.Т., Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2000.

VIII - боб. КОРХОНА МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ ХИСОБИ

8.1.Мажбуриятларнинг турлари, бахоланиши ва улар хисобининг вазифалари

Мажбуриятлар, биринчи бобда айтиб ўтилганидек, корхонанинг бошка юридик ва жисмоний шахслар олдидаги карзларини билдиради. Мажбуриятларни тўланадиган счётлар хам деб атайдилар. Мажбуриятлар ёки тўланадиган счётлар деб тан олиниши учун улар куйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

- Мажбуриятлар юз бериб ўтган вокеа ва ходисалар, хўжалик операциялари натижаси бўлиб хисобланиши керак. Масалан, корхонанинг таъминотчилар олдидаги мажбуриятлари улардан товар-моддий бойликларни тўловни келгусида амалга ошириш шарти билан олинганлиги натижасида вужудга келади ёки корхонанинг ўз ходимлари олдидаги карзи уларга килган мехнатлари учун иш хакини хисобланиши натижасида пайдо бўлади.
- Мажбуриятлар суммаси аник ўлчанадиган ва шубха туғдирмайдиган бўлиши керак. Мажбуриятлар суммасини ўлчаш уларни юз берган вактида намоён бўлган хакконий кийматларида, келгуси даврларда эса валюталар курсларидаги ўзгаришлар билан кайта хисобланган дисконтланган кийматларда бахолаш йўли билан амалга оширилади. Мажбуриятларнинг шубха туғдирмаслиги уларнинг хужжатли асосга эга бўлишлиги билан кафолатланади.
- Мажбуриятлар ни вужудга келтирган хўжалик муносабатлари, активлар, бажарилган ишлар ва хизматлар келгусида корхонага иктисодий манфаат олиб келиши лозим.
- Мажбуриятларни хисобда туриши ва хисобдан чикарилиши, кайтарилиши ёки тўланиши вакт бўйича чегераланган бўлиши керак. Белгиланган муддатларда кайтарилмаган мажбуриятлар корхонага жарималар тўлаш натижасида кўшимча зарарлар келтириши ва кўшимча мажбуриятларни вужудга келишига сабабчи бўлиши мумкин.

Корхоналарнинг мажбуриятларини турли белгиларига кўра таснифлаш мумкин.

Муддатига кўра корхона мажбуриятлари узок ва киска муддатли турларга бўлинади. Узок муддатли мажбуриятларга бир йилдан кўп муддатга олинган банк кредитлари ва бошка шахслардан олинган карзлар киради. Киска муддатли мажбуриятларга муддати бир йилдан ошмайдиган барча бошка карзлар (тўланадиган счётлар) киради.

Характерига кўра барча мажбуриятлар товар харктеридаги ва нотовар характеридаги мажбуриятларга бўлинади. Товар характеридаги мажбуриятларга таъминотчилар ва пудратчилар олдидаги карзлар, харидорлардан олинган авансlар бўйича карзлар киради. Нотовар характеридаги мажбуриятларга корхонанинг иш хаки, суғурта, солик ва ажратмалар бўйича карзлари, таъсисчилар ва бошка кредиторлар олдидаги карзлари киради.

Тўлов муддатига кўра мажбуриятлар жорий ва муддати узайтирилган мажбуриятларга бўлинади. Жорий мажбуриятларга хисобот давр тугаши билан тўланадиган карзлар, масалан, иш хаки, иш хаки фондидан ажратмалар ва ушланмалар, соликлар ва бошка тўловлар бўйича карзлар киради. Муддати узайтирилган мажбуриятларга тўлов муддати хукумат ёки турли кредиторлар томонидан маълум вактгача кечиктирилган карзлар, масалан соликлар, мажбурий ажратмалар ва бошка тўловлар, киради.

Мажбуриятлар бўйича бухгалтерия хисобининг асосий вазифалари бўлиб куйидагилар хисобланади:

- Мажбуриятларни асосли тан олиш ва реал бахолаш;
- Мажбуриятларни вужудга келиши ва копланишини ўз вактида тегишли хужжатлар билан тўғри расмийлаштириш;
- Мажбуриятларни мазмуни, характери ва бошка белгилари бўйича улар учун кўзда тутилган счётларда акс эттириш;
- Мажбуриятларнинг холати ва харакати устидан доимий назоратни олиб бориш;
- Мажбуриятларни ўз вактида узиш, тўлов муддатини ўтиб кетмаслиги устидан доимий назорат килиш;
- Воз кечилган ва даъво муддатлари ўтиб кетган мажбуриятларни ўз вактида ва тўғри корхона даромадларига олинишини назорат килиш;
- Мажбуриятлар бўйича фоизларни тўғри хисоблаш ва корхона харажатларига ўз вактида киритиб бориш;
- Мажбуриятлар бўйича хисоботларни тўғри ва ўз вактида тегишли органларга етказиш ва бошкалар.

8.2.Банк кредитлари ва олинган карзлар бўйича мажбуриятларнинг хисоби

Корхоналар банклардан ва бошка юридик шахслардан ўзларининг айланма маблағларини тўлдириш, молиявий –хўжалик фаолиятини ривожлантириш максадида киска муддатли , шунингдек капитал курилиш ишларини олиб бориш ва бошка максадлар учун узок муддатли кредитлар ва карзлар олишлари мумкин. Кредитлар ва карзлар тузилган шартномаларга мувофик корхонанинг кассасига берилиши, хисоб-китоб ёки бошка махсус счётларига ўтказиб берилиши, шунингдек банкдаги махсус ссуда счёти оркали тўловларни амалга ошириш йўли билан такдим этилиши мумкин.

21- сон БХМС га мувофик банк кредитларининг хисоби 6810 «Киска муддатли банк кредитлари» ва 7810 «Узок муддатли банк кредитлари» счётларида, олинган карзлар эса 6820 «Киска муддатли карзлар» ва 7820 «Узок муддатли карзлар» счётларида олиб борилади. Ушбу пассив счётларнинг кредитида кредитлар ва карзларнинг олиниши, шунингдек улар бўйича мажбуриятларнинг колдиғи, дебетида эса уларнинг кайтарилиши акс эттирилади. Банк кредитлари ва олинган карзлар бўйича хисобланган фоизлар ва улар бўйича хисоб –китоблар махсус 6920 « Хисобланган фоизлар» счётида олиб борилади. Олинган банк кредитлари ва карзлар, уларнинг кайтарилиши, хисобланган фоизлар бухгалтерия хисобида куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Тар-тиб раками	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат
1.	Кредитларни олиниши: -Корхона кассасига -Хисоб –китоб счётига -Аккредитив счётларга -Махсус бошка счётларга -Таъминотчиларга тўланганда -Таъминотчиларга аванс тарикасида ўтказилганда	 5010 5110 5510 5530 6010 4310 4330	 6810, 7810 6820, 7820	Кредит ва карз шартномалари тўлов топширик-номаси, кирим касса ордери, банк кўчирмалари
2.	Кредитларни кайтарилиши: -Кассадан -Хисоб-китоб счётидан -Аккредитив счётлардан -Махсус счётлардан -Депозит счётлардан -Харидорларлар ва буюртмачилардан тушган тушумдан -Харидорлардан олинган аванс тўловларидан	 6810, 7810, 6820, 7820	 5010 5110 5510 5530 5890 4010 6310	Кредит ва карз шартномалари тўлов топширик-номаси, кирим касса ордери, банк кўчирмалари
3.	Узок муддатли кредит жорий мажбуриятга ўтказилганда	7810, 7820	6950	Кредит ва карз шартномалари
4.	Кредитлар бўйича фоизлар хисобланганда	9610	6920	Кредит ва карз шартномалари
5.	Фоизлар тўланганда	6920	5110	Банк кўчирмалари

Банк кредитлари ва олинган карзларнинг аналитик хисоби уларнинг турлари ва кайтариш муддатлари бўйича олиб борилади.

8.3.Таъминотчилар ва харидорлар олдидаги мажбуриятларнинг хисоби

Таъминотчилар олдидаги мажбуриятлар улардан ТМБ, узок муддатли активлар, турли ишлар ва хизматлар учун хисоб-китобларни ва охирги тўловларни кейинчалик амалга оширганда вужудга келади. Харидорлар олдидаги мажбуриятлар эса улардан хали жўнатилмаган ТМБ лар, ишлар ва хизматлар учун

тўловларни аванс тарикасида олдиндан олиб қўйилганда вужудга келади. 21- сон БХМС га мувофик бундай товар характеридаги мажбуриятлар хисоби куйидаги счётларда олиб борилади:

- 6010 “ Таъминотчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар”
- 6020 “Берилган векселлар”
- 6110 “ Алохида ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётллар”
- 6120 “ Шўъба ва карам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар”
- 6310 “Харидор ва буюртмачилардан олинган авансlар”

Ушбу пассив счётларнинг кредитида таъминотчи ва харидорлар олдидаги мажбуриятларнинг вужудга келиши, уларни кўпайиши ва охирги колдиклари, дебетида эса мажбуриятларни узилиши акс эттирилади. Мажбуриятларни вужудга келишида узок муддатли активлар счётлари (0110-0190,0410-0490,0710,0810-0890), ТМЗ счётлари (1010-1090,1110-1120,2010,2310,2510,2810,2910-2990), давр харажатлари счётлари (9410,9420,9430) ва бошка счётлар дебетланади. Мажбуриятларни узилишида пул маблағлари счётлари (5010,5110,5510-5530,5210,5220), кредит ва карзлар счётлари (6810,6820,7810,7820) ва бошка счётлар кредитланади. Таъминотчилар ва харидорлар билан хисоб-китобларнинг аналитик хисоби уларнинг хар бири бўйича алохида юритилади.

8.4.Бюджетга тўловлар бўйича мажбуриятларнинг хисоби

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга тўловлари бўлиб асосан соликлар ва йиғимлар хисобланади. Ўзбекистон Республикасида солик ва йиғимларни хисоблаш ва тўлаш тартиблари Солик Кодекси ва хар бир солик тўловлари бўйича тасдикланган йўрикномаларда ўз аксини топган.

Бухгалтерия хисоби нуктаи назаридан барча солик тўловларини тўртта гурухга ажратиш мумкин:

- Корхоналарнинг оборотидан олинадиган соликлар – уларга акциз солиғи, ККС ва экспорт бўйича божхона тўловлари киради.
- Корхоналарнинг бошка операцион харажатларига киритиладиган соликлар – уларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, экология солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик киради.
- Корхоналарнинг даромади (фойдаси) дан олинадиган соликлар – уларга даромад (фойда) солиғи, ялпи тушумдан ягона солик,, ягона ер солиғи, инфраструктурани ривожлантириш солиғи киради.
- Жисмоний шахслар даромадларидан ушланадиган солик.

21- сон БХМС га мувофик бюджетга солик тўловлари бўйича мажбуриятларнинг хисоб-китоблари 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича карз (турлари бўйича)” счётида хисобга олинади. Корхоналар ўзларининг ишчи счётлар режасида хар бир солик турига алохида счётларни, масалан, 6411 “ Бюджетга ККС бўйича карз”, 6412 “Бюджетга акциз бўйича карз” ва шу каби бошка счётларни, очишлари мумкин. Ушбу пассив счётларнинг кредитида солик тўловлари бўйича бюджет олдидаги мажбуриятларнинг вужудга келиши, уларнинг кўпайиши ва охирги колдиклари, дебетида эса бюджетга тўловларни камайтирилиши ва ўтказиб берилиши акс эттирилади. Соликлар бўйича мажбуриятлар улар бўйича тузилган хисоб-китобларга асосан хисобланади ва куйидагича акс эттирилади:

- Акциз солиғи, ККС ва экспорт бўйича божхона божи суммасига

Дебет 4010,4020,4110,4120,4210,5010

Кредит 6410 (солик турлари бўйича мос счётлар)

- Мол-мулк солиғи, ер солиғи, экология солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солик, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун соликлар суммасига

Дебет 9430 “Бошка операцион харажатлар”

Кредит 6410 (солик турлари бўйича мос счётлар)

- Даромад (фойда) солиғи, ялпи тушум (ялпи даромад)дан ягона солик, ягона ер солиғи, ялпи даромаддан солик, инфраструктурани ривожлантириш солиғи суммаларига

Дебет 9810 “Даромад(фойда) солиғи бўйича харажатлар”, **9820** “Фойдадан бошка соликлар ва йиғимлар бўйича харажатлар”

Кредит 6410 (солик турлари бўйича мос счётлар)

Солик тўловлари олдин ўтказиб берилган бўнак суммаларига, шунингдек бошка юридик шахсларга активлар, ишлар ва хизматларни олишда тўланган ККС суммасига камайтирилади. Бундай камайтиришлар бухгалтерия хисобида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича карз (турлари бўйича)”

Кредит 4410 “ Бюджетга соликлар ва йиғимлар бўйича аванс тўловлари” (турлари бўйича).

Аванс тўловларидан кейинги колган мажбуриятлар суммалари бюджетга белгиланган муддатларда ўтказиб берилиши керак. Ўтказилган мажбуриятларга куйидаги ёзувлар килинади:

Дебет 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича карз (турлари бўйича)”

Кредит 5010,5110,5210,5510,5530,5890 (пул маблағлари счётлари)

Агар бюджет олдидаги мажбуриятлар банк кредитлари ва олинган карзлар эвазига узилса, у холда:

Дебет 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича карз (турлари бўйича)”

Кредит 6810,6820 (кредит ва карзлар счётлари)

Корхоналарга ўз ходимларини даромадларидан соликларни хисоблаш ва бюджетга ўтказиб бериш бўйича хам мажбуриятлар юклатилган. Ходимлар даромадларидан олинадиган даромад солиғи махсус тасдикланган шкала бўйича хисобланади ва бюджетга ўтказиб берилади. Иш хакидан ушлаб колинган даромад солиғи хисобда куйидагича акс эттирилади:

Дебет 6710 “ Ходимлар билан иш хаки бўйича хисоб-китоблар”

Кредит 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича карз (турлари бўйича)”

8.5.Иш хаки бўйича мажбуриятларнинг хисоби

Иш хаки – бу ходимга бажарган иши ёки ишлаган вакти учун хисобланган рағбатлантиришнинг микдори.

Корхона учун хисобланган иш хаки, бир томондан ,харажат, иккинчи томондан, тўланиши керак бўлган мажбурият хисобланади. Ходим учун иш хаки унинг ишлаб топган даромади хисобланади.

Иш хакининг иккита шакли, яъни ишбай ва вактбай шакллари, шунингдек унинг иккита турлари, яъни асосий иш хаки ва кўшимча иш хаки турлари, мавжуд.

Ишбай иш хаки деганда ходимларга хакикатда бажарган ишлари учун хисобланган иш хаки тушунилади. Ушбу иш хаки шаклида ходимга хисобланадиган иш хакининг микдори бевосита у бажарган ишнинг хажмига ва бир бирлик иш учун белгиланган иш хаки суммасига боғлик бўлади. Иш хакининг ушбу шакли ишчилар, курувчилар, сотувчилар ва бошка бевосита иш бажарувчилар учун кўлланилади.

Вактбай иш хаки деганда ходимларга хакикатда ишлаган вактлари учун хисобланган иш хаки тушунилади. Ушбу иш хаки шаклида ходимга хисобланадиган иш хакининг микдори бевосита у ишлаган соатлар ёки кунларнинг сонига, шунингдек штат жадвалига мувофик белгиланган иш хаки суммасига боғлик бўлади. Иш хакининг ушбу шакли ишчилар, курувчилар, сотувчилар ва бошка бевосита иш бажарувчилар учун кўлланилади.

Асосий иш хаки деганда ходимнинг хакикатда бажарган ёки ишлаган вакти учун хисобланган иш хаки тушунилади.

Кўшимча иш хаки деганда ходимга уни ижтимоий химоя килиш максадида, шунингдек унга корхона фаолиятида эришилган ютуклар, атокли саналар, турли шарт –шароитлар учун асосий иш хакига кўшимча тарзда хисобланган тўловлар тушунилади. Кўшимча иш хакига вактинчалик мехнат кобилиятини йўкотганлик учун хисобланган нафакалар, мехнат таътили хаки, унвон, категория ва бошка ажралиб турадиган тавсифлари учун бериладиган кўшимчалар, мукофатлар, моддий ёрдамлар ва компенсациялар киради.

Асосий ва кўшимча иш хакларини хисоблашга куйидаги хужжатлар асос бўлади:

- **Ишбай ишловчилар учун** – бажарилган ишларнинг хажмини тасдикловчи хужжатлар (нарядлар, маълумотномалар, хисоботлар, далолатномалар ва бошкалар), бир бирлик иш учун белгиланган иш хаки меъёри, ишга чикиш хисоби табели (ишни коллектив тарзда бажарувчилар учун).
- **Вактбай ишловчилар учун** – штат жадвали, ишга чикиш хисоби табели
- **Мехнат таътилини хисоблаш учун** – буйрук, ходимнинг иш хаки бўйича бухгалтерияда юритилган шахсий счёти вараги.
- **Вактинчалик мехнат кобилиятини йўкотганликда бериладиган нафакани хисоблаш учун** – касаллик варакаси, касаба уюшма кўмитасининг карори ва ходимнинг иш хаки бўйича бухгалтерияда юритилган шахсий счёти вараги.

Асосий иш хакини хисоблаш тартиби. Ишбай иш хаки шаклида ишловчи ходимга асосий иш хаки суммаси унинг хакикатда бажарган иш хажмини бир бирлик иш учун белгиланган иш хаки меъёрига кўпайтириш йўли билан топилади. Масалан, ишчи ой мабойнида 100 дона махсулот ишлаб чикарди. Бир бирлик махсулот учун иш хаки меъёри –300 сўм. Ишчига хисобланадиган иш хаки суммаси бу холда 30000 сўмни (100х 300) ташкил этади.

Вактбай иш хаки шаклида ишловчи ходимга асосий иш хаки суммаси унинг хакикатда ишлаган соатлари ёки кунлари сонини бир соатлик ёки бир кунлик

ўртача иш хакига кўпайтириш йўли билан топилади. Масалан, бухгалтернинг штат жадвали бўйича маоши –30000 сўм. Январ ойида у 15 кун тўлик ишлади, колган кунлар учун касаллик варакасини такдим этди, унинг мехнат стажи –4 йил, болаларининг сони –2 та. Январ ойидаги календар иш кунлари сони –25. Бухгалтерга асосий иш хаки хисоблаш учун бир кунлик ўртача иш хаки суммаси топилади. Бизнинг мисолимизда у 1200 сўм (30000 : 25). Бухгалтернинг хакикатда ишлаган кунларига хисобланадиган иш хаки суммаси 18000 сўм (1200 х 15).

Касал кунлар учун нафака хисоблаш тартиби. Касал кунлар учун нафака хисоблаш куйидаги тартибда амалга оширилади.

1.Ходимга ўтган ойда хисобланган иш хаки, шунингдек ўртача ойлик мукофотлар суммаси асос килиб олинади ва у касал бўлган ойдаги календар иш кунлари сонига бўлинади. Топилган сумма ўртача бир кунлик тўлов суммасини беради. Айтайлик, юкоридаги мисолда келтирилган бухгалтернинг декабрдаги иш хаки 20000 сўм, ўртача ойлик мукофат суммаси 5000 сўм бўлган. Унда ўртача бир кунлик тўлов суммаси январ ойи учун 1000 (25000 : 25) сўм бўлади.

2.Касал кунларга нафака хисоблаш учун бир кунлик ўртача тўлов суммаси нафакани тўлаш коэффициентига кўпайтирилади. Ушбу коэффициент Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2000 йил 19 январда 873 –тартиб раками билан рўйхатдан ўтган “Мехнатга лаёкатсизлик варакалари ва маълумотномаларини бериш тўғрисида Йўрикнома”, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 28 февралдаги “Вактинчалик мехнатга лаёкатсизлик бўйича нафакалар тўлаш меъёрларини такомиллаштириш тўғрисида” ги 71-сон карорига мувофик 2002 йил 1 мартда бошлаб ходимнинг хизматлари, мехнат стажи, касаллик тоифаси, болаларининг сонига караб куйидагича белгиланган:

1.Иш хакининг 100 % микдорида:

- Иккинчи жахон урушининг катнашчилари хисобланган ходимларга;
- Байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенгаштирилган шахсларга;
- Каромоғида 16 ёшга (ўкувчилар учун –18 ёш) тўлмаган уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган ходимларга;
- Чернобыль АЭСдаги авария окибатларини тугатишда иштирок этган ходимларга, Чернобыль АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация килинган ходимларга;
- Кўчирилган кон хосил килувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), калконсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлик касалликларга чалинган ходимларга;
- Ядро полигонларида ва бошка радиация-ядро объектларида харбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахслар каторидан ногирон ходимларга;
- Ишда шикастланган ва касб касалликларига чалинган ходимларга.

2.Ойлик иш хакининг 60 % дан 100% гача бўлган микдорда:

- Ижтимоий ахамиятга эга касалликлар бўйича хисобда турувчи ходимларга, улар томонидан давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар тўлаб келиниши муддатига (иш стажига) караб.

3.Ойлик иш хакининг 60%дан 80 % гача бўлган микдорда - колган холларда, ходимларнинг умумий иш стажига караб.

Давлатимиз конунларига мувофик вактинчалик мехнатга лаёкатсизлик учун нафакалар ўз соғлигига атайлаб зиён этказилганда, мастлик ёки наркомания

окибатида, жиноят содир этган ва улар билан боғлик бошка холларда вужудга келганда хисобланмайди ва тўланмайди.

Бизнинг мисолда келтирилган бухгалтер барча кўрсаткичлари бўйича учинчи гурух бўйича нафака олувчи хисобланади. Шунинг учун унинг бир кунлик нафака суммаси тўлов коэффициентига кўра 600 сўмни (1000 х 0,6) ташкил килади.

3.Бир кунлик нафака суммаси касал бўлган календар иш кунлари сонига кўпайтирилади. Топилган сумма касал кунлар учун хисобланадиган нафаканинг суммасини билдиради. Бизнинг мисолимизда бухгалтерга хисобланадиган нафака суммаси 6000 сўмни (600 х10) ташкил килади.

Ишбай ишловчи ходимларга касал кунлар учун нафака хисоблашда охирги икки ойлик иш хаки ва ўртача ойлик мукофат суммаси асос килиб олинади. Колган хисоб-китоблар юкорида келтирилган тартибда амалга оширилади.

Мехнат таътили хакини хисоблаш тартиби. Корхона ходимлари иш фаолиятининг биринчи йили 6 ой ишлаганларидан сўнг, кейинги йилларда эса мехнат таътили графиги ёки ходимнинг аризасига мувофик мехнат таътилини олиш хукукига эгадирлар. Мехнат таътилини кайси санадан бошлаб неча кунга берилиши корхона рахбарининг буйруғида кўрсатилади. Буйрук асосида мехнат таътили хаки куйидаги тартибда хисобланади.

1.Ишбай ишловчилар учун

- олдинги мехнат таътилидан кейинги мехнат таътилигача олган иш хаки суммаси, шунингдек шу даврда олган мукофатларининг суммаси топилиб, ушбу сумма ишлаган ойлар сонига бўлинади. Топилган сумма ўртача бир ойлик тўлов суммасини билдиради. Айтайлик, ходимнинг ўтган йилда олган ишбай иш хаки суммаси 360000 сўмни, олган мукофатлари 120000 сўмни ташкил килган, дейлик. Унда ушбу ходимга ўртача бир ойлик тўлов 40000 сўмни ((360000 +120000) /12) ташкил этади.
- Ўртача ойлик тўлов суммаси ойдаги ўртача иш кунлари сонига (25,4 кун) бўлинади. Топилган сумма ўртача бир кунлик тўлов суммасини билдиради. Бизнинг мисолимизда ушбу тўлов 1575 сўмни (40000:25,4) ташкил килади.
- Ўртача бир кунлик тўлов суммаси буйрук бўйича берилган мехнат таътили кунлари сонига кўпайтирилади. Топилган сумма ходимнинг мехнат таътили хакини билдиради. Агар ходимга 15 кунлик мехнат таътили берилган бўлса, у холда унинг мехнат таътили хаки 23625 сўмни (1575 х 15) ташкил килади.

2.Вактбай ишловчилар учун -ходимнинг охирги ойдаги маоши ва ўртача бир ойлик олган мукофатлари суммаси мехнат таътили хакини хисоблашга асос килиб олинади. Хисоб-китобларнинг колган кисми юкорида келтирилган тартибга ўхшаш тарзда амалга оширилади.

Иш хакининг хисобланган барча турлари ва уларнинг жами суммаси хисоб-тўлов кайдномасида ёки иш хаки бўйича юритилган китобда алохида устунчаларда кўрсатилади.

Иш хакидан ушланмалар. Хисобланган иш хакидан турли ушланмалар килинади, уларни икки гурухга ажратиш мумкин:

• **Мажбурий ушланмалар** - буларга даромад солиғи, 2,5 фоизлик бюджетдан ташкари пенсия фондига ушланма, суд ва бошка органларнинг ижро хужжатлари бўйича ушланмалар (алиментлар, жарималар ва бошкалар), берилган аванс суммаси, ортикча хисобланган мехнат таътили хаки, етказилган зарарлар киради.

• **Ихтиёрий ушланмалар –** буларга хайрия сифатидаги ушланмалар, касаба уюшма ва бошка уюшмаларга аъзолик тўловлари, жамғарма счётларига ушланмалар, турли коммунал хизматлар учун ушланмалар ва бошка ходимнинг ўз аризасига кўра амалга ошириладиган бошка ушланмалар киради.

Иш хакидан ушланмаларнинг барча турлари ва уларнинг жами суммаси хисоб-тўлов кайдномасида ёки иш хаки бўйича юритилган китобда алохида устунчаларда кўрсатилади. Мехнат Кодексига мувофик (164-модда) ходимнинг иш хакидан ушланмаларнинг жами микдори хисобланган иш хакининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Хисоб-тўлов кайдномасида ёки иш хаки бўйича юритилган китобда хисобот даври бошидаги карз, шунингдек хисобланган жами иш хаки ва жами иш хакидан ушланмалар асосида хар бир ходим бўйича хисобот даврининг охиридаги карз, яъни корхонанинг ходимга бўлган ёки ходимнинг корхона олдидаги карзи, аникланади.

Иш хакини бериш тизимлари. Ходимларга иш хакини беришнинг иккита тизими мавжуд:

• **Авансли тизим** – ушбу тизим асосан вактбай ишловчи ходимлар учун кўлланилади. Унга мувофик тўлик ишлаган ходимларга хисобот ойнинг биринчи ярими учун белгиланган иш хакининг 50 фоизигача аванс берилади. Аванс кассадан тўлов кайдномаларига асосан берилади.

• **Аванссиз тизим** –ушбу тизимда иш хаки бўйича корхонанинг карзи факат хисобот ойи тугагандан сўнг тўлов кайдномаларига асосан берилади.

Банкдан иш хаки учун олинган пул маблағлари кассадан олинган кундан бошлаб уч кун ичида таркатилади. Ушбу муддатда олинмаган иш хаки **депонентланган иш хаки** деб аталади, у алохида кайдномага кўчирилиб ёзилади ва банкга топширилади. Депонентланган иш хаклари ходимларнинг талабига кўра банкдан дархол олиб келиниши ва таркатилиши лозим.

Иш хаки бўйича мажбуриятларнинг синтетик ва аналитик хисоби. 21-сон БХМС га мувофик иш хаки бўйича мажбуриятларнинг синтетик хисоби 6710 “ Ходимлар билан мехнатга хак тўлаш бўйича хисоб-китоблар” ва 6720 “ Депонентланган иш хаки” счётларида юритилади. Ушбу пассив счётларнинг колдики кредит тарафида бўлиб, у корхонанинг ўз ходимлари олдидаги карзини кўрсатади. Счётнинг кредит тарафида иш хакининг барча турларини хисобланиши, дебет тарафида эса иш хакидан ушланмаларнинг барча турлари, шунигдек иш хаки бўйича карзнинг узилиши куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

Тар-тиб раками	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат
1.	Иш хакини хисобланиши: -Асосий ишлаб чикариш ходимларига -Ёрдамчи ишлаб чикариш ходимларига	2010 2310	6710	Хисоб-тўлов кайдномалари, Буйруклар, нарядлар, хисоботлар,

	-Умумхўжалик ишлари ходимларига -Ёрдамчи хўжаликлар ходимларига -Бошкарув ходимларига -Сотишга доир ходимларга -Капитал курилишга доир ходимларга -Асосий воситаларни тугатиш учун -Моддий ёрдамлар, хисобланган компенсацияларга -Касал кунлар учун хисобланган нафака суммасига -Хисобланган дивиденд суммасига -Депонентланган иш хакига	2510 2710 9420 9410 0810 9210 9430 6520 8710 6710	6720	табел, касаллик варакалари ва бошка хужжатлар
2.	Иш хакидан ушланмалар: -Даромад солиғи -2,5% лик пенсия фондига ушланма -Алиментлар ва жарималар -Олинган аванс -Касаба ва бошка уюшмаларга тўловлар -Жамғарма счётларга ва бошка хизматлар учун ушланмалар -Кредитга сотилган товарлар учун ушланмалар -Олинган карзлар учун ушланмалар -Курсатилган зарарлар учун ушланмалар -Сотилган товарлар учун ушланмалар -Сотилган тайёр махсулотлар учун ушланмалар -Сотилган бошка активлар учун ушланмалар -Кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар учун ушланмалар -Хизмат сафарига берилган авансларнинг ортикча суммалари ушланганда -Бошка турли максадларда берилган тўловлар ушланганда	6710	6410 6520 6890 4210 6890 6890 4710 4720 4730 9020 9010 9210-9220 9030 4420 4230-4290	Хисоб-тўлов кайдномалари, буйруклар, ижро хужжатлари ва бошка хужжатлар

3.	Иш хакини берилиши	6710-6720	5010	Тўлов кайдномалари, касса чиким ордерлари

Иш хаки бўйича мажбуриятларнинг аналитик хисоби ходимлар бўйича олиб борилади.

8.6. Суғурта ва бюджетдан ташкари максадли фондларга ажратмалар бўйича мажбуриятларнинг хисоби

Корхоналарнинг суғурта ва бюджетдан ташкари максадли фондларга ажратмалар бўйича мажбуриятларининг хисоби 6510 “Суғурта бўйича тўловлар” ва 6520 “ Давлатнинг максадли фондларига тўловлар” счётларида олиб борилади. Ушбу пассив счётларнинг кредитида мажбуриятларнинг колдиғи ва хисоблаш натижасида уларнинг кўпайиши, дебетида эса ушбу маблағларнинг максадли белгиланган тартибларга кўра ишлатилиши ва тегишли органларга ўтказиб берилиши куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади.

Тар-тиб раками	Операциянинг мазмуни	Дебет счет	Кредит счет	Ёзувга асос бўлувчи хужжат
1.	Суғурта органларига хисобланганда ва ушланганда: -Корхонанинг ходимлари ва мол-мулкини суғуртаси учун -Иш хакидан ушланганда	 2010, 9430 6710	 6510	 Суғурта шартномаси, хисоб-тўлов кайдномаси
2.	Пенсия фондига ажратма ва ушланмалар -Иш хаки фондидан 35% ажратма -Иш хакидан 2,5% лик ушланма -Соф тушумдан 0,7% лик ушланма - хизматлар учун ушланмалар	 2010, 2310, 2510, 9410, 9420 6710 9430		Махсус хисоб-китоблар
3.	Йўл фондига ажратмалар (соф тушумдан 1,5 %лик, товарооборотдан 1% лик ва бошкалар)	9430	6520	Махсус хисоб-китоблар
4.	Иш билан фандлик фондига иш хаки фондидан 1,5% лик ажратма	2010, 2310, 2510, 9410,	6520	Махсус хисоб-китоблар

		9420 ва бошка лар		
5.	Касаба убшмалар кенгашига иш хаки фондидан 0,7 % лик ажратма	2010, 2310, 2510, 9410, 9420 ва бошка лар	6520	Махсус хисоб-китоблар
6.	Суғурта ва максадли тўловлар бўйича мажбуриятларни камайиши: -нафака учун ишлатилганда -йўкотишлар копланганда -ўтказилган авансга -банкдан ўтказилганда	 6520 6510	 6710 1010-1090, 2810, 2910-2990 ва бошка-лар 6510-6520 5110	Банк хужжатлари, хисоб-тўлов кайдномалари, далолатнома-лар ва бошка хужжатлар

Суғурта ва максадли фондларга мажбуриятларнинг аналитик хисоби ушбу тўловларнинг турлари бўйича олиб борилади.

8.7.Бошка кредиторлар билан хисоб-китобларнинг хисоби

Корхоналарнинг бошка кредиторлар билан хисоб-китобларининг хисоби 21-сон БХМС га мувофик куйидаги счётларда олиб борилади:

- **6610 “Тўланадиган дивидендлар”** – ушбу пассив счётда корхонанинг акционерлари ва таъсисчиларига хисобланган дивидендлар бўйича мажбуриятларининг холати ва харакати хисобга олинади. Счётнинг кредитида дивидендларни хисобланиши (8710 “ Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарири) “ счётининг дебети билан корреспонденциялашган холда), дебетида эса дивидендларни берилиши (пул маблағлари счётлари билан корреспонденцияланган холда) акс эттирилади. Дивидендларга доир мажбуриятларнинг аналитик хисоби хар бир акционер ёки таъсисчи бўйича юритилади.
- **6620 “ Чикиб кетган таъсисчиларга уларнинг хиссаси бўйича карз”** – ушбу пассив счётда корхонанинг таъсисчилар сафидан чикиб кетган таъсисчиларига киритган улушини кайтариб бериш бўйича мажбуриятларининг холати ва харакати хисобга олинади. Счётнинг кредитида ва 8330 “ Пай ва бадаллар “ счётининг дебетида сафдан чикиб кетган таъсисчига бўлган карз,

дебетида эса ушбу карзни узилиши (пул маблағлари ва бошка активларни хисобга олишга мўлжалланган счётлар билан корреспонденцияланган холда) акс эттирилади. Тахсисчиларга карзларга доир мажбуриятларнинг аналитик хисоби хар бир таъсисчи бўйича юритилади.

• **6910 "Тўланадиган киска муддатли ижара"-** ушбу пассив счётнинг кредитида киска муддатга олинган ижара учун карзларнинг хисобланиши, дебетида эса ушбу карзни узилиши акс эттирилади. Ижарага олинган мулкни фойдаланиш максадига караб хисобланган ижара хакига ишлаб чикариш харажатлари счётлари (2010,2310,2510) ёки давр харажатлари счётлари дебетланади (9410,9420). Ижара бўйича карзлар узилганда пул маблағлари счётлари (5010,5110,5210 ва бошкалар) кредитланади. Ушбу счётнинг аналитик хисоби хар бир ижарага берувчи бўйича юритилади.

• **6920 "Тўланадиган фоизлар" –**ушбу пассив счётнинг кредитида олинган кредитлар , берилган векселлар бўйича фоизларни хисобланиши, дебетида эса ушбу фоизларни кредиторларга ўтказиб берилиши акс эттирилади. Хисобланган фоизлар суммасига 9610 "Фоизлар кўринишидаги харажатлар" счёти дебетланади, карзлар ўтказиб берилганда пул маблағлари счётлари кредитланади (5010,5110 ва бошкалар). Ушбу счётнинг аналитик хисоби хар бир кредитор бўйича юритилади.

• **6930 "Роялти бўйича карз"-**ушбу пассив счёт 6920 "Тўланадиган фоизлар" счётига тўлик ўхшаш тарзда юритилади, факат ўзгаларнинг номоддий активларидан вактинчалик фойдаланганлик учун.

• **6940 "Кафолатлар бўйича карз"-** ушбу пассив счёт ўз товарларини, иш хизматларини маълум муддатларгача кафолатланган холда сотувчи корхоналарда кўлланилади. Унинг кредитида кафолатлар бўйича мажбуриятларнинг вужудга келиши, дебетида эса ушбу мажбуриятларнинг узилиши акс эттирилади.

• **6950 " Узок муддатли мажбуриятлар –жорий кисми" –** ушбу пассив счётнинг кредитида узок муддатга олинган банк кредитлари ва бошка карзларнинг келгуси жорий йилга тегишли кисми бўйича мажбуриятларнинг суммалари, дебетида эса бу мажбуриятларнинг узилиши акс эттирилади. Мажбуриятларнинг жорий кисми ушбу счётга 7810 "Узок муддатли банк кредитлари" ва 7820 " Укок муддатли карзлар" счётларининг дебетидан хисобот йилнинг охирида ўтказилади. Жорий мажбуриятларнинг узилиши пул маблағлари счётларининг(5010,5110 ва бошкалар) кредитида акс эттирилади.

• **6960 "Даъволар бўйича тўловлар" –**ушбу пассив счётнинг кредитида харидор ва буюртмачилар томонидан билдирилган даъволар бўйича мажбуриятларнинг вужудга келиши (хароажатлар счётларининг дебети бўйича корреспонденцияланган холда), дебетида эса уларнинг кондирилиши ёки бекор килиниши (пул маблағлари ва харажатлар счётларининг кредити бўёича корреспонденцияланган холда) акс эттирилади.

• **6970 "Хисобдор шахсларга карз" –** ушбу пассив счётнинг кредитида хисобдор шахслар олдида мажбуриятларни вужудга келиши, дебетида эса ушбу мажбуриятларнинг ёпилиши акс эттирилади. Хисобдор шахслар олдидаги мажбуриятларни вужудга келиши харажатлар счётларининг (2010,2310,2510,9420 ва бошкалар) дебетида, уларни ёпилиши эса пул маблағлари счётларининг (5010) кредитида акс эттирилади. Ушбу счётнинг аналитик хисоби хар бир хисобдор шахс бўйича олиб борилади.

• **6990 “ Бошка мажбуриятлар” –** ушбу пассив счётнинг кредитида корхонанинг турли бошка кредитор бўлган юридик ва жисмоний шахслар олдидаги мажбуриятлари, масалан ходимлар иш хакидан ушланган алиментлар ва бошка тўловлар, турли хизматлар учун хисобланган мажбуриятлари, дебетида эса ушбу мажбуриятларнинг узилиши акс эттирилади. Мажбуриятларнинг вужудга келиши харажатлар счётларининг (2010,2310,2510,9410,9420), шунингдек иш хаки счётининг (6710) ва бошка счётларнинг дебетида, узилиши эса пул маблағлари счётларининг (5010,5110 ва бошкалар) кредитида хисобга олинади. Ушбу счётнинг аналитик хисоби хар бир кредитор бўйича юритилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Мажбуриятлар - бу
а) корхонанинг хусусий капитали
б) корхонанинг карзлари
в) олинадиган счётлар
г) корхонанинг фойдаси
2.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри
а) Мажбуриятлар миллий валютада бошланғич кийматда хисобга олинади
б) Мажбуриятлар чет эл валютасида хисобга олинади
в) Мажбуриятлар миллий валютада соф кийматда балансда акс эттирилади
г) Мажбуриятлар хохлаган валютада хисобга олинади
3.Куйидагиларнинг кайси бири сотишдан олинган даромаддан олинадиган солик мажбуриятларини ифодалайди?
а) Дебет 1010 Кредит 6410
б) Дебет 4010 Кредит 6410
в) Дебет 9010 Кредит 6410
г) Дебет 9110 Кредит 6410
4.Куйидагиларни кайси бири корхона учун кредитор бўлиши мумкин эмас?
а) Харидорлар
б) Ходимлар
в) Таъсисчи бўлишга хохиш билдирган шахс
г) Аудиторлик ташкилоти
5. Валюта курсларидаги ижобий фарклар?
а) Мажбуриятларни камайтиради
б) Мажбуриятларга таъсир килмайди
в) Мажбуриятларни кўпайтиради
г) Мажбуриятларни кўпайтирмайди

6**. Иш хаки бўйича берилган бўнак**
а) ушланмайди
б) мажбурий ушланмаларга киради
в) ихтиёрий ушланмаларга киради
г) хисобланган иш хакига кўшилади

7.Тўланадиган фоизлар ва дивидендларлар бўйича мажбуриятлар

а) корхона харажати хисобланади
б) корхона даромадига олиб борилади
в) шубхали карз хисобланади
г) келгуси йил харажати хисобланади

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисида конуни. 1996 йил 30 августда кабул килинган.

2.Ўзбекистон Республикасининг Солик Кодекси. 1997 йил 24 апрелда кабул килинган (кейинги ўзгартиришлар ва кўшимчалар билан).

3.Ишлаб чикарилган ва сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича кўшилган киймат солиғини хисоблаш ва тўлаш тўғрисида Йўрикнома. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 29 апрелда рўйхатга олинган, № 1238.

4.Ўзбекистон Республикаси территориясига импорт килинган товарларга нисбатан кўшилган киймат солиғини хисоблаш ва тўлаш тўғрисида Йўрикнома. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда рўйхатга олинган, № 1124.

5 Ўзбекистон Республикаси территориясига импорт килинган иш ва хизматларга нисбатан кўшилган киймат солиғини хисоблаш ва бюджетга тўлаш тўғрисида Йўрикнома. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда рўйхатга олинган, № 1123.

6.Юридик шахслар даромадидан (фойдасидан) соликни хисоблаб чикариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида Йўрикнома. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 13 мартда рўйхатга олинган, № 1109.

7.Ўзбекистон Республикасида хорижий юридик шахсларни даромадлари (фойдасини) соликга тортиш тартиби тўғрисида Йўрикнома. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 8 октябрда рўйхатга олинган, № 498.

8.Соликга тортишнинг ихчамлаштирилган тизимини кўллаш Тартиби. Ўз.Р. ВМ нинг 1998 йил 15 апрелдаги 159 –сон карори билан тасдикланган.

9.Савдо ва умумий овкатланиш корхоналари ялпи даромадидан соликни хисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 21 июлда рўйхатга олинган, № 1260.

10.Жисмоний шахслар даромадидан соликни хисоблаб чикариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида Йўрикнома. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 14 мартда рўйхатга олинган, № 1110.

11. Юридик шахслар мол-мулкига соликни хисоблаб чикариш ва бюджетга тўлаш тўғрисида Йўрикнома. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 11 мартда рўйхатга олинган, № 1107.

12.Сув ресурсларидан фойдаланиш учун соликни хисоблаб чикариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида Йўрикнома. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 2 февралда рўйхатга олинган, № 1097.

13.Махаллий соликлар ва йиғимларни ғисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Йўрикнома. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 8 апрелда рўйхатга олинган, № 1120.

14.Бюджетдан ташкари Пенсия жамғармасига давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар ва ажратмаларни хисоблаш ва тўлаш тартиби

тўғрисида Йўрикнома. Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2001 йил 16 мартда рўйхатга олинган, № 1018.

15.Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги кошидаги республика йўл фондининг даромадларини шакллантириш ва маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисида Низом. Ўз.Р. ВМ нинг 2003 йил 21 августдаги 361- сон карори билан тасдикланган.

16.Молиявий хисоботни тайёрлаш ва такдим этиш учун Концептуал асос. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 475.

17.БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 474.

18. БХМС № 19 «Инвентаризацияни ташкил килиш ва ўтказиш ». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1999 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтган, № 833.

19.БХМС № 21 «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалиги бухгалтерия хисобининг счётлар режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.

20.Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш Коидалари.Ўз.Р. Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда рўйхатдан ўтган, №565.

21.Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз хисоб –китоблар тўғрисида Низом. Ўз..Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда рўйхатга олинган, № 1122.

22.Вактинчалик мехнатга лаёкатсизлик бўйича нафакалар тўлаш меъёрларини такомиллаштириш тўғрисида. Ўз.Р. ВМ нинг 2002 йил 28 февралдаги 71-сон карори билан тасдикланган

23.Мехнатга лаёкатсизлик варакалари ва маълумотномаларини бериш тўғрисида Йўрикнома. Ўз. Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2000 йил 19 январда рўйхатга олинган, № 873

24.Ўзбекистон Республикаси худудида хизмат сафарлари тўғрисида Йўрикнома. Ўз. Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда рўйхатга олинган, № 1268

25.Юридик шахсларга бюджетга соликлар, божлар ва мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия хисобида акс эттириш тартиби тўғрисида Низом. Ўз. Р. Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 25 июнда рўйхатга олинган, № 1155.

26.Абдуллаев А. Каюмов И. Бухгалтерия хисоби. Т, «Минхож» нашриёти, 2002.

27.Бобожонов О. Молиявий хисоб. Т., «Шарк», 2000.

28.Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий хисоб. Т., «Молия», 2002.

29.Завалишина И.А. Практика налогообложения. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент, 2003.

30 Завалишина И.А. Бухгалтерский учет по новому. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент, 2003.

31.Хасанов Н.Х., Хайдаров Ш.У, Югай Л.П. Корхоналарда иш хаки. «Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, Тошкент, 2003.

32.Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия хисоби, Т., Мехнат, 1999

33.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия хисоби бўйича мустакил ўрганиш учун кўлланма.Т., Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2000.

IX-боб. КАПИТАЛ , МАКСАДЛИ ТУШУМЛАР ВА РЕЗЕРВЛАРНИНГ ХИСОБИ

9.1.Устав капиталининг хисоби

Корхоналар хусусий капиталининг мухим тури бўлиб устав капитали хисобланади.

Устав капитали деганда корхонанинг таъсисчилари томонидан унга киритиладиган маблағлар мажмуаси, шунингдек чикарилган акцияларнинг номинал кийматидаги суммаларининг йиғиндиси тушунилади. Устав капиталининг хусусиятларига куйидагилар киради:

- Устав капиталининг микдори корхона устави ва таъсис шартномасига мувофик белгиланади ва нисбатан доимий характерга эга бўлади. Унинг бирламчи микдорини ўзгариши факат корхона уставини давлат кайдномасидан кайта ўтказиш йўли билан амалга оширилади;
- Устав капиталини хакикатда шакллантириш вакт бўйича чегераланади. Ўзбекистон Республикаси конунларига мувофик корхоналар устав капиталини шакллантиришнинг охирги муддати бўлиб таъсис этилган санадан бошлаб бир тавким йил хисобланади. Ушбу муддатда ўз устав капиталини шакллантирмаган корхоналар юридик статусини йўкотади ва тугатилади.
- Устав капитали корхоналарнинг ташкилий-хукукий шаклларига ва мулк шаклларига боғликдир. Давлат корхоналарида устав капитали унга давлат томонидан биркитилган мулклар мажмуасидан ташкил топади. Хусусий ва коллектив ўртокчилик мулклари асосида ташкил этилган корхоналарда устав капитали таъсисчиларнинг пай ва бадалларидан иборат бўлади. Акционерлик жамиятларида устав капитали чикарилган оддий ва имтиёзли акцияларнинг номинал кийматидаги суммаларининг йиғиндисидан ташкил топади.
- Устав капиталига таъсисчиларнинг хиссалари узок ва киска муддатли активлар билан, яъни асосий воситалар, номоддий активлар, капитал ва молиявий инвестициялар, товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари билан , киритилиши мумкин.
- Таъсисчиларнинг устав капиталидаги хиссалари корхонанинг соф фойдасини хиссали усулда таксимлашга, акцияларнинг сони эса соф фойдани уларнинг хар бирига мос равишда таксимлашга асос бўлиб хисобланади. Давлат корхоналарида соф фойда таксимланмайди ва устав капиталининг микдорини оширишга йўналтирилади.

Устав капитали бўйича бухгалтерия хисобининг асосий вазифалари бўлиб куйидагилар хисобланади:

- Устав капиталини корхоналарнинг таъсис этилган кунига акс эттириш;

- Таъсисчилар томонидан ўз улушларини белгиланган муддатларда киритилиши устидан назорат ўрнатиш;
- Устав капиталидаги ўзгаришларни ўз вактида ва тўғри хисобга олиш;
- Чет эл инвесторлари томонидан чет эл валютасида киритилган маблағлар бўйича валюта курслари ўртасидаги фаркларни тўғри хисобга олиш;
- Таъсисчилар билан олинадиган дивидендлар ва уларнинг хиссалари бўйича хисоб-китобларни тўғри олиб бориш;
- Устав капиталига доир маълумотларни молиявий хисоботларда тўғри акс эттириш ва бошкалар.

21- сон БХМС га мувофик устав капиталининг хисоби куйидаги счётларда олиб борилади:

- **8300** « Устав капитали» – *давлат корхоналарида;*
- **8310** «Оддий акциялар», **8320** «Имтиёзли акциялар» *–акционерлик жамиятларида*
- **8330** «Пай ва бадаллар» – *хусусий ва коллектив ўртокчилик корхоналарида (хусусий савдо ва ишлаб чикариш корхоналарида, маъсулияти чекланган жамиятларда, кўшма корхоналарда, хорижий корхоналарда, шўъба корхоналарида, карам хўжалик жамиятларида).*

Ушбу счётларнинг барчаси пассив счётлар бўлиб, уларнинг кредитида устав капиталини вужудга келиши ва кўпайиши, дебетида эса унинг камайиши акс эттирилади.

Устав капитали корхона таъсис этилган санада, яъни давлат рўйхатидан ўтган санада, вужудга келади ва у бухгалтерия хисобида куйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 4610 « Таъсисчиларнинг устав капиталига хиссалари бўйича карзи»

Кредит 8300 «Устав капитали», 8310 «Оддий акциялар», 8320 «Имтиёзли акциялар», 8330 «Пай ва бадаллар».

Давлат корхоналари асосида ташкил килинган акционерлик жамиятларида олдинги мавжуд устав капитали ва янги устав капитали ўртасидаги фарк гудвил деб аталиб, номоддий актив сифатида хисобга олинади ва куйидагича акс эттирилади:

Дебет 0480 “Гудвил”

Кредит 8310 «Оддий акциялар», 8320 «Имтиёзли акциялар»

Кейинги даврларда корхоналарнинг устав капиталини кўпайиши таъсисчилар сафини кенгайиши ёки олдинги таъсисчиларнинг хиссаларини оширилиши, акционерлик жамиятларида эса янги акцияларнинг чикарилиши ёки олдинги акцияларнинг номинал киймати оширилиши эвазига юз беради. Устав капиталининг бундай йўллар билан кўпайиши хам юкорида келтирилган биринчи ёзув билан хисобга олинади. Давлат корхоналарида устав капиталини хисобот йилнинг соф фойдаси эвазига кўпайиши куйидаги ёзув билан акс эттирилади:

Дебет 8710 “Хисобот йилнинг таксимланмаган фойдаси(копланмаган зарари)”

Кредит 8300 «Устав капитали»

Устав капиталининг камайиши ўртокчилик жамиятларида таъсисчиларнинг хиссаларини камайтирилиши ёки уларни таъсисчилар сафидан чикарилиши, акционерлик жамиятларида эса мавжуд акцияларнинг номинал кийматини камайтирилиши ёки акциялар сонини камайиши эвазига юз беради. Давлат корхоналарида устав капитали суммаси хисобот йилнинг копланмай колинган зарарларига камаяди.

Устав капиталини камайиши хисобда куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

- Таъсисчиларнинг хиссалари камайтирилганда ёки айрим таъсисчилар ўз хиссалари билан таъсисчилар каторидан чикиб кетганда:

Дебет 8330 «Пай ва бадаллар».

Кредит 6620 «Чикиб кетган таъсисчиларга уларнинг хиссалари бўйича карз»

- Акцияларнинг номинал киймати пасайтирилганда ёки акциялар сони камайтирилганда:

Дебет 8310 «Оддий акциялар», 8320 «Имтиёзли акциялар»

Кредит 6620 «Чикиб кетган таъсисчиларга уларнинг хиссалари бўйича карз»

- Давлат корхоналарида хисобот йилнинг зарарлари копланганда

Дебет 8300 «Устав капитали»

Кредит 8710 «“Хисобот йилнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)”

Устав капиталининг аналитик хисоби корхона таъсисчилар ва акционерлари бўйича юритилади.

Акционерлик жамиятлари ва акция чикарган маъсулияти чекланган жамиятлар ўзларининг хусусий акцияларини кайта сотиш ёки уларни бекор килиш учун кайта сотиб олишлари мумкин. Сотиб олинган бундай хусусий акцияларнинг хисоби 8610 « Сотиб олинган хусусий оддий акциялар» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий имтиёзли акциялар» счётларида юритилади. Ушбу счётлар мос равишдаги 8310 «Оддий акциялар» ва 8320 «Имтиёзли акциялар» счётларига контрпассив счётлар бўлиб хисобланади, яъни ушбу счётларнинг суммалари балансда алохида каторда олдига манфий (-) белгини кўйиш ёки кизил ранг билан ёзиш оркали акс эттирилади. Демак, хусусий капиталнинг баланс кийматини топишда хамма вакт сотиб олинган хусусий акцияларнинг киймати, агар улар мавжуд бўлса, чегириб ташланади.

Сотиб олинган хусусий акциялар сотиб олиш вактида сотиб олинган кийматида куйидагича акс эттирилади:

Дебет 8610 « Сотиб олинган хусусий оддий акциялар» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий имтиёзли акциялар»

Кредит 5010 «Касса», 5110 «Хисоб-китоб счёти» 6620 «Чикиб кетган таъсисчиларга уларнинг хиссаси бўйича карз»

Кейинги даврларда сотиб олинган акциялар кайта сотилиши ёки бекор килиниши мумкин. Сотиб олиш кийматидан юкори кийматга кайта сотилган акцияларга куйидаги ёзувлар килинади:

- Сотиб олиш кийматига

Дебет 5010 «Касса», 5110 «Хисоб-китоб счёти»

Кредит 8610 « Сотиб олинган хусусий оддий акциялар» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий имтиёзли акциялар»

- Сотиб олиш кийматидан ортик кисмига

Дебет 5010 «Касса», 5110 «Хисоб-китоб счёти»

Кредит 9590 « Молиявий фаолиятдан олинган бошка даромадлар»

Сотиб олиш кийматидан паст кийматга кайта сотилган акцияларга куйидаги ёзувлар килинади:

- Сотиб олиш кийматига

Дебет 5010 «Касса», 5110 «Хисоб-китоб счёти»

Кредит 8610 « Сотиб олинган хусусий оддий акциялар» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий имтиёзли акциялар»

- Сотиб олиш кийматидан паст кисмига

Дебет 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошка харажатлар»

Кредит 8610 « Сотиб олинган хусусий оддий акциялар» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий имтиёзли акциялар»

Номинал кийматидан юкори кийматга сотиб олинган акциялар бекор килинганда куйидаги ёзувлар килинади:

- *Сотиб олиш кийматига*

Дебет 8310 «Оддий акциялар», 8320 «Имтиёзли акциялар»

Кредит 8610 « Сотиб олинган хусусий оддий акциялар» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий имтиёзли акциялар»

- *Сотиб олиш кийматидан ортик кисмига*

Дебет 9690 «Молиявий фаолият бўйича харажатлар», 8410 «Эмиссион даромад»

Кредит 8610 « Сотиб олинган хусусий оддий акциялар» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий имтиёзли акциялар».

Сотиб олиш кийматидан паст кийматга кайта сотиб олинган акциялар бекор килинганда куйидаги ёзувлар килинади:

- *Сотиб олиш кийматига*

Дебет 8310 «Оддий акциялар», 8320 «Имтиёзли акциялар»

Кредит 8610 « Сотиб олинган хусусий оддий акциялар» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий имтиёзли акциялар»

- *Сотиб олиш кийматидан паст кисмига*

Дебет 8310 «Оддий акциялар», 8320 «Имтиёзли акциялар»

Кредит 9590 «Молиявий фаолиятдан олинган бошка даромадлар»

9.2.Кўшилган капиталнинг хисоби

Хусусий капиталнинг таркибий элементи бўлган кўшилган капитал куйидаги иккита холатда вужудга келиши мумкин:

- **Корхона акциялари номинал кийматидан юкори кийматга сотилганда**. Ушбу холатда сотиш ва номинал кийматлар ўртасида вужудга келган фарк эмиссия даромади деб аталади. Ушбу даромад кўшилган капитални ташкил этади ва махсус 8410 “Эмиссион даромад” счётининг кредитида пул маблағлари счётларининг (5010,5110 ва бошкалар) дебети билан корреспонденцияланган холда акс эттирилади. Эмиссион даромад корхоналарнинг соликга тортиладиган даромадига киритилмайди. Келгусида эмиссион даромад акцияларни номинал кийматидан паст кийматда сотишдан кўрилган зарарларни, шунингдек сотиб олинган хусусий акцияларини бекор килишдан кўрилган зарарларни коплаш учун ишлатилади. Ушбу операциялар “ 8410 “ Эмиссион даромад” счётининг дебетида, шунингдек 8610 “ Сотиб олинган оддий хусусий акциялар”, 8620 “ Сотиб олинган имтиёзли хусусий акциялар” счётларининг кредитида акс эттирилади. Эмиссион даромад сифатида тўпланиб колган кўшилган капитал факатгина корхона

тугатилишида таксимланмаган фойдага қўшилади ва таъсисчилар ўртасида таксимланади.

• **Устав капиталини шакллантириш даврида валюта курсалари ўртасида фарк вужудга келганда.** Бундай қўшилган капитал, одатда, чет эл инвестицияси киритилган қўшма корхоналарда мавжуд бўлиши мумкин. Устав ва таъсис шартномасига мувофик чет эл инвесторининг қўшма корхонанинг устав капиталига хиссаси корхонанинг давлат рўйхатидан ўтган санасидаги расмий курс билан бахоланади. Шунинг учун чет эл инвестори томонидан хиссани хакикатда киритилиши вактида вужудга келган валюта курслари ўртасидаги ижобий ва салбий фарклар устав капиталига тегишли бўлмайди ва улар қўшма корхонада алохида 8420 “ Устав капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарк” счётида хисобга олинади. Валюта курслари ўртасида вужудга келган ижобий фарк, бир томондан, инвесторнинг хиссаси сифатида киритилган узок ва киска муддатли активларнинг (асосий воситалар, номоддий активлар, ТМБ, пул маблағлари) кийматига қўшилади (яъни 0110-0190, 0410-0490, 1010-1090,2810,2910-2990,5010,5110,5210,5210 ва бошка счётлар дебетланади), иккинчи томондан, қўшилган капитал сифатида тан олинади ва 8420 “Устав капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарк” счётининг кредитида акс эттирилади. Худди эмиссион даромадга ўхшаб, валюта курслари ўртасидаги ижобий фарклар эвазига вужудга келган ушбу қўшилган капитал хам соликга тортиладиган даромадга киритилмайди, у факатгина корхона тугатилишида таксимланмаган фойдага қўшилади ва таъсисчилар ўртасида таксимланади. Агар юалюта курслари ўртасида салбий фарк вужудга келса, у холда ушбу фарк 8420 “Устав капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарк” счётининг дебетида ва 4610 « Таъсисчиларнинг устав капиталига хиссалари бўйича карзи» счётининг кредитида акс эттирилади. Курслар ўртасидаги вужудга келган салбий фарк корхонанинг зарарига олиб борилади ва унинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдасидан копланади. Ушбу зарар 8420 “Устав капиталини шакллантиришда вужудга келган курслар ўртасидаги фарк” счётининг кредитида ва 9620 « Валюта курслари фаркида кўрилган зарарлар» счётининг дебетида акс эттирилади.

Кўшилган капиталнинг аналитик хисоби таъсисчилар ва акцияларнинг турлари бўйича олиб борилади.

9.3.Резерв капиталининг хисоби

Резерв капитали – бу корхонанинг турли максадларларда ва турли манбалар эвазига шакллантирилган хусусий капиталининг бир тури. Ушбу капитал асосан куйидаги манбалар хисобидан вужудга келади:

• **Мавжуд мулкни кайта бахолаш натижасида пайдо бўладиган янги киймат эвазига.** Тасдикланган Низомга кўра корхоналар хар йилнинг охирида ўзларининг асосий воситаларини, тугалланмаган курилиш объектларини кайта бахолайдилар. Кайта бахолашда асосий воситаларнинг олдинги бошланғич киймати ва жамланган эскириши реал бозор бахоларидан келиб чикган холда кўпайиш ёки камайиш томонларига ўзгартирилиши мумкин. Агар ўзгартиришлар ўсиш томонга юз берган бўлса, ўртадаги ижобий фарк резерв капиталини вужудга келишига сабаб бўлади. 21-сон БХМС га мувофик кайта бахолаш эвазига вужудга келган резерв капиталининг хисоби махсус 8510 “ Мулкни кайта бахолаш бўйича

тузатишлар” счётининг кредитида ва мос асосий асосий воситалар счётларининг (0110-0190) дебетида акс эттирилади. Асосий воситаларнинг жамланган эскиришини ўсиш томонга ўзгартирилиши 8510 “ Мулкни кайта бахолаш бўйича тузатишлар” счётининг дебетида ва мос асосий асосий воситалар эскиришлари счётларининг
(0210-0290) кредитида акс эттирилади. 8510 “ Мулкни кайта бахолаш бўйича тузатишлар” счётининг кредит обороти ва дебет обороти суммалари ўртасидаги ижобий фарк балансда кайта бахолашдан вужудга келган махсус резерв капитали сифатида акс эттирилади. Агар кайта бахолаш натижасида ушбу счётнинг дебет обороти кредит обороти суммасидан катта бўлса, у холда корхона кайта бахолашдан зарар кўрган бўлади ва у 9430 “Бошка операцион харажатлар” счётининг дебетида ва 8510 “ Мулкни кайта бахолаш бўйича тузатишлар” счётининг кредитида акс эттирилади. Мулкни кайта бахолаш натижасида вужудга келган резерв капитали корхона тугатилганда таъсисчиларнинг хиссаларига мос равишда таксимланади, бунга дебет 8510 “Мулкни кайта бахолаш бўйича тузатишлар” счёти ва кредит 6620 “Чикиб кетган таъсисчиларга уларнинг хиссалари бўйича карз” счёти кредитланади.

• **Корхонанинг соф фойдаси хисобидан**. Ўзбекистон Республикаси конунлари ва таъсис хужжатларига мувофик корхоналар ўзларининг соф фойдаси эвазига резерв капиталини шакллантиришлари мумкин. Резерв капиталига килинган ажратмалар дебет 8710 “Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)” ва кредит 8520 “ Резерв капитали” счётининг кредитида акс эттирилади. Шаклланган резерв капитали корхоналарда турли максадларда, жумладан акционерлик жамиятларида имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлаш учун, хисобот йилда кўрилган зарарларни коплаш учун ва бошка максадларда ишлатилади. Резерв капиталини ишлатилиши 8520 “ Резерв капитали” счётининг дебетида ва 6610 “Тўланадиган дивидендлар”, 8710 “Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)” ва бошка счётларнинг кредитида акс эттирилади.

• **Кайтариб бермаслик шарти билан келиб тушган мулк эвазига**. Бундай йўл билан вужудга келган резерв капитали 8530 “ Бепул олинган мулк” счётининг кредитида ва келиб тушган мулкни акс эттирувчи счётларнинг (0110-0190,0710-0720,0610, 0800, 1000, 5810) дебетида акс эттирилади. Солик Кодексига мувофик бепул келиб тушган мулклар битта тизим корхоналарида юкори ташкилотнинг карори билан балансдан баланса ўтказиш тарзида амалга оширилган бўлса, даромад солиғига тортилмайди. Бошка хўжалик юритувчи субъектларда бепул келиб тушган мулк уларнинг ялпи даромадига киради ва соликга тортилади.

Резерв капитали счётлари бўйича аналитик хисоб унинг турлари ва ташкил топиш манбаларига караб юритилади.

9.4.Максадли тушумларнинг хисоби

Корхоналарнинг хусусий капиталига унга турли манбалардан келиб тушган максадли тушумлар хам киради. Максадли тушумларнинг асосий турлари бўлиб куйидагилар хисобланади:

• ***Грантлар*** - бу корхонага кайтариб олинмаслик шарти билан давлат, нодавлат, халкаро ташкилот ва фондлардан аник максадлар учун келиб тушган моддий ва номоддий маблағлар мажмуаси. Ушбу маблағлар факатгина катъий

максадларга ишлатилиши лозим. 21-сон БХМС га мувофик грантларнинг хисоби 8810 «Грантлар» счётида олиб борилади. Грантларнинг олиниши ва келиб тушуши ушбу пассив счётнинг кредитида маблағларни акс эттиришга мўлжалланган счётларнинг (0110-0190, 0410-0490, 0610, 5810, 1010-1090, 2810, 2910-2990, 5010, 5110, 5210 ,4890 ва бошка счётлар) дебети бўйича корреспонденцияланган холда акс эттирилади. Олинган грантларнинг ишлатилиши грантлар асосида фаолият кўрсатаётган нодавлат ташкилотларида 8810 «Грантлар» счётининг дебетида ва харажатлар счётларининг (2010,2310,2510,9420,9430 ва бошкалар) кредитида акс эттирилади. Хўжалик юритувчи корхоналарда олинган грантлар устав капиталига ва резерв капиталига кўшилиши мумкин. Бундай холларда 8810 «Грантлар» счёти дебетланади ва 8300 «Устав капитали», 8530 «Бепул олинган мулк» счётлари кредитланади. Грантларнинг аналитик хисоби уларнинг турлари ва максадлари бўйича юритилади.

• ***Субсидиялар*** **–** бу корхонага унинг фаолиятини ривожлантириш максадида маълум бир шартларга кўра давлат томонидан пул ва моддий активлар билан берилган ёрдам суммаси. Субсидияларнинг хисоби махсус 10-сон БХМС « Давлат субсидияларининг хисоби ва давлат ёрдамини тавсифи», шунингдек 21- сон БХМС га асосланиб юритилади. Ушбу меъёрий хужжатларга мувофик олинган субсидияларнинг келиб тушуши 8820 «Субсидиялар» счётининг кредитида маблағларни акс эттиришга мўлжалланган счётларнинг (0110-0190, 0410-0490, 0610, 5810, 1010-1090, 2810, 2910-2990, 5010, 5110, 5210 ,4890 ва бошка счётлар) дебети бўйича корреспонденцияланган холда акс эттирилади. Олинган субсидиялар устав капиталига ва резерв капиталига кўшилиши мумкин. Бундай холларда 8820 «Субсидиялар» счёти дебетланади ва 8300 «Устав капитали», 8530 «Бепул олинган мулк» счётлари кредитланади.

• ***Аъзолик бадаллари*** **–** бу жамиятнинг таъсис хужжатларига мувофик белгиланган аъзолик бадаллари суммаси. 21-сон БХМС га мувофик аъзолик бадалларининг хисоби 8830 “Аъзолик бадаллари” счётининг кредитида ва пул маблағлари счётларининг (5010,5110,5210) дебетида акс эттирилади. Йиғилган аъзолик бадаллари жамиятнинг фаолиятини ривожлантиришга сарфланади. Жамият тугатилганда тўпланган аъзолик бадаллари унинг карзларини коплашга йўналтирилади.

• ***Максадли фойдаланиш учун солик имтиёзлари-*** бу давлат конунлари асосида корхонани максадли вазифаларни бажариш учун соликлардан озод этиш натижасида тўпланган маблағлар мажмуаси. Ушбу максадли тушумларнинг хисоби махсус Низомга, шунингдек 21- сон БХМС га мувофик 8840 “Максадли ишлатишга доир солик имтиёзлари” счётида юритилади. Ушбу имтиёзлар га эга хўжалик юритувчи субъектлар соликларни Солик Кодекси ва уларга доир йўрикномалар асосида хисоблайдилар. Хисобланган солик суммаси корхона ихтиёрида колдирилганда куйидаги ёзув килинади:

Дебет 6410 “ Бюджетга тўловлар бўйича карз (турлари бўйича)”

Кредит 8840 “ Максадли ишлатишга доир солик имтиёзлари”

Солик имтиёзлари маълум муддатга берилган бўлса, ушбу муддат тугагач, бошка холларда эса хисобот йилнинг охирида максадли ишлатишга доир берилган солик имтиёзлари корхонанинг резерв капиталига кўшилади ва унга куйидаги ёзув килинади:

Дебет 8840 “ Максадли ишлатишга доир солик имтиёзлари”

Кредит 8530 “Бепул олинган мулк”

Солик имтиёзлари сифатида олинган максадли тушумларнинг аналитик хисоби солик тўловлари турлари бўйича олиб борилади.

• ***Бошка максадли тушумлар-*** бу турли юридик ва жисмоний жахслардан маълум максадлар учун олинган маблағларнинг мажмуаси. Уларга, масалан, ота – оналарнинг болалар боғчаси учун тўловлари, бошка корхоналардан тушган маблағлар ва бошкалар киради. 21-сон БХМС га мувофик бошка максадли тушумларнинг хисоби 8890 “Бошка максадли тушумлар” счётининг кредитида ва пул маблағлари счётларининг дебетида акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебетида максадли тушумларнинг ишлатилиши акс эттирилади, масалан, хизмат килувчи хўжаликлар нинг харажатларини бир кисми ушбу максадли тушумлар хисобидан копланганда 8890 “Бошка максадли тушумлар” счёти дебетланади ва 2710 “Хизмат килувчи хўжаликлар” счёти кредитланади. Ишлатилмай колинган бошка максадли тушумлар корхоналарнинг резерв капиталига ёки бошка даромадларига олиб борилади, яни:

Дебет 8890 “Бошка максадли тушумлар”

Кредит 8530 “Бепул олинган мулк”, 9390 “Бошка операцион даромадлар”

Бошка максадли тушумларнинг аналитик хисоби уларнинг турлари ва манбалари бўйича юритилади.

9.5.Кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервларнинг хисоби

Корхоналар ўзларининг якин келажакда кутилаётган харажатлари ва тўловлари учун , масалан жорий ва капитал таъмирлаш учун, ходимларга мехнат таътили хисоблаш учун ва бошкалар учун, резерв ташкил килишлари мумкин. Бундай резервни ташкил этишдан асосий максад бўлиб кутилаётган харажат ва тўловларни хисобот йили ойлари бўйича тенг таксимлаб бориш хисобланади. Резерв ташкил килишнинг меъёрлари ва тартиби корхонанинг хисоб сиёсатида белгиланган бўлиши лозим. Ташкил этилган резерв корхонанинг харажатларига олиб борилади ва у куйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади:

Дебет 2010,2310,2510,2710,9420,9430 (харажатни акс эттирувчи счётлар)

Кредит 8910 “ Кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервлар”

Резервнинг ишлатилиши 8910 “Кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервлар” счётининг дебетида ва килинган сарфларни акс эттирувчи счётларнинг (1010-1090, 6710,6520,6890,2310,2510,2710 ва бошкалар) кдедитида акс эттирилади. Ишлатилмай колган резерв суммаси хисоб сиёсатида кўзда тутилган тартибга кўра келгуси йилга ўтказилиши, шунингдек харажатларни камайтиришга олиб борилиши ёки корхона даромадига олиб борилиши мумкин, яъни:

Дебет 8910 “ Кутилаётган харажатлар ва тўловлар учун резервлар”

Кредит 2010,2310,2510,2710,9420,9430 ,9390

Резервларнинг аналитик хисоби уларнинг турлари бўйича юритилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Хусусий капитал - бу

а) корхонанинг айланма активлари

б) корхонанинг карзлари

в) олинадиган счётлар

г) корхонанинг мажбуриятлари чегириб ташлангандан сўнг колган активлари

2.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри

а) Устав капитали таъсис бадалини киритилишига караб шаклланади
б) Устав капитали корхона таъсис этилган санада вужудга келади
в) Устав капитали резерв суммасига оширилади
г) Устав капитали мажбуриятлар суммасига камайтирилади

3.Куйидагиларнинг кайси бири кўшилган капиталга олиб борилади?

а) Таъсис бадали
б) Инвентаризацияда аникланган ортикчалар
в) Таъсис бадалини киритишда вужудга келган курслар ўртасидаги фарк
г) Мулкни кайта бахолашда вужудга келган кўшимча киймат

4.Куйидагиларни кайси бири резерв капиталига киритилади?

а) Харидорларнинг воз кечган карзи
б) Ходимларнинг воз кечган карзи
в) Бепул келиб тушган мулк
г) Бошка ташкилотнинг кўрсатган молиявий ёрдами

5. Валюта курсларидаги ижобий фарклар?

а) Устав капиталини кўпайтиради
б) Кўшилган капитални вужудга келтиради
в) Резерв капиталига олиб борилади
г) Юкоридаги жавобларнинг бирортаси хам тўғри эмас

6. **Капиталнинг турларини акс эттирувчи счётлар**

а) транзит счётлардир
б) доимий счётлардир
в) актив счётлардир
г) балансдан ташкари счётлардир

7. Сотиб олинган хусусий акциялар

а) Резерв капиталини камайтиради
б) Фойдани камайтиради
в) Устав капиталини камайтиради
г) Кўшилган капитални кўпайтиради

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисида конуни. 1996 йил 30 августда кабул килинган.

2.Молиявий хисоботни тайёрлаш ва такдим этиш учун Концептуал асос. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 475.

3.БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 474.

4. БХМС № 19 «Инвентаризацияни ташкил килиш ва ўтказиш ». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1999 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтган, № 833.

5.БХМС № 21 « Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалиги бухгалтерия хисобининг счётлар режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.

6.Абдуллаев А. Каюмов И. Бухгалтерия хисоби. Т, «Минхож» нашриёти, 2002.

7. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий хисоб. Т., «Молия», 2002.

8.Завалишина И.А. Бухгалтерский учет по новому. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент, 2003.

9.Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия хисоби, Т., Мехнат, 1999

10.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия хисоби бўйича мустакил ўрганиш учун кўлланма.Т., Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2000.

X –боб. КОРХОНА ДАРОМАДЛАРИНИНГ ХИСОБИ

10.1.Корхона даромадларининг турлари, мохияти ва улар хисобининг вазифалари

Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг мухим кўрсаткичи бўлиб даромадлар хисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг мохияти, таснифи ва тавсифи, тан олиниши, счётлар тизими ва улар бўйича бухгалтерия ёзувлари республикамизда кабул килинган куйидаги меъёрий хужжатларда атрофлича очиб берилган:

- Ўзбекистон Республикаси Солик Кодекси (16-модда);
- БХМС «Молиявий хисоботни тузиш ва такдим этиш учун концептуал асос»
- 2-сон БХМС « Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар»
- «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом».

Ушбу меъёрий хужжатларга мувофик **даромад** деганда, умумий олганда, хисобот даврида корхона активларини кўпайиши ёки унинг мажбуриятларини камайиши тушунилади. Корхоналарнинг барча даромадлари Ўзбекистон Республикасининг Солик Кодексида 13 та турга бўлинган (16-модда), 2-сон БХМСда ушбу турдаги даромадлар иккита катта гурухга , яъни асосий фаолиятдан олинган даромадлар ва асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадларга, ажратилган (12-чизмага каранг).

Асосий фаолиятдан олинган даромадлар деганда корхона уставида белгиланган асосий фаолиятдан олинган даромадлар тушунилади. «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» га мувофик корхоналарнинг асосий фаолиятдан олинган даромадлари, ўз навбатида, куйидаги икки гурухга ажратилади:

- **Сотишдан олинган даромадлар** – буларга махсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган тушумлар (акциз, ККС ва экспорт бўйича божхона божидан ташкари) киради.
- **Асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар** –буларга корхонанинг асосий воситалари ва бошка активларини сотишдан олинган фойда, ўндирилган жарималар, воз кечилган кредиторлик карзлари, бепул келиб тушган активлар, инвентаризацияда аникланган ортикчалар, ТМБ ларни кайта бахолашдан олинган даромадлар ва бошкалар киради.

Асосий бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар деганда бевосита асосий фаолиятга тааллукли бўлмаган фаолият турларидан олинган даромадлар

тушунилади. Бундай даромадлар Низомга мувофик молиявий фаолиятдан олинган даромадларга ва фавкулотдаги даромадларга бўлинади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар деганда кимматли коғозлар, валюта операциялари, кредит ва карзларни беришдан олинган даромадлар тушунилади. Буларга роялти, дивидендлар ва фоизлар, ижобий курс фарклари кўринишидаги даромадлар ва бошкалар киради.

Фавкулотдаги даромадлар деганда юз бериши доимий характерга эга бўлмаган, кутилмаган тасодиф ва ходисалардан олинган даромадлар тушунилади. Буларга давлат конунларини ўзгариши, табиий офатлар, революцион ўзгаришлар натижасида вужудга келган даромадлар киради.





13- чизма. **Корхона даромадларининг таснифи**

Корхона даромадлари бўйича бухгалтерия хисобининг асосий вазифалари бўлиб куйидагилар хисобланади:

- Даромадларни хисоблаш тамойилига мувофик улар юз берган вактдан бошлаб тан олиш ва бахолаш;
- Даромадларни тўғри гурухлаш ва тегишли счётларда акс эттириш;
- Даромадларни соликларга муносабатини тўғри белгилаш;
- Даромадларни молиявий хисоботда тўғри акс эттириш ва бошкалар

10.2.Сотишдан олинган даромадларнинг хисоби

21-сон БХМСга мувофик сотишдан олинган даромадлар куйидаги счётларда хисобга олинади:

- **9010 “Тайёр махсулотларни сотишдан олинган даромадлар”** –бу пассив ва вактинчалик счётда корхоналар ўзлари ишлаб чикарган махсулотларини сотишдан олган даромадларини хисобга олишда фойдаланадилар. Счётнинг кредитида олинган даромад йил мабойнида тўпланиб боради, бунда махсулотни сотиш усулига караб турли счётлар дебетланади. Масалан, махсулот накд пулга сотилганда 5010 “Касса” счёти, махсулот накдсиз сотилганда эса 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”, 4110 “Махсус ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар”, 4120 “Шўъба ва карам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар” ва бошка дебиторлик карзларни акс эттирувчи счётлар дебетланади. Йил мабойнида 9010 “ Тайёр махсулотларни сотишдан олинган даромадлар” счёти факат кредит сальдосига эга бўлади ва бу сальдо йил бошидан бошлаб олинган даромад суммасини кўрсатади. Йил якунида ушбу счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “ Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.
- **9020 “Товарларни сотишдан олинган даромадлар”** - бу пассив ва вактинчалик счёт асосан улгуржи ва чакана савдо корхоналарида, шунингдек ўзлари ишлаб чикарган махсулотларини фирма магазинлари оркали сотадиган ишлаб чикариш корхоналарида ишлатилади. Счётнинг кредитида товарларни сотишдан олинган даромад йил мабойнида тўпланиб боради, бунда товарларни сотиш усулига караб 5010 “Касса” счёти, 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”, 4110 “Махсус ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар”, 4120 “Шўъба ва карам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар” ва бошка дебиторлик карзларни акс эттирувчи счётлар дебетланади. Йил мабойнида 9020 “ Товарларни сотишдан олинган даромадлар” счёти факат кредит сальдосига эга бўлади ва бу сальдо йил бошидан бошлаб олинган даромад суммасини

кўрсатади. Йил якунида ушбу счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “ Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

• **9030 “Бажарилган ишлар ва хизматлардан олинган даромадлар” -** бу пассив ва вактинчалик счёт асосан курилиш ташкилотлари ва хизмат сохаси корхоналарида, шунингдек асосий фаолиятидан ташкари иш ва хизматлар кўрсатувчи бошка турдаги корхоналарда ишлатилади. Счётнинг кредитида бажарилган иш ва хизматларни сотишдан олинган даромад йил мабойнида уларга гувохлик берувчи хужжатлар асосида тўпланиб боради. Иш ва хизматларни сотиш усулларига караб 5010 “Касса” счёти, 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”, 4110 “Махсус ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар”, 4120 “Шўъба ва карам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар” ва бошка дебиторлик карзларни акс эттирувчи счётлар дебетланади. Йил мабойнида 9030 “ Бажарилган иш ва хизматларни сотишдан олинган даромадлар” счёти факат кредит сальдосига эга бўлади ва бу сальдо йил бошидан бошлаб олинган даромад суммасини кўрсатади. Йил якунида ушбу счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “ Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Сотилган махсулотлар, товарлар , иш ва хизматлар турли сабабларга кўра корхонага кайтарилиши мумкин. Бундай холда кайтарилган махсулотлар, товарлар, иш ва хизматларнинг киймати махсус контрпассив бўлган 9040 “ Сотилган товарларни кайтарилиши” счётининг дебетида акс эттирилади, бунда мос равишда 5010 “Касса”,4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”, 4110 “Махсус ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар”, 4120 “Шўъба ва карам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар” ва бошка дебиторлик карзларни акс эттирувчи счётлар кредитланади. 9040“ Сотилган товарларни кайтарилиши” счётининг дебетида тўпланган сумма мос равишда 9010 “Тайёр махсулотларни сотишдан олинган даромадлар”, 9020 “Товарларни сотишдан олинган даромадлар”, 9030 “Бажарилган иш ва хизматлардан олинган даромадлар” счётларининг дебетига ўтказилади ва шу асосда ушбу счёт ёпилади. Кайтарилган махсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича сотиш таннархи ва сотишдан олинган ККС суммасини акс эттирувчи счётларга хам тузатишлар килинади.

Махсулотлар, товарлар, иш ва хизматларни сотишда харидорлар ва буюртмачиларга тузилган шартнома шартларига кўра турли микдорда чегирмалар хам берилиши мумкин. Бундай чегирмалар суммаси махсус контрпассив бўлган 9050 “ Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” счётининг дебетида акс эттирилади, бунда мос равишда 4010 “Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар”, 4110 “Махсус ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар”, 4120 “Шўъба ва карам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар” ва бошка дебиторлик карзларни акс эттирувчи счётлар кредитланади.

9050 “Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар” счётининг дебетида тўпланган сумма мос равишда 9010 “Тайёр махсулотларни сотишдан олинган даромадлар”, 9020 “Товарларни сотишдан олинган даромадлар”, 9030 “Бажарилган иш ва хизматлардан олинган даромадлар” счётларининг дебетига ўтказилади ва шу асосда ушбу счёт ёпилади. Махсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишда берилган чегирмалар суммаси сотишдан олинган даромадлар суммасини камайтиради.

Корхоналар даромадларининг аналитик хисоби махсулотлар, товарлар, иш ва хизматларнинг сотиш турлари ва бошка бошкарув учун зарур сегментлар бўйича олиб борилади.

10.3.Асосий фаолиятдан олинган кўшимча даромадларнинг хисоби

21-сон БХМСга мувофик асосий фаолиятдан олинган кўшимча даромадлар куйидаги счётларда хисобга олинади:

• **9310 “Асосий воситаларнинг чикимидан олинган фойда”** –бу пассив ва вактинчалик счётда корхоналар ўзларининг асосий воситаларини сотишдан ва бошка чикимларидан олган фойдасини хисобга олишда фойдаланадилар. Счётнинг кредитида олинган фойда йил мабойнида тўпланиб боради. Ушбу фойда асосий воситаларнинг сотиш (бериш) кийматидан уларнинг колдик кийматини ва сотишдан олинган ККС суммасини айиргандан колган суммадан иборат бўлади. Масалан, бошланғич киймати 500000 сўмлик, жамланган эскириш киймати 300000 сўмлик компьютер 440000 сўмга сотилди дейлик. Сотишдан олинган ККС суммаси ушбу холда 40000 сумни ((440000 – 200000) *20/120), сотишдан олинган фойда суммаси эса – 200000 сумни (440000-200000-40000) ташкил килади. Ушбу фойда суммаси дебет 9210 “Асосий воситаларнинг чикими” счетда ва кредит 9310 “ Асосий воситаларнинг чикимидан олинган фойда”счётида акс эттирилади.

Йил якунида ушбу 9310- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “ Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

• **9320 “Бошка активларни чикимидан олинган фойда”** - бу пассив ва вактинчалик счётда корхоналар ўзларининг турли бошка активларини, масалан материалларини, хўжалик инвентарларини, номоддий активлари ва бошка активларини сотишдан ва бошка чикимларидан олган фойдасини хисобга олишда фойдаланадилар. Счётнинг кредитида олинган фойда йил мабойнида тўпланиб боради. Ушбу фойда бошка активларнинг сотиш (бериш) кийматидан уларнинг таннархини (колдик кийматини) ва сотишдан олинган ККС суммасини айиргандан колган суммадан иборат бўлади. Масалан, таннархи 50000 сўмлик материал 72000 сўмга сотилди дейлик. Сотишдан олинган ККС суммаси ушбу холда 12000 сумни (72000 *20/120), сотишдан олинган фойда суммаси эса – 10000 сумни (72000-50000-12000) ташкил килади. Номоддий активларни сотишдан (беришдан) олинган фойда худди асосий воситаларни сотишдагидек топилади. Бошка активларни чикимидан олинган фойда суммаси дебет 9220 “Бошка активларнинг чикими” счетда ва кредит 9320 “Бошка активларни чикимидан олинган фойда”счётида акс эттирилади. Йил якунида 9320- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “ Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

• **9330 “ Ўндирилган жарималар, пеня лар ва неустойкалар”** -ушбу пассив ва вактинчалик счётнинг кредитида турли хўжалик шартномалари шартларини

бузилиши натижасида, шунингдек кўрсатилган зарарларни копланиши эвазига олинган даромад (фойда) суммаси акс эттирилади. Бунда мос равишда жаримани келиб тушганлиги, ушланганлиги ёки хисобланганлигини акс эттирувчи счётлар дебетланади, масалан 5010 “Касса”, 5110 “Хисоб-китоб счёти”, 5210 “Валюта счёти”, 6710 “Ходимлар билан иш хаки бўйича хисоб-китоблар”, 4860 “Даъволар бўйича келиб тушадиган счётлар” ва бошка счётлар. Йил якунида 9330- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “ Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади .

- **9340 “Ўтган йиллар фойдаси”** - бу пассив ва вактинчалик счётнинг кредитида хисобот йилда аникланган ўтган йилларнинг фойдаси акс эттирилади. Бундай фойда бўлиб, масалан, муддатидан олдин хисобдан чикариб юборилган дебиторлик карзларнинг тикланган ёки келиб тушган суммаси, ортикча хисоблаб юборилган харажатларни камайтирилиши ва бошкалар хисобланади. Бунда мос равишда ўтган йиллар фойдасини тикланганлигини кўрсатувчи счётлар дебетланади, масалан 5010 “Касса”, 5110 “Хисоб-китоб счёти”, 5210 “Валюта счёти”, 4000 “Олинадиган счётлар” ва бошка счётлар. Йил якунида 9340- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “ Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.
- **9350 “Киска муддатли ижарадан олинган даромадлар”** – ушбу пассив ва вактинчалик счётнинг кредитида киска муддатли ижарадан олинган даромад суммаси 4820 “Киска муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар” счёти билан корреспонденциялашган холда акс эттирилади. Йил якунида 9350- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “ Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.
- **9360 “Кредиторлик ва депонентлик карзларни хисобдан чикарилишидан олинган даромадлар”** – ушбу пассив ва вактинчалик счётнинг кредитида муддатида (3 йилдан ошик муддатда) ўндириб олинмаган карзларни корхона фойдасига ўтказишдан олинган даромадлар мос равишда кредиторлик карзларни акс эттирувчи счётлар (6010,6110,6710,6720, 6910-6990 ва бошкалар) билан корреспонденцияланган холда акс эттирилади. Йил якунида 9360- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “ Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.
- **9370 “Хизмат килувчи хўжаликлардан олинган даромадлар” –** ушбу пассив ва вактинчалик счётнинг кредитида асосий фаолиятга хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан (соғликни саклаш бўлинмаси, сарторошхона, кутубхона, болалар боғчаси ва бошка муассасалари, санаторийлар, ошхона, мехмонхона, спорт комплекслари ва бошкалар) олинган даромадлар акс эттирилади. Бунда олинган ёки хисобланган даромадларни акс эттирувчи счётлар, масалан, 5010 “Касса”, 5110 “Хисоб-китоб счёти”, 4890 “Бошка дебиторларнинг карзлари” ва бошка счётлар дебетланади. Йил якунида 9370- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “ Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади
- **9380 “ Кайтарилмайдиган молиявий ёрдам” -** ушбу пассив ва вактинчалик счётнинг кредитида турли юридик ва жисмоний шахслардан кайтариб бермаслик шарти билан олинган молиявий ёрдам суммалари акс эттирилади. Бунда олинган ёрдамнинг турини акс эттирувчи счётлар, масалан, 5010 “Касса”, 5110 “Хисоб-китоб счёти”, 0100 “Асосий воситалар счёти”, 1000 “Материаллар счёти” ва бошка счётлар дебетланади. Йил якунида 9380- счётнинг кредитида тўпланган сумма

унинг дебетига ва 9900 “ Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади

• **9390 “Бошка операцион даромадлар”-** ушбу пассив ва вактинчалик счётнинг кредитида юкорида келтирилган счётларга олиб борилмаган бошка операцион даромадлар, масалан инвентаризацияда аникланган ортикчалар, турли коплама суммалар ва бошкалар, акс эттирилади. Бунда мос равишда ТМЗ ва пул маблағларини акс эттирувчи счётлар (0100,1000,2800,2900,5000 ва бошкалар) дебетланади. Йил якунида 9390- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “ Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Корхоналарнинг асосий фаолиятдан олинган кўшимча даромадларининг аналитик хисоби уларнинг турлари ва бошка бошкарув учун зарур сегментлари бўйича олиб борилади.

10.4.Молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг хисоби

21-сон БХМСга мувофик молиявий фаолиятдан олинган даромадлар куйидаги счётларда хисобга олинади:

• **9510** “Роялти кўринишидаги даромадлар”
• **9520** “Дивидендлар кўринишидаги даромадлар”
• **9530** “Фоизлар кўринишидаги даромадлар”
• **9540** “Валюта курслари фаркларидан олинган даромадлар”
• **9550** “Узок муддатли ижарадан олинган даромадлар”
• **9560** “Кимматли коғозларни кайта бахолашдан олинган даромадлар”
• **9590** “ Молиявий фаолиятдан олинган бошка даромадлар”

Ушбу пассив ва вактинчалик счётларнинг кредитида номлари юкорида зикр этилган даромадларнинг турлари хисоблаш тамойилига мувофик акс эттирилади.

Роялти кўринишидаги даромадлар деганда корхоналарнинг номоддий активларини, масалан компьютерлар учун дастурлар таъминотини, лицензиялар ва бошкаларни ижарага беришдан ва хамкорликда фойдаланишдан олинган даромадлар тушунилади. Ушбу даромадларни хисобланиши 4850 “Олинадиган роялти” счётининг дебетида ва 9510 “Роялти кўринишидаги даромадлар” счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9510- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Дивидендлар – бу акцияларга киритилган молиявий инвестициялар учун хисобланган даромад. Ушбу даромадни хисоблашга асос бўлиб акционерлик жамиятининг дивиденднинг хисобланганлиги тўғрисидаги ёзма хабарномаси хисобланади. Ушбу хабарномада жами хисобланган дивиденд суммаси, ундан ушланган дивиденд солиғи суммаси ва тўланадиган дивиденд суммаси акс эттирилади. Агар хабарномада дивиденд солиғини ушланмаганлиги уктирилган бўлса, у холда ушбу соликни дивиденд олган корхона тўлаши лозим. Хисобланган дидивенд кўринишидаги даромадлар 4840 “ Олинадиган дивидендлар” счётининг дебетида ва 9520 “Дивиденд кўринишидаги даромадлар” счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9520- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Фоизлар кўринишидаги даромадлар деганда бошка юридик шахсларга берилган карзлар ва кредитлар учун хисобланган фоизлар тушунилади. Ушбу фоизларнинг микдори тузилган шартномалар асосида хисобланади. Фоиз кўринишидаги хисобланган даромадлар 4830 “ Олинадиган фоизлар” счётининг дебетида ва 9530 “Фоизлар кўринишидаги даромадлар” счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9530- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Валюта курслари фаркларидан олинган даромадлар деганда корхонанинг валюта счётида сакланаётган чет валютаси ва чет эл валютасидаги дебиторлик карзлар бўйича хисобланган ижобий курс фарклари тушунилади. Ушбу даромад хар ойнинг охирида 5210 “Мамлакат ичидаги валюта счётлари”, 5220 “Чет элдаги валюта счётлари”, 4000 “Олинадиган счётлар”, 4300 “Таъминотчи ва пудратчиларга берилган бўнаклар хисоби счётлари” ва бошка чет эл валютасида хисоби юритилган дебиторлик карзлар счётлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки эълон килган курслар асосида хисобланади. Хисобланган ижобий курс фарклари юкорида келтирилган счётларнинг дебетида ва 9540 “Валюта курслари фаркларидан олинган даромадлар” счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9540- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Узок муддатли ижарадан олинган даромадлар деганда мулкни бир йилдан кўп муддатга ижарага беришдан олинган даромадлар тушунилади. Ушбу даромаднинг суммаси тузилган лизинг (ижара) шартномаси асосида хисобланади. Хисобланган даромад суммаси 4830 “Олинадиган фоизлар”, 6230 “Бошка муддати узайтирилган даромадлар” счётларининг дебетида ва 9550 “Узок муддатли ижарадан олинган даромадлар” счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9550- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Кимматли коғозларни кайта бахолашдан олинган даромадлар деганда узок ва киска муддатли инвестициялар кийматини ошириш натижасида вужудга келган даромадлар тушунилади. Бундай даромадлар кайта бахолаш далолатномалари асосида хисобланади. Хисобланган даромад суммаси 0600 “Узок муддатли инвестициялар хисоби счётлари”, 5800 “ Киска муддатли инвестициялар хисоби счётлари”ининг дебетида ва 9560 “Кимматли коғозларни кайта бахолашдан олинган даромадлар” счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9560- счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Корхоналарнинг молиявий фаолиятидан олинган даромадларнинг аналитик хисоби уларнинг турлари ва бошка бошкарув учун зарур сегментлари бўйича олиб борилади.

10.5.Фавкулотдаги даромадларнинг хисоби

21-сон БХМСга мувофик фавкулотдаги даромадларнинг хисоби 9710 “Фавкулотдаги фойда” счётининг кредитида хисобга олинади. Бунда фавкулотда олинган ёки хисобланган фойданинг турини кўрсатувчи счётлар (0100, 0400, 0700, 1000, 2900 ва бошка счётлар) дебетланади. Йил охирида 9710-счётнинг кредитида тўпланган сумма унинг дебетига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг кредитига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Куйидагинин кайси бири тўғри
а) даромад –бу мажбуриятларни ошиши
б) даромад –бу харажатларни ошиши
в) даромад – бу олинадиган счётларнинг камайиши
г) даромад –бу активларни кўпайиши

2.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри
а) Сотишдан олинган даромад – бу молиявий фаолитдан олинган даромад
б) Фоизлар –бу асосий фаолиятдан олинган даромад
в) Устав капиталига киритилган маблағ –бу фавкулотдаги даромад
г) Материални сотишдан олинган фойда – бу асосий фаолиятдан олинган кўшимча даромад

3.Куйидагиларнинг кайси бири асосий фаолиятдан олинган даромадга олиб борилади?
а) Таъсис бадали
б) Инвентаризацияда аникланган ортикчалар
в) Товарни сотишдан олинган даромад
г) Мулкни кайта бахолашда вужудга келган кўшимча киймат

4.Куйидагиларни кайси бири молиявий фаолиятдан олинган даромадга киритилади?
а) Кредиторларнинг воз кечган карзлари
б) Ходимларнинг воз кечган карзлари
в) Бепул келиб тушган мулк
г) Хеч кайсиси кирмайди

5. Валюта курсларидаги ижобий фарклар?
а) Молиявий фаолиятдан олинган даромадга киради
б) Кўшилган капитални вужудга келтиради
в) Резерв капиталига олиб борилади
г) Юкоридаги жавобларнинг бирортаси хам тўғри эмас

6. **Даромадларни акс эттирувчи счётлар**
а) актив счётлардир
б) доимий счётлардир
в) транзит счётлардир
г) балансдан ташкари счётлардир

7. Сотилган мулк
а) Резерв капиталини камайтиради
б) Асосий фаолиятдан олинган даромадни кўпайтиради
в) Устав капиталини камайтиради

г) Кўшилган капитални кўпайтиради

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисида конуни. 1996 йил 30 августда кабул килинган.

2.Молиявий хисоботни тайёрлаш ва такдим этиш учун Концептуал асос. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 475.

3.БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 474.

4.БХМС № 2 «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар».Ўз. Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 26 августда рўйхатдан ўтган, 483.

5. БХМС № 3 «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот».Ўз. Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 26 августда рўйхатдан ўтган, 484.

6. БХМС № 19 «Инвентаризацияни ташкил килиш ва ўтказиш ». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1999 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтган, № 833.

7.БХМС № 21 « Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалиги бухгалтерия хисобининг счётлар режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.

***8**.Абдуллаев А. Каюмов И. Бухгалтерия хисоби. Т, «Минхож» нашриёти, 2002.*

9.Завалишина И.А. Практика налогообложения. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент, 2003.

10.Завалишина И.А. Бухгалтерский учет по новому. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент, 2003.

11. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий хисоб. Т., «Молия», 2002.

12.Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия хисоби, Т., Мехнат, 1999

13.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия хисоби бўйича мустакил ўрганиш учун кўлланма.Т., Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2000.

XI-боб. КОРХОНА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ХИСОБИ

11.1. Корхона харажатларининг турлари, мохияти ва улар хисобининг вазифалари

Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг мухим кўрсаткичи бўлиб харажатлар хисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг мохияти, таснифи ва тавсифи, тан олиниши, счётлар тизими ва улар бўйича бухгалтерия ёзувлари ушбу бобнинг охирида келтирилган меъёрий хужжатларда, шу жумладан, «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» да, атрофлича очиб берилган.

Ушбу меъёрий хужжатларга мувофик **харажат** деганда, умумий олганда, хисобот даврида корхона активларини камайиши ёки унинг мажбуриятларини кўпайиши тушунилади. Корхоналарнинг барча харажатлари республикамизда кабул килинган БХМС лар ва «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» га ва унга киритилган ўзгартиришлар ва кўшимчаларга мувофик иккита гурухга ва олтита куйи гурухга ажратилган (13-чизмага каранг).

Асосий фаолиятга доир харажатлар деганда корхона уставида белгиланган асосий фаолият билан боғлик харажатлар тушунилади. «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» ва 21-сон БХМС га мувофик корхоналарнинг асосий фаолияти билан боғлик харажатларни, ўз навбатида, куйидаги тўртта куйи гурухга ажратилади:

- **Сотиш таннархига киритилган харажатлар** – буларга сотилган махсулотлар, товарлар, ишлар ва хизматларнинг таннархига киритилган харажатлар киради.
- **Давр харажатлари** –буларга махсулотларни (товарларни, иш ва хизматларни) сотишга, корхонани маъмурий-бошкарувига ва бошка операцион фаолиятига доир харажатлар киради. Ушбу харажатлар маълум хисобот даврида юз беради, шунинг учун улар хисобот даври харажатлари деб хам аталади.
- **Келгуси давр харажатлари** - бу корхонанинг келгуси асосий фаолиятига доир, лекинда хисобот даврида амалга оширилган харажатлари. Бундай харажатларга олдиндан тўланган ижара хаклари, олдиндан тўланган хизмат хаклари ва бошка олдиндан бўнак сифатидаги тўловлар киради.
- **Муддати узайтирилган харажатлар** – буларга корхонанинг келгуси асосий фаолиятига доир, лекинда муддати бир йил ва ундан кўп муддатга узайтирилган харажатлари киради.

Асосий бўлмаган фаолиятга доир харажатлар деганда бевосита асосий фаолиятга тааллукли бўлмаган фаолият турлари билан боғлик харажатлар тушунилади. Бундай харажатлар Низомга мувофик молиявий фаолиятга доир харажатлар ва фавкулотдаги зарарларга бўлинади.

Молиявий фаолиятга доир харажатлар деганда кимматли коғозларни чикариш ва жойлаштириш, валюта операциялари, кредит ва карзларни олиш, узок муддатли ижарага доир ва бошка молиявий фаолиятга тааллукли харажатлар тушунилади. Буларга фоизлар, салбий курс фарклари кўринишидаги харажатлар ва бошкалар киради.



12-чизма. **Корхона харажатларининг таснифи**

Фавкулотдаги харажатлар деганда юз бериши доимий характерга эга бўлмаган, кутилмаган тасодиф ва ходисалардан кўрилган зарарлар тушунилади. Буларга давлат конунларини ўзгариши, табиий офатлар, революцион ўзгаришлар натижасида вужудга келган зарарлар киради.

Корхона харажатлари бўйича бухгалтерия хисобининг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

- харажатларни уларнинг мохиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда хисобга олиш;
- корхона харажатларини тўғри туркумлаш ва гурухларга ажратиш;
- корхона харажатларини тўғри, ўз вактида ва тегишли бошланғич хужжатлар билан расмийлаштириш ;
- корхона харажатлари бўйича хисоботлар маълумотлари ва хисоб маълумотларини тўлик уйғунлигини таъминлаш;
- келгуси давр ва муддати узайтирилган харажатларни тўғри ва ўз вактида сотиш таннархи , давр харажатлари ва моливий фаолиятга доир харажатларга киритиш;
- тугалланмаган ишлаб чикаришга тўғри келадиган харажатларни тўғри ва ўз вактида хисобга олиш , уларни белгиланган муддатларда кайта рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация килиш) ва сотиш таннархига тўғри киритилишини таъминлаш;
- сотиш таннархини, давр харажатларини ошиб кетишига сабаб бўлувчи норационал чикимларни вужудга келиш сабаблари ва айбдорларини топиш, бундай чикимларга йўл кўймаслик учун маъсул шахслар фаолиятини доимий назорат килиш;
- мавжуд захиралар ва воситаларидан унумли фойдаланиш устидан назорат ўрнатиш;
- харажатларни солик солиш базаси объекти сифатида тўғри шакллантириш;
- харажатларни хисоблаш тамойилига мувофик улар юз берган вактдан бошлаб тан олиш ва тегишли счётларда акс эттириш;
- харажатларни молиявий хисоботда тўғри акс эттириш ва бошкалар

11.2.Сотиш таннархининг хисоби

21-сон БХМС га мувофик сотиш таннархининг хисоби сотиш турларига караб куйидаги счётларда олиб борилади:

9110 “Сотилган тайёр махсулотларнинг таннархи”- ушбу актив, вактинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида сотилган тайёр

махсулотларнинг таннархи акс эттирилади. Бунда 2800 “Тайёр махсулотлар хисоби счётлари” кредитланади. Йил охирида 9110- счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

9120 “Сотилган товарларнинг таннархи”- ушбу актив, вактинчалик (транзит) счёт асосан ТМБ ларнинг узликсиз хисоб усулида ишлайдиган корхоналарда, шу жумладан улгуржи савдо корхоналарида, кенг кўлланилади, унинг дебетида йил мабойнида сотилган товарларнинг таннархи акс эттирилади. Бунда 2900 “Товарлар хисоби счётлари” счёти кредитланади. Йил охирида 9120- счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

9130 “Бажарилган ишлар ва хизматларнинг таннархи” - ушбу актив, вактинчалик (транзит) счёт асосан курилиш ташкилотларида, хизмат кўрсатувчи корхоналарда, шунингдек турли фаолият турлари билан шуғулланувчи корхоналарда кўлланилади, унинг дебетида йил мабойнида буюрмачиларга топширилган бажарилган иш ва хизматларнинг таннархи акс эттирилади. Бунда 2010 “Асосий ишлаб чикариш”, 2310 “Ёрдамчи ишлаб чикариш”, 2710 “ Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар” счётлари кредитланади. Йил охирида 9130- счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

9140 “Даврий хисоб усулида ТМБ ни сотиб олиш” - ушбу актив, вактинчалик (транзит) счёт асосан ТМБ ларнинг даврий хисоб усулида ишлайдиган корхоналарда, шу жумладан чакана савдо ва оммавий овкатланиш корхоналарида, кўлланилади, унинг дебетида йил мабойнида таъминотчилардан олинган товарларнинг таннархи акс эттирилади. Бунда 6010 “Таъминотчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар” счёти кредитланади. Йил охирида 9140- счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

- **9150 “Даврий хисоб усулида ТМБ бўйича тузатишлар”-** ушбу актив, вактинчалик (транзит) счёт асосан ТМБ ларнинг даврий хисоб усулида ишлайдиган корхоналарда, шу жумладан чакана савдо ва оммавий овкатланиш корхоналарида, кўлланилади. Даврий хисоб усулида ишлаётган корхоналарда сотилган товарлар таннархини топиш учун давр охирида инвентаризация ўтказилади. Инвентаризация натижасида аникланган ТМБ ларнинг хакикий холати уларнинг давр бошидаги холати билан таккосланади, натижада ТМБ лар холатидаги ўзгариш суммаси (камайиш ёки кўпайиш) аникланади. Аникланган фарк суммаси счёт бўйича тузатиш суммасини билдиради. Агар тузатиш камайиш томонига килиниши керак бўлса, ўртадаги фарк 9150 “Даврий хисоб усулида ТМБ бўйича тузатишлар” счётининг дебетига, агар тузатиш кўпайиш томонига килиниши керак бўлса, у холда ўртадаги фарк ушбу счётнинг кредитига ёзилади. Бунда ТМБ лар счётлари (1000,1100,2000,2800,2900) мос равишда кредитланади (камайганда) ва дебетланади (кўпайганда). Йил охирида 9150- счётда тўпланган сумма мос равишда 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига (кўпайганда) ёки кредитига (камайганда) ёпилади.

11.3.Давр харажатларининг хисоби

21-сон БХМС га мувофик давр харажатларининг хисоби куйидаги счётларда олиб борилади:

- **9410 “Сотиш харажатлари”-** ушбу актив, вактинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида сотишга доир харажатлар (реклама харажатлари, сотиш билан боғлик ходимларнинг иш хаки, ижтимоий суғуртага ажратмалар, амортизация харажатлари, трансортировка ва бошка шу каби сотиш билан боғлик харажатлар) акс эттирилади. Ушбу счётда акс эттириладиган харажатларнинг аник турлари ва таркиби «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»нинг «Сотиш харажатлари» номли бўлимида тўлиғича келтирилган. Харажатларнинг аник турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (5110,5010,6710,6520,6990 ва бошка счётлар) акс эттирилади. Йил охирида 9410- счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.
- **9420 “Маъмурий-бошкарув харажатлари”-** ушбу актив, вактинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида бошкарувга доир харажатлар (иш хаки, ижтимоий суғуртага ажратмалар, амортизация харажатлари, сафар харажатлари, телефон алокаси ва бошка шу каби бошкарув билан боғлик харажатлар) акс эттирилади. Ушбу счётда акс эттириладиган харажатларнинг аник турлари ва таркиби «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»нинг «Маъмурий –бошкарув харажатлари» номли бўлимида тўлиғича келтирилган. Харажатларнинг аник турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (0200,0500,1000,5110,5010,6710,6520,6990 ва бошка счётлар) акс эттирилади. Йил охирида 9420- счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.
- **9430 “Бошка операцион харажатлар” -** ушбу актив, вактинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида сотиш ва бошкарувдан ташкари умум фаолиятга доир давр харажатлари (моддий ёрдам, компенсациялар, мол-мулк, эколгия, ер, сув ва бошка давр харажатларига олиб бориладиган соликлар, песия фондига ва йўл фондига мажбурий ажратмалар , мулкни сотишдан ва беришдан кўрилган зараларлар ва бошка шу каби операцион харажатлар) акс эттирилади. Ушбу счётда акс эттириладиган харажатларнинг аник турлари ва таркиби «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»нинг «Бошка операцион харажатлар» номли бўлимида тўлиғича келтирилган. Харажатларнинг аник турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (1000,5110,5010, 6400,6710,6520,6990,9210,9220 ва бошка счётлар) акс эттирилади. Йил охирида 9430- счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.
- **9440 “Келгусида солик базасидан чегириладиган хисобот давр харажатлари”-** ушбу актив, вактинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида корхонани келгуси фаолиятини ривожлантиришга сарфланган давр харажатлари (янги ишлаб чикаришни ва янги технологияларни ўзлаштиришга, бошкарув тизимини яхшилашга сарфланган ва бошка шу каби операцион харажатлар) акс эттирилади. Ушбу счётда акс эттириладиган харажатларнинг аник

турлари ва таркиби «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»нинг «Келгусида солик базасидан чегириладиган хисобот давр харажатлари» номли 2-иловасида тўлиғича келтирилган. Ушбу турдаги давр харажатлари солик конунчилигига кўра келгуси 10 йил ичида бир маромда солик базасидан махсус хисоб-китоб асосида чикариб борилади. Харажатларнинг аник турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (1000,5110,5010,6010,6710,6520,6990 ва бошка счётлар) акс эттирилади. Йил охирида 9440- счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади. Келгусида солик базасидан чегириладиган хисобот давр харажатларини ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар махсус балансдан ташкари 012 “ Келгусида солик базасидан чегириладиган хисобот давр харажатлари” счётида белгиланган муддат ичида акс эттирилиб борилади.

11.4.Молиявий фаолият бўйича харажатларнинг хисоби

21-сон БХМС га мувофик корхоналарнинг молиявий фаолиятга доир харажатларининг хисоби куйидаги счётларда олиб борилади:

- **9610 “Фоиз кўринишидаги харажатлари”-** ушбу актив, вактинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида олинган карзлар ва кредитларга доир хисобланган харажатлар, шунингдек узок муддатли ижара учун тўловлар акс эттирилади. Харажатларнинг аник турлари ушбу счётнинг дебетида ва 6920 “Хисобланган фоизлар” счётининг кредитида акс эттирилади. Йил охирида 9610-счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.
- **9620 “Валюта курс фаркларидан кўрилган зарарлар”-** ушбу актив, вактинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида балансннинг валюта моддаларини ифодаловчи счётларга доир операциялар бўйича курслар ўртасидаги салбий фарклардан кўрилган зарарлар акс эттирилади. Харажатларнинг аник турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу зарарларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (4010,4310,5020,5210,5220,6010,6310 ва бошка счётлар) акс эттирилади. Йил охирида 9620- счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.
- **9630 “Кимматли коғозларни чикариш ва жойлаштириш бўйича харажатлар”** - ушбу актив, вактинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида акция ва бошка кимматли коғозларни чикариш ва жойлаштириш билан боғлик харажатлар акс эттирилади. Харажатларнинг аник турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (1000,5110,5010, 6710,6520,6990 ва бошка счётлар) акс эттирилади. Йил охирида 9630- счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.
- **9690 “Молиявий фаолият бўйича бошка харажатлар”-** ушбу актив, вактинчалик (транзит) счётнинг дебетида йил мабойнида корхонанинг молиявий фаолиятга доир бошка харажатлари, масалан молиявий инвестицияларни кайта бахолашдан кўрилган зарарлар ва бошка харажатлар акс эттирилади

Харажатларнинг аник турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (0600,5800,6990 ва бошка счётлар) акс эттирилади. Йил охирида 9690- счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

11.5.Фавкулотдаги зарарларнинг хисоби

21-сон БХМСга мувофик фавкулотдаги зарарларнинг хисоби 9720 “Фавкулотдаги зарарлар” счётининг дебетида хисобга олинади. Бунда фавкулотдаги ходисалардан кўрилган зарарларни кўрсатувчи счётлар, масалан, 0100, 0400, 0700, 1000, 2900 ва бошка счётлар кредитланади. Йил охирида 9720-счётнинг дебетида тўпланган сумма унинг кредитига ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счетининг дебетига ёзилади ва шу асосда у ёпилади.

11.6.Келгуси давр харажатларининг хисоби

21-сон БХМС га мувофик корхоналарнинг келгуси давр харажатларининг хисоби куйидаги счётларда олиб борилади:

- **3110 “Олдиндан тўланган ижара хаклари”-** ушбу актив, доимий счётнинг дебетида хисобот даврида келгуси даврлар учун олдиндан тўлаб кўйилган ижара хаклари акс эттирилади. Бунда тўлов шаклига кўра 5010,5020,5110,5210,5220 счётлар кредитланади. 3110- счётнинг дебетида акс эттирилган ва тўпланган ижара хаки суммаси хисобот даври ойларида бир маромда ушбу счётнинг кредитига ва корхонанинг харажатлари счётларининг (0800,2010,2310,2510,9410,9420) дебетига ёзилади. Ушбу счётнинг хисобот даври охирида колган колдик суммаси келгуси даврга тааллукли бўлган ижара тўлови суммасини билдиради.
- **3120 “Олдиндан тўланган хизматлар хаки”-** ушбу актив, доимий счётнинг дебетида йил мабойнида олдиндан тўлови ўтказиб кўйилган хизматлар хаки, масалан, обуна хаклари, суғурта хаки ва бошкалар, акс эттирилади. Бунда тўлов шаклига кўра 5010,5020,5110,5210,5220 счётлар кредитланади. 3120-счётнинг дебетида акс эттирилган ва тўпланган хизмат хаки суммаси хисобот даври ойларида бир маромда ушбу счётнинг кредитига ва корхонанинг харажатлари счётларининг (0800,2010,2310,2510,9410,9420) дебетига ёзилади. Ушбу счётнинг хисобот даври охирида колган колдик суммаси келгуси даврга тааллукли бўлган хизмат хаки тўловлари суммасини билдиради.
- **3190 “Бошка олдиндан тўланган харажатлар” -** ушбу актив, доимий счётнинг дебетида хисобот даврида келгусида бажариладиган ва якунланадиган ишлар ва хизматлар учун сарфланган харажатлар акс эттирилади. Харажатларнинг аник турлари ушбу счётнинг дебетида ва бу харажатларни ифодаловчи счётларнинг кредитида (1000,2800,5010, 5110,5120,5210,5220,6010, 6710,6520,6990 ва бошка счётлар) акс эттирилади. Келгусида бажарилиши кўзда тутилган иш, хизматлар учун килинган олдиндан тўловлар хисобот даврига келиб харажат ёки актив

сифатида тан олиниши мумкин. Актив сифатида тан олинган олдиндан тўловлар 0400 “Номоддий активлар хисоби счётлари”, 2800 “тайёр махсулотлар хисоби счётлари” ва бошка активларни акс эттирувчи счётларнинг дебетига ва 3190 – счётнинг кредитига ёзилади. Актив сифатида тан олинмаган олдиндан тўловлар хисобот даври харажатларига (0800,2010,2310,2510,9410,9420) олиб борилади. Ушбу счётнинг хисобот даври охирида колган колдик суммаси келгуси даврга тааллукли бўлган тўловлар суммасини билдиради.

Келгуси давр харажатларининг аналитик хисоби хар бир счётда харажат моддалари ва харажат объектлари (йўналишлари) бўйича олиб борилади.

11.7.Муддати узайтирилган харажатларнинг хисоби

21-сон БХМС га мувофик корхоналарнинг муддати узайтирилган харажатлари асосан учта турга ажратилади:

- **Даромад (фойда) солиғи бўйича муддати узайтирилган харажатлар.** Ушбу харажатлар вактинчалик фарклар эвазига хисобот даврида кўшимча хисобланадиган даромад(фойда) солиғини олдиндан хисоблаш натижасида юзага келади. Вактинчалик фарклар бўйича даромад (фойда) солиғи бир неча йиллар учун ёки келгуси йил учун олдиндан хисобланиши мумкин. Бундай солик вактинчалик фарклар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи деб аталади. Олдиндан хисобланган даромад (фойда) солиғи хисобот даврида корхонанинг бюджет олдидаги карзини ошишига олиб келади. Бир йилдан кўп муддатга олдиндан хисобланган даромад (фойда) солиғи 0950 “Вактинчалик фарклар бўйича кечиктирилган даромад(фойда) солиғи” счётининг дебетига ва 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича карзлар” счётининг кредитига ёзилади. Бир йилгача муддатга олдиндан хисобланган даромад (фойда) солиғи 3210 “ Вактинчалик фарклар бўйича кечиктирилган даромад(фойда) солиғи” счётининг дебетига ва 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича карзлар” счётининг кредитига ёзилади. Хар йилнинг охирида узок муддатга кечиктирилган даромад (фойда) солиғининг келгуси жорий йилга тегишли бўлган суммаси 0950- счётдан 3210 “ Вактинчалик фарклар бўйича кечиктирилган даромад(фойда) солиғи” счётининг дебетига ўтказилади. Муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи суммаси тўлов муддати етиб келган даврда бюджет олдидаги карзларни камайтиришга олиб борилади. Бундай камайтириш 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича карзлар” счётининг дебетига ва 3210 “ Вактинчалик фарклар бўйича кечиктирилган даромад(фойда) солиғи” счётининг кредитига ёзилади. 3210 “ Вактинчалик фарклар бўйича кечиктирилган даромад(фойда) солиғи” счётининг дебет колдик суммаси келгуси йил бошига бюджет олдидаги карзни кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича камайтирилиши керак бўлган суммасини кўрсатади.
- **Дисконтлар (чегирмалар) бўйича муддати узайтирилган харажатлар.** Бундай харажатлар облигацияларни чикариб уларни номинал кийматидан паст нархларда сотган корхоналарда вужудга келади. Облигацияларни номинал кийматидан паст нархларда бир йилдан ортик ва ундан кам муддатларда кайтириш шарти билан сотган корхоналарда берилган чегирма суммаси мос равишда 0960 “Дисконтлар (чегирмалар) бўйича узок муддатли кечиктирилган харажатлар” ва 3220 “Дисконтлар (чегирмалар) бўйича кечиктирилган харажатлар” счётларида акс эттирилади. Бунда мос равишда 7830 “Узок муддатли тўланадиган облигациялар”

ва 6830 “Киска муддатли тўланадиган облигациялар” счётлари кредитланади. Хар йилнинг охирида узок муддатга кечиктирилган дисконт (чегирмалар)нинг келгуси жорий йилга тегишли бўлган суммаси 0960- счётдан 3220- счётнинг дебетига ўтказилади. Облигацияларни кайтариш муддати келгач, улар бўйича харидорга берилган дисконт (чегирма) суммаси 3220- счётдан хисобот йилнинг молиявий фаолиятига доир харажатларга , яъни 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар” счётига , ўтказилади. 0960 ва 3220- счётларнинг давр охиридаги колдиғи келгусида молиявий фаолият бўйича харажатларга олиб бориладиган муддати узайтирилган харажатларнинг суммасини ифодалайди.

• **Бошка муддати узайтирилган харажатлар.** Ушбу харажатларга юкоридаги гупухларга кирмай колган муддати кечиктирилган харажатлар, масалан мавсумий ишлайдиган корхоналарда мавсум олдидан бажарилган ишларга сарфланган тайёргарликга сарфланган харажатлар, киради. Ушбу турдаги харажатларнинг бир йилдан ортик муддатга тегишли кисми 0990 “Бошка узок муддатли узайтирилган харажатлар” ва бир йилгача муддатга тегишли кисми 3290 “ Бошка муддати узайтирилган харажатлар” счётларида хисобга олинади. Хар йилнинг охирида узок муддатга кечиктирилган харажатларнинг келгуси жорий йилга тегишли бўлган суммаси 0990- счётдан 3290- счётнинг дебетига ўтказилади. Исобдан чикариш даври келгач 3290- счётда акс эттирилган муддати узайтирилган харажатлар жорий йилнинг харажатларини акс эттирувчи счётларга (2010,2310,2510,9410,9420 ва бошкалар) олиб борилади. 0990 ва 3290- счётларнинг дебет колдиғи келгусида корхонанинг жорий харажатларига олиб бориладиган муддати узайтирилган харажатларининг суммасини кўрсатади.

Муддати узайтирилган харажатларнинг аналитик хисоби уларнинг турлари, хисобот даврлари ва хисобдан чикариш муддатлари бўйича олиб борилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри

а) Харажатлар –бу мажбуриятларни ошиши
б) Харажатлар –бу даромадларни камайиши
в) Харажатлар – бу олинадиган счётларнинг кўпайиши
г) Харажатлар –бу хусусий капитални кўпайиши

2.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри

а) Сотиш таннархи - бу молиявий фаолиятдан кўрилган зарар
б) Тўланган фоизлар –бу асосий фаолиятга тааллукли харажатлар
в) Давр харажатлари - бу асосий фаолиятга тааллукли харажатлар
г) Материални сотишдан кўрилган зарарлар – бу фавкулотдаги зарарлар

3.Куйидагиларнинг кайси бири асосий фаолиятга тааллукли харажатлар хисобланади?

а) Тўланган фоизлар
б) Валюта курслари ўртасидаги салбий фарк
в) Товарни сотишдан кўрилган зарар
г) Тўланган дивидендлар

4.Куйидагиларни кайси бири молиявий фаолиятга доир харажатларга киритилади?

а) Дебиторларнинг воз кечилганган карзлари
б) Ходимларнинг воз кечилган карзлари
в) Бепул беришдан кўрилган зарарлар
г) Тўланган фоизлар

5. Валюта курсларидаги салбий фарклар?

а) Молиявий фаолиятдан олинган харажатларга киради
б) Кўшилган капитални камайтиради
в) Асосий фаолиятга доир харажатга киради
г) Фавкулотдаги зарарларга киради

6. **Харажатларни акс эттирувчи счётлар**

а) Актив счётлардир
б) Доимий счётлардир
в) Контрпассив счётлардир
г) Балансдан ташкари счётлардир

7. Сотиш таннархи

а) Резерв капиталини камайтиради
б) Асосий фаолиятдан олинган даромадни кўпайтиради
в) Устав капиталини камайтиради
г) Кўшилган капитални кўпайтиради

8. **Давр харажатларини акс эттирувчи счётларда акс этади**

а) Тўланган фоизлар
б) Маъмурият ходимларига хисобланган иш хаки
в) Салбий курс фарклари
г) Махсулотни сотишдан кўрилган зарар

9. Уч йилга олдиндан тўланган ижара хаки

а) Давр харажати хисобланади
б) Асосий фаолиятга доир даромадларни камайтиради
в) Келгуси давр харажати хисобланади
г) Молиявий фаолиятга доир харажатдир

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисида конуни. 1996 йил 30 августда кабул килинган.

2.БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 474.

3.Махсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда охирга молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом». Ўз.Р. Вазирлар мАхкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54- сон карори билан тасдикланган.

4.Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатлари ва молиявий натижаларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида. Ўз.Р. ВМ нинг 2003 йил 15 октябрдаги карори, № 444.

5.БХМС № 3 «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот».Ўз. Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 26 августда рўйхатдан ўтган, 484.

6.БХМС № 21 «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалиги бухгалтерия хисобининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўрикнома». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.

***7**.Абдуллаев А. Каюмов И. Бухгалтерия хисоби. Т, «Минхож» нашриёти, 2002.*

8 Завалишина И.А. Бухгалтерский учет по новому. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент, 2003.

***9**. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий хисоб. Т., «Молия», 2002.*

10.Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия хисоби, Т., Мехнат, 1999

11.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия хисоби бўйича мустакил ўрганиш учун қўлланма.Т., Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2000.

XII-боб. ОХИРГИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ВА УЛАРНИ ИШЛАТИЛИШИНИНГ ХИСОБИ

12.1.Охирги молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар ва улар хисобининг вазифалари

Ўзбекистон Республикасида корхоналар фаолиятининг охирги молиявий натижаларининг кўрсаткичлари, уларни шаклланиши ва хисобга олиниши «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» да, шунингдек охирги йилларда кабул килинган БХМС ларда , шу жумладан 1,2,3, 21- сон БХМС ларда, атрофлича очиб берилган.

Ушбу меъерий хужжатларга мувофик корхоналар фаолиятининг охирги молиявий натижаларини ифодаловчи фойда (зарар)лар куйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади.

1. ***Сотишдан олинган фойда ёки зарар*** **(Фс) ёки (Зс)**

Фс (Зс) = Ст –Тс, мос равишда

Фс = агар Ст > Тс , Зс = агар Ст< Тс

Бу ерда: Ст – соф тушум, Тс –сотиш таннархи

2. ***Асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар*** **(Фаф) ёки (Заф)**

Фаф (Заф) = Фс (Зс) –Дх + Бод

Бу ерда: Дх- давр харажатлари; Бод – асосий фаолиятдан олинган бошка операцион даромадлар.

3.Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зараралар **(Фух) ёки (Зух)**

Фух (Зух) = Фаф (Заф) + Фмф – Змф

Бу ерда: Фмф – молиявий фаолиятдан олинган фойда;

Змф - молиявий фаолиятдан кўрилган зараралар

4.Соликгача фойда ёки зарарлар **(Фст) ёки (Зст)**

Фст (Зст) = Фух (Зух) + Фф –Фз

Бу ерда: Фд –фавкулотдаги фойда; Фз – фавкулотдаги зарарлар

5. ***Соф фойда ёки соф копланмаган зарарлар (*Сф) ёки (Сз)**

Сф (Сз) = Фст (Зст) –Дс - Аж

Бу ерда: Дс – даромаддан олинадиган соликлар (фойда солиғи, инфраструктурани ривожлантириш солиғи, ягона солик,);

Аж – фойдадан бошка ажратмалар

«Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом» га мувофик юкорида келтирилган фойда (зарар) кўрсаткичларидан ташкари соликга тортиш максадида яна иккита куйидаги фойда кўрсаткичи хисоблаш йўли билан топилади:

- **Соликга тортиладиган даромад (Стд)**

Стд = Фст (Зст) + Стх + Сбх – Счх –Д – Ф

Бу ерда: Стх –солик солиш базасига кайта кўшиладиган харажатлар;
Сбх –хисобот даврида солик базасидан чегирилмайдиган, лекинда келгусида чегирилиб бориладиган харажатлар;
Счх –солик базасидан хисобот даврида чегириладиган харажатлар;
Д –олинган дивидендлар;
Ф- олинган фоизлар

- **Соликга тортиладиган фойда (Стф)-** бу соликга тортиладиган даромаддан фойда (даромад) солиғини хисоблаш учун имтиёз сифатида чегириб ташланадиган харажатларни айиргандан кейин коладиган фойда суммаси, яъни :

Стф = Стд –И

Бу ерда : И – имтиёз сифатида соликга тортиладиган даромаддан чегириладиган харажатлар.

Солик солиш базасига кайта кўшиладиган харажатлар деганда «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом»га мувофик молиявий натижаларни шакллантиришда соликгача фойда суммасини камайтиришга олиб борилган, хисоботда сотиш таннархи, давр харажатлари ва молиявий фаолият бўйича харажатлар таркибида акс эттирилган харажатлар (масалан, меъёрдан ортик ишлаб чикаришдаги йўкотишлар, меъёрдан ортик реклама ва ваколатлик харажатлари, моддий ёрдам ва компенсациялар, уяли алока харажатлари, корхонанинг асосий воситалари ва бошка активларидан кўрилган зарарлар, кўрсатилган хомийлик суммалари ва бошкалар) тушунилади. Бундай харажатларнинг тўлик рўйхати Низомнинг 1-иловасида келтирилган. Солик конунчилига асосан корхоналар солик солиш базасига кайта кўшиладиган

харажатларни Низомда келтирилган тартибга мувофик мустакил хисоблашлари, уларнинг суммасини фойда (даромад) солиғи хисоб-китобининг алохида сатрида (020-сатр) кўрсатишлари лозим.

Хисобот даврида солик базасидан чегирилмайдиган, лекинда келгусида чегирилиб бориладиган харажатлар деганда 9430 “Келгусида солик базасидан чегириладиган хароажатлар” счётда акс эттирилган харажатлар тушунилади (202-бетга каранг). Ушбу харажатлар фойда (даромад) солиғи хисоб-китобининг алохида сатрида (030-сатр) кўрсатилади.

Солик базасидан чегириладиган харажатлар деганда Низомга келтирилган 2-иловага мувофик ўтган хисобот йилида солик базасидан чегирилмаган, лекинда кейинги хисобот давридан бошлаб 10 йил муддат ичида солик базасидан чегирилиб бориладиган харажатлар тушунилади (202-бетга каранг). Солик конунчилига асосан корхоналар солик базасидан чегириладиган харажатларни Низомда келтирилган тартибга мувофик махсус хисоб-китоб ёрдамида мустакил хисоблашлари ва маълумотнома билан тасдиклашлари, уларнинг суммасини фойда (даромад) солиғи хисоб-китобининг алохида сатрида (040-сатр) кўрсатишлари лозим.

Олинган дивидендлар ва фоизлар Солик конунчилигига мувофик алохида 15 фоизлик дивиденд солиғига тортилиши муносабати билан фойда (даромад) солиғини хисоблашда чегириб ташланади. Шунинг учун уларнинг суммалари фойда (даромад) солиғи хисоб-китобининг алохида сатрида (060-сатр) кўрсатилади. Ушбу даромадлардан дивиденд солиғини ўндирилганлиги тўғрисида маълумотлар уларни берган юридик шахсларнинг маълумотномалари билан тасдикланиши лозим.

Фойда (даромад) солиғи бўйича имтиёзлар сифатидаа соликга тортиладиган даромад суммасидан чегириб ташланадиган харажатлар нинг турлари, имтиёз меъёрлари Солик Кодекси ва фойда (даромад) солиғини хисоблаш ва тўлаш бўйича Йўрикномада очиб берилган.

Корхоналар фаолиятининг охирги молиявий натижалари бўйича бухгалтерия хисобининг асосий вазифалари бўлиб куйидагилар хисобланади:

- Молиявий натижалар кўрсаткичларини уларнинг мохиятини очиб берувчи мезонларига мос равишда хисобга олиш;
- корхона молиявий натижалари кўрсаткичларини тўғри туркумлаш ва гурухларга ажратиш;
- корхона молиявий натижалари кўрсаткичларини солик объекти сифатида тўғри шакллантириш;
- молиявий натижалар кўрсаткичларини хисоблаш тамойилига мувофик улар юз берган вактдан бошлаб тан олиш ва тегишли счётларда акс эттириш;
- молиявий натижалар кўрсаткичларини молиявий хисоботда тўғри акс эттириш ва бошкалар

12.2.Хисобот йилининг соликгача фойдаси (зараларлари) нинг хисоби

21-сон БХМС га мувофик хисобот йилнинг соликгача фойдаси (зарари)ни топиш барча даромад ва харажатларни 9900 “Охирги молиявий натижа” счётида акс эттириш ва ушбу счётнинг дебет ва кредит оборотлари суммасини таккослаш йўли билан амалга оширилади. Жумладан, даромадларни акс эттирувчи барча

счётлар (9010-9030, 9310-9390, 9510-9590, 9710)нинг кредитида тўпланган сумма йил охирида 9900- счётнинг кредитига, харажатларни акс эттирувчи барча счётлар (9110-9130,9410-9430,9610-9690, 9720) нинг дебетида тўпланган сумма йил охирида 9900- счётнинг кредитига, ўтказилади, яъни:

Дебет 9010-9030,9310-9390,9510-9590 ,9710 **Кредит** 9900

Дебет 9900 **Кредит** 9110-9190,9410-9430,9610-9690,9720

Агар, 9900 – счётнинг кредит обороти дебет оборотидан катта бўлса, у хисобот йилида корхона соликгача фойдага, дебет обороти кредит оборотидан катта бўлса, у холда корхона соликгача зарарга эришган хисобланади.

Турли фаолият билан шуғулланувчи ва фаолият турлари бўйича турлича солик тўловчи корхоналар соликгача фойда (зарар) ни фаолият турлари бўйича алохида-алохида хисоблашлари лозим. Бунинг учун даромадлар ва харажатлар хам фаолият турлари бўйича алохида хисобга олиб борилган бўлишлиги керак.

12.3.Фойдани ишлатилишининг хисоби

21-сон БХМС га асосан хисобот йилнинг фойдасини ишлатилиши 9800 “ Фойдани соликлар ва тўловлар учун ишлатилиши хисоби счётлари” да (мос счётларда) акс эттирилади. Ушбу актив счётнинг дебетида йил мабойнида фойда (даромад)дан ўндирилган соликлар , жумладан фойда (даромад) солиғи, инфраструктурани ривожлантириш солиғи, ягона солик, ялпи тушумдан ягона солик акс эттирилади. Бунда ушбу соликлар бўйича бюджет олдидаги карзларни ифодаловчи 6400 “Бюджет га тўловлар бўйича карзлар хисоби счётлари” (мос равишдаги счётлар) кредитланади.

Фойда (даромад) солиғи (Нф) суммаси корхонанинг соликга тортиладиган фойдаси суммасини **(Стф**) солик меъёрига **(См)** кўпайтириб ва 100% га бўлиш билан топилади, яъни:

$$Нф = Стф * См : 100\%$$

Инфраструктурани ривожлантириш солиғи (Нинф) суммасини топиш учун соликгача фойда суммасидан **(Сфт)** фойда солиғи суммаси **(Нф)** чегирилади, топилган сумма ушбу солик меъёрига **(См)** кўпайтирилади ва 100% га бўлинади, яъни:

$$Нинф = (Сфт – Нф) * См : 100\%$$

Корхона солик тўлашнинг ихчамлаштирилган тизимида (ягона солик, ялпи тушумдан ягона солик) ишлаётган бўлган холларда ушбу соликларнинг суммаси Солик Кодекси ва харакатдаги йўрикномаларга мувофик ялпи тушум (ялпи даромад) суммасини ушбу соликларнинг белгиланган меъёрларига кўпайтириш йўли билан топилади.

Йил охирида 9800-счётнинг дебетида тўпланган солик тўловларининг суммалари унинг кредитида ва 9900 “Охирги молиявий натижа” счётининг дебетида акс эттирилади ва шу асосда фойданинг ишлатилиши хисоби счётлари ёпилади.

12.4.Хисобот йилининг соф фойдаси (зарарлари) ва уларни таксимланишининг хисоби

9900 “Охирги молиявий натижа” счётига фойдани ишлатилиши хисоби счётини, яъни 9800 –счётни, ёпилиши билан корхонанинг хисобот йил якуни бўйича соф фойдаси (копланмаган зарари)ни аниклаш имкони бўлади. Бунинг учун 9900 –счётнинг дебет ва кредит обороти таккосланади. Ушбу счётнинг кредит оборотини дебет оборотдан катта бўлиши корхонанинг соф фойдасини, кредит оборотдан дебет оборотини катта бўлиши корхонанинг копланмаган соф зарарини билдиради.

Аникланган соф фойда суммаси 9900 –счётнинг дебетига ва 8710 “Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) “ счётининг кредитига ўтказилади. Йил якуни бўйича зарар билан чикилган бўлса, ушбу зарар суммаси 9900- счётнинг кредитига ва 8710 “Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) “ счётининг дебетига ўтказилади. Ушбу ёзув билан 9900 “Охирги молиявий натижа” счёти тўлиғича ёпилади.

Хисобот йили охирида 8710 “Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) “ счётида акс эттирилган соф фойда (копланмаган зарар) таксимланиши ёки таксимланмай колиши мумкин. Бундай таксимотни амалга ошириш корхонанинг мулкий ва ташкилий шаклига бевосита боғлик хисобланади.

Ўртокчилик жамиятларида, масалан, маъсулияти чекланган жамиятларда, кўшма корхоналарда, хусусий корхоналарда, уларнинг устави ва таъсис шартномалари талабларидан келиб чикган холда хисобот йилнинг соф фойдаси (копланмаган зарари) таъсисчилар йиғилишининг карорига асосан таксимланиши ёки таксимланмасдан корхона ихтиёрида жамланган фойда (копланмаган зарар) хисобига колдирилиши мумкин. Бу типдаги корхоналарда таъсисчилар йиғилиши карорига асосан хисобот йилнинг соф фойдасини таксимлаш куйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:

• *Таъсисчиларга дивиденд (фоиз) кўринишида бўлинган соф фойда суммасига*

Дебет 8710 “Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) “

Кредит 6610 “Тўланадиган дивидендлар”

• *Корхонанинг резерв капиталига ажратма суммасига*

Дебет 8710 “Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) “

Кредит 8520 “Резерв капитали”

• *Хисобот йилнинг таксимланмай колинган соф фойдаси ўтган йилларнинг жамланган фойдасига кўшилса*

Дебет 8710 “Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) “

Кредит 8720 “Жамланган фойда (копланмаган зарар)”

Агар ўртокчилик жамияти хисобот йили якуни бўйича зарар билан чикган бўлса, ушбу зарар суммаси 8720 “Жамланган фойда (копланмаган зарар” счётининг дебетига ўтказилади, яъни:

Дебет 8720 “Жамланган фойда (копланмаган зарар)”

Кредит 8710 “Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) “

Шундай килиб, ўртокчилик жамиятларида хисобот йилнинг охирига 8710 “Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) “ счёти тўлиғича ёпилади ва ушбу вактинчалик (транзит) счёт колдикга эга бўлмайди.

Акционерлик жамиятларида 8710 “Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) “ счётида тўпланган фойда ёки зарар суммасини акционерлар йиғилиши карорисиз таксимлаб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси конунларига мувофик акционерларнинг умумий йиғилишлари келгуси йилнинг 1 май ойигача ўтказилади. Шу сабабли акционерлик жамиятларида 8710 “Хисобот даврнинг таксимланмаган фойдаси (копланмаган зарари) “ счётида тўпланган фойда ёки зарар суммаси келгуси йилга колдик сифатида ўтказилади, у факат хисобот йили фойдаси (зарари) таксимлангач ёпилади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри

а) Сотишдан олинган фойда –бу даромад ва давр харажатлари ўртасидаги фарк

б) Сотишдан олинган фойда –бу сотишдан олинган даромад ва сотиш таннархи ўртасидаги фарк

в) Сотишдан олинган фойда –бу сотишдан олинган ялпи тушум ва ККС ўртасидаги фарк

г) Сотишдан олинган фойда – бу сотиш таннархи ва давр харажатларининг йиғиндиси

2.Сотишдан олинган даромад –10000000 сўм, сотиш таннархи 5000000 сўм, давр харажатлари –3000000 сўм, асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар –1000000 сўм, дивидендлар –400000 сўм, тўланган фоизлар –300000 сўм, ижобий курс фарки 200000 сўм, солик базасига кайта кўшиладиган харажатлар – 600000 сўм, солик бўйича имтиёзлар –100000 сўм. *Асосий фаолиятдан олинган фойда суммасини топинг*

а) 2000000 сўм б) 3000000 сўм в) 3400000 сўм г) 2600000 сўм

3. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг молиявий фаолият натижаси нимадан иборат ва унинг суммасини топинг

а) Фойда, 1100000 сўм б) Фойда, 100000 сўм в) Зарар, 300000 сўм

г) Фойда, 300000 сўм

4. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг сотишдан олинган молиявий натижаси нимадан иборат ва унинг суммаси канча?

а) Зарар , 5000000 сўм б) Фойда, 1100000 сўм в) Фойда, 10000000 сўм

г) Фойда, 5000000 сўм

5. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижаси нимадан иборат ва унинг суммаси канча?

а) Фойда, 3300000 сўм б) Зарар, 3300000 сўм в) Фойда, 2700000 сўм
г) Фойда, 2800000 сўм

6. **Фойда ва зарарларни акс эттирувчи счётлар**

а) Актив счётлардир б) Доимий счётлардир
в) Пассив счётлардир г) Балансдан ташкари счётлардир

7. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг соликга тортилгунча бўлган молиявий натижаси нимадан иборат ва унинг суммаси канча?

а) Фойда , 3900000 сўм б) Фойда , 3300000 сўм в) Фойда, 3800000 сўм
г) Фойда, 4000000 сўм

8. **2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг соликга тортиладиган даромадининг суммаси канча?**

а) 2700000 сўм б) 3500000 сўм в) 2900000 сўм г) 3900000 сўм

9. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг соликга тортиладиган фойдасининг суммаси канча?

а) 3400000 сўм б) 3600000 сўм в) 3900000 сўм г) 3300000 сўм

10. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг фойда (даромад) солиғи суммаси 20 фоизлик микдорда канча суммани ташкил килади?

а) 720000 сўм б) 680000 сўм в) 780000 сўм г) 660000 сўм

11. 2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг инфраструктурани ривожлантириш солиғи суммаси 8 фоизлик микдорда канча суммани ташкил килади?

а) 209600 сўм б) 206400 сўм в) 201600 сўм г) 211200 сўм

12. **2-тестда келтирилган шартлар асосида корхонанинг соф фойдаси канча суммани ташкил килади?**

а**)** 2410400 сўм б) 2373600 сўм
в) 2318400 сўм г) 2428800 сўм

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисида конуни. 1996 йил 30 августда кабул килинган.

2.БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 474.

3.Махсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чикариш ва сотиш харажатлари хамда охирга молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом». Ўз.Р. Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54- сон карори билан тасдикланган.

4.Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатлари ва молиявий натижаларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида. Ўз.Р. ВМ нинг 2003 йил 15 октябрдаги карори, № 444.

5. БХМС № 3 «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот».Ўз. Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 26 августда рўйхатдан ўтган, 484.

6.БХМС № 21 « Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалиги бухгалтерия хисобининг счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўрикнома». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.

***7**.Абдуллаев А. Каюмов И. Бухгалтерия хисоби. Т, «Минхож» нашриёти, 2002.*

8.Завалишина И.А. Практика налогообложения. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент, 2003.

9 Завалишина И.А. Бухгалтерский учет по новому. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент, 2003.

10. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий хисоб. Т., «Молия», 2002.

11.Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия хисоби, Т., Мехнат, 1999

12.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия хисоби бўйича мустакил ўрганиш учун қўлланма.Т., Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2000.

XIII-боб. МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТНИ ТУЗИШ

Хўжалик юритувчи субъектларда хисоб жараёнининг охирги боскичи бўлган молиявий хисоботни тузиш мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи билан тасдикланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда 1209-тартиб ракам билан рўйхатга олинган «Молиявий хисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича Коидалар» га мувофик амалга оширилади. Куйида молиявий хисоботнинг алохида шаклларини ушбу Коидалар асосида тузиш тартибига тўхталамиз.

13.1.Бухгалтерия балансини тузиш

Бухгалтерия баланси (1-сон шакл) хисобот даврининг боши ва охирига хўжалик юритувчи субъектларнинг активлари ва уларнинг ташкил топиш манбаларининг холатини пулда акс этувчи хисобот шаклидир. Бухгалтерия балансини тузиш учун жорий давр якунлангач куйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

- Бош китобда очилган барча синтетик счётлар ёпилади, яъни уларнинг дебет ва кредит оборотлари суммалари жамланади ва охирги колдиклари топилади;
- Бош китобда очилган синтетик счётларнинг бош колдиғи, дебет обороти, кредит обороти ва охирги колдиғининг уларга очилган аналитик счётларнинг (журнал-ордерлар, кайдномалар, мемориал-ордерлар, карточкалар ва бошкалар) йиғма маълумотлари (мос равишда бош колдик, дебет оборот, кредит оборот, охирги колдик) билан уйғунлиги таъминланади. Бундай уйғунликнинг бўлмаслиги хўжалик операцияларини бухгалтерия хисоби счётларида акс эттиришда хатоликларга йўл кўйилганлигидан дарак беради. Уйғунликни таъминлаш учун

счётларга ёзувлар аналитик счётлар бўйича кайта текширилиб чикилиши лозим, тегишли холларда аникликга эришиш учун ўзаро хисоб-китобларнинг холати таккослама далолатномалар билан расмийлаштирилади.

• Барча моддий бойликларни акс эттирувчи счётлар бўйича хисоб маълумотларини аниклиги ва ишончлилигини таъминлаш максадида уларнинг давр охиридаги холати инвентаризация килинади. Бу, айникса, пул маблағларига, товар-моддий бойликларга, шунингдек хисоб-китобларга бевосита таалллуклидир. Хисобот даври охиригача икки-уч ой олдин муддатда инвентаризациядан ўтказилган моддий бойликлар, масалан асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган курилиш ишлари, бўйича инвентаризациядан кейинги маълумотлар хужжатлар асосида кайта кўриб чикилади.

• Бош китобда очилган синтетик счётлар бўйича йиғма оборот кайдномаси тузилади, унда учта жуфт тенгликни (актив ва пассив счётлар бўйича мос равишдаги дебет ва кредит бош колдиклар, дебет ва кредит оборотлар, шунингдек дебет ва кредит охирги колдиклар суммаларининг тенглиги) мавжудлиги текширилади.

Юкорида келтирилган ишлар амалга оширилгач, бевосита бухгалтерия хисоби счётларининг охирги колдик маълумотлари асосида бухгалтерия балансининг тегишли моддаларига Коидага мувофик ўтказилади. Компьютерлаштирилган бухгалтерия хисоби шароитида счётларнинг маълумотлари асосида бухгалтерия баланси автоматик тарзда шаклланади. Бунинг учун компьютер хотирасида счётлар ва баланс моддалари ўртасидаги боғликлик классификатори, шунингдек бундай боғликлик асосида баланс моддаларини шакллантириш алгоритмлари ва дастурий таъминоти мавжуд бўлиши лозим.

Бухгалтерия балансини тузиш унинг тасдикланган шаклида келтирилган реквизитларни тўлдириш, шунигдек унинг хар бир моддаси каршисига тегишли счётларнинг давр охиридаги колдик суммаларини минг сўм хисобида ёзиш оркали амалга оширилади. Суммаси мавжуд бўлмаган моддалар каршисига чизикча кўйилади. Баланс моддаларининг суммалари иккита бўлим, бўлимлар ичида эса алохида гурухлар бўйича жамланади ва улар балансннинг алохида сатрларида кўрсатилади. Иккита бўлим бўйича жамланган суммалар балансннинг охирги сатрида кўшиб ёзилади, ушбу сумма “баланс валютаси” деб аталади ва у корхонанинг барча активларининг ва барча пассивларининг умумий суммасини ифодалайди.

Бухгалтерия балансининг охирида алохида жадвал кўринишида баланслан ташкари счётларда хисобга олинадиган кимматликларнинг давр боши ва охирига мавжудлиги тўғрисида маълумотлар берилади.

Бухгалтерия балансининг сатрлари Коидага мувофик куйидаги тартибда тўлдирилади:

Сатр коди	Сатрнинг номи	Сатрни тўлдириш тартиби
	АКТИВ	
	I УЗОК МУДДАТЛИ АКТИВЛАР	
010	Асосий воситаларнинг бошланғич (кайта тиклаш) киймати	Асосий воситалар хисоби учун мўлжалланган 0110-0190 ва 0310 –счётларнинг охирги дебет колдик

		суммалари жамланади ва топилган умумий сумма акс эттирилади
011	Асосий воситаларнинг жамланган эскириш суммаси	Асосий воситаларнинг эскириши хисоби учун мўлжалланган 0210-0299 счётларнинг охирги кредит колдик суммалари жамланади ва топилган умумий сумма акс эттирилади
012	Асосий воситаларнинг колдик (баланс) киймати	010 –сатр суммасидан 011-сатр суммасини айириш йўли билан топилади
020	Номоддий активларнинг бошланғич (кайта тиклаш) киймати	Номоддий активлар хисоби учун мўлжалланган 0410-0490-счётларнинг охирги дебет колдик суммалари жамланади ва топилган умумий сумма акс эттирилади
021	Номоддий активларнинг жамланган эскириш суммаси	Номоддий активларнинг эскириши хисоби учун мўлжалланган 0510-0590 счётларнинг охирги кредит колдик суммалари жамланади ва топилган умумий сумма акс эттирилади
022	Номоддий активларнинг колдик (баланс) киймати	020 –сатр суммасидан 021-сатр суммасини айириш йўли билан топилади
030	Узок муддатли инвестициялар, жами	040,050,060,070,080-сатрларнинг суммаларини кўшиш йўли билан топилади
040	Кимматли коғозлар	Кимматли коғозларга киритилган инвестициялар хисоби учун мўлжалланган 0610 – счётнинг дебет колдиғи суммаси акс эттирилади
050	Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар	Шўъба хўжалик жамиятларига киритилган инвестициялар хисоби учун мўлжалланган 0620 – счётнинг дебет колдиғи суммаси акс эттирилади

060	Карам хўжалик жамиятларига инвестициялар	Карам хўжалик жамиятларига киритилган инвестициялар хисоби учун мўлжалланган 0630 – счётнинг дебет колдиғи суммаси акс эттирилади
070	Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар	Чет эл капитали мавжуд корхоналарга киритилган инвестициялар хисоби учун мўлжалланган 0640 – счётнинг дебет колдиғи суммаси акс эттирилади
080	Бошка узок муддатли инвестициялар	Бошка узок муддатли инвестициялар хисоби учун мўлжалланган 0690- счётнинг дебет колдиғи суммаси акс эттирилади
090	Ўрнатилмаган асбоб-ускуналар	Ўрнатилмаган асбоб-ускуналар хисоби учун мўлжалланган 0710 ва0720- счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси акс эттирилади
100	Капитал куйилмалар	Капитал куйилмалар хисоби учун мўлжалланган 0810-0890 счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси акс эттирилади
110	Узок муддатли дебиторлик карзлар	Узок муддатли (бир йилдан ортик) дебиторлик карзлар хисоби учун мўлжалланган 0910-0940 счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси акс эттирилади
111	Шундан: муддати ўтгани	Маълумот тарикасида 0910-0940 счётларда акс эттирилган узок муддатли дебиторлик карзларнинг охирги тўлов муддати кейин 90 кундан ортик вактда келиб тушмаган кисми акс эттирилади
120	Узок муддатли кечиктирилган харажатлар	Узок муддатли кечиктирилган харажатлар (даромад солиғи, дисконт ва чегирмалар бўйича, шунингдек бошка муддати

		узайтирилган харажатлар) хисоби учун мўлжалланган 0950-0990 счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
130	***1-бўлим бўича жами***	***012,022,030,090,100,110,120 -сатрлар суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади***
	II ЖОРИЙ АКТИВЛАР	
140	**Товар-моддий захиралар, жами**	**150,160,170,180-сатрлар суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади**
150	Ишлаб чикариш захиралари	Материаллар ва бошка ишлаб чикариш захиралари хисоби учун мўлжалланган 1000,1100,1500,1600-счётларнинг дебет колдиклари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
160	Тугалланмаган ишлаб чикариш	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чикариш харажатлари хисобини акс эттиришга мўлжалланган 2000,2100,2300,2700-счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
170	Тайёр махсулот	Тайёр махсулотлар хисоби учун мўлжалланган 2810-2890 счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
180	Товарлар	Товарлар хисоби учун мўлжалланган 2910-2990 счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
190	Келгуси давр харажатлари	Келгиси давр харажатлари (ижара, хизматлар, обуна ва шу каби бошка келгуси даврга тааллукли харажатлар) хисоби учун мўлжалланган 3110-3190 счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
200	Кечиктирилган харажатлар	Узок муддатли

		кечиктирилган харажатлар (даромад солиғи, дисконт ва чегирмалар бўйича, шунингдек бошка муддати узайтирилган харажатлар)нинг жорий кисмини хисоби учун мўлжалланган 3210-3290-счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
210	**Дебиторлар, жами**	**220,230,240,240,250,260,270, 280,290,300,310- сатрлар суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади**
211	Шундан: муддати ўтгани	Маълумот тарикасида дебиторлик карзларнинг муддати ўтиб кетган кисми (90 кундан ортик муддатда тўланмаган кисми) кўрсатилади
220	Буюртмачилар ва харидорларнинг карзи	Харидор ва буюртмачилардан келиб тушадиган счётларни акс эттиришга мулжалланган 4000 –счётнинг дебет колдиғи суммасидан шубхали резервлар хисоби учун мўлжалланган 4900 счётнинг кредит колдиғи суммаси айиришдан кейин колган сумма кўрсатилади
230	Алохида ажратилган бўлинмаларнинг карзи	Корхонанинг алохида бўлинмалари (филиаллари, ваколатхоналари)нинг карзларини акс эттиришга мўлжалланган 4110-счётнинг дебет колдиғи суммаси кўрсатилади
240	Шўъба ва карам хўжалик жамиятларининг карзи	Шўъба ва карам хўжалик жамиятларининг карзларини акс эттиришга мўлжалланган 4120-счетнинг дебет колдиғи суммаси кўрсатилади
250	Ходимларга берилган бўнаклар	Ходимларга иш хаки, хизмат сафарлари, умумхўжалик максадларида

		берилган бўнаклар хисоби учун мўлжалланган 4210-4290 ёсчётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
260	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга ўтказилган бўнакларнинг хисоби учун мўлжалланган 4310-4390 счётларнинг дебет колдиклари суммалари йиғиндиси кўрсатилади
270	Бюджетга солик ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари	Бюджетга соликлар ва йиғимлар бўйича ўтказилган бўнаклар хисоби учун мўлжалланган 4410-счётнинг дебет колдиғи суммаси кўрсатилади
280	Максадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари	Максадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловларини хисби учун мўлжалланган 4510-4530 счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
290	Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича карзи	Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича карзларини хисоби учун мўлжалланган 4610-счётнинг дебет колдиғи суммаси кўрсатилади
300	Ходимларнинг бошка операциялар бўйича карзи	Ходимларнинг бошка операциялар (олинган кредит ва карзлар, камомадлар ва бошка операциялар) бўйича карзлари хисоби учун мўлжалланган 4710-4790 счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
310	Бошка дебиторлик карзлари	Ушбу сатрда юкоридаги сатрларга кирмай колган бошка дебиторлик карзларни (фоизлар, дивидендлар, роялти, ижара тўловлари, жарималар ва

		бошкалар бўйича дебиторлик карзлар) акс эттиришга мўлжалланган 4810-4890 счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
320	**Пул маблағлари, жами**	
330	Кассадаги пул маблағлари	Кассадаги миллий ва чет эл валюталари хисоби учун мўлжалланган 5010 ва 5020-счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
340	Хисоблашиш счётидаги пул маблағлари	Хисоблашиш счётидаги пул маблағлари хисоби учун мўлжалланган 5110-счётнинг дебет колдиғи суммаси кўрсатилади
350	Чет эл валютасидаги пул маблағлари	Чет эл валютасидаги пул маблағларини миллий валютага расмий курслар бўйича акс эттиришга мўлжалланган 5210 ва 5220-счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
360	Бошка пул маблағлари ва пулли эквивалентлар	Ушбу сатрда 5500,5600,5700- счётларда акс эттирилган пул маблағлари ва пулли эквивалентларнинг давр охиридаги колдик суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
370	Киска муддатли инвестициялар	Киска муддатли инвестициялар хисоби учун мўлжалланган 5810-5830 счётларнинг дебет колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
380	Бошка жорий активлар	Товар-моддий бойликлар бўйича камомадлар, ўғирликлар, етказилган зарарлардан йўкотишлар хисоби учун мўлжалланган 5900-счётнинг дебет колдиғи суммаси

		кўрсатилади
390	***II- бўлим бўича жами***	***140,190,200,210,320,370,380 - сатрлар суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади***
400	**Баланснинг активи бўйича жами**	**130 ва 390 –сатрлар суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади**
	ПАССИВ	
	1. ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ МАНБАИ	
410	Устав капитали	Устав капитали хисоби учун мўлжалланган 8300-счётнинг кредит колдиғининг суммаси кўрсатилади
420	Кўшилган капитал	Кўшилган капитал хисоби учун мўлжалланган 8400-счётнинг кредит колдиғининг суммаси кўрсатилади
430	Резерв капитали	Резерв капитали хисоби учун мўлжалланган 8500-счётнинг кредит колдиғининг суммаси кўрсатилади
440	Сотиб олинган хусусий акциялар	Сотиб олинган хусусий акциялар хисоби учун мўлжалланган 8600-счётнинг дебет колдиғининг суммаси манфий белги билан кўрсатилади
450	Таксимланмаган фойда (копланмаган зара)	Таксимланмаган фойда (копланмаган зарар) хисоби учун мўлжалланган 8710 ва8720-счётларнинг колдик суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади. Агар бу йиғинди зарарни ташкил этса, у холда сумма манфий белги билан кўрсатилади
460	Максадли тушумлар	Максадли тушумлар хисоби учун мўлжалланган 8800-счётнинг кредит колдиғининг суммаси кўрсатилади
470	Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар	Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар ни акс эттирувчи 8900-счётнинг кредит

		колдиғининг суммаси кўрсатилади
480	***1-бўлим бўича жами***	***410,420,430,440,450,460,470 -сатрларнинг суммаларини йиғиндиси кўрсатилади***
	II МАЖБУРИЯТЛАР	
490	**Узок муддатли мажбуриятлар, жами**	**500,510,520,530,540,550,560, 570,580,590-сатрларнинг суммаларини йиғиндиси кўрсатилади**
491	Шу жумладан:узок муддатли кредиторлик карзлари	500,520,540,560,590-сатрларнинг суммаларини йиғиндиси кўрсатилади
492	Шундан: муддати ўтган узок муддатли кредиторлик карзлари	Маълумот тарикасида кўрсатилади
500	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узок муддатли карз	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узок муддатли карз хисоби учун мўлжалланган 7000-счётнинг кредит колдиғи суммаси кўрсатилади
510	Ажратилган бўлинмаларга узок муддатли карз	Ажратилган бўлинмаларга узок муддатли карзлар хисоби учун мўлжалланган 7110-счётнинг кредит колдиғи суммаси кўрсатилади
520	Шўъба ва карам хўжалик жамиятларига узок муддатли карз	Шўъба ва карам хўжалик жамиятларига узок муддатли карзлар хисоби учун мўлжалланган 7120-счётнинг кредит колдиғи суммаси кўрсатилади
530	Узок муддатли кечиктирилган даромадлар	Узок муддатли кечиктирилган даромадлар хисоби учун мўлжалланган 7210,7230,7230-счётларнинг кредит колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
540	Солик ва мажбурий тўловлар бўйича узок муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	Солик ва мажбурий тўловлар бўйича узок муддатли кечиктирилган мажбуриятлар хисоби учун мўлжалланган 7240-счётнинг кредит колдиғининг суммаси кўрсатилади

550	Бошка узок муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	Бошка узок муддатли кечиктирилган мажбуриятлар хисоби учун мўлжалланган 7250,7290-счётларнинг кредит колдиклари суммасининг йиғиндиси кўрсатилади
560	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар хисоби учун мўлжалланган 7300-счётнинг кредит колдиғининг суммаси кўрсатилади
570	Узок муддатли банк кредитлари	Узок муддатли банк кредитлари хисоби учун мўлжалланган 7810-счётнинг кредит колдиғининг суммаси кўрсатилади
580	Узок муддатли карзлар	Узок муддатли карзлар хисоби учун мўлжалланган 7820,7830,7840-счётларнинг кредит колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
590	Бошка узок муддатли кредиторлик карзлар	Бошка узок муддатли кредиторлик карзлар хисоби учун мўлжалланган 7900-счётнинг кредит колдиғининг суммаси кўрсатилади
600	**Жорий мажбуриятлар, жами**	**610,620,630,640,650,660,670, 680,690,700,710,720,730,740, 750,760-сатрлар суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади**
601	Шу жумладан жорий кредиторлик карзлар	610,630,650,670,680,690,700, 710,720,760-сатрлар суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
602	Шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик карзлари	Маълумот тарикасида кўрсатилади
610	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга карз	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга карзлар хисоби учун мўлжалланган 6000-счётнинг кредит

		колдиғи суммаси кўрсатилади
620	Ажратилган бўлинмаларга карз	Ажратилган бўлинмаларга карзлар хисоби учун мўлжалланган 6110-счётнинг кредит колдиғи суммаси кўрсатилади
630	Шўъба ва карам хўжалик жамиятларига карз	Шўъба ва карам хўжалик жамиятларига карзлар хисоби учун мўлжалланган 6120-счётнинг кредит колдиғи суммаси кўрсатилади
640	Кечиктирилган даромадлар	Кечиктирилган даромадлар хисоби учун мўлжалланган 6210,6220,6230-счётларнинг кредит колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
650	Солик ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар	Солик ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар хисоби учун мўлжалланган 6240-счётнинг кредит колдиғи суммаси кўрсатилади
660	Бошка кечиктирилган мажбуриятлар	Бошка кечиктирилган мажбуриятлар хисоби учун мўлжалланган 6250,6290-счётларнинг кредит колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
670	Олинган бўнаклар	Олинган бўнаклар хисоби учун мўлжалланган 6300-счётнинг кредит колдиғи суммаси кўрсатилади
680	Бюджетга тўловлар бўйича карз	Бюджетга тўловлар бўйича карзлар хисоби учун мўлжалланган 6400-счётнинг кредит колдиғи суммаси кўрсатилади
690	Суғурталар бўйича карз	Суғурталар бўйича карз хисоби учун мўлжалланган 6510-счётнинг кредит колдиғи суммаси кўрсатилади
700	Максадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича карз	Максадли давлат жамғармаларига тўловлар

		бўйича карзлар хисоби учун мўлжалланган 6520-счётнинг кредит колдиғи суммаси кўрсатилади
710	Таъсисчиларга бўлган карзлар	Таъсисчиларга бўлган карзлар хисоби учун мўлжалланган 6600-счётнинг кредит колдиғи суммаси кўрсатилади
720	Мехнатга хак тўлаш бўйича карз	Мехнатга хак тўлаш бўйича карзлар хисоби учун мўлжалланган 6710 ва 6720-счётларнинг кредит колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
730	Киска муддатли банк кредитлари	Киска муддатли банк кредитлари хисоби учун мўлжалланган 6810-счётнинг кредит колдиғи суммаси кўрсатилади
740	Киска муддатли карзлар	Киска муддатли карзлар хисоби учун мўлжалланган 6820,6830,6840-счётларнинг кредит колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади
750	Узок муддатли мажбуриятларнинг жорий кисми	Узок муддатли мажбуриятларнинг жорий кисми хисоби учун мўлжалланган 6950-счётнинг кредит колдиғи суммаси кўрсатилади
760	Бошка кредиторлик карзлар	Бошка кредиторлик карзлар хисоби учун мўлжалланган 6910,6920,6930,6940,6960, 6970,6980,6990-счётларнинг кредит колдиклари суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади (6950-счётдан ташкари)
770	***II-бўлим бўйича жами***	***490 ва 600- сатрлар суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади***
780	**Баланснинг пассиви бўйича жами**	**480 ва 770 – сатрлар суммаларининг йиғиндиси кўрсатилади**
790	Киска муддатли ижарага олинган асосий воситалар	1 йил муддатгача ижарага олинган асосий

		воситаларнинг 001-балансдан ташкари счётнинг киримига ёзилган киймати кўрсатилади
800	Маъсул саклашга кабул килинган товар-моддий кийматликлар	002-балансдан ташкари счётнинг киримига ёзилган маъсул саклашга кабул килинган товар-моддий кийматликларнинг суммаси кўрсатилади
810	Кайта ишлашга кабул килинган материаллар	003- балансдан ташкари счётнинг киримига ёзилган кайта ишлашга кабул килинган материалларнинг киймати кўрсатилади
820	Комиссияга кабул килинган товарлар	004-балансдан ташкари счётнинг киримига ёзилган комиссион товарларнинг киймати кўрсатилади
830	Ўрнатиш учун кабул килинган ускуналар	005-балансдан ташкари счётнинг киримига ёзилган ўрнатишга кабул килинган ускуналарнинг киймати кўрсатилади
840	Катъий хисобот бланкалари	006-балансдан ташкари счётнинг киримига ёзилган катъий хисоботи бериладиган бланкаларнинг киймати кўрсатилади
850	Тўловга кобилиятсиз дебиторларнинг зарарга хисобдан чикарилган карзи	007-балансдан ташкари счётнинг киримига ёзилган тўловга кобилиятсиз дебиторларнинг зарарга хисобдан чикарилган карзлари суммаси кўрсатилади
860	Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти	008-балансдан ташкари счётда ёзилган олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти суммаси кўрсатилади
870	Берилган мажбуриятлар ва тўловларнинг таъминоти	009-балансдан ташкари счётда ёзилган берилган мажбуриятлар ва тўловларнинг таъминоти суммаси кўрсатилади
880	Узок муддатли ижара шартномасига асосан берилган асосий воситалар	010-балансдан ташкари счётда кўрсатилган узок

		муддатли ижара шартномасига асосан берилган асосий воситаларнинг киймати кўрсатилади
890	Ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар	011-балансдан ташкари счётда акс эттирилган ссуда шартномаси бўйича олинган мулкларнинг киймати кўрсатилади
900	Келгуси даврларда солик олинадиган базадан чикариладиган харажатлар	012-балансдан ташкари счётда акс эттирилган келгуси даврларда солик олинадиган базадан чикариладиган харажатлар суммаси кўрсатилади
910	Вактинчалик солик имтиёзлари	013- балансдан ташкари счётда акс эттирилган вактинчалик солик имтиёзлари суммаси кўрсатилади
920	Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жихозлари	014- балансдан ташкари счётда акс эттирилган фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жихозларининг киймати кўрсатилади

13.2.Молиявий натижалар тўғрисида хисоботни тузиш

Молиявий натижалар тўғрисида хисоботнинг (2-сон шакл) асосий максади бўлиб корхонанинг хисобот даврларидаги даромадлари, харажатлари, фойда ва зарарлари тўғрисидаги йиғма маълумотларни акс эттириш хисобланади. Чунончи бундай маълумотлар хисоботда мос равишда ўтган йилнинг ва хисобот йилнинг мос даврлари учун кўрсатилади. Бундай тартиб мос хисобот даврлардаги ўзгаришлар тенденцияларини ўрганиш учун мухим ахборот манбаи хисобланади.

Молиявий натижалар тўғрисида хисоботни тузишга асос бўлиб корхонанинг барча даромадлари ва харажатлари, фойдани ишлатилиши хисоби учун мўлжалланган вактинчалик (транзит) счётларнинг маълумотлари хисобланади. Коидага мувофик хисоботнинг алохида сатрлари куйидаги тартибда шакллантирилади.

Сатр коди	**Сатр номи**	**Сатрни тўлдириш тартиби**
010	Махсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларни сотишдан туган соф	Махсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларни сотишдан туган

	тушум	соф тушумни хисоби учун мўлжалланган 9010,9020,9030-счётларнинг кредит обороти суммалари йиғиндисидан кайтарилган махсулотлар (товарлар, иш, хизматлар) суммаларини, берилган чегирмалар суммаларини (9040 ва 9050-счётларнинг дебет оборот суммалари) айириш оркали топилади ва даромадлар устунчасида кўрсатилади
020	Сотилган махсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи	Сотилган махсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи хисоби учун мўлжалланган 9110,9120,9130,9140,9150-счётларнинг дебет обороти суммалари йиғиндиси харажатлар устунчасида кўрсатилади
030	**Махсулот (товарлар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)**	**010 ва 020-сатрлар суммаларининг фарки ёзилади. Ижобий фарк олинган фойдани кўрсатади ва у даромадлар устунчасига ёзилади. Салбий фарк сотишдан кўрилган зарарни ифодалайди ва у харажатлар устунчасига ёзилади**
040	**Давр харажатлари, жами**	**050,060,070,080- сатрларнинг суммалари йиғиндиси кўрсатилади**
	Шу жумладан:	
050	Сотиш харажатлари	Сотиш харажатлари хисоби учун мўлжалланган 9410-счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасида кўрсатилади
060	Маъмурий харажатлар	Маъмурий харажатлар хисоби учун мўлжалланган 9420-счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасида кўрсатилади
070	Бошка операцион харажатлар	Бошка операцион харажатлар хисоби учун мўлжалланган 9430-счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасида кўрсатилади

080	Келгусида соликка тортиладиган базадан чикариладиган хисобот даври харажатлари	Келгусида соликка тортиладиган базадан чикариладиган хисобот даври харажатлари хисоби учун мўлжалланган 9440-счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасида кўрсатилади
090	Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари хисоби учун мўлжалланган 9310 - 9390-счётларнинг кредит оборот суммалари йиғиндиси даромадлар устунчасида кўрсатилади
100	**Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)**	**030 сатр – 040 сатр + 090 сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**
110	**Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами**	**120,130,140,150,160-сатрлар суммаларининг йиғиндиси**
	Шу жумладан:	
120	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар хисоби учун мўлжалланган 9520- счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
130	Фоизлар кўринишидаги даромадлар	Фоизлар кўринишидаги даромадлар хисоби учун мўлжалланган 9530- счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
140	Узок муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар	Узок муддатли ижара (лизинг)дан даромадлар хисоби учун мўлжалланган 9550-счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
150	Валюта курси фаркидан даромадлар	Валюта курси фаркидан даромадлар хисоби учун мўлжалланган 9540- счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ёзилади
160	Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари	Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари хисоби учун мўлжалланган 9510,9560,9590-счётларнинг кредит оборот суммалари йиғиндиси даромадлар устунчасига ёзилади

170	**Молиявий фаолият бўйича харажатлар**	**180,190,200,210- сатрлар суммаларининг йиғиндиси харажатлар устунчасига ёзилади**
	Шу жумладан:	
180	Фоизлар кўринишидаги харажатлар	Фоизлар кўринишидаги харажатлар хисоби учун мўлжалланган 9610- счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
190	Узок муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишидаги харажатлар	Узок муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишидаги харажатлар хисоби учун мўлжалланган 9610-счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
200	Валюта курси фаркидан зарарлар	Валюта курси фаркидан зарарлар хисоби учун мўлжалланган 9620-счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
210	Молиявий фаолият бўйича бошка харажатлар	Молиявий фаолият бўйича бошка харажатлар хисоби учун мўлжалланган 9630,9690-счётларнинг дебет оборот суммалари йиғиндиси харажатлар устунчасига ёзилади
220	**Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари)**	**100 –сатр +110-сатр –170 сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**
230	Фавкулотдаги фойда ва зарарлар	Фавкулотдаги фойда хисоби учун мўлжалланган 9710-счётнинг кредит оборот суммаси даромадлар устунчасига ва фавкулотдаги зарарлар хисоби учун мўлжалланган 9720-счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади
240	**Даромад(фойда) солиғини тўлагунга кадар фойда (зарар)**	**220-сатр (+ -) 230- сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**
250	Даромад(фойда) солиғи	Даромад(фойда) солиғи фойда хисоби учун мўлжалланган 9810-счётнинг дебет оборот суммаси харажатлар устунчасига ёзилади

260	Фойдадан бошка соликлар ва йиғимлар	Фойдадан бошка соликлар ва йиғимлар хисоби учун мўлжалланган 9820,9830-счётларнинг дебет оборот суммалари харажатлар устунчасига ёзилади
270	**Хисобот давринг соф фойдаси (зарари)**	**240 –сатр – 250-сатр – 260-сатр. Фойда суммаси даромадлар устунчасида, зарар суммаси эса харажатлар устунчасида кўрсатилади**

Молиявий натижалар тўғрисида хисоботнинг алохида бўлими “Бюджетга тўловлар тўғрисида маълумот” деб аталади. Ушбу маълумотнома тўртта устунчадан иборот бўлиб, унинг 1 ва 2- устунчаларида солик тўловларининг номи ва сатр раками, 3-устунчада хисоб бўйича тўланадиган тўловлар суммаси, 4-устунчада эса – хакикатда тўланган солик тўловлари суммаси кўрсатилади. Маълумотноманинг хар бир сатрида солик тўловларининг алохида турлари бўйича хисобланган ва хакикатда бюджетга тўланган суммалар кўрсатилади.

13.3.Асосий воситалар харакати тўғрисида хисоботни тузиш

Асосий воситалар харакати тўғрисида хисоботнинг (3-сон шакл) асосий максади бўлиб корхонанинг асосий воситаларининг, шунингдек уларнинг эскиришининг холати ва харакати тўғрисида йиғма маълумотларни акс эттириш хисобланади. Хисобот 12 та устунчадан иборот бўлиб, унинг 1 ва 2- устунчаларида асосий воситаларни гурухларининг номи ва сатр ракамлари кўрсатилади. 3 ,4,5,6 – устунчаларда асосий воситаларнинг давр бошидаги колдиғи, давр ичидаги кирими ва чикими ва давр охиридаги колдиғининг суммалари бошланғич киймат бўйича кўрсатилади. Хисоботнинг 7,8,9,10 – сатрлари асосий воситалар бўйича жамланган эскиришнинг давр бошидаги колдиғи, давр ичидаги кўпайиши ва камайиши ва давр охиридаги колдиғининг суммаларини кўрсатишга мўлжалланган.

Хисоботнинг 11 ва 12- сатрларида мос равишда йил бошига ва йил охирига асосий воситаларнинг колдик кийматлари, яъни бошланғич киймат ва жамланган эскириш суммалари ўртасидаги фарк суммаси, кўрсатилади. Хисоботнинг 010-сатридан то 160-сатригача юкорида келтирилган маълумотлар асосий воситаларнинг алохида гурухлари бўйича берилади. 170-сатрда ушбу маълумотлар жами асосий воситалар бўйича жамлаб кўрсатилади. Хисоботнинг 171 ва 172 сатрларида корхонанинг асосий воситаларининг холати ва харакатига доир маълумотлар ишлаб чикаришдаги иштирокига кўра гурухланиб кўрсатилади.

Хисоботда асосий воситаларга сарфланган кўшимча инвестициялар, шу жумладан тугалланмаган курилиш, тўғрисидаги ахборотлар хам маълумот тарикасида келтирилади (180,181,182,183,190-сатрлар).

Асосий воситалар харакати тўғрисида хисоботни тузишга асос бўлиб 0100 “Асосий воситалар хисоби счётлари”, 0200 “Асосий воситаларнинг эскириши хисоби счётлари” , 0300 “Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар хисоби счётлари”, 0810 “ Капитал курилиш”, 0820 “Асосий воситаларни сотиб олиш” счётларининг маълумотлари хисобланади.

13.4.Пул окимлари тўғрисида хисоботни тузиш

Пул окимлари тўғрисида хисоботнинг (4-сон шакл) асосий максади бўлиб корхонада хисобот даврида юз берган пул окимлари (кирим ва чиким), шунингдек пул маблағларининг давр боши ва охиридаги холати тўғрисида йиғма маълумотларни акс эттириш хисобланади. Хисобот тўртта устунчадан иборот бўлиб, унинг 1 ва 2- устунларида хисоботнинг кўрсаткичлари ва уларга биркитилган сатрларнинг ракамлари кўрсатилади. Хисоботнинг 3 ва 4-устунларида мос равишда пул маблағларининг кирими ва чикимига доир маълумотлар акс эттирилади.

Пул окимлари тўғрисида хисобот икки бўлимдан иборот бўлиб, унинг биринчи бўлимида миллий валютадаги пул маблағларининг холати ва харакати, иккинчи бўлимида эса чет эл валютасидаги пул маблағларининг холати ва харакати Ўзбекистон республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютада акс эттирилади.

Хисоботда пул окимларини акс эттирувчи кўрсаткичлар корхонанинг пул окимлари тўғрисидаги маълумотларни бевосита фаолият турлари бўйича гурухлашга йўналтирилган. 9-сон БХМС “ Пул окимлари тўғрисида хисобот”га мувофик корхоналарнинг пул окимларини асосан куйидаги фаолият турлари бўйича гурухлаш кўзда тутилган:

- **Асосий (операцион) фаолият бўйича** –ушбу гурухда махсулот, товар, иш ва хизматларни сотишдан олинган тушумлар, товар-моддий бойликлар, иш ва хизматлар учун таъминотчи ва пудратчиларга тўланган тўловлар, ходимлар номидан тўланган даромад солиғи ва бошка тўловлар, ижтимоий суғурта бўйича тўловлар ва бошка асосий фаолиятга доир тўланган пул маблағлари мос равишда кирим ва чиким устунчаларида (010-050 сатрлар) акс эттирилади. Чет эл валютасидаги асосий фаолиятга доир пул маблағларининг кирим ва чикими маълумотноманинг 261,262,264,271,273- устунчаларида кўрсатилади.
- **Инвестиция фаолияти бўйича** –ушбу гурухда асосий воситалар ва номоддий активлар, шунингдек узок ва киска муддатли инвестицияларни сотиб олиш ва сотишга доир пул окимлари мос равишда кирим ва чиким устунчаларида (060-100 сатрлар) кўрсатилади.
- **Молиявий фаолият бўйича –** ушбу гурухда олинган ва тўланган фоизлар, олинган ва тўланган дивидендлар, акцияларни ва бошка кимматли коғозларни сотишдан олинган тушумлар, хусусий акцияларни сотиб олишга сарфланган пул маблағлари, узок ва киска муддатли кредитлар ва кредитлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари, узок муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари, молиявий фаолиятнинг бошка пул тушумлари ва тўловлари мос равишда кирим ва чиким устунчаларида (110-180 сатрлар) кўрсатилади. Чет эл валютасидаги молиявий фаолиятга доир пул маблағларининг кирим ва чикими маълумотноманинг 263, 272- устунчаларида кўрсатилади.

Хисоботда даромад (фойда) ва бошка солик тўловлари алохида гурухда (190-210 сатрлар) кўрсатилади.

Хар бир гурухдан кейин хисоботнинг алохида сатрларида фаолият тури бўйича соф пул кирими/чикими кўрсатилади. Бу корхонада хар бир фаолият

бўйича хисобот даврида кўпрок киримга ёки чикимга эришганликни аниклашга имкон беради.

Хисоботнинг алохида сатрида (220-сатр) корхонанинг молиявий –хўжалик фаолиятининг жами соф пул кирим/чикими барча фаолият турлари бўйича биргаликда кўрсатилади. Бунинг учун барча фаолият турлари бўйича пул тушумларининг ва тўловларининг гурухланган суммаларининг (050,100, 180,210- сатрлар) фарки (+,-) мос равишда кирим ёки чиким устунида акс эттирилади.

Хисоботнинг охирги иккита сатрида (230 ва 240-сатрлар) мос равишда хисобот даврнинг боши ва охирида мавжуд пул маблағларининг колдик суммалари кўрсатилади. Бунда 240-сатрда кўрсатилган пул маблағларининг охирги колдиғи 230-сатрда кўрсатилган пул маблағларининг бош колдиғи ва 220- сатрда кўрсатилган хисобот даврдаги пул маблағларининг соф кирим/чиким суммаларининг йиғиндиси ёки айирмасига тенг бўлиши лозим.

Пул окимлари тўғрисида хисобот корхонанинг пул маблағлари хисоби учун мўлжалланган счётлар (5000,5100,5200,5500,5600,5700) нинг мос равишдаги бош колдик, охирги колдик, дебет ва кредит оборот суммаларини корреспонденцияланган счётларнинг ёзувлари асосида тузилади.

9-сон БХМС “ Пул окимлари тўғрисида хисобот”га мувофик (15-банд) пул окимлари тўғрисидаги хисоботнинг фаолият турлари бўйича кирим ва чикимини акс эттиришда икки усулдан, яъни бевосита (тўғри) усулдан ва билвосита (эгри) усулдан фойдаланиш мумкин. Бу иккала усул хам пул маблағларининг колдиғи, кирим ва чикими бўйича бир хил натижаларни беради, лекинда уларда пул окимларини хисоблашда турли кўрсаткичлар асос килиб олинади. Бу факатгина асосий (операцион) фаолият бўйича пул окимларини хисоблашга тааллуклидир. Инвестицион ва молиявий фаолият бўйича пул окимлари тўғрисидаги маълумотлар тўғридан тўғри пул маблағлари хисоби учун мўлжалланган счётларнинг (5000,5100,5200,5500,5600,5700) регистрларидан олинади.

Асосий фаолият бўйича пул окимларини бевосита (тўғри) ва билвосита (эгри) усуллар асосида хисоблашнинг хусусиятларига куйидагилар киради.

Бевосита (тўғри) усул. Ушбу усулда асосий (операцион) фаолият бўйича пул окимларини хисоблашда уларнинг кирими ва чикими “Молиявий натижалар тўғрисида хисобот»нинг уларга мос келувчи соф тушум, таннарх, давр харажатлари,солик тўловлари каби кўрсаткичлари билан узвий боғланади. Жумладан , пул кирими соф тушум билан, пул чикимлари хисоботнинг таннарх, давр харажатлари, солик тўловлари каби моддалари билан боғланади. Пул окимларини хисоблашда молиявий натижалар тўғрисида хисоботнинг юкорида келтирилган кўрсаткичлари асос килиб олинади ва ушбу кўрсаткичлар уларга таъсир этувчи омилларнинг ўзгариш суммасига тузатилади. Ушбу тузатишлар, жумладан, куйидагича амалга оширилади:

1.Харидорлардан келиб тушган пул малағлари суммаси (Пк) ни топиш учун молиявий натижалар тўғрисида хисоботда кўрсатилган сотишдан олинган даромад (Сд) суммаси корхона балансининг давр бошига ва охирига кўрсатилган харидорлар бўйича дебиторлик карзларининг (Дк) кўпайиш ёки камайиш суммасига тузатилади, жумладан дебиторлик суммасини ошиши (+Дк) пул киримларини камайтиради, аксинча дебиторлик карзларнинг камайиши (-Дк) эса пул киримларини кўпайтиради, яъни:

Харидорлардан тушган пул маблағлари (Пк) =	**Сотишдан олинган даромад (Сд)**	**+ Дебиторлик карзларнинг камайиши (-Дк)** **- Дебиторлик карзларнинг кўпайиши (+Дк)**

Мисол учун, сотишдан олинган даромад суммаси (Сд) хисобот йилида 5000 минг сўмни, харидорларнинг дебиторлик карзлари баланс бўйича йил бошида 1000 минг сўмни, йил охирида эса 2000 минг сўмни ташкил этди дейлик. У холда харидорлардан келиб тушган пул маблағлари (Пк) 4000 минг сўмни ташкил этади (5000 – 1000), агар дебиторлик карзлари йил охирида 500 минг сўмни ташкил этганда эди, у холда харидорлардан келиб тушган пул маблағлари (Пк) 5500 минг сўмни ташкил этар эди (5000+500).

2.Таъминотчиларга ўтказилган пул маблағларининг суммасини топиш (Пчт) учун молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботнинг сотиш таннархи (Ст) кўрсаткичи асос килиб олинади ва ушбу сумма корхона балансининг давр бошига ва охирига кўрсатилган товар захираларининг (Тз), шунингдек таъминотчилар олидиги кредиторлик карзларининг кўпайиш ёки камайиш суммасига тузатилади, жумладан товар захираларининг кўпайиши (+Тз) пул чикимларини кўпайишига, товар захираларининг камайиши (-Тз) эса пул чикимларини камайишига, таъминотчилар олдидаги кредиторлик карзларнинг ошиши (+Кк) пул чикимларининг камайишига, аксинча кредиторлик карзларнинг камайиши (-Кк) эса пул чикимларининг кўпайишига олиб келади, яъни:

Таъминотчиларга тўланган пул маблағлари = (Пчт)	**Сотиш таннархи (Ст)**	**+ Товар захираларини кўпайиши (+Тз)** **- Товар захираларини камайиши (-Тз)**	**+ Кредиторлик карзларнинг камайиши (-Кк)** **- Кредиторлик карзларнинг кўпайиши (+Кк)**

Мисол учун, сотиш таннархи 4000 минг сўм дейлик, товар захиралари хисобот давр бошига 6000 минг сўм, хисобот давр охирига 5500 минг сўмни, таъминотчилар олидидаги карзлар хисобот давр бошига 2000 минг сўм, хисобот давр охирига 1000 минг сўмни ташкил этди дейлик. Ушбу мисолда таъминотчиларга ўтказилган сумма молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот ва баланс маълумотларга кўра 4500 минг сумни (4000-500+1000) ташкил этади.

3.Операцион харажатларга доир пул чикимлари суммасини топиш (Птох)учун асос килиб давр харажатлари (Дх) олинади ва топилган сумма балансниг давр боши ва охиридаги келгуси давр харажатларининг (Кдх) ва мажбуриятларнинг (М) суммаларидаги ўзгаришларга тузатилади, шунингдек тузатишда молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботда акс эттирилган амортизация ва бошка пулсиз харажатлар (Апх) суммалари айирилиб ташланади, жумладан келгуси давр харажатларининг кўпайиши (+Кдх) пул чикимларини кўпайишига, келгуси давр харажатларининг камайиши (-Кдх) эса пул чикимларини

камайишига, хисобланган мажбуриятларнинг ошиши(+М) пул чикимларининг камайишига, аксинча хисобланган мажбуриятларнинг камайиши (-М) эса пул чикимларининг кўпайишига олиб келади, яъни:

Операцион харажатлар бўйича пул тўловлари (Птох)	**Давр харажатлари + (Дх)**	**+ Келгуси давр харажатлари-нинг кўпайиши (+Кдх) - Келгуси давр харажат-ларининг камайиши (-Кдх)**	**+ Мажбу-риятларни камайиши (-М) - Мажбу-риятларни кўпайиши (+М)**	**- Амортиза-ция ва бошка пулсиз харажат-лар (Апх)**

Мисол учун, давр харажатлари 1000 минг сўм дейлик, келгуси давр харажатлари хисобот давр бошига 60 минг сўм, хисобот давр охирига 50 минг сўмни, хисобланган мажбуриятлар хисобот давр бошига 200 минг сўм, хисобот давр охирига 100 минг сўмни, амортизация харажатлари 150 минг сўмни ташкил этди дейлик. Ушбу мисолда операцион харажатларга доир пул тўловларининг суммаси молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот ва баланс маълумотларга кўра 940 минг сумни (1000-10+100 -150) ташкил этади.

4.Корхона фойдаси (даромади)дан олинадиган соликлар бўйича пул тўловлари суммасини (Пчс) топиш учун асос килиб фойда (даромад) ва бошка даромаддан олинадиган соликларнинг (инфраструктурани ривожлантириш солиғи, ягона солик, ялпи тушумдан солик) молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботда кўрсатилган суммалари (Сф) олинади ва ушбу сумма баланснинг давр боши ва охиридаги ушбу соликлар бўйича карз (Кс) суммаларидаги ўзгаришларга тузатилади, жумладан соликлар бўйича карз суммасини камайиши (-Кс) пул чикимларини кўпайишига, карз суммасини кўпайиши (+Кс) эса пул чикимларини камайишига олиб келади, яъни:

Фойда(даромад)дан олинадиган соликлар бўйича пул тўловлари = (Пчс)	**Фойда (даромад)дан соликлар (Сф)**	**+Соликлар бўйича карз-арнинг камайиши (-Кс) -Соликлар бўйича карз-ларнинг кўпайиши (+Кс)**

Мисол учун, фойда (даромад)дан олинадиган соликлар молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботга кўра 300 минг сўмни, ушбу соликлар бўйича карз суммаси хисобот давр бошига 60 минг сўм, хисобот давр охирига 50 минг сўмни ташкил этди дейлик. Ушбу мисолда фойда (даромад) дан олинадиган соликлар бўйича пул чикимининг суммаси молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот хисобот ва баланс маълумотларга кўра 310 минг сумни (300+10) ташкил этади.

Билвосита (эгри) усул. Ушбу усулда хам бевосита (тўғри) усулдаги каби пул окимларини хисоблашда молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот асос килиб олинади, лекин олдинги усулдан ўларок тузатишлар хисоботнинг хар бир моддаси бўйича эмас, балким унинг энг охирги кўрсаткичи бўлган “соф фойда” бўйича амалга оширилади. Жумладан пул окимлари (кирим ва чиким) суммасини топиш учун молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботда акс эттирилган соф фойда суммаси куйидагиларга тузатилади:



- Хисобланган мажбуриятларни Кўпайиши	

13.5.Хусусий капитал тўғрисида хисоботни тузиш

Хусусий капитал тўғрисида хисоботнинг (5-сон шакл) асосий максади бўлиб корхонанинг хусусий капиталининг холати ва харакати тўғрисида йиғма маълумотларни акс эттириш хисобланади. Хисобот тўккизта устунчадан иборот бўлиб, унинг 1 ва 2- устунларида хисоботнинг кўрсаткичлари ва уларга биркитилган сатрларнинг ракамлари кўрсатилади. Хисоботнинг 3-8 устунлари хусусий капиталнинг алохида турларининг холати ва харакатига доир маълумотларни акс эттиришга мўлжалланган, жумладан:

- 3-устун “Устав капитали”;
- 4-устун “Кўшилган капитал”;
- 5-устун “Резерв капитали”;
- 6-устун “Таксимланмаган фойда (копланмаган зарар)”;
- 7-устун “Сотиб олинган хусусий акциялар”;
- 8-устун “Максадли тушумлар ва бошкалар”;
- 9-устун “Жами” .

Хисоботнинг хар бир сатрида хусусий капиталнинг холати, кўпайиши ва камайиши , шунингдек турли бошка маълумотлар кўрсатилади. Ушбу маълумотлар хусусий капиталнинг элементларини хисоби учун мўлжалланган счётлардан (8300, 8400, 8500, 8600,8700,8800) олинади, жумладан:

Сатр	Кўрсаткичлар номи	Сатрни тўлдириш тартиби
010	Йил бошига колдик	8300, 8400, 8500, 8600,8700,8800-счётларнинг бош колдиғи ёзилади
020	Кимматли коғозлар эмиссияси	Акцияларни чикарилиши ва сотилиши натижасида устав капитали ва кўшилган капиталнн кўпайиши мос равишда 3 ва 4-устунчаларда акс эттирилади
030	Узок муддатли активларни кайта бахолаш	Корхона мулкини кайта бахолаш натижасида вужудга келган резерв капитали суммаси 5-устунчада кўрсатилади
040	Устав капиталини шакллантиришда пайдо бўлган валюта курси фарклари	Чет эл инвесторларининг устав капиталига киритган бадаллари бўйича вужудга келган кўшилган капитал суммаси 4-устунчада акс эттирилади

050	Резерв капиталига ажратма	Хисобот йилнинг соф таксимланмаган фойдасидан резерв капиталига ажратма суммаси 5-устунчада (+) белгиси билан ва 6-устунчада (-) белгиси билан кўрсатилади
060	Жорий йилнинг таксимланмаган фойдаси (зарари)	Молиявий натижалар тўғрисида хисоботнинг энг охирги сатрида кўрсатилган соф фойдаси (копланмаган зарари) 6-устунчада акс эттирилади (копланмаган зарар суммаси ушбу устунчада (-) белги билан)
070	Текинга олинган мол-мулк	Юкори ташкилотдан олинган ва резерв капиталига киритилган мол-мулк суммаси 5-устунчада кўрсатилади
080	Максадли фойдаланиш учун олинган маблағлар	Турли максадларда олинган грантлар, давлат субсидиялари, давлат ёрдамлари, соликлар бўйича имтиёзлар ва бошка максадли тушумларнинг суммаси 8-устунчада акс эттирилади
090	Тўланган дивидендлар	Хисобланган дивидендлар суммаси 6- устунчада (-) белгиси билан акс эттирилади
100	Хусусий капитал шаклланишининг бошка манбалари	Хусусий капитал элементларининг бошка манбалар эвазига кўпайиш суммалари мос равишда 1-8 – устунчаларда кўрсатилади(камайиш суммаси (-) белги билан)
110	**Йил охиридаги колдик**	**8300, 8400, 8500, 8600,8700,8800-счётларнинг йил охиридаги колдиғи кўрсатилади**
120	Хусусий капиталнинг кўпайиши (+) ёки камайиши (-)	Хусусий капитални хисобот йилининг бошига нисбатан хисобот йилининг охирида ошган ёки камайган суммалари мос устунчаларда акс эттирилади
130	Чикарилган акциялар сони, дона	Хисоботнинг 9-устунчасида маълумот тарикасида кўрсатилади
131	Шу жумладан имтиёзли акциялар сони	Хисоботнинг 9-устунчасида маълумот тарикасида кўрсатилади

132	Шу жумладан оддий акциялар сони	Хисоботнинг 9-устунчасида маълумот тарикасида кўрсатилади
140	Акциянинг номинал киймати	Хисоботнинг 9-устунчасида маълумот тарикасида кўрсатилади
150	Муомаладаги акциялар сони, дона	Хисоботнинг 9-устунчасида маълумот тарикасида кўрсатилади
151	Шу жумладан имтиёзли акциялар сони	Хисоботнинг 9-устунчасида маълумот тарикасида кўрсатилади
152	Шу жумладан оддий акциялар сони	Хисоботнинг 9-устунчасида маълумот тарикасида кўрсатилади

13.6. Молиявий хисоботга киритилган маълумотнома, тушунтириш хати ва иловалар

Корхоналарнинг молиявий хисоботи ўз ичига “Дебиторлик ва кредиторлик карзлар хакида маълумотнома” (2а- шакл), шунингдек тушунтириш хати ва иловаларни хам олади.

Дебиторлик ва кредиторлик карзлар хакида маълумотнома (2а- шакл) нинг асосий максади бўлиб корхонанинг хисобот даври охирига бўлган дебиторлик ва кредиторлик карзлари тўғрисида маълумотларни турли белгилари бўйича гурухлаб кўрсатиш хисобланади. Маълумотнома 12 та устунчадан иборот бўлиб, унинг 1-ва 2- устунчаларида тартиб раками, дебиторлар ва кредиторларнинг номи, 3- устунчада жами умумий карзлар, 4- устунчада жами карзларнинг муддати ўтгани кўрсатилади. Маълумотноманинг 5-12 –устунчалари корхонага тааллукли бўлмаган сабаблар бўйича вужудга келган карзлар тўғрисида ахборотларни беришга мўлжалланган, жумладан, 5- ва 6- устунчаларда бундай карзларнинг мос равишда жами ва муддати ўтган суммаси, 7- ва 8- устунчаларда хукумат карорига асосан олдиндан хак тўламай жўнатилган (олинган) махсулотлар бўйича карзларнинг мос равишда жами ва муддати ўтган суммаси, 9-ва 10- устунчаларда давлат ресурслари ва жамғармаларидан кўзга тутилган хом-ашё ва материаллар бўйича ўтказилган банк тўловларининг мос равишда жами ва муддати ўтган суммаси, 11- устунчада хукумат карори бўйича кечиктирилган карзлар, 12- устунчада конунчиликга мувофик килинган даъволар бўйича суд жараёнида кўриб чикилаётган ёки хўжалик суди томонидан кредиторлардан ўндириш тўғрисида карор чиккан карзлар суммаси кўрсатилади.

Маълумотноманинг сатрларини тўлдиришда куйидаги кетма-кетликга амал килиниши лозим. Олдин барча дебиторлик карзлар, кейин эса барча кредиторлик карзлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Чунончи, дебиторлар ва кредиторларнинг карзлари республика ичидаги карзлар, ички идоравий карзлар ва

республикадан ташкаридаги карзлар гурухлари бўйича таснифланган холда кўрсатилади. Маълумотномада кўрсатилган дебиторлик карзларнинг умумий суммаси бухгалтерия балансининг 110 ва 210- сатрларидаги суммага (алохида бўлинмаларнинг карзларидан ташкари), шунингдек кредиторлик карзларнинг умумий суммаси бухгалтерия балансининг 491 ва 601-сатрларидаги суммага мос келиши шарт.

Моливий хисоботга унинг у ёки бу кўрсаткичларини таснифловчи аналитик жадваллар, шунингдек корхона моливий-хўжалик фаолиятининг айрим жихатлари бўйича тушунтириш хати илова килинади. Асосий аналитик жадваллар бўлиб, масалан, солик солиш базасига кайта кўшиладиган харажатлар рўйхати, солик бўйича имтиёзлар хисоб –китоби, имтиёзларни ишлатилиши, фойдани таксимлаш хисоб-китоби ва бошкалар хисобланади.

Молиявий хисоботга ёзилган тушунтириш хатида корхонанинг хисоб сиёсатидаги ўзгаришларнинг сабаблари, молиявий-хўжалик фаолиятида мавжуд салбий жихатлар, жумладан хўжалик фаолиятини зарар билан якунлашга олиб келган сабаблар очиб берилади. Бундай тушунтиришлар молиявий хисоботдан фойдаланувчиларни кўшимча маълумотлар билан таъминлашда, шунингдек хисобот асосида тўғри карорлар кабул килинишида катта ахамият касб этади.

13.7.Консолидациялаштирилган молиявий хисоботни тузиш хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасида консолидациялаштирилган молиявий хисоботнинг мохияти, таркиби ва тузиш тартиби 8-сон БХМС “Консолидациялаштирилган молиявий хисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар хисоби” билан тартибга солинган. Ушбу БХМС га мувофик **консолидациялаштирилган молиявий хисобот** деганда битта гурухга бирлашган шўъба хўжалик жамиятларининг бош корхонаси томонидан гурухнинг хисобот санасига молиявий холатини ва хисобот даври учун молиявий натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими тушунилади.

Гурух – бу бош корхона ва унинг барча шўъба хўжалик жамиятларининг биргаликда олинган тизими .

Бош корхона – бу битта ёки ундан кўп шўъба хўжалик жамиятларига эга бўлган ва улар фаолиятини назорат киладиган корхона.

Шўъба хўжалик жамияти – бу бош корхона томонидан назорат килинадиган хўжалик юритувчи субъект.

Назорат – бу манфаат кўриш максадида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ва хўжалик сиёсатини белгилаб бериш хукуки.

Алохида молиявий хисобот– бу гурухни хар бир аъзосининг мустакил молиявий хисоботи.

Гурух аъзоларининг хиссаси – бу бош корхонага тегишли бўлмаган, гурухнинг консолидациялаштирилган молиявий хисоботида унинг аъзоларини алохида хиссаси сифатида кўрсатиладиган даромад (зарар) ва активларнинг суммаси.

Ўзбекистон Республикасининг харакатдаги конунларига мувофик консолидациялаштирилган молиявий хисоботни тузишда куйидаги тамойилларга амал килинади:

- Бош корхона ва унинг хар бир шўъба хўжалик жамияти алохида юридик шахс сифатида фаолият юритувчи ва солик тўловчи хисобланади.
- Гурухнинг консолидациялаштирилган молиявий хисоботи факат гурух рахбарияти учун стратегик бошкарув, эришилган соф молиявий натижаларни бирлаштириш ва гурух аъзолари ўртасида уларнинг хиссасига караб таксимлаш максадида тузилади.
- Гурухга тегишли бўлмаган мулк консолидациялаштирилган молиявий хисоботда гурух аъзоларининг хиссаси сифатида акс эттирилади.
- Шўъба корхоналарнинг устав капиталига киритилган бош корхонанинг таъсис бадали гурухнинг консолидациялаштирилган молиявий хисоботида молиявий инвестиция сифатида каралмайди.
- Бош корхонага ва унинг шўъба хўжалик жамиятларига тегишли бўлган мол-мулк, дебиторлик ва кредиторлик карзлар (ички хисоб-китоблардан ташкари), келгуси давр харажатлари, ташкил этилган капитал (фондлар), четдан олинган максадли тушумлар гурухнинг консолидациялаштирилган молиявий хисоботида сатрма-сатр арифметик йўл билан жамланган холда кўрсатилади.
- Ўзаро хўжалик муносабатлар эвазига эришилган даромад ва харажатлар, фойда ва зарарлар, хисобланган дивидендлар бош корхона ва шўъба хўжалик жамиятларининг хисоботларида тўлиғича кўрсатилади, лекинда гурухнинг консолидациялаштирилган молиявий хисоботида бу кўрсаткичлар чегириб ташланади.
- Гурухнинг консолидациялаштирилган молиявий хисоботини тузиш учун унда бош китоб юритилмайди, шунингдек унга бухгалтерлик ёзувлари килинмайди.
- Гурухнинг консолидациялаштирилган молиявий хисоботини тузиш факат жамлама хисобот шаклларини ва аналитик жадвалларни тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

Гурухнинг консолидациялаштирилган молиявий хисоботи ўз ичига консолидациялаштирилган бухгалтерия баланси, консолидациялаштирилган молиявий натижалар тўғрисида хисобот ва молиявий хисоботнинг бошка консолидациялаштирилган шаклларини олади.

Консолидациялаштирилган молиявий хисоботни тузиш тартибини консолидациялаштирилган бухгалтерия баланси ва консолидациялаштирилган молиявий натижалар тўғрисида хисобот бўйича куйидаги мисоллар асосида кўриб чикайлик.

Мисол: *Бош корхона хисобланган "Самарканд" АЖ ўз каромоғида "Тонг" ва "Шарк" шўъба хўжалик жамиятларига эга. Бош корхонанинг "Тонг" шўъба корхонаси устав капиталидаги хиссаси -100%, "Шарк" шўъба хўжалик жамияти устав капиталидаги хиссаси –80% . Гурухга кирган хўжалик юритувчи субъектларнинг 200_ йил 1 январга бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида хисоботлари куйидагича:*

Бухгалтерия баланси

(минг сўм хисобида)

Кўрсаткичлар	“Самарканд”	“Тонг”	“Шарк”
Асосий воситалар	150000	25000	30000
Молиявий инвестициялар	70000		
Товар-моддий бойликлар	120000	20000	25000
Пул маблағлари	5000	2000	3000
Дебиторлик карзлар	2400	1200	800
Жами актив	**347400**	**48200**	**58800**
Устав капитали	250000	30000	40000
Таксимланмаган фойда	47400	10000	11000
Мажбуриятлар	50000	8200	7800
Жами пассив	**347400**	**48200**	**58800**

Кўшимча маълумотлар: *“Самарканд” АЖ нинг дебиторлик карзлари таркибида “Тонг” шўъба корхонасининг карзи - 200 минг сўм, “Шарк” шўъба хўжалик жамиятининг карзи 300 минг сўм. “Тонг” шўъба корхонасининг кредиторлик карзлари таркибида “Шарк” шўъба корхонасининг хиссаси -100 минг сўм.*

Молиявий натижалар тўғрисида хисобот

(минг сўм хисобида)

Кўрсаткичлар	“Самарканд”	“Тонг”	“Шарк”
Соф тушум	125000	24000	27500
Сотиш таннархи	100000	17200	18500
Сотишдан олинган фойда	25000	6800	9000
Бошка даромадлар	4000	1100	1400
Бошка харажатлар	12500	5000	6250
Солик тўловлари	12500	2400	2750
Соф фойда	4000	500	1400

Кўшимча маълумотлар: *“Самарканд” АЖ нинг соф тушумидан 3500 минг сўми “Тонг” шўъба корхонасига, Шарк” шўъба жамиятининг 3700 минг сўмлик соф тушуми “Самарканд” АЖ га тўғри келади. Шўъба корхоналарининг бошка харажатлари (мос равишда 500 минг сўм ва 600 минг сўм) уларни “Самарканд” АЖ дан олган вактинчалик молиявий ёрдамига тўланган фоизларни ташкил этади.*

Юкоридаги маълумотлар бўйича гурухнинг консолидациялаштирилган баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботини куйидаги ишчи жадваллар кўринишида тузиб чикамиз.

Гурухнинг консолидациялаштирилган бухгалтерия баланси

(минг сўм хисобида)

Кўрсаткичлар	“Самар-канд” АЖ	“Тонг”	“Шарк”	Тузатиш ёзуви		Консолида-циялашти-рилган Баланс
				Дебет	Кредит	
Асосий воситалар	150000	25000	30000			205000
Молиявий инвестициялар	70000				1)70000	
Товар-моддий бойликлар	120000	20000	25000			165000
Пул маблағлари	5000	2000	3000			10000
Дебиторлик карзлар	2400	1200	800	3) 100	2)200	4300
Жами активлар	**347400**	**48200**	**58800**			**384300**
Устав капитали	250000	30000	40000	1)70000		250000
Таксимланмаган фойда	47400	10000	11000	4)2200		66200
Мажбуриятлар	50000	8200	7800	2)200	3)100	65900
Гурух аъзоларининг хиссаси					4)2200	2200
Жами пассивлар	**347400**	**48200**	**58800**	**72500**	**72500**	**384300**

Битта гурухга бирлашган шўъба ва карам хўжалик жамиятларининг бош корхонаси томонидан тузилган консолидациялаштирилган бухгалтерия балансига изохлар:

1).Бош корхона томонидан шўъба корхоналарга киритилган 70000 минг сўмлик (40000 +30000) молиявий инвестициялар гурухга кирувчи бош корхонада молиявий инвестициялар таркибидан, шўъба корхоналарда эса устав капитали таркибидан чегириб ташланди.

2)Бош корхонанинг “Шарк” шўъба корхонаси бўйича 200 минг сўмлик дебиторлик карзи гурухга кирувчи бош корхонада дебиторлик карзлар таркибидан, шўъба корхоналарда эса мажбуриятлард таркибидан чегириб ташланди.

3)Шўъба корхоналарнинг ўзаро 100 минг сўмлик дебиторлик ва кредиторлик карзлари гурух нинг дебиторлик ва кредиторлик карзлари таркибидан чегириб ташланди.

4)”Шарк” шўъба корхонасининг 11000 минг сўмлик таксимланмаган фойдасининг 8800 минг сўми (11000 х 80%) гурухга кирувчи бош корхонада таксимланмаган фойда таркибига киритилди, колган 2200 минг сўми (11000 х20%) гурухнинг унга кирмайдиган бошка корхоналарнинг хиссаси бўйича кредиторлик карзи сифатида кўрсатилди.

Гурухнинг консолидациялаштирилган молиявий натижалар тўғрисида хисоботи

(минг сўм хисобида)

Кўрсаткичлар	“Самар-канд” АЖ	“Тонг”	“Шарк ”	Тузатиш ёзуви		Консолидация лаштирилган Баланс
				Дебет	Кредит	
Соф тушум	125000	24000	27500	1)3500 2)3700		169300
Сотиш таннархи	100000	17200	18500		1)3500	128500

					2)3700	
Бошка даромадлар	4000	1100	1400	3)1100		5400
Бошка харажатлар	12500	5000	6250		3)1100	22650
Солик тўловлари	12500	2400	2750			17650
Соф фойда	**4000**	**500**	**1400**			**5900**

Битта гурухга бирлашган шўъба ва карам хўжалик жамиятларининг бош корхонаси томонидан тузилган консолидациялаштирилган молиявий натижалар тўғрисида хисоботга изохлар:

1).Бош корхона томонидан "Тонг" шўъба корхонасига 3500 минг сўмга сотилган товарлар гурухнинг соф сотиш хажмидан ва сотиш таннархидан чегириб ташланди.

2)"Шарк" шўъба корхонаси томонидан бош корхонага 3700 минг сўмлик сотилган товарлар гурухнинг соф сотиш хажмидан ва сотиш таннархидан чегириб ташланди.

3)Шўъба корхоналарнинг бош корхонадан олган вактинчалик молиявий ёрдам учун тўлаган 1100 минг сўмлик (600 +500) фоизлари гурухга кирувчи бош корхонанинг даромадларидан ва унинг шўъба корхоналарининг харажатларидан чегириб ташланди.

Гурухни ташкил килувчи бош корхона ва унинг шўъба корхоналарида молиявий хисоботнинг бошка шакллари хам консолидациялаштирилади.

Консолидациялаштирилган пул окимлари тўғрисида хисоботни тузишда гурухни ташкил этувчи бош корхона ва унинг шўъба хўжалик жамиятлари ўртасидаги куйидагилар пул окимлари чегириб ташланади:

- Ички товар операциялари бўйича олинган ва тўланган пул маблағлари;
- Олинган ва берилган карз суммалари;
- Олинган ва тўланган фоиз суммалари;
- Олинган ва тўланган таъсис бадаллари
- Бошка турли операциялар бўйича пул маблағларининг ички алмашувлари

Консолидациялаштирилган асосий воситалар харакати тўғрисида хисоботни тузишда гурухни ташкил этувчи бош корхона ва унинг шўъба хўжалик жамиятлари ўртасидаги асосий воситаларнинг ички алмашувларининг суммалари чегириб ташланади.

Консолидациялаштирилган хусусий капитали тўғрисида хисоботни тузишда гурухни ташкил этувчи бош корхона ва унинг шўъба хўжалик жамиятларининг жами устав капиталидан шўъба хўжалик жамиятининг устав капитали суммаси чегириб ташланади, таксимланмаган фойда эса факат гурухга кирувчиларга тааллукли бўлган микдорида кўрсатилади.

13.8.Молиявий хисоботни тузиш санасидан кейин юз берган кутилмаган холатлар ва ходисалар

Маълумки, молиявий хисоботларни тузиш хисобот йили тугаши билан келгуси йилнинг 1 санасидан бошлаб хисоботни ташки фойдаланувчиларга, энг

аввалом бор, солик идорасига, топшириш кунигача (кейинги йилнинг 15 февралигача, кўшма корхоналар учун –15 мартгача, Вазирликлар учун –1 апрелгача) амалга оширилади. Молиявий хисоботни солик идораси томонидан кабул килиб олинган сана молиявий хисоботнинг барча нусхаларида махсус тамға ичида кўрсатилади ва хисоботни кабул килиб олган солик идораси ходими томонидан имзоланади. Ушбу санадан бошлаб молиявий хисобот расмий эълон килинган деб хисобланади.

Молиявий хисоботни тузиш санасидан бошлаб уни расмий эълон килиш санасигача корхоналар хўжалик фаолиятида кўзда тутилмаган холатлар ва ходисалар юз бериши мумкин. Бундай холатлар ва ходисаларни таснифлаш, бахолаш, уларни тузилган молиявий хисоботга киритиш ёки киритмаслик тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 23 декабрда 578-тартиб ракам билан рўйхатга олинган 16-сон БХМС «Кутилмаган холатлар ва бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берадиган ходисалар» билан регламентлаштирилган.

Ушбу БХМС га мувофик **кутилмаган холатлар** деганда охирги натижалари (фойда ёки зарари) келгусида ноаник ходисани (ходисаларни) хакикатда юз беришига караб тасдиғини оладиган вазиятлар ва холатлар тушунилади. Бухгалтерия балансини тузиш давомида аникланган бундай холатлар, одатда, хўжалик юритувчи субъектга фойда келтириши ёки зарар олиб келиши мумкин. Мисол учун, хисобот тузиш вактида корхонанинг у ёки бу дебитори бўлган ташкилотни банкротга учраганлиги тўғрисида маълумотни олиниши ёки кредитор ташкилот билан судлашиш жараёнининг давом этаётганлиги ва ундан кутилаётган натижани тахминан маълум бўлиши, корхонада баланс тузиш санасидан уни эълон килиш санасигача юз берган табиий офатлардан кўрилган зарарлар, ёнғин, тошкин ва шу каби фавкулотдаги ходисаларнинг окибатлари, шу даврда корхонанинг мулкий холатига таъсир этадиган кимматли коғозлар эмиссияси доир операцияларни юз бериши, кимматли коғозларни кайта бахоланиши хисобот йили учун тузилаётган молиявий хисобот кўрсаткичларига турлича таъсир этиши мумкин. Шунинг учун хам кутилмаган холатларнинг натижалари келгусида аник бўлсада, лекинда мухимлилигига караб улар хали эълон килинмаган молиявий хисоботга киритилиши ёки унга илова килинадиган тушунтириш хатида ўз аксини топиши лозим.

Кутилмаган холатлар ва ходисалар 16-сон БХМС га мувофик (п.5) иккита гурухга бўлинади:

- **Келгусида юз берадиган ва бухгалтерия балансини тузиш санасида мавжуд бўлган ходисалар** -ушбу ходисаларнинг натижалари (фойда ёки зарарлар) молиявий хисоботда хисоблаш тамойилига мувофик уларни юз бериш эхтимоли, суммасини аник топиш имконини борлигига караб акс эттирилади. Жумладан, зарарлар хисоблаш тамойили ва юкорида келтирилган юз бериш эхтимоли ва зарар суммасини реал аниклаш имкониятлари мезонларига кўра хисоботда куйидаги тартибда акс эттирилади:

Кутилмаган холатни юз бериш эхтимоли	**Кутилмаган холат бўйича сумма аник**	**Кутилмаган холат бўйича сумма аник эмас**
Эхтимоли бор	Зарар ва мажбуриятлар хисобланади ва молиявий	Зарар ва мажбуриятлар хисобланмайди,

	хисоботга киритилади	молиявий хисоботга киритилмайди, лекинда тушунтириш хатида сабаблари ва кутилаётган окибатлари очиб берилади
Эхтимоли йўк	Хисоблаш хам, очиб бериш хам талаб килинмайди	

Молиявий хисоботни тузиш даврида мавжуд бўлган кутилмаган холатлар бўйича фойда молиявий хисоботда куйидаги тартибда акс эттирилади:

Кутилмаган холатни юз бериш эхтимоли	**Кутилмаган холат бўйича сумма аник**	**Кутилмаган холат бўйича сумма аник эмас**
Эхтимоли бор	Фойда хисобланмайди, тушунтириш хатида вужудга келиш эхтимолини борлиги кўрсатилади	Хисоблаш хам, очиб бериш хам талаб килинмайди
Эхтимоли йўк	Хисоблаш хам, очиб бериш хам талаб килинмайди	

- **Келгусида юз берадиган ва бухгалтерия балансини тузиш санасида мавжуд бўлмаган ходисалар –** ушбу ходисалар ва улардан кутилаётган натижалар (фойда ёки зарарлар) молиявий хисоботга ва унга илова килинадиган тушунтириш хатига умуман алокадор хисобланмайди. Шунинг учун улар хисоботда ва унга илова килинган тушунтириш хатида умуман акс эттирилмайди.

Молиявий хисоботда уни расмий эълон килган санадан кейин аникланган ва ўтган хисобот даврига тааллукли бўлган, лекинда молиявий хисоботда акс эттирилмайин колинган ходисалар кутилмаган холатлар ва ходисалар хисобланмайди. Бунга мисол килиб, кайси бир счёт-фактура суммасини даромадга олинмаганлиги, харажатларни нотўғри хисобланганлиги ва буларнинг натижасида молиявий хисобот кўрсаткичларида хатоликларга йўл кўйилганлигини айтиш мумкин. Солик Кодексига мувофик солик текширувига кадар корхонанинг ўзи томонидан ўтган хисобот йиллар бўйича топилган хатоларни тузатилиши ва солик идорасига кайта хисоб-китобларни топширилиши молиявий жазоларга (пеня хисоблашдан ташкари) тортилмайди.Ўтган йилларда йўл кўйилган хатоларни корхоналар нафакат ўзларининг кучлари билан, балким мустакил аудиторлик ташкилотларини шартнома асосида жалб этиш ва аудиторлик текширувини ўтказиш оркали хам амалга оширишлари мумкин.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри

а) Баланс аналитик хисоб маълумотлари асосида тузилади
б) Баланс бош китоб маълумотлари асосида тузилади
в) Баланс даромад ва харажатларни аниклаш учун тузилади
г) Баланс молиявий хисоботнинг бошка шакллари асосида тузилади

2.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри

а) Соф тушум балансда кўрсатилади

б) Соф тушум пул окимлари тўғрисидаги хисоботда кўрсатилади

в) Соф тушум молиявий натижалар тўғрисидаги хисотда кўрсатилади

г) Соф тушум хусусий капитал тўғрисидаги хисоботда кўрсатилади

3.Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот

а) Балансдан ташкари счётлар маълумотлари асосида тўлдирилади

б) Транзит счётлар маълумотлари асосида тўлдирилади

в) Доимий счётлар маълумотлари асосида тўлдирилади

г) Барча счётлар маълумотлари асосида тўлдирилади

4.Куйидагиларни кайси бири хусусий капитал тўғрисидаги хисоботда кўрсатилади?

а) Дебиторларнинг воз кечилган карзлари

б) Ходимларнинг воз кечилган карзлари

в) Бепул беришдан кўрилган зарарлар

г) Акциялар сони

5. Валюта курсларидаги салбий фарклар

а) Балансда акс эттирилади

б) Хусусий капитал тўғрисидаги хисоботда акс эттирилади

в) Молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботда акс эттирилади

г) Пул окимлари тўғрисидаги хисоботда акс эттирилади

6. **Консолидациялаштирилган молиявий хисоботни**

а) Шўъба корхона тузади

б) Бош корхона ўзи учун тузади

в) Гурух учун бош корхона тузади

г) Вазирлик тузади

7. Дебиторлик карзни ошиши

а) Пул киримини кўпайтиради

б) Пул киримини камайтиради

в) Пул чикимини камайтиради

г) Пул окимига таъсир ўтказмайди

8. **Амортизация харажатлари**

а) Пуллик тўловларни оширади

б) Пуллик тўловларни камайтиради

в) Пул окимига таъсир этмайди

г) Пул киримини оширади

9. Молиявий хисоботга киритилади

а) Хисобот йилидан кейинги 10 январда юз берган ёнғиндан кўрилган зарар

б) 10 январда олдинги йил декабр ойи учун олинган сув тўлови счёти

в) 10 январда кимматли коғозларни кайта бахолашда хисобланган фойда

г) 10 январда суд ажрими учун хисобланган тўлов

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия хисоби тўғрисида конуни. 1996 йил 30 августда кабул килинган.

2.Молиявий хисоботни тайёрлаш ва такдим этиш учун Концептуал асос. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 475.

3.БХМС № 1 «Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 14 августда рўйхатдан ўтган, № 474.

4.БХМС № 2 «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар».Ўз. Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 26 августда рўйхатдан ўтган, 483.

5.БХМС № 3 «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот».Ўз. Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 26 августда рўйхатдан ўтган, 484.

6.БХМС № 8 «Консолидациялаштирилган молиявий хисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестицияларнинг хисоби».Ўз. Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтган, 580.

7.БХМС № 9 «Пул окимлари тўғрисида хисобот». Ўз. Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 4 ноябрда рўйхатдан ўтган, 519.

8.БХМС № 15 «Бухгалтерия баланси». Ўз. Р. Адлия Вазирлигидан 2003 йил 20 мартда рўйхатдан ўтган, 1226.

9.БХМС № 16 «Кўзда тутилмаган холлар ва бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берадиган ходисалар». Ўз. Р. Адлия Вазирлигидан 1998 йил 23 декабрда рўйхатдан ўтган, 578.

10.БХМС № 19 «Инвентаризацияни ташкил килиш ва ўтказиш ». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 1999 йил 2 ноябрда рўйхатдан ўтган, № 833.

11.БХМС № 21 « Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий хўжалиги бухгалтерия хисобининг счётлар режаси ва уни кўллаш бўйича йўрикнома». Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтган, № 1181.

12.Молиявий хисобот шаклларини тўлдириш Тартиби. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2003 йил 24 январда рўйхатдан ўтган, № 1209.

13.Молиявий хисобот шаклларини тўлдириш Тартибига ўзгартишлар ва кўшимчалар. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2003 йил 22 июлда рўйхатдан ўтган, № 1117-2.

14.Чораклик ва йиллик молиявий хисоботларни такдим этиш тўғрисида Низом. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2000 йил 3 июлда рўйхатдан ўтган, № 942

15.Чораклик ва йиллик молиявий хисоботларни такдим этиш тўғрисида Низомга ўзгартиришлар ва кўшимчалар. Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан 2002 йил 22 июлда рўйхатдан ўтган, № 942-1.

16.Абдуллаев А. Каюмов И. Бухгалтерия хисоби. Т, «Минхож» нашриёти, 2002.

17.Завалишина И.А. Практика налогообложения. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент, 2003.

18.Завалишина И.А. Бухгалтерский учет по новому. Изд.дом «Мир экономики и права», Ташкент, 2003.

19. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий хисоб. Т., «Молия», 2002.

20.Умарова М., Эшбоев Ў., Ахмаджонов К. Бухгалтерия хисоби, Т., Мехнат, 1999

21.Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия хисоби бўйича мустакил ўрганиш учун кўлланма.Т., Иктисодиёт ва хукук дунёси» нашриёт уйи, 2000.

3- бўлим. Аудит асослари

Хіу-боб. Аудитнинг предмети ва методи

14.1. Аудитнинг мохияти, турлари, максади ва вазифалари

Бозор муносабатларига асосланган иктисодиётга ўтиш хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хисоботларини холис текширувдан ўтказиш, уларнинг реаллигини эксперт килиш , шу асосда молиявий хисоботга холис хулоса бериш, шунингдек мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича касбий маслахатларни бериш, хисоб-китобларни тиклаш ва юритиб бериш, бизнес режа ва солик декларацияларини тузиб беришдан иборот махсус ***«аудит»*** деб аталмиш фаолият турини, шунингдек махсус **«аудит»** деб аталмиш иктисодий фанни вужудга келишига асос солди. Ушбу фаолият тури ва махсус иктисодий фан бизнинг мамлакатимиз хаётига мустакилликга эришилгандан кейин кириб келган бўлса, бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда у жуда узок йиллардан бери мавжуд ва ривожланиб келмокда. Мустакил аудиторлик фаолияти, манбаларга кўра, 150 йил олдин европа мамлакатларида пайдо бўлган, унинг ватани сифатида буюк британия тан олинади[3].

Охирги ўн икки йил ичида республикамизда аудитга бўлган кизикиш, унга бўлган эътибор кескин ошди. Республикамизнинг конун чикарувчи органи ва хукумати аудитнинг ахамиятини ўз вактида англаб мхд ичида биринчилар каторида «аудиторлик фаолияти тўғрисида конун»ни мустакиллигимизнинг дастлабки йилларидаёк (1992 йил) кабул килди ва уни хаётга тадбик этди. 2000 йилда ушбу конун янги тахрир ва бойитилган мазмунда кайта тасдикланди. Ўтган ўн икки йил ичида республикамизда 400 тадан ортик аудиторлик ташкилотлари, улар атрофида жипслашган 5000 га якин аудиторлар синфи вужудга келди. Республикамиз олимлари, иктисодчилари аудит бўйича катта изланишларни олиб бордилар,

[3] Љаранг: Аудит. Учебник. По редакцией профессора В.И.Подольского. ЮНИТИ, Москва, 2000, стр.13

аудитга бағишланган кўпгина дарслик ва ўкув кўлланмалар, маъруза матнлари, рисолалар, илмий маколалар чоп этилди[4]. Чет элда кўп йиллардан бери махсус фан сифатида ўкитилиб келинаётган аудитга доир айрим адабиётлар рус ва ўзбек тилларига таржима килинди[5].

Хўш, аудит ўзи нима? У нима учун зарур? Кандай аудит бугун бизга керак? Аудитнинг максади, функция ва вазифалари нималардан иборот?

Харакатдаги конунларда, меъёрий хужжатларда, дарслик ва ўкув кўлланмаларида ушбу саволлар турлича ёритилган.

«аудит» - бу лотинча **«auditing»** сўзидан олинган бўлиб, рус тилига ўгирилганда *«слушаю»*, рус тилидан ўзбек тилига ўгирилганда эса *«эшитаман»* маъносини англатади. Рус ва ўзбек тиллари лексиконида ушбу сўзнинг ўзи мавжуд эмас, шунинг учун уни кўчирма сўз сифатида тўлиғича ўзгаришсиз ишлатиш максадга мувофик.

«аудитор» – бу лотинча **«auditor»** сўзидан олинган бўлиб, рус тилига *«слушатель», «ученик», «следователь»* маъноларида таржима этилган.[6] бизнинг тилимизга аудитор сўзини рус тилидан таржима этсак, у мос равишда *«эшитувчи», «ўкувчи», «терговчи»* маъноларини англатади.

Ижтимоий хаётда «аудит» иктисодий тушунча сифатида, жараён сифатида, юридик шахслар фаолияти сифатида, тизим сифатида, ўзининг назарияси ва методологиясига эга бўлган махсус фан сифатида каралади. Ушбу сифатдаги аудитнинг мохияти адабиётларда турлича эътироф этилган.

«аудит –хўжалик фаолиятини иктисодий тахлил этиш ва назорат килишнинг нисбатан янги йўналиши», …. «аудит – бу бизнесни ўзига хос экспертизаси» деб эътироф этган унинг мохиятини рус олими профессор п.и. камышанов.

«аудит- бу мустакил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий хисоботини ёки у билан боғлик молиявий ахборотни, бу хисобот ёки ахборотнинг конун ва бошка норматив хужжатларга мувофиклик даражаси тўғрисида хулоса чикариш максадида тадкик этилиши», деб таъкидлайди профессор м.м. тўлахўжаева[7].

«аудит (auditing) –бу дахлсиз компетент ходим томонидан ахборотларни белгиланган мезонларга мослигини аниклаш ва холисона хулоса бериши максадида хўжалик тизими тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва бахолаш жараёни"[8]

«аудитнинг мохияти – бозор иктисодиёти шароитида унинг объектив иктисодий тараккиёт конунлари, категориялари, халкаро хамжамиятда тан олинган хамда айрим олинган бир конкрет мамлакатда амал килаётган меъёрий хужжатларнинг талабларига мос текширув объектида унинг барча фаолиятлари

---

[4] Љаранг: Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит, «Шарљ» нашриёти, Тошкент,2001; Мусаев Х.Н. Аудит, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003; Тњлахњжаева М. Корхона молиявий аќволи аудити, Тошкент,1996; Ризољулов А, Рахмонов И. Аудитни ташкил љилиш ва њтљазиш, Тошкент, 1994; Алиљулов С. Аудит. Маърузалар матни. СамДУ, 1999; Справочник аудитора, Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Республики Узбекистан, Тошкент, 1996.

[5] Љаранг: Э.А. Аренс, Дж. К. Лоббек Аудит. Москва, «Финансы и статистика», 1995; Робертсон Дж. Аудит. Москва, КРМ Аудиторская фирма «Контакт», 1993; Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. Москва, «Финансы и статистика», ИО ЮНИТИ, 1992

[6] Љаранг: Камышанов П.И. ЗНАКОМТЕСЬ : АУДИТ, Москва, 1994, стр.4

[7] Љаранг: Тњлахњжаева М..М. Молиявий аќволнинг аудити. «Иљтисодиёт ва ќуљуљ дунёси» нашриёт уйи, Тошкент, 1996, 94-бет.

[8] Љаранг : Э.А.Аренс., Дж.К. Лоббек. Аудит. - М, Финансы и статистика, 1995, стр.7

ракамлар ёрдамида ифодаланган, махсус тизим асосида хулоса ва таклифлар беришдан иборат», деб ёзади профессор н.санаев[9].

Профессор х.н.мусаев аудитнинг мохиятини куйидагича эътироф этган: «аудит –бу муайян ваколатлар берилган шахслар, яъни аудиторлар томонидан хўжалик юритаётган субъектлар фаолиятларининг республикада кабул килинган конун-коидаларга мувофиклигини текшириш йўли билан бахолаш ва холисона хулосалар беришдир»[10]

Ўзбекистон республикасининг «аудиторлик фаолияти тўғрисида конуни» да (2-модда) аудитнинг мохиятига куйидагича таъриф берилган: «аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошка шу билан боғлик профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади»[11].

Юкоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, аудит, бир томондан жисмоний шахсларнинг, яъни аудиторларнинг, иккинчи томондан эса юридик шахсларнинг, яъни аудиторлик ташкилотларнинг, тадбиркорлик фаолияти хисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Конуни»ининг охирги тахририга мувофик аудиторлик фаолияти индивидиум, яъни алохида олинган жисмоний шахс, фаолияти бўлиши мумкин эмас, аудит факат махсус лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотининг тадбиркорлик фаолияти хисобланади. Шунинг билан бирга аудиторлик ташкилотларининг ушбу тадбиркорлик фаолияти махсус аудиторлик сертификатига эга бўлган ходимлари томонидан амалга оширилади. Аудиторларнинг ўзи мустакил ўз номидан аудиторлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, республикамиз Конунларига мувофик уларга бундай ваколат берилмаган. Бундан келиб чикиб, аудитни алохида шахсларнинг фаолияти, харакати, текшируви деб эътироф этган фикрларга тўлик кўшилиб бўлмайди. Шунинг билан бирга «аудит» ва «аудиторлик фаолияти» атамаларини бир хил мазмунда талкин этган фикрларни хам тўлик тўғри деб хисоблаб бўлмайди, чунки «аудит» ва «аудиторлик фаолияти» бир хил мазмундаги синоним сўзлар эмас.

Бизнингча, аудитни яхлит тизим сифатида караш, аудиторлик фаолиятини эса ушбу тизимнинг амалий тадбики деб караш максадга мувофик. Тизим сифатида аудит жамият микиёсида мавжуд бўлади. Яхлит тизимни ташкил этувчи аудитни ички ва ташки аудитга бўлиш мумкин. Ички аудит иктисодиётнинг куйи бўғини бўлган хўжалик юритувчи субъектларда ички назорат воситаси хисобланади.Ташки аудит давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари нуктаи назаридан мустакил аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган назорат воситаси хисобланади. Ташки аудит давлат томонидан меъёрий хужжатлар асосида тартибга солинади. Жумладан, бизнинг республикамизда ташки аудитни бошкариш, унга методологик рахбарликни олиб бориш, аудитни ўтказиш тартиб-коидаларини акс эттирувчи меъёрий хужжатларни ишлаб чикиш, амалиётга ушбу хужжатларни жорий килиш, уларга амал килинаётганлигини назорат килиш, ушбу тизим ходимларини ўкитиш ва сертификатлаш, малакасини ошириш, аттестация килиш Молия Вазирлиги томонидан амалга оширилади.

---

[9] Љаранг: Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит. Дарслик, «Шарљ» нашриёт-матбаа акциядорлик коппанияси Бош таќририяти, Тошкент, 2001, 33-бет.

[10] Љаранг: Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003, 18-бет.

[11] Љаранг: Њзбекистон Республикаси Љонуни «Аудиторлик фаолияти тњђрисида», 2002 йил 25 майда љабул љилинган.

Аудиторлик фаолияти махсус аудиторлик ташкилотининг бошка юридик шахсларга кўрсатаётган хизматларининг мажмуаси, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг махсус бўлимлари ёки ходимларининг тасдикланган Низомларга кўра юритаётган иш фаолияти хисобланади. Аудиторлик ташкилотларининг бундай фаолиятлари шартномалар асосида амалга оширилганлиги учун хам у тадбиркорлик фаолияти хисобланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг махсус аудит бўлими ёки ички аудиторларининг тасдикланган Низомларга кўра юритаётган иш фаолияти тадбиркордик фаолияти хисобланмайди, балким уларнинг касбий ишлари хисобланади.

Аудитнинг мохияти унинг таркибий компонетларининг мазмунида ёркин намоён бўлади. Бундай компонентлар бўлиб куйидагилар хисобланади (14-чизмага каранг).

Ички назорат –бу хўжалик юритувчи субъектлар молиявий – хўжалик фаолиятини рахбарият томонидан тасдикланган махсус Низом асосида доимий назорат килиб борувчи бўлимнинг ёки ходимнинг (ходимларнинг) иш фаолияти. Бундай назоратни ички аудит бўлими ёки ички аудиторлар олиб боришлари мумкин.



***14-чизма*. Аудитнинг асосий компонентлари**

Ташки назорат –бу мустакил аудиторлик ташкилотларининг шартнома асосида корхоналарда юз берган ходиса ва жараёнларни, уларнинг натижаларини конунлар ва бошка меъёрий хужжатларга мослигини текшириш бўйича олиб борган иш фаолияти.

Иктисодий тахлил – бу молиявий хисоб ва хисобот маълумотлари асосида корхоналарнинг молиявий –хўжалик фаолияти ва унинг натижаларини кўйилган максад ва талабларга кўра динамик ва статик жихатдан изохлаб бериш бўйича олиб борилган иш фаолияти.

Экспертиза – тузилган бухгалтерия хисоби хужжатларини, хисоб регистрлари ва молиявий хисоботларни конунлар ва бошка меъёрий хужжатлар талабларига мос келиш даражасига бахо бериш бўйича олиб борилган иш фаолияти.

Инвентаризация – бу корхона активлари ва мажбуриятларининг хакконий мавжуд холатини аниклаш, уларни хисоб маълумотларига мос келишлигини белгилаш бўйича амалга оширилган иш фаолияти.

Хулоса ва таклифлар -бу текширув натижалари бўйича текширувни белгилаган шахсларга фаолиятни яхшилаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида фикр ва мулохазаларни ўзида мужассамлаштирган махсус расмий хужжатни тайёрлашга доир иш фаолияти.

Консалтинг – бу хўжалик юритувчи субъектларга уларни кизиктирувчи турли билимлар ва амалий кўникмалар бўйича маслахатларни бериш борасида олиб борилган иш фаолияти. Аудиторлик ташкилотлари бухгалтерия хисоби ва хисоботи, молия, солик солиш, бизнес режа, менежмент ва бошка сохалар бўйича хўжалик юритувчи субъектларга тузилган шартномалар асосидаги консалтинг фаолиятини олиб боришлари мумкин.

Касбий хизматлар – бу аудиторлик ташкилотларининг шартномалар асосида хўжалик юритувчи субъектларга хисобни юритиб бериш, уни тиклаш, солик декларацияларини тузиб бериш, бизнес режани тузиш ва бошка касб ишларини бажариб бериш борасидаги иш фаолияти.

Шундай килиб, юкоридаги фикр ва мулохазалардан келиб чикган холда аудит ва аудиторлик фаолиятларига куйидагича таъриф бериш мумкин.

Аудит - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари нуктаи назаридан конунлар ва ва бошка меъёрий хужжатларга мос келишини ички ва ташки назоратдан ўтказиш, тахлил ва экспертиза килиш, шунингдек консалтинг ва бошка турдаги касбий хизматларни кўрсатиш тизими.

Аудиторлик фаолияти –бу бу махсус аудиторлик ташкилотининг бошка юридик шахсларга тадбиркорлик асосида кўрсатаётган хизматларининг мажмуаси, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг махсус бўлимлари ёки ходимларининг тасдикланган Низомларга кўра юритаётган иш фаолиятидир.

Бозор иктисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини яхшилаш ва ривожлантиришда аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтказиладиган ташки аудитнинг ўрни бекиёсдир. Куйида ушбу аудитнинг турларига, уларнинг мохияти, максади ва вазифаларига тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Конуни»га мувофик (9,10,11-моддалар) хўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган ташки аудит, асосан, иккита турга бўлинади:

- мажбурий аудит;
- ташаббусли аудит.

Мажбурий аудит деганда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хисобот йили якуни бўйича тузилган молиявий хисоботларни реаллигини билиш максадида ўтказиладиган аудит тушунилади. Конунга асосан (10-модда) куйидаги ташкилотлар хар йили мажбурий аудитдан ўтишлари шарт:

- акционерлик жамиятлари;
- банклар ва бошка кредит берувчи ташкилотлар;
- суғурта ташкилотлари;
- юридик ва жисмоний шахслар маблағларини тўпловчи инвестиция ва бошка фондлар, уларнинг бошкарувчи компаниялари;
- маблағлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари хисобидан шаклланадиган хайрия ва бошка ижтимомий фондлар;
- маблағларининг ташкил топиш манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг конунларда кўзда тутилган мажбурий ажратмаларидан иборат бўлган бюджетдан ташкари фондлар;
- устав фондида давлат улушига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Мажбурий холда ўтказиладиган аудит, одатда, комплекс характерга эга бўлади, шунингдек ушбу аудитни мослик аудити деб хам атайдилар.

Комплекс аудит деганда молиявий хўжалик фаолиятини тўлик камраб олган аудиторлик текшируви тушунилади.

Мослик аудити деганда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хисоботларини харакатдаги конунлар ва бошка меъёрий хужжатларга мос равишда тузилганлигига хулоса бериш билан якунланадиган аудиторлик текшируви тушунилади.

Мажбурий аудитнинг ўтказилиши давлат томонидан назорат килинади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг ахамиятини ошириш тўғрисида» 365-сон карорига мувофик мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг йиллик молиявий хисоботларини хисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майигача аудиторлик текширувидан ўтказишлари, аудиторлик текшируви тамом бўлгандан сўнг 15 кун ичида тегишли солик идорасига аудиторлик хулосасининг белгиланган тартибда тасдикланган нусхасини такдим этишлари лозим. Ушбу карор билан тасдикланган «Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ўндириш тартиби тўғрисида Низом» га мувофик юкорида келтирилган тартибга амал килмаган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солик идораси томонидан молиявий жазо, яъни жарима, белгиланади ва бу жарима солиш тўғрисидаги карор топширилган кундан бошлаб 10 кун мабойнида ўндирилади. Жарималар микдори ушбу Низомга асосан куйидагича белгиланган:

Жарималар микдори*	Йиллик махсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан олинган ялпи тушум микдори (ККС билан биргаликда)**
Энг кам ойлик иш хаки микдорининг 100 баробари	Энг кам иш хаки микдорининг 500 баробаригача
Энг кам ойлик иш хаки микдорининг 300 баробари	Энг кам иш хаки микдорининг 500 баробаридан 15 минг баробаригача
Энг кам ойлик иш хаки	Энг кам иш хаки микдорининг 15 минг

микдорининг 500 баробари	баробаридан ортик

**Жарималар микдорини аниклашда эенг кам иш хакининг жарима солиш тўғрисида карор чикарилган санадаги микдоридан фойдаланилади;*

*** Бюджетдан ташкари ва хайрия жамғармалари учун ялпи тушум деганда амалдаги тушумлар, шу жумладан аъзолик бадаллари, тушунилади.*

Ташаббусли аудит деганда хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек хукукни мухофаза килиш органлари ташаббуси билан ўтказиладиган аудит тушунилади. Бундай аудитнинг буюртмачилари бўлиб хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари, уларнинг инвесторлари, таъсисчилари, акционерлари, шунингдек очилган жиноий ишларни якунлаш максадида аудитни тайинлаган хукукни химоя килиш ва бошка назорат органлари (прокуратура, суд, ички ишлар органлари, солик конунчилигини бузилишига карши курашиш депортаментлари) хисобланади. Ташаббусли аудит комплекс ва тематик характерга эга бўлиши мумкин.

Тематик аудит деганда хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек бошка кизикувчи томонларнинг ташаббуси билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тегишли бўлган у ёки бу операцияларни, жараёнларни, аник активлар ва мажбуриятларни, молиявий муносабатларни, бухгалтерия хисобининг тегишли бўлимларини ёки хужжатларини аудиторлик текширувидан ўтказиш тушунилади. Тематик аудитда аудиторлик хулосаси факатгина текшириш объектига нисбатан берилади. Максадига кўра тематик аудит тасдикловчи аудит хисобланади, чунки унинг натижасида аудиторлар текшириш объекти бўйича мавжуд холатларни харакатдаги конунлар ва бошка меъёрий хужжатларга мос келиш ёки келмаслиги тўғрисида хулоса берадилар. Иктисодий адабиётларда тематик аудитни турлича бошка номлар билан хам атайдилар, масалан, молиявий аудит, бошкарув аудити ва бошкалар.

Молиявий аудит – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий холатига бахо бериш максадида ўтказилган аудит.Ушбу аудит корхоналарнинг ўзлари, унинг инвесторлари ва таъсисчилари, акционерлари, кузатув кенгаши ва назорат органлари ташаббуси билан ўтказилади.

Бошкарув аудити деганда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг бошкарув тизими самарадорлигини ошириш максадида амалга оширилган аудит тушунилади. Бошкарув аудитининг объекти бўлиб хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий тузилмалари (бўлинмалари) фаолияти, хўжалик жараёнлари, уларга сарфланган харажатлар ва бошкалар хисобланади. Ушбу аудит хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг таъсисчилари ва инвесторларининг ташаббуси билан ўтказилади.

Аудитнинг асосий вазифалари бўлиб куйидагилар хисобланади:

- шартномаларда кўрсатилган комплекс ёки тематик аудит объектлари бўйича харакатдаги конунлар ва бошка меъёрий хужжатларга амал килинганликни аниклаш, мавжуд камчиликларни очиб бериш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия хисоби ва хисоботи холатини бахолаш ва унга хулоса бериш;
- мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аник тавсияларни ишлаб чикиш;

• хўжалик юритувчи субъектларга хисобни юритиш, уни тиклаш, солик декларацияларини тузиш, мавжуд камчиликларни бартараф килишда амалий ёрдам кўрсатиш, маслахатлар бериш ва бошкалар.

14.2. Аудитнинг предмети ва объектлари

Аудит, бир томондан махсус аудиторлик ташкилотларининг фаолияти, иккинчи томондан, махсус иктисодий фан сифатида ўзининг предметига ва аник объектларига эга.

Аудитнинг предмети деганда аудиторлик текшируви ўтказиладиган объектлар мажмуаси тушунилади. Бундай объектлар бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти, ушбу фаолиятни ташкил этувчи барча жараёнлар ва операциялар, хўжалик маблағлари, маблағларни ташкил топиш манбалари, хисоб-китоблар, ўзаро муносабатлар, молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичлари, уларни акс эттирувчи бошланғич, оралик ва йиғма хужжатлар, молиявий ва статистик хисоботлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг рахбарлари хамда бошка маъсул ва моддий жавобгар шахсларнинг фаолиятлари, буйруклар, карорлар ва бошкалар хисобланади. Фаолият сифатида аудит юкорида келтирилган объектларни текшириш, уларга бахо бериш ва бирон-бир хулосага келишни билдиради. Иктисодий фан сифатида аудит белгиланган объектларни текшириш тартибини, текшириш натижаларини чикариш, расмийлаштириш ва тадбик этиш усулларини ўргатади.

Аудитнинг предмети ва объектлари белгиланган аудиторлик текширувининг турига, максадига ва унга кўйилган вазифаларга боғлик бўлади. Мисол учун, комплекс аудитнинг предмети сифатида хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир хисобот йиллардаги молиявий хўжалик фаолияти олиниши мумкин. Тематик аудитнинг предмети сифатида бухгалтерия хисобининг маълум бир бўлими ёки молиявий хўжалик фаолиятининг аник кўрсаткичи танлаб олиниши мумкин. Бундан хулоса килиш мумкинки, аудитнинг предмети ва объектлари жуда кенг камровлидир.

Аудитни факат бухгалтерия хисобига тегишли деб ўйламаслик керак. Бухгалтерия хисоби, унда акс эттириладиган объектлар (1-бобга каранг), албатта, аудитнинг мухим объектлари хисобланади. Шунинг билан бирга аудитнинг объектлари бўлиб бошкарув хужжатлари (бизнес-режа, буйруклар, карорлар, устав, шартномалар, баённомалар), маъсул ва моддий жавобгар шахслар фаолияти, улар ўртасидаги муносабатлар ва бошкалар хам хисобланади (15-чизмага каранг).



***15-чизма*. Аудитнинг предметини ташкил килувчи объектлар**

Аудит фан сифатида «Молиявий хисоб», «Бошкарув хисоби», «Тармокларда бухгалтерия хисоби», «Молиявий тахлил», «Бошкарув тахлили», «Молия», «Солик ва солик солиш» ва шу каби корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини турли жабхаларини ўрганувчи барча бошка иктисодий фанлар билан чамбарчас боғликдир. Ушбу фанлар берувчи иктисодий билимларсиз, бир томондан, аудит фанининг мохиятини тўлик тушуниб бўлмайди, иккинчи томондан аудитни амалий фаолият сифатида ўтказиб бўлмайди. Билимдан аудитор бўлиш ушбу тизим ходимларидан барча иктисодий билимлар сохаларини назарий асосларини, шунингдек амалий кўникмаларини чукур билишни таъказо этади.

14.3. Аудитнинг методи ва унда кўлланиладиган усуллар

Аудит текшириш объектларини макон ва замонда мавжудлигига, уларни доимий ривожланиш диалектикасига асосланади. Айнан шундай ёндашиш аудитнинг фаолият ва фан сифатидаги методини ташкил этади.

Аудит методининг мохияти унинг объектларини акс эттириш ва ўрганишда кўлланиладиган усулларнинг мазмунида ўзининг ёркин аксини топади. Бундай усуллар бўлиб, жумладан, куйидагилар хисобланади (16-чизмага каранг)





16-чизма. **Аудитда кўлланиладиган усуллар.**

16-чизмадан кўриниб турибдики, аудиторлар аудиторлик текширувини ўтказишда бухгалтерия хисобида кенг кўлланиладиган усуллардан тўлиғича фойдаланадилар. Ушбу усулларнинг мохияти китобнинг 2-бобида очиб берилган. Аудит ўтказишда бухгалтерия хисоби хужжатларининг ва улардаги ёзувларнинг хакконийлигини (мисол учун, имзоларнинг хакконийлиги, хужжатларни кимнинг хуснихати билан тўлдирилганлиги ва шу кабиларни) аниклаш заруриятлари туғилиши мумкин. Бундай холларда хужжатлар суд-бухгалтерия экспертизаси оркали текширтирилади.

Аудиторлар текшириш давомида тегишли исботларни йиғиш ва жамлаш учун танлаб текшириш, тест, хронометраж, жадваллар тузиш ва шу каби бошка тахлил ва математик-статистика усулларидан кенг фойдаланадилар.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри
а) аудит бухгалтерия хисобининг давоми
б) аудит бухгалтерия хисобининг дастлабки боскичи
в) аудит молиявий хисоботга бахо бериш усули
г) аудит баланс ва хисоботнинг бошка шаклларини тузиш усули
2.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри
а) аудит жисмоний шахслар фаолияти
б) аудит хусусий тадбиркорнинг фаолияти
в) аудит махсус лицензияга эга аудиторлик ташкилотининг фаолияти
г) аудит бухгалтерлик фирмасининг фаолияти
3.Иш хакини тўғри хисобланганлиги ва ундан ушланмаларни текшириш
а) комплек аудит хисобланади
б) тематик аудит хисобланади
в) бошкарув аудити хисобланади
г) молиявий аудит хисобланади

4.Куйидагиларни кайси бири аудиторлик ташкилотининг фаолиятига тааллукли эмас?

а) дебиторларнинг карзларини ўндириб бериш
б) ходимларга иш хаки хисоблаб бериш
в) курилиш объекти лойихасини тайёрлаб бериш
г) акциялар га дивиденд хисоблаб беришсони

5. **Прокуратура буюртмаси билан ўтказилган аудит хакини тўлайди**

а) аудит ўтказилган корхона
б) прокуратура
в) аудиторлик фирмаси
г) аудиторлар

6. Аудитнинг объекти хисобланмайди

а) пул киримлари
б) пул чикимлари
в) солик тўловлари
г) солик органининг карори

7**. Аудиторлик текширувидан мажбурий ўтади**

а) кўшма корхона
б) хусусий корхона
в) давлат корхонаси
г) хорижий хусусий корхона

8. **Кўп сонли счёт-фактуралар**

а) ялпи текширилади
б) танлаб текширилади
в) ёппасига экспертиза килинади
г) умуман текширилиши шарт эмас

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисида конуни. 2000 йил 26 майда тасдикланган.

2.Аудиторлик фаолиятин такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг ахамиятини ошириш тўғрисида. Ўз.Р. ВМ нинг 2000 йил 22 сентябрдаги 365- сон карори.

3.Аудиторлик хулосаларини солик органлари ва бошка назорат органлари томонидан хисобга олиш тартиби тўғрисида Низом. Ўз.Р. ВМ нинг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон карори билан тасдикланган.

4.Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ўндириш тартиби тўғрисида Низом. Ўз.Р. ВМ нинг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон карори билан тасдикланган.

5Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисида Низом. Ўз.Р. ВМ нинг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон карори билан тасдикланган.

6.Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низом. Ўз. Р. н ўтган, 977.

7.Назорат килувчи органлар томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириишларни мувофиклаштириш тартиби тўғрисида Низом. Ўз. Р. Адлия Вазирлигидан 2001 йил 26 апрелда рўйхатдан ўтган, 1029.

8.Аудит.Учебник. По редакцией профессора В.И.Подольского. ЮНИТИ, Москва, 2000

9.Аренс Э.А. Лоббек Дж.К. Аудит. Москва, «Финансы и статистика», 1995

10..Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. Москва, «Финансы и статистика», ИО ЮНИТИ, 1992

11.Мусаев Х.Н. Аудит, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003

12.Робертсон Джю Аудит, Москва, КРМ Аудиторская фирма «Контакт»,1993

13. Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит, «Шарк» нашриёти, Тошкент,2001

14.Справочник аудитора. Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Республики Узбекистан, Ташкент, 1996.

15.Тўлахўжаева М. Корхона молиявий ахволи аудити, Тошкент,1996

XY –боб. АУДИТНИНГ ХУКУКИЙ ВА ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

15.1.Аудитнинг хукукий асослари

Аудит, олдинги бобда айтиб ўтганимиздек, давлат томонидан тартибга солинадиган тизим. Бу хам ички, хам ташки аудитга тааллуклидир.

Ички аудитнинг хукукий-меъёрий асослари республикамизда «Корхоналар тўғрисида Конун», «Бухгалтерия хисоби тўғрисида Конун» хамда бошка Конунлар ва меъёрий хужжатларда белгиланган. Ушбу Конунлар ва меъёрий хужжатларга мувофик хўжалик юритувчи субъектларнинг рахбарлари ички аудитга доир хужжатларни ишлаб чикишлари ва уларга амал килишлари лозим.

Ташки аудитнинг хукукий –меъёрий асослари республикамизда юкорида келтирилган конунлардан ташкари «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Конун», хукумат карорлари, аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС), йўрикномалар ва бошка меъёрий хужжатларда белгиланган.

29 та моддадан иборат «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Конун» аудитнинг мохиятини, унинг турлари, максади ва вазифаларини, аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотларнинг статусини, яъни уларни тузиш ва ёпиш тартибини, аудиторлик фаолиятини лицензиялаш, лицензияларни тўхтатиш ва бекор килиш тартибини, аудиторлик ташкилотларининг, шунингдек аудиторлар ва уларнинг ёрдамчиларининг хукуклари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини, аудиторлик текшируви натижаларини расмийлаштириш ва тадбик этиш тартибини белгилаб берувчи асосий хужжат хисобланади.

Конунга мувофик ташки аудит республикамизда факатгина махсус лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Аудиторлик ташкилотлари конунларга асосан факат жисмоний шахслар томонидан хусусий корхоналар ва компаниялар статусида (маъсулияти чекланган жамият, фирма, ёпик акционерлик жамияти кўринишларида) ташкил этилади. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг таъсисчилигида аудиторлик ташкилотларини тузиш катъиян ман этилади.

Аудиторлик ташкилотларини тузишда, шунингдек улар фаолиятини лицензиялашда маълум тартибларга амал килинади, жумладан Конуннинг 5-моддасига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Махкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг ахамиятини ошириш тўғрисида» 365-сон карори ва ушбу карор билан тасдикланган «Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисида Низом» га мувофик:

- аудиторлик ташкилотлари устав капиталининг энг кам микдори таъсис этиш санасида энг кам иш хакининг камида 1200 баробарига тенг бўлиши керак;
- ушбу устав капиталининг энг камида 51 фоизи битта ёки бир нечта аудиторларга тегишли бўлиши керак;
- аудиторлик ташкилотининг штати камида иккита аудитордан ташкил топиши лозим;
- аудиторлик ташкилотининг рахбари албатта аудитор бўлиши керак.

Аудиторлик ташкилотларининг устав капиталини шакллантириш муддати бошка юридик шахслар сингари ташкил этилган кундан бошлаб бир йил хисобланади. Ушбу муддатда ўз устав капиталини шакллантирмаган аудиторлик ташкилотлари юридик статусга эга бўлмайдилар ва конун хужжатларига мувофик ёпилиши лозим.

Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолияти билан факатгина лицензия олган кундан бошлаб шуғулланиш хукукига эгадирлар. Лицензия олган кунгача ўтказилган аудиторлик текшируви конуний хисобланмайди, ушбу тартибга амал килмаган аудиторлик ташкилотларининг фаолияти Молия Вазирлигининг буйруғи билан тўхтатилади, тегишли холда унинг лицензияси бекор килинади.

Конунга ва Низомга мувофик аудиторлик фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Олинган лицензия факат беш йил муддатда кучга эга. Ушбу муддат тугагач аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини факатгина янги лицензия олган кундан бошлаб давом эттириши мумкин.

Конун аудиторлик ташкилотларининг ходимлари статусини белгилаб берувчи асосий хужжатдир. Бундай ходимлар бўлиб аудиторлар, аудиторларнинг ёрдамчилари хисобланади. Конунга мувофик (3,4-моддалар):

- **аудитор** – бу квалификацион сертификатга эга бўлган жисмоний шахс. Бундай квалификацион сертификат Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдикланган ўкув дастурига мувофик махсус курсларни битирган ва малака сертификати учун ушбу вазирликнинг буйруғи билан тасдикланган давлат аттестацияси комиссиясига имтихонларни муваффакиятли топширган шахсларга берилади.
- **аудитор ёрдамчиси –**бу квалификация сертификатига эга бўлмаган, аудит текширувига аудитор топшириғи билан катнашган, лекинда аудиторлик

хисоботига, аудиторлик хулосасига, аудиторнинг эксперт хулосасига имзо чекиш хукукига эга бўлмаган жисмоний шахс. Аудиторларнинг ёрдамчилари аудиторлик ташкилотига мехнат шатномалари асосида ишга олинади. Уларнинг ёрдамчи сифатида ишлаган вактлари аудиторлик квалификацион сертификатини олиш учун зарур бўлган иш стажига кўшилади. Аудиторларга тегишли бўлган маълумотларни сир саклаш талаби аудиторларнинг ёрдамчиларига хам тўлик тааллуклидир.

Аудиторлик ташкилотлари Конунга мувофик (6-модда) куйидаги хукукларга эга:

- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида карор кабул килиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис хужжатлари хамда бухгалтерия хисоби ва молиявий хисобот билан олдиндан танишиб чикиш;
- аудиторлик текшируви ўтказилаётганда хўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молиявий хўжалик фаолияти билан боғлик хужжатларни тўлик хажмда олиш, шунингдек ушбу хужжатларда хисобга олинган хар кандай мол-мулкнинг ва мажбуриятларнинг амалдаги холатини текшириш;
- аудиторлик текширувини ўтказиш давомида юзага келган масалалар бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш хамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган кўшимча маълумотларни олиш;
- учинчи шахслар томонидан ёзма тасдикланган ахборотларни хўжалик юритувчи субъектдан олиш;
- ишончли аудиторлик хулосасини тузиш учун зарур бўлган барча ахборотларни хўжалик юритувчи томонидан такдим этилмаган такдирда аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш;
- аудиторлик текширувини ўтказишда иштирок этишга аудиторларни ва бошка мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш ва бошкалар.

Аудиторлик фаолияти тўғрисида Конунга (7-модда) мувофик аудиторлик ташкилотлари факат аудиторлик фаолияти билан шуғулланишлари лозим, ушбу фаолиятни юритишда улар ўз зиммаларига куйидаги мажбуриятларни олишлари керак:

- конун хамда конун хужжатлари талабларига риоя этишлари;
- аудиторлик текшируви ўтказилаётган хўжалик юритувчи субъектга тегишли лицензияни, хамда аудитор (аудиторлар)нинг малака сертификатини такдим этишлари;
- олинган ва тўпланган ахборотларнинг махфийлигига риоя этишлари;
- аудиторлик хисоботида молиявий-хўжалик операцияларининг конунийлиги бузилиш холларини хамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни акс эттиришлари;
- мансабдор шахслар ва ходимлар томонидан етказилган зарарлар аникланган такдирда бу хакда хўжалик юритувчи субъект рахбариятини (мулкдорни) хабардор килиш, ушбу далилларни аудиторлик хисоботида кад этиш, зарур холларда аудиторлик текшируви натижаларини маълум килиш учун конун хужжатларида белгиланган тартибда катнашчиларнинг (акциядорларнинг) умумий йиғилишини чакирилишини талаб килишлари ва бошкалар.

Аудиторлик текширувидан хар йили ўтказилган, охирги икки йил учун уларнинг хар бирига ижобий аудиторлик хулосаларига эга бўлган ва бюджет олдида бокимандалик карзига эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-

сон карори билан тасдикланган «Аудиторлик хулосаларини солик органлари ва бошка назорат органлари томонидан хисобга олиш тартиби тўғрисида Низом»га мувофик охирги текшириш ўтказилгандан кейин камида 24 ойдан олдин солик органлари ва бошка назорат органлари томонидан текширилмайди. Бу ўз навбатида аудиторлик ташкилотларига катта маъсулиятни ва жавобгарликни юклайди. Юкорида номи зикр этилган Низомга асосан солик ва бошка назорат органлари томонидан белгиланган тартибда ўтказилган текширишларда аудиторлик хулосасининг хўжалик юритувчи субъект молиявий хўжалик фаолияти натижаларига мувофик эмаслиги аникланган такдирда, ушбу аудиторлик хулосаси нотўғри деб хисобланади, шунингдек аудиторлик ташкилоти, унинг аудитори (аудиторлари) конунда назарда тутилган жавобгарликка тортилади. Ушбу жавобгарлик аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектга солик ва мажбурий тўловларни нотўғри хисоб-китоб килинганлигидан етказилган зарарларни коплап бериш, лицензия фаолиятини вактинчалик тўхтатиш, уни бекор килиш, аудиторларни малака сертификатини бекор килиш, атайлаб килинган холатлар учун конун доирасида жиноий жавобгарликга тортишгача жазо чораларини кўллашдан иборат.

Аудиторлик ташкилотлари Конунга мувофик (17-модда) аудиторлик текширувидан ташкари мижозларга касбий хизматларни (хисобни юритиб бериш, уни тиклаш, солик хисоб-китобларини тузиб бериш, молиявий хўжалик фаолиятини тахлил килиш, маслахатлар бериш ва бошкалар) кўрсатишлари хам мумкин. Ушбу касбий хизматларни конун доирасида тўғри ўтказилганлигига аудиторлик ташкилотлари худди аудиторлик текшируви сингари жавобгардирлар.

Конунга мувофик (16-модда) аудиторлик ташкилотлари касбий хизматлар кўрсатган хўжалик юритувчи субъектларга бир вактнинг ўзида аудиторлик текширувини хам ўтказиб беришлари мумкин эмас. Бундан ташкари, Конуннинг 16-моддасига мувофик аудиторлик текширувини ўтказишда бошка маълум чекловлар хам мавжуд, жумладан аудиторлик текширувини ўтказаётган аудитор (аудиторлар) хўжалик юритувчи субъектнинг рахбарлари ва бошка мансабдор шахслари билан якин кариндош бўлмаслиги, ушбу хўжалик юритувчи субъектда мулкий ёки шахсий номулкий манфаатларга эга бўлмаслиги, давлат хокимияти ва бошкарув органларининг, шунингдек, хўжалик бошкарув органларининг мансабдор шахслари бўлмаслиги, айнан текшириш ўтказилаётган корхонанинг ходими, мулк иштирокчиси, акциядори бўлмаслиги лозим.

Аудитнинг хукукий-меъёрий хужжатлари ичида аудиторлик фаолияти бўйича ишлаб чикилган миллий стандартлар (АФМС) хам катта ахамият касб этади. АФМС лар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Конун» асосида ишлаб чикилиб, аудитнинг у ёки бу жихатларини, уни ўтказиш тартиблари, усул ва услублари, аудиторларнинг харакатлари ва бошка томонларини амалиётга тадбик этишда асос бўладиган меъёрий хужжатлардир. АФМС лар Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан ишлаб чикилади ва Адлия Вазирлигидан рўйхатга ўтган санадан 10 кундан кейинги санадан бошлаб кучга киритилади. Республикамизда охирги 4 йилда куйидаги АФМСлар кабул килинган ва амалиётда кўлланилмокда:

АФМС Коди	**АФМС нинг номи**	**Рўйхатга олинган вакти ва тартиб**	**АФМС нинг кискача изохи**

		раками	
3-АМС	Аудитни режалаштирилиши	1999 йил 10 ноябрь, №837	Аудитни режалаштирилиши бўйича талаблар ва меъёрлар белгиланган
4-АМС	Мижознинг фаолияти (бизнеси) билан танишиш	1999 йил 3 сентябрь, № 810	Мижознинг фаолият (бизнеси) билан танишиш тартиби ва меъёрлари белгиланган
5-АМС	Аудитор ишининг сифатини назорат килиш	1999 йил 3 сентярь, № 811	Аудитор ишининг сифатини назорат килиш меъёрлари аникланган ва белгиланган
6-АМС	Аудитни хужжатлаштириш	1999 йил 3 сентябрь, №812	Аудиторлик ташкилотлари (аудиторлар) томонидан аудитнинг ишчи хужжатларини тайёрлаш бўйича ягона талаблари белгиланган
9-АМС	Мухимлилик ва аудиторлик хатари	1999 йил 3 сентябрь, № 813	Аудиторлик исботи ва хатари бўйича меъёрлар ва талаблар белгиланган
10-АМС	Молиявий хисоботда ёритиладиган бошка ахборотлар	1999 йил 23 сентябрь, № 822	Молиявий хисоботдаги бошка маълумотлардан фойдаланиш тартиби ва талаблари белгиланган
11-АМС	Маълумотларни компьюьерли ишлови шароитида аудитни ўтказиш	1999 йил 23 сентябрь, № 823	Маълумотларни компьютерли ишлови шароитида аудитни ўтказиш тартиби ва меъёрлари белгиланган
13-АМС	Аналититик процедуралар	1999 йил 3 сентябрь, № 814	Аналитик текширувда кўлланиладиган аналитик процедуралар ва уларга кўйиладиган меъёрлар белгиланган
14-АМС	Аудиторлик танлови	1999 йил 3 сентябрь, № 815	Аудиторлик танлови, унга бўлган талаблар ва меъёрлар белгиланган
16-АМС	Эксперт ишидан фойдаланиш	1999 йил 3 сентябрь, № 816	Аудиторлик текширувига экспертни жалб этиш ва унинг иш фаолияти натижаларидан фойдаланиш бўйича аудиторлик ташкилотининг харакатлари белгиланган
24-АФМС	Молиявий хисоботда бузиб кўрсатишлар аникланганда аудиторлик ташкилотининг харакати	2001 йил 31 июнь, № 1045	Молиявий хисоботда бузиб кўрсатишлар аникланганда аудиторлик ташкилотининг харакатлари белгиланган
25-АФМС	Аудиторлик текширувини ўтказишда	2003 йил 10 март, № 1223	Аудиторлик текширувини ўтказишда меъёрий –хукукий хужжатларга амал килинишини текширишни меъёрлари

	меъёрий –хукукий хужжатларга амал килинишини текшириш		ва тартиби белгиланган
31-АФМС	Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти билан танишиш	2001 йил 21 июнь, № 1043	Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти билан танишиш тартиби ва унга кўйиладиган талаблар белгиланган
50-АФМС	Аудиторлик далиллари	2002 йил 18 апрель, № 1128	Аудиторлик текшируви пайтида олинган аудиторлик далилларининг микдорига, сифатига, шунингдек ушбу далилларни олиш максадида бажариладиган амалларга нисбатан талабларни белгилаган
55-АФМС	Ўзаро боғлик шахслар ўртасидаги битимлар бўйича аудиторлик далилларини олиш таомиллари	2003 йил 3 март, 1224	Ўзаро боғлик шахслар билан боғлик битимларни аниклаш максадида аудиторлик ташкилотлари томонидан бажариладиган аудиторлик таомиллари кўрсатилган
56-АФМС	Молиявий хисоботни тузиш санасидан кейинги ходисалар	2003 йил 23 апрель, № 1236	Молиявий хисоботни тузиш санасидан кейинги ходисалар ва уларни молиявий хисоботда акс эттириш тартиби белгиланган
60-АФМС	Бошка аудиторлар иш фаолияти натижаларидан фойдаланиш	2003 йил 2 март , № 1221	Бошка аудиторлар иш фаолияти натижаларидан фойдаланиш тартиби ва меъёрлари белгиланган
70-АФМС	Аудитор хисоботи ва молиявий хисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси	2001 йил 10 март, № 1016	Аудиторлик хисоботи ва молиявий хисобот тўғрисида аудиторлик хулосасига талаблар ва меъёрлар белгиланган
80-АФМС	Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудиторнинг хисоботи	2003 йил 19 февраль, № 1220	Махсус саволни текшириш натижалари бўйича аудитор хисоботининг тузиш тартиби белгиланган
90-АФМС	Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматлари	2001 йил 10 март, 1017	Аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматларига талаблар белгиланган

Аудиторлик текшируви бўйича аудиторлик ташкилотлари ўзларининг ички стандартлари (тартиблари) ни хам яратишлари мумкин. Бундай стандартлар бўлиб

масалан, аудиторлик ташкилоти рахбари томонидан тасдикланган ички тартиб-интизом, комплекс ва тематик аудиторлик текширувининг дастурлари, аудиторлик хисоботлари ва хулосаларни тайёрлаш ва топшириш тартиби ва бошкалар хисобланиши мумкин. Ички стандартлар харакатдаги Конунлар ва аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари талабларига мос келиши керак.

5.2. Аудитнинг ташкилий асослари

Аудитни ташкил этишни шартли равишда куйидаги тўртта боскичга бўлиш мумкин:

Боскич	Боскичнинг номи ва унда амалга ошириладиган ишлар
1- боскич	**Аудитни бошлашга кадар бўлган боскич**. Ушбу боскичда куйидаги ишлар амалга оширилади: • *аудит ўтказувчи субъектнинг ёзма буюртмаси кабул килинади;* • *аудит ўтказувчи субъектга аудит ўтказишга аудитор юборилиб, аудит ўтказувчи субъект, унинг хисоб ва хисоботининг дастлабки холати ўрганилади, аудитнинг объектлари, иш хажми, аудиторлик хатарининг даражаси белгиланади;* • *аудит ўтказувчи субъект номига аудит ўтказиш мажбуриятини олиш тўгрисида розилик хати тайёрланади,ушбу хатда аудит ўтказиш бўйича шартлар, жумладан аудиторлик хатари даражаси, кўрсатилади;* • *аудит ўтказиш бўйича шартлар ўзаро келишилгандан сўнг аудит ўтказиш тўгрисида шартнома тузилади;* • *аудитнинг дастури тузилади ва уни ўтказиш графиги*

	белгиланади. • *Аудиторлар ўртасида функционал мажбуриятлар ўзаро таксимланади, уларга ёрдамчилар белгиланади.*
2- боскич	**Аудиторлик текширувини ўтказиш боскичи.** Ушбу боскичда тасдикланган дастурга мувофик аудит объектлари танланган усулларда текширишдан ўтказилади
3-боскич	**Аудиторлик текшируви натижаларини жамлаш ва расмийлаштириш боскичи.** Ушбу боскичда аудиторлик текшируви маълумотлари (исботлари) хар бир объект бўйича жамланади. Маълумотлар (исботлар) жадваллар кўринишида жамланади. Барча маълумотлар (исботлар) жамлангач, ёзма аудиторлик хисоботи тайёрланади. Аудиторлик хисоботида барча камчиликлар кўрсатилади ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади.
4-боскич	**Аудиторлик текшируви натижаларини тадбик этиш боскичи.** Ушбу боскичда аудиторлик текшируви натижалари мухокама этилади, аникланган четланишлар бўйича тузатишлар, кайта хисоб-китоблар амалга оширилади. Тузатилган хисобот бўйича аудиторлик хулосаси берилади.

Куйида аудитни ташкил этишнинг 1-боскичида амалга ошириладиган ишларнинг ва тузиладиган хужжатларнинг мохиятига тўхталиб ўтамиз.

Аудит ўтказувчи субъектнинг ёзма буюртмаси – бу хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик ташкилотига берган расмий хати –мурожаатномаси бўлиб, унда кайси хисобот даври учун, кандай объектлар бўйича аудитнинг аник турини ўтказиб бериш бўйича шартнома тузиш сўралади. Ёзма буюртма буюртмачи корхонанинг рахбари томонидан имзоланади.

Буюртмачида ўтказиладиган дастлабки кузатишлар. Бундай кузатишни аудиторлик ташкилотининг рахбари ёки унинг вакил этиб юборган аудитори амалга оширади. Дастлабки кузатишда корхонанинг таъсис хужжатлари ўрганиб чикилади, унинг юридик статусининг тўликлиги аникланади, бош китоб ва молиявий хисобот маълумотлари дастлабки визуал назоратдан ўтказилади. Корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти кўрсаткичлари, жумладан банкротлик белгилари ўрганилади, операциялар ва уларга тегишли хужжатларнинг сони ва хажми аникланади. Хужжатларнинг сифати, уларнинг маълумотларини хисоб маълумотлари билан уйғунлиги танлаб текширилади. Корхонада ички назорат тизимининг мавжудлиги, унинг таъсирчанлиги бахоланади. Бу кузатишлар аудит текшируви бўйича иш хажмини аниклашга, аудиторлик хатарининг даражасини белгилашга, шунингдек иш кийматини келишишга асос бўлади.

Аудит бўйича иш хажми . Аудиторлик текширувида аудиторлар томонидан бажариладиган ишнинг хажми аудиторлик текширувининг турига, объектлар сонига, операциялар ва улар бўйича тузилган бошланғич хужжатлар сонига, хисобни юритиш холати ва усулларига, солик тўловлари таркибига ва бошкаларга караб тахминланади. Иш хажмини хар бир текширув объектига сарфланиши мумкин бўлган кунлар сонига караб хам белгилаш мумкин.

Аудиторлик хатари – бу аудиторларнинг ўзларига боғлик ва боғлик бўлмаган сабабларга кўра молиявий хисоботнинг тўғрилиги бўйича аудиторлик хулосасини беришда йўл кўйиши мумкин бўлган хатоларининг бахоланган микдори. Ушбу хатоларнинг микдори,одатда,фоизларда ифодаланади, уни сўмларда хам ифодалаш мумкин. Аудиторлик хатарининг даражаси аудитор томонидан дастлабки кузатувни ўтказиш вактида аникланади.

9-сон АФМС «Аудиторлик исботи ва хатари» га мувофик дастлабки кузатиш вактида бахоланадиган умумий аудиторлик хатарининг даражаси куйидаги умум кабул килинган математик модел ёрдамида топилади:

AR = IR * CR * DR

Бу ерда: AR (audit risk) – умумий аудиторлик хатарининг даражаси, яъни молиявий хисоботга нотўғри хулоса бериш эхтимоли;

IR (inherent risk) – ички хўжалик хатарининг даражаси, яъни хисобдаги хатолар эхтимоли;

CR (control risk) – назорат тизими хатари даражаси, яъни ички назорат тизимининг самарасизлик эхтимоли;

DR (detection risk) -хатоларни топа олмасликдан вужудга келадиган хатар даражаси, яъни хатони топа олмаслик эхтимоли

Ички хўжалик хатари (IR) деганда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хисоботига ишончсизликни туғдирадиган ички хўжалик омилларидан вужудга келадиган хатар тушунилади. Бундай хатар, масалан, бош бухгалтерни ёки бухгалтерларни хисобот йилида кўп маротаба ўзгартирилганлигидан, уларни малакасини пастлигидан, меъёрий хужжатлар билан таъминланганликнинг паст даражасидан, бухгалтерия ходимлари ўртасида функционал мажбуриятларни таксимланмаганлигидан, иш жараёнларидаги доимий узилишлар ва ходимларнинг мажбурий кўшимча таътилларга чикариб юборилганлигидан, иш хакини ўз вактида берилмаётганлигидан, сотиш хажмини ўтган йилларга нисбатан камайганлигидан ва бошка холлардан келиб чикади. Ушбу хатарни аудитор канчалик паст даражада белгиласа, у шунчалик хулоса килишда кўп хатога йўл кўйиши мумкин, бу билан у ўзининг умумий аудиторлик хатари даражасини кам белгилаган хисобланади. Ички хўжалик хатари даражаси канчалик юкори деб белгиланса, аудиторлик исботини талаб киладиган далилларни йиғиш сони шунчалик кўп бўлиши лозим. Факатгина аудиторлик исботини кўп йиғиб, аудитор ўз хатосини минимумга етказиши мумкин.

Назорат тизими хатари (CR) – бу аудиторнинг корхонада мавжуд ички назорат тизимининг мавжуд холатига, унинг таъсирчанлигига берган бахосидан келиб чикадиган хатар. Ички назорат тизимининг мавжудлиги, унинг хакикатда кучли таъсирининг борлиги, самарали фаолият кўрсатаётганлиги аудиторнинг хулосада кам хато килишининг мухим омили хисобланади. Назорат тизими хатарини паст даражада белгиланиши, албатта, аудитор томонидан йиғиладиган исботлар сонини камайишига олиб келади, бу ўз навбатида аудиторнинг умумий аудиторлик хатарини ошишига сабабчи бўлади.

Хатоларни топа олмасликдан вужудга келадиган хатар (DR) деганда аудитор томонидан ўтказилган аудиторлик теширувида мавжуд хатоларни топа олмаганлигидан келиб чикадиган хатар тушунилади. Аудитор исбот ва далилларни канчалик кам тўпласа, ушбу хатарнинг даражаси шунчалик юкори бўлади, мос равишда аудиторнинг умумий аудиторлик хатари даражаси хам шунчалик юкори бўлади. Аудитор исбот ва далилларни канчалик кўп тўпласа, хатоларни топа олмасликдан вужудга келадиган унинг хатари шунчалик паст бўлади.

Хатоларни топа олмасликдан вужудга келадиган хатар даражасини умумий аудиторлик хатарининг белгиланган даражаси, шунингдек ички хўжалик хатари ва назорат тизими хатарининг белгиланган даражаларидан келиб чикган холда юкорида келтирилган математик модел бўйича куйидагича топиш мумкин:

$$DR = AR / IR * CR$$

Мисол. *Айтайлик аудитор дастлабки кузатишда фойда солиғи хисоб-китоби бўйича хатар даражаларини тахминан куйидагича бахолади: IR – 80 %, CR –70%, AR –1 %.*

Ушбу холда DR = 0,01 / 0,8 * 0,7 = 0,018 яъни умумий аудиторлик хатари ўртача 1,8 % ни ташкил этади. Айтайлик, корхона ўртача бир йилда 10 млн. сўм микдорида фойда солиғи тўловчи деб хисобласак, аудиторнинг текшириш олдидан белгилаган умумий хатари ушбу соликни текширишда 180 минг сўмгача хатога йўл кўйиш эхтимолини билдиради. Демак, DR – хатони топа олмаслик эхтимоли канчалик катта бўлса, нотўғри хулоса бериш эхтимоли шунчалик бкори бўлади. IR ва CR даражаларини аудитор канчалик катта белгиласа, яъни уларга канчалик кўп ишончсизлик билан караб, исботлар сонини оширса, AR нинг белгиланган даражаси 1 фоиздан ошмаса, хатони топмаслик эхтимоли шунчалик кам бўлади, бу -ишончли аудиторлик хулосасига эришиш мумкин дегани.

Аудиторлик хатарларининг турлари бир-бирлари билан узвий боғлик хисобланади. Уларнинг даражаларини тўғри бахолаш аудитор томонидан тўплаши лозим бўлган исбот ва далилларнинг сонини, яъни унинг иш хажмини, тўғри аниклашга имкон беради. Аудиторлик исботи сонларининг аудиторлик хатари турлари даражаси билан алокаларини куйидагича ифодалаш мумкин:

Умумий аудиторлик хатари (AR)	**Ички хўжалик хатари (IR)**	**Назорат тизими хатари (CR)**	**Хатоларни топмаслик хатари (DR)**	**Зарур бўлган исботлар сони**
Юкори	Паст	Паст	Юкори	Кам
Паст	Паст	Паст	Ўртача	Ўрта
Паст	Юкори	Юкори	Паст	Кўп
Ўртача	Ўртача	Ўртача	Ўртача	Ўрта
Юкори	Паст	Ўртача	Ўртача	Ўрта

Аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича розилик хати –бу дастлабки кузатишлар тугагач буюртмачига такдим этиладиган хужжат. У ўзида дастлабки кузатишларнинг натижалари, аудиторлик текшируви бўйича хисобланган иш хажми, аудиторлик хатарининг даражаси, таклиф этилаётган киймат, ишни

бажариш бўйича таклиф этилган муддатларни, бажарувчиларни ва бошкаларни акс эттиради.

Аудиторлик фаолияти тўғрисида шартнома – бу аудиторлик ташкилоти ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида аудиторлик текшируви ёки бошка касбий хизматларни кўрсатиш бўйича ўзаро муносабатларга статус берувчи юридик хужжат. Ушбу шартномада аудиторлик фаолиятининг аник тури (аудиторлик текшируви, консалтинг, бухгалтерия хисобини юритиш, бухгалтерия хисобини тиклаш ва шу каби бошка касбий хизматлар), уларни кайси давр учун ўтказилиши, ўтказилиш муддатлари, томонларнинг хукук ва мажбуриятлари, жавобгарликлари, ишнинг киймати, форс-мажор холатлар ва бошкалар аник кўрсатилади. Аудиторлик фаолияти бўйича тузиладиган шартномалардан намуналар 3,4-иловаларда келтирилган.

Аудиторлик текшируви дастури – бу аудитор томонидан тузиладиган, аудиторлик ташкилоти рахбари ва буюртмачи ташкилот рахбари томонидан тасдикланадиган хужжат. Дастур ўз ичига текшириладиган объектлар, жараёнлар, операциялар, саволлар рўйхатини, текшириш муддатларини, шунингдек жалб этиладиган аудитор ёрдамчиларининг фамилияси, исми-шарифини ва буюртмачи ташкилот томонидан жалб этиладиган маъсул ходимларнинг фамилияси ва исми-шарифларини олади. Аудиторлик дастури шартномага илова сифатида ёки алохида хужжат сифатида тасдикланади. Аудиторлик дастуридан намуна 5-иловада келтирилган.

Аудиторлик ташкилоти рахбарининг буйруғи –бу тузилган шартнома ва дастурга мувофик хўжалик юритувчи субъектларга аудиторлик теширувига сафарбар этилган аудиторлар ва уларнинг ёрдамчилари шахсларини тасдикловчи хужжат. Ушбу буйрук аудиторлик ташкилотида аудиторларга ва уларнинг ёрдамчиларига бажарган ишлари учун мехнат хакини хисоблашга хам асос бўлади. Аудиторлик текширувига аудиторларни сафарбар этиш тўғрисидаги буйрукдан намуна 6-иловада келтирилган.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Куйидагиларнинг кайси бири тўғри

а) аудит Конун устиворлигига дахлдор эмас

б) аудит Конун устиворлигига бўйсинади

в) аудит стандартлари меъёрий хужжат хисобланмайди

г) аудит стандартлари биринчи даражали меъёрий хужжатдир

2.Аудитор

а) малакали бухгалтер

б) малака сертификатига эга жисмоний шахс

в) махсус лицензияга эга жисмоний шахс

г) тафтишчи

3.Аудитор ёрдамчиси

а) малака сертификатга эга жисмоний шахс

б) лицензияга эга жисмоний шахс

в) бошкарувчи

г) аудиторлик хисоботида имзо хукукига эга бўлмаган аудиторлик фирмаси ходими

4.Куйидагиларни кайси бири аудиторлик ташкилотининг хукукига кирмайди?

а) дебиторлардан маълумотларни тасдиғини сўраш
б) буюртмачи ахборотларини прокуратурага етказиш
в) моддий жавобгар шахслардан тушинтиришлар олиш
г) корхона фаолиятини таъсисчилар йиғилишидаги мухокамасида катнашиш

5. Аудиторлик ташкилотлари тузилмайди

а) кўшма корхона сифатида
б) ёпик акционерлик жамияти сифатида
в) очик акционерлик жамияти кўринишида
г) хусусий корхона сифатида

6**. Аудиторлик текширувидан мажбурий ўтмайди**

а) кўшма корхона
б) акционерлик жамияти
в) давлат корхонаси
г) хайрия фондлари

6. **Прокуратура буюртмаси билан ўтказилган аудит шартномаси тузилади**

а) аудит ўтказилган корхона ва прокуратура ўртасида
б) прокуратура ва аудиторлик ташкилоти ўртасида
в) аудиторлик фирмаси ва корхона ўртасида
г) уч томоннинг иштирокида

7. Аудиторлик текшируви тўғрисида шартнома тузилади

а) дастлабки кузатишсиз
б) дастлабки кузатиш натижалари асосида
в) суд органининг тавсияси билан
г) солик органининг карори билан

8. **Ички хўжалик хатари паст бўлса**

а) кўп сонли исботлар йиғилади
б) кам сонли исботлар йиғилади
в) ёппасига экспертиза килинади
г) умуман текшириш шарт бўлмайди

9. **Назорат тизими хатари паст бўлса**

а) кўп сонли исботлар йиғилади
б) кам сонли исботлар йиғилади
в) аудиторлик хатари ўртача бўлади
г) аудиторлик хатари паст бўлади

10. **Аудиторлик хатари юкори бўлса**

а) кўп сонли исботлар йиғилади
б) кам сонли исботлар йиғилади
в) ёппасига текшириш килинади
г) хатони топиш хатари паст бўлади

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисида конуни. 2000 йил 26 майда тасдикланган.

2.Аудиторлик фаолиятин такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг ахамиятини ошириш тўғрисида. Ўз.Р. ВМ нинг 2000 йил 22 сентябрдаги 365- сон карори.

3.Аудиторлик хулосаларини солик органлари ва бошка назорат органлари томонидан хисобга олиш тартиби тўғрисида Низом. Ўз.Р. ВМ нинг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон карори билан тасдикланган.

4.Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ўндириш тартиби тўғрисида Низом. Ўз.Р. ВМ нинг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон карори билан тасдикланган.

5Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисида Низом. Ўз.Р. ВМ нинг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон карори билан тасдикланган.

6.Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида Низом. Ўз. Р. Адлия Вазирлигидан 2000 йил 13 октябрда рўйхатдан ўтган, 977.

8.Аудит.Учебник. По редакцией профессора В.И.Подольского. ЮНИТИ, Москва, 2000

9.Аренс Э.А. Лоббек Дж.К. Аудит. Москва, «Финансы и статистика», 1995

10..Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. Москва, «Финансы и статистика», ИО ЮНИТИ, 1992

11.Каримов Н.Ф. Техника проведения аудита. Методическое пособие,Ташкент, 2002.

12.Мусаев Х.Н. Аудит, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003

13. Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит, «Шарк» нашриёти, Тошкент,2001

XYI –боб. КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ –ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИ ЎТКАЗИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

16.1. Аудитни ўтказишнинг умумий методологик тартиби

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини комплекс ёки тематик аудит текширувидан ўтказиш аудитни ташкил этишнинг 2-боскичини ташкил этади. Ушбу боскични аудиторлар 1-боскичда тузилган дастурга мувофик олиб борадилар. Дастурга кирган хар бир мавзу ёки объектни текширишда аудиторлар маълум кетма-кетликга амал килишлари, текширишни юкоридан пастга караб ёки пастдан юкорига караб текшириш усулларидан бирида амалга оширишлари лозим. Бизнингча, пастдан юкорига караб текшириш энг кўлай усулдир.

Ушбу усулга мувофик аудитор хар бир объект бўйича маълумотларни бошланғич хужжатлардан тортиб, то хисоботда акс эттирилган кўрсаткичгача тизимлаб чикади. Аудитор барча текшириш объектлари тўғрисидаги маълумотларни бошланғич хужжатлар асосида ўзининг компьютерига киритиб

боради, оралик маълумотларни ойлик, чораклик, ярим йиллик, тўккиз ойлик ва йиллик даврлар бўйича жамлайди. Бошланғич хужжатлар бўйича исботларни тўплаш чоғида бирданига уларни тўғри тузилганлигини текширади, улардаги бахоларни ва соний –суммавий микдорларни шартномалар билан таккослайди. Хар ойлик маълумотларни Бош китобдаги мос счётларнинг маълумотлари билан уйғунлигини текширади. Тўпланган маълумотларни «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» ва хисоботнинг бошка шаклларида акс эттирилган маълумотлар билан таккослаб кўради. Тўпланган исботларни хисоб ва хисобот маълумотлари билан мос келиши текширилаётган объект хисобини тўғри олиб борилганлигидан, мос келмаслиги эса хато ва камчиликларга йўл кўйилганлигидан дарак беради. Мос келмаслик аудитордан четланишлар бўйича кейинги исботу- далилларни йиғишни талаб этади. Худди шундай кетма-кетлик, маълумотларни йиғиш тартиби аудитнинг барча объектлари бўйича амалга оширилади.

Шундай килиб, аудиторлик текширувини барча объектлар бўйича куйидаги умумий методологик тартибга амал килинган холда ўтказилиши лозим (17-чизма).



17- чизма. **Аудитни ўтказишнинг умумий методологик тартиби**

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишда куйидаги кетма – кетликга амал килиниши, шунингдек куйидаги ишлар олдинма - кетин бажарилиши керак.

1.Аудитнинг аник объектлари ва уларни текшириш кетма-кетлиги белгиланади. Объектларни текширишда кетма-кетликни тўғри танлаш хам катта рол ўйнайди, чунки объектлар хам хисоб нуктаи назаридан, хам текшириш нуктаи назаридан бир –бири билан узвий боғлик хисобланади. Бизнингча, юридик статуси тўлик бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий хисоботлари бўйича ўтказилаётган аудитда унинг объектлари куйидаги кетма- кетликда текширилиши лозим:

- Молиявий натижалар тўғрисида хисоботнинг кўрсаткичлари (даромадлар, таннарх, давр харажатлари, шу жумладан харажатларга кирувчи соликлар ва мажбурий тўловлар, солик базасига кайта кўшиладиган харажатлар, асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар, молиявий фаолиятдан олинган натижалар, соликгача фойда, соликга тортиладиган фойда, даромад (фойдадан) соликлар, соф фойда);
- Бухгалтерия баланси ва молиявий хисоботнинг бошка шаклларининг моддалари (хар бир модда кўрсаткичлари бошланғич хужжатлардан асосида бухгалтерия хисоби счётлари ёзувлари бўйича текшириб чикилади);
- Конунлар ва бошка меъёрий хужжатларга амал килиш холати;
- Мол-мулк бутлиги, мансабдор ва моддий жавобгар шахслар фаолияти.

2.Хар бир объект бўйича текшириш тестлари тузиб чикилади ва улар бўйича исботу-далиллар тўпланади.

3.Хар бир объект бўйича текшириш натижаси аникланади, яъни аудитор текширган объект бўйича хисоб маълумотининг тўғрилигини тасдиклайди ёки унда канчалик четланиш борлигини исботлаб беради. Текшириш натижалари тегишли оралик ва йиғма жадваллар кўринишида расмийлаштирилади. Йиғма жадвалларнинг маълумотлари оралик жадвалларнинг якуний маълумотлари билан тўлик мос бўлиши керак. Четланишлар мавжуд объектлар бўйича ушбу четланишларнинг микдорини, уларни нима хисобидан келиб чикганлигини кўргазмали ифодалайдиган аналитик жадваллар тузилади. Тузилган жадваллар натижаларини аудиторнинг хисоботида акс эттирилади ва улар изохлаб берилади.

Олдинги бобда айтиб ўтганимиздек, хар бир текшириш объекти бўйича аудитор мумкин бўлган аудиторлик хатарини, яъни хатога йўл кўйиш эхтимолини белгилаши, ушбу эхтимолни имкони борича йўкга чикариш лозим.

Куйида юкорида келтирилган умумий методология асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари кўрсаткичлари ва баланс моддаларининг аудиторлик текширувидан ўтказиш тартибига тўхталиб ўтамиз.

16.2. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичларининг аудити

Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичларини аудит текширувидан ўтказишга асос бўлиб «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот», даромад ва харажатларни акс эттирувчи вактинчалик счётларнинг Бош китобдаги хисоб-варакаларининг маълумотлари, уларга гувохлик берувчи бошланғич ва оралик хужжатлар хисобланади. Молиявий –хўжалик фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари бўйича асосий объектлар, уларни текшириш кетма-кетлиги, текширишдан олиниши лозим бўлган натижалар, шунингдек аудиторларнинг мумкин бўлган хатарлари куйидагилардан иборат бўлади.

Аудитни ўтказиш кетма-кетлиги	**Аудит текшируви натижалари**	**Мумкин бўлган аудиторлик хатари**
1.Соф сотиш хажми бўйича		
1.Сотиш турлари аникланади 2.Счёт-фактуралар ва кирим касса ордерлари бўйича сотиш хажми хисобот даврлари бўйича жамлаб чикилади 3.Счёт-фактураларни ва кирим касса ордерларининг тўғри тузилганлиги, ишончномаларни борлиги ва хакконийлиги, улардаги бахоларни шартномалар билан мослиги текширилади. 4.Олдиндан тўловсиз, бартер,	1.Сотиш хажми унинг турлари бўйича хисоблаш тамойилига мувофик тасдикланади 2.Сотиш хажмидаги четланишлар аникланади ва исботланади 3.Счёт-фактуралар ва бошка бошланғич тасдик ловчи хужжатлардаги камчиликлар очилади 4.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилади 5.Савдо Коидаларини	1.Сотиш хажмининг хакикий суммаси нотўғри топилиши мумкин 2.Счёт-фактуралар ва бошка бошланғич хужжатлардаги камчиликлар тўлик кўрсатилмай колиниши мумкин. 3.Савдо Коидалари бузилганлиги кўрсатилмай колиниши мумкин

натура холларида амалга оширилган сотиш хажмлари аникланади 5.Хар ойлик маълумотлар-нинг Бош китобда 9010 «Махсулотларни сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган иш ва хизматлардан олинган даромадлар», 9040 «Сотилган товарларни кайтарилиши», 9050 «Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счётларининг маълумотлари билан уйғунлигини текширилади. 6.Хисобот даврлари маълумотлари «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот»да акс эттирилган маълумотлар билан таккослаб кўрилади. 7. Четланишлар бўйича исботу- далиллар тўпланади	бузилишлари кўрсатилади 6.Олдиндан тўлов бўлмаган холлар аникланади 7.Бартер холлари очиб берилади 8.Натура тўловига йўл кўйилганлик холлари аникланади 9.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	4.Олдиндан тўлови бўлмаган сотиш холлари аникланмай колиниши мумкин 5.Бартер холлари очилмай колиниши мумкин 6.Натура тўловига йўл кўйилганлиги очилмай колиниши мумкин 7.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 8.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берили-ши мумкин
2.Сотиш таннархи бўйича		
1.Тайёр махсулотлар (ишлар, хизматлар) ва товарлар таннархига киритилган ва киритилиши керак бўлган харажатлар моддалари бўйича текшириб чикилади 2.Тугалланмаган ишлаб чикаришда колган ва омборларга кабул килинган тайёр махсулотлар, бажарилган ишлар ва хизматлар, сотилган товарлар таннархига киритилган ва киритилиши керак бўлган харажатларнинг суммалари аникланади 3.Бир сўмлик сотилган тайёр махсулотга тўғри келган ва тўғри келиши келиши керак бўлган харажатлар товар	1.Сотилган махсулотлар, ишлар, хизматлар, товарларнинг хакикий таннархи тасдикланади 2.Сотиш таннархидаги четланишлар аникланади ва исботланади 3.Колдик товарлар ва тайёр махсулотларнинг хакикий таннархи тасдикланади 4.Тугалланмаган ишлаб чикаришнинг хакикий таннархи тасдикланади 5.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилади 6.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1.Сотилган товарлар, махсулотлар, бажарилган ишлар ва хизматлар таннархи-нинг хакикий суммаси нотўғри тасдикланиши мумкин 2. Колдик товарлар ва тайёр махсулотлар-нинг хакикий тан-нархи нотўғри тасдикланиши мумкин 3.Тугалланмаган ишлаб чикаришнинг хакикий таннархи нотўғри тасдикланишимумкин 4.Бош китобдаги

балансига асосан топилади 4.Сотилган махсулотлар бўйича хисобланган ва хисобланиши керак бўлган таннарх суммаси товар баланси асосида аникланади 5.Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича хисобланган ва хисобланиши керак бўлган сотиш таннархи суммаси аникланади. 6.Сотилган товарлар бўйича кўлланилган узликсиз ёки даврий хисоб тизимлари асосида хисобланган ва хисобланиши керак бўлган сотиш таннархи суммаси аникланади 7.Колдик тайёр махсулотларнинг таннархи корхона ва текширув маълумотлари бўйича топилади 8.Колдик товарларнинг таннархи корхона ва текширув маълумотлари бўйича топилади 9.Бош китобда 2010 «Асосий ишлаб чикариш»,2310 «Ёрдамчи ишлаб чикариш», 2510 «Умум ишлаб чикариш харажатлари, 2710 «Хизмат килувчи хўжаликлар», 2810 «Тайёр махсулотлар», 2900 «Товарлар» 9110 «Сотилган тайёр махсулотлар таннархи», 9120 «сотилган товарларнинг таннархи», 9130 «Бажарилган ишлар ва хизматларнинг таннархи» счётларининг маълумотларини мавжуд холати ва хакикатда бўлиш керак холатлари аникланади 8. Четланишлар бўйича исботу- далиллар тўпланади		нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 5.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин

3.Сотиш натижалари бўйича		
1.Сотиш хажми ва унинг таннархи тўғрисидаги маълумотлар бўйича товарлар, тайёр махсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган фойда ёки зарарларнинг суммалари хисобланади 2.«Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» нинг 020 –сатрида кўрсатилган сотишдан олинган натижа (фойда ёки зарар) унинг аникланган суммаси билан таккосланади 3. Бош китобда 9010 «Махсулотларни сотишдан олинган даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030 «Бажарилган иш ва хизматлардан олинган даромадлар», 9040 «Сотилган товарларни кайтарилиши», 9050 «Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» ,9110 «Сотилган тайёр махсулотлар таннархи», 9120 «сотилган товарларнинг таннархи», 9130 «Бажарилган ишлар ва хизматларнинг таннархи» счётларининг маълумотларини 9900 «Охирги молиявий натижа» счётига ўтказилган ва ўтказилиши керак бўлган суммалари аникланади 4. Четланишлар аникланади ва улар бўйича кейинги исботу- далиллар тўпланади	1.Махсулотлар, ишлар, хизматлар, товар-ларни сотишдан олинган фойда ва зарар суммаси тасдикланади 2.Сотиш натижаларидаги четланишлар аникланади ва исботланади 3.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилади 4.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1.Махсулотлар, товарлар, махсулотлар, бажарилган ишлар ва хизматларни сотишдан олинган фойда ёки зарарнинг хакикий суммаси нотўғри тасдикланиши мумкин 2.Бош китобдаги ва хисоботдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин
4. Давр харажатлари бўйича		
1.Харажатлар таркиби тўғрисида Низомга мувофик 9410 «Сотиш харажатлари», 9420 «Бошкарув харажат-	1.Хисоботда акс эттирилган ва акс эттирилиши керак бўлган давр харажатларининг жами	1.Давр харажатларининг жами хакикий суммаси, шунингдек уларнинг хар бир

лари», 9430 «Бошка операцион харажатлар», 9440 «Келгусида солик базасидан чегириладиган харажатлар» счётларининг дебетида тўпланиб, хисобот даври охирида 9900 «Охирги молиявий натижа» счётига ёпилган ва ёпилиши керак бўлган маълумотлар харажатларнинг барча моддалари бўйича тасдикловчи хужжатлар, маълумотномалар, хисоб-китоблар асосида текшириб чикилади 2. Четланишлар бўйича исботу- далиллар тўпланади	суммаси, шунингдек уларнинг алохида турларининг суммаларининг, жумладан давр харажатларига киритиладиган барча соликлар, тўловлар ва мажбурий ажратмаларнинг, хакикий суммалари тасдикланади 2.Давр харажатларидаги, шу жумладан барча соликлар, тўловлар ва мажбурий ажратмалардаги, четланишлар аникланади ва исботланади 3.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилади 4.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	туринг хакикий суммаси нотўғри тасдикланиши мумкин 2Давр харажатларига киритиладиган соликлар, тўловлар ва мажбурий ажратмалар нотўғри хисобланиши мумкин 3.Даромад (фойда) солиғи базасига кайта кўшилиши керак бўлган давр харажатлари суммаси нотўғри хисобланиши мумкин 4.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 5.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин
5. Асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар бўйича		
1.Низом ва 21-сон БХМС га мувофик 9300 «Асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар» счётининг кредитида тўпланиб, хисобот даври охирида 9900 «Охирги молиявий натижалар» счётига ёпилган ва ёпилиши керак бўлган асосий фаолиятга доир бошка даромадлар уларнинг турлари бўйича тасдикловчи хужжатлар асосида текшириб чикилади 2. Четланишлар бўйича исботу- далиллар тўпланади	1.Хисоботда акс эттирилган ва акс эттирилиши керак бўлган асосий фаолиятдан олинган бошка даромадларнинг, хакикий суммалари тасдикланади 2.Асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлардаги четланишлар аникланади ва исботланади 3.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилади 4.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1.Асосий фаолиятдан олинган бошка даромадларнинг хакикий суммаси нотўғри тасдикланиши мумкин 2Асосий фаолиятга доир бошка даромадлар нотўғри хисобланган бўлиши мумкин 3.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 4.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин
6.Асосий фаолиятдан олинган натижалар бўйича		
1.Сотиш олинган фойда ёки	1.Асосий фаолиятдан	1.Асосий фаолиятдан

зарарларнинг суммалари, давр харажатлари ва асосий фаолиятдан олинган бошка даромадлар тўғрисидаги маълумотлар асосида асосий фаолиятнинг якуний натижалари (фойда ёки зарар) суммаси хисобланади 2.«Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» нинг 100 –сатрида кўрсатилган асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарарнинг суммаси унинг аникланган суммаси билан таккосланади 3. Четланишлар аникланади ва улар бўйича исботу-далиллар тўпланади	олинган фойда ва зарар суммаси тасдикланади 2.Асосий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар-лардаги четланишлар аникланади ва исботла-нади 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	олинган фойда ёки зарарнинг хакикий суммаси нотўғри тасдикланиши мумкин 2Хисоботдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 3.Четланишларни бартараф этиш бўйи-ча таклифлар берил-май колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин
7.Молиявий фаолият натижари бўйича		
1.Харажатлар таркиби тўғри-сида Низомга мувофик 9500 «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар хисоби» счётларининг кредитида тўп-ланиб, хисобот даври охирида 9900 «Охирги молиявий натижа» счётига ёпилган ва ёпилиши керак бўлган маълу-мотлар даромадларнинг барча моддалари бўйича (олинган дивидендлар ва фоизлар, валюта курслари ўртасидаги ижобий фарклар, молиявий фаолиятга доир бошка даромадлар) тасдикловчи хужжатлар, маълумотнома-лар, хисоб-китоблар асосида текшириб чикилади 2.Харажатлар таркиби тўғри-сида Низомга мувофик 9600 «Молиявий фаолиятга доир харажатлар хисоби» счёт-ларининг дебетида тўпланиб, хисобот даври охирида 9900 «Охирги молиявий натижа» счётига ёпилган ва ёпилиши	1.Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарар суммаси тасдикланади 2.Молиявий фаолиятдан олинган фойда ёки зарар-лардаги четланишлар аникланади ва исботла-нади 3.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилади 4.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1.Молиявий фаолият-дан олинган фойда ёки зарарнинг хаки-кий суммаси нотўғри тасдикланиши мумкин 2.Бош китобдаги ва хисоботдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 3.Четланишларни бартараф этиш бўйи-ча таклифлар берил-май колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин

керак бўлган маълумотлар харажатларнинг барча моддалари бўйича (тўланган фоизлар, валюта курслари ўртасидаги салбий фарклар, молиявий фаолиятга доир бошка харажатлар) тасдикловчи хужжатлар, маълумотномалар, хисоб-китоблар асосида текшириб чикилади 3.Молиявий фаолиятга доир даромад ва харажаатларнинг «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот»нинг тегишли сатрларида тўғри кўрсатилганлиги текшириб чикилади 4. Четланишлар бўйича исботу- далиллар тўпланади		
8.Умум хўжалик фаолиятидан олинган фойда (зарар) бўйича		
1.Асосий ва молиявий фаолиятлардан олинган фойда ёки зарарлар тўғрисидаги маълумотлар асосида умумхўжалик фаолиятининг якуний натижалари (фойда ёки зарар) суммаси хисобланади 2.«Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» нинг 220 –сатрида кўрсатилган умум хўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарнинг суммаси унинг аникланган суммаси билан таккосланади 3. Четланишлар аникланади ва улар бўйича исботу-далиллар тўпланади	1.Умум хўжалик фаолиятидан олинган фойда ва зарар суммаси тасдикланади 2.Умум хўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарлардаги четланишлар аникланади ва исботланади 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1.Умум хўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарнинг хакикий суммаси нотўғри тасдикланиши мумкин 2.Хисоботдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин
9.Фавкулотдаги фойда ва зарарлар бўйича		
1.Харажатлар таркиби тўғрисида Низомга мувофик 9710 «Фавкулотдаги фойдалар» счётининг кредитида тўп-	1.Фавкулотдаги фойда ва зарар суммаси тасдикланади 2Фавкулотдаги фойда	1.Фавкулотдаги фойда ёки зарарнинг хакикий суммаси нотўғри тасдикла-

ланиб, хисобот даври охирида 9900 «Охирги молиявий натижа» счётига ёпилган ва ёпилиши керак бўлган маълумотлар фойданинг барча турлари бўйича тасдикловчи хужжатлар, маълумотномалар, хисоб-китоблар асосида текшириб чикилади 2.Харажатлар таркиби тўғрисида Низомга мувофик 9720 «Фавкулотдаги зарарлар» счётининг дебетида тўпланиб, хисобот даври охирида 9900 «Охирги молиявий натижа» счётига ёпилган ва ёпилиши керак бўлган маълумотлар зарарларнинг барча турлари бўйича тасдикловчи хужжатлар, маълумотномалар, хисоб-китоблар асосида текшириб чикилади 3.Фавкулотдаги фойда ва зарарлар суммаларининг «Молиявий натижалар тўғрисида хисобот»нинг тегишли сатрларида тўғри кўрсатилганлиги текшириб чикилади 4. Четланишлар бўйича исботу- далиллар тўпланади	ёки зараларлардаги четланишлар аникланади ва исботланади 3.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилади 4.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	ниши мумкин 2.Бош китобдаги ва хисоботдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин
10.Соликга тортилгунча фойда (зарар) бўйича		
1.Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарлар, шунингдек фавкулотдаги фойда ва зарарлар тўғрисидаги маълумотлар асосида соликга тортилгунча бўлган фойда ёки зарар суммаси хисобланади 2.«Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» нинг 240 –сатрида кўрсатилган соликга тортилгунча фойда ёки зарарнинг суммаси унинг аникланган суммаси билан	1.Соликга тортилгунча бўлган фойда ёки зарарнинг суммаси тасдикланади 2.Соликга тортилгунча бўлган фойда ёки зарар суммасидаги четланишлар аникланади ва исботланади 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1.Соликга тортилгунча бўлган фойда ёки зарарнинг хакикий суммаси нотўғри тасдикланиши мумкин 2.Хисоботдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки

таккосланади 3. Четланишлар аникланади ва улар бўйича исботу-далиллар тўпланади		нотўғри берилиши мумкин
11. Даромад (фойда) солиғи бўйича		
1.Солик Кодекси ва даромад (фойда) солиғини хисоблаб чикариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўрикномага асосан тузилган «Даромад (фойда) солиғи хисоб-китоби»ни тўғри тузилганлиги текшириб чикилади 2.21-сон БХМС га мувофик 9810 «Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар»» счётининг дебетида тўпланиб, хисобот даври охирида 9900 «Охирги молиявий натижалар» счётига ёпилган ва ёпилиши керак бўлган даромад (фойда) солиғининг суммаси уни тасдикловчи хисоб-китоблар асосида текшириб чикилади 3.«Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» нинг 250 –сатрида кўрсатилган даромад (фойда)нинг суммаси унинг аникланган суммаси билан таккосланади 4.Максадли ишлатилиши назорат килинмайдиган тўлаш бўйича имтиёзга эга бўлган даромад (фойда) солиғи суммасини хисоботда кўрсатилмаганлиги, имтёз берилган даромад (фойда) солиғи суммасини хисоботда тўғри кўйилганлиги текширилади 5. Четланишлар аникланади ва улар бўйича исботу-далиллар тўпланади	1.Даромад (фойда) солиғи суммаси, жумладан максадли ишлатиш учун корхонада колдирилган ва максадли ишлатилиши назорат килинмайдиган даромад (фойда) солиғи суммаси, тасдикланади 2.Даромад (фойда) солиғи суммасидаги четланишлар аникланади ва улар сабаблари бўйича исботланади 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1.Даромад (фойда) солиғининг хакикий суммаси нотўғри тасдикланиши мумкин 2.Хисоботдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин
12. Фойдадан тўланадиган бошка соликлар ва йиғимлар бўйича		

1.Солик Кодекси ва инфраструктурани ривожлантириш солиғини хисоблаб чикариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўрикномага асосан тузилган «Инфраструктурани ривожлантириш солиғи хисоб-китоби»ни тўғри тузилганлиги текшириб чикилади 2.Солик Кодекси ва ягона соликни хисоблаб чикариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўрикномага асосан тузилган «Ягона солик хисоб-китоби»ни тўғри тузилганлиги текшириб чикилади 3.Солик Кодекси ва ялпи даромаддан тўланадиган ялпи даромад солиғини хисоблаб чикариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўрикномага асосан тузилган «Ялпи даромад солиғи хисоб-китоби»ни тўғри тузилганлиги текшириб чикилади 4.Солик Кодекси ва ягона ер солиғини хисоблаб чикариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўрикномага асосан тузилган «Ягона ер солиғи хисоб-китоби»ни тўғри тузилганлиги текшириб чикилади 5.21-сон БХМС га мувофик 9820 «Фойдадан бошка соликлар бўйича харажатлар»» счётининг дебетида тўпланиб, хисобот даври охирида 9900 «Охирги молиявий натижалар» счётига ёпилган ва ёпилиши керак бўлган инфраструктурани ривожлантириш солиғи, ягона солик, ягона ер солиғи ва ялпи даромаддан солик	1.Фойдадан тўланадиган бошка соликларнинг (инфраструктурани ривожлантириш солиғи, ягон солик, ягона ер солиғи, ялпи даромаддан солик) суммалари, жумладан максадли ишлатиш учун корхонада колдирилган ва максадли ишлатилиши назорат килинмайдиган ягон солик суммаси, тасдикланади 2.Фойдадан олинадиган юкорида номлари зикр этилган соликлар суммасидаги четланишлар аникланади ва улар исботланади 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1. Фойдадан тўланадиган бошка соликларнинг (инфраструктурани ривожлантириш солиғи, ягон солик, ягона ер солиғи, ялпи даромаддан солик) хакикий суммаси нотўғри тасдикланиши мумкин 2.Хисоботдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин

суммалари уларни тасдикловчи хисоб-китоблар асосида текшириб чикилади 6.«Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» нинг 260 –сатрида кўрсатилган инфраструктурани ривожлантириш солиғи, ягон солик, ягон ер солиғи, ялпи даромаддан солик суммалари уларнинг аникланган суммалари билан таккосланади 7.Максадли ишлатилиши назорат килинмайдиган тўлаш бўйича имтиёзга эга бўлган ягона солик суммасини хисоботда кўрсатилмаганлиги, имтёз берилган ягона солик суммасини хисоботда тўғри кўйилганлиги текширилади 8. Четланишлар аникланади ва улар бўйича исбот-далиллар тўпланади		
13.Соф фойда бўйича		
1.Соликга тротилгунгача олинган фойда ёки зарарлар, шунингдек фойдадан хисобланган соликлар тўғрисидаги маълумотлар асосида корхонанинг хисобот давридаги соф фойдаси ёки копланмаган зарари суммаси хисобланади 2.«Молиявий натижалар тўғрисида хисобот» нинг 270 –сатрида кўрсатилган соф фойда ёки копланмаган зарарнинг суммаси унинг аникланган суммаси билан таккосланади 3. Четланишлар аникланади ва улар бўйича исбот-далиллар тўпланади	1.Корхонанинг хисобот давридаги соф фойдаси ёки копланмаган зарарининг суммаси тасдикланади 2.Соф фойда ёки копланмаган зарар суммасидаги четланишлар аникланади ва исботланади 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1.Корхонанинг хисобот давридаги соф фойдаси ёки копланмаган зарарининг хакикий суммаси нотўғри тасдикланиши мумкин 2.Хисоботдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин

16.3.Баланс моддалари реаллигининг аудити

Корхоналар баланси моддалари реаллигини аудит текширувидан ўтказишга асос бўлиб «Бухгалтерия баланси», активлар , мажбурият ва хусусий капитални акс эттирувчи доимий счётларнинг Бош китобдаги хисоб-варакаларининг маълумотлари, уларга гувохлик берувчи бошланғич ва оралик хужжатлар хисобланади. Баланс моддалари бўйича асосий объектлар, уларни текшириш кетма-кетлиги, текширишдан олиниши лозим бўлган натижалар, шунингдек аудиторларнинг мумкин бўлган хатарлари куйидагилардан иборат бўлади.

Аудитни ўтказиш кетма-кетлиги	Аудит текшируви натижалари	Мумкин бўлган аудиторлик хатари
1.Асосий воситалар бўйича		
1.Асосий воситаларнинг хисоб ва баланс кийматларининг йил бошидаги кийматлари аникланади, улар тўғрисидаги маълумотларни балансда, бош китобда, журнал ордерда, «Асосий воситалар харакати тўғрисида хисобот» да бир хил кўрсатилганлиги , ушбу киймат - ларни кайта бахоланганлиги текширилади 2.Мавжуд асосий воситаларни 21-сон БХМСга ,амортизация меъёрларига, соликга тортилишга муносабатларига караб тўғри таснифланганлиги аникланади 3.Асосий воситаларни инвентар хисобининг борлиги ва уни тўғри юритилаётганлиги текширилади 4.Асосий воситалар харакатини хужжатлар билан тўғри расмийлаштирилганлиги аникланади 5.Асосий воситаларни харакатига доир операцияларни счётларда тўғри акс эттирилганлиги текширилади 6.Асосий воситаларни реал мавжудлигини билиш ёки кайта бахолаш максадида	1.Асосий воситаларнинг кайта бахоланган хисоб ва баланс кийматларининг реаллиги тасдикланади 2.Асосий воситалар бўйича хисоб ва хисобот маълумотларининг уйғунлиги тасдикланади 3.Асосий воситаларнинг мавжудлиги ва бутлиги тасдикланади 4.Асосий воситалар бўйича амортизация хисоб-китобини тўғри килинганлиги тасдикланади 5.Асосий воситалар харакати бўйича даромадлар, харажатлар, ККС нинг реаллиги тасдикланади 6.Асосий воситалар харакати, амортизацияси, уларга килинган харажатлар хисобида мавжуд четланишлар аникланади ва исботланади 7.Счёт-фактуралар ва бошка бошланғич тасдик ловчи хужжатлардаги камчиликлар очилади	1.Асосий воситаларнинг хисоб ва баланс кийматлари хакикий суммаси нотўғри топилиши мумкин 2.Счёт-фактуралар ва бошка бошланғич хужжатлардаги камчиликлар тўлик кўрсатилмай колиниши мумкин. 3.Асосий воситалар амортизацияси меъёрлари нотўғри кўлланилганлиги кўрсатилмай колиниши мумкин 4.Соликга тортиш объектига тортиладиган ўртача йиллик кийматини нотўғри топилганлиги аникланмай колиниши мумкин 5.Асосий воситаларни сотиш, ликвидация килиш, бепул бериш, ижарага бериш ва бошка холлари бўйича даромад ва харажатлар нотўғри топилган бўлиши мумкин

инвентаризацияси ўтказилади 7.Асосий воситалар бўйича эскириш суммасини тўғри хисобланганлиги текширилади, бунда битта гурух асосий воситаларга турли амортизацияни хисоблаш усулларидан фойдаланилмаганлиги аникланади. 8.Асосий воситаларга килинган капитал инвестициялар, таъмирлаш харажатлари, уларни хисобдан чикариш, тугалланмаган курилишлар текширилади 9.Асосий воситалар бўйича ижара операциялари, уларнинг натижалари хисобининг тўғрилиги аникланади 10. Асосий воситалар харакати тўғрисида хисоботнинг тўғри тузилганлиги ва унинг маълумотларини хисоб маълумотлари билан мослиги аникланади	8.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилади 9.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	7.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 8.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин
2.Номоддий активлар бўйича		
1.Номоддий активларларнинг хакикатда мавжуд холати, ўларнинг хисоб ва баланс кийматларининг тўғри хисобланганлиги, ушбу кийматларни балансда, бош китобда бир хил акс эттирилганлиги текширилади 2.Номоддий активларнинг харакатига доир операциялар бўйича хужжатларни, бухгалтерия ёзувларини тўғрилиги текширилади 3.Номоддий активлар бўйича амортизация суммаларини тўғри хисобланганлиги ва счётларда акс эттирилганлиги аникланади 4.Номоддий активларга доир даромад ва харажатларнинг	1.Номоддий активларнинг хисоб ва баланс кийматларининг, ва уларга хисобланган амортицазия суммасини реаллиги, уларнинг мавжудлиги ва бутлиги, олинган даромад ва харажатларнинг суммаларини тўғрилиги тасдикланади 2.Номоддий активлар хисобида мавжуд четланишлар аникланади ва исботланади 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1.Номоддий активларнинг хисоб ва баланс кийматлари хакикий суммаси нотўғри топилиши мумкин 2.Номоддий активлар хисобидаги камчиликлар тўлик кўрсатилмай колиниши мумкин. 3.Соликга тортиш объектига тортиладиган ўртача йиллик кийматни нотўғри топилганлиги аникланмай колиниши мумкин 4.Четланишларни бартараф этиш

реаллиги аникланади		бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берили-ши мумкин
3.Молиявий инвестициялар бўйича		
1.Молиявий инвестицияларни мавжуд турларини аниклаш, уларни хисоб ва баланс кийматларини 12-сон БХМС талабларига мослигини текшириш 2.Молиявий инвестицияларга доир операцияларни тўғри хужжатлаштирилганлиги ва счётларда тўғри акс эттирилганлигини текшириш 3.Молиявий инвестициялар бўйича даромад ва харажатларни тўғри хисобланганлиги ва молиявий хисоботда тўғри акс эттирилганлигини текшириш	1.Молиявий инвестицияларни хакикатда мавжудлигини, бутлигини, уларнинг кийматини тўғри хисобланганлигини тасдиклаш 2. Молиявий инвестициялар хисобида мавжуд четланишлар аникланади ва исботланади 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1.Молиявий инвестицияларнинг хисоб ва баланс кийматларининг хакикий суммаси нотўғри топилиши мумкин 2.Молиявий инвести-циялар хисобидаги камчиликлар тўлик кўрсатилмай колиниши мумкин. 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берили-ши мумкин
4.Бошка узок муддатли активлар бўйича		
1.Ўрнатишга мўлжалланган жихозларнинг мавжуд холати, уларнинг кийматини тўғри топилганлиги, кайта бахолан-ганлиги, тугалланмаган курилишга ишлатилганлиги, хисобдан чикарилганлиги, счётларда акс эттирилиши текширилади. 2.Мол-мулк солиғига тортиладиган ўз вактида ўрнатилмаган жихозларни солик солиш объектига тўғри киритилганлигини аниклаш 3.Узок муддатли дебиторлик карзлар счётига олиб борилган олинадиган счётларнинг реаллигини текшириш	1.Бошка узок муддатли активларни хакикатда мавжудлигини, бутлигини, уларнинг кийматини тўғри хисобланганлигини тасдикланади 2. Бошка узок муддатли активлар хисобида мавжуд четланишлар аникланади ва исботланади 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1.Бошка узок муддатли активларнинг хакикий суммаси нотўғри топилиши мумкин 2.Бошка узок муддатли активлар хисобидаги камчиликлар тўлик кўрсатилмай колиниши мумкин. 3.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берили-ши мумкин
5.Ишлаб чикариш захиралари бўйича		
1.Ишлаб чикариш захиралар-	1.Ишлаб чикариш	1.Ишлаб чикариш

ининг хисоб ва баланс кийматларини йил бошидаги суммалари аникланади, улар тўғрисидаги маълумотларни балансда, бош китобда, журнал ордерларда, моддий хисоботларда бир хил кўрсатилганлиги текширилади 2.Мавжуд ишлаб чикариш захираларини 21-сон БХМСга мувофик тўғри таснифланганлиги аникланади 3.Ишлаб чикариш захираларини омбор хисобининг борлиги ва уни тўғри юритилаётганлиги текширилади 4.Ишлаб чикариш захиралари харакатини хужжатлар билан тўғри расмийлаштирилганлиги аникланади 5.Ишлаб чикариш захираларини харакатига доир операцияларни ФИФО, АВЭКО усуллардан бирида счётларда тўғри акс эттирилганлиги текширилади 6.Ишлаб чикариш захираларини реал мавжудлигини билиш максадида инвентаризацияси ўтказилади 7.Ишлаб чикариш захираларини сотиб олишда таъминотчиларга тўланган ККС суммасини бюджетга тўловлар бўйича камайтиришга (зачетга) тўғри олиб борилганлиги текширилади 8.Ишлаб чикариш захиралари бўйича транспорт-тайёрлов харажатларини, материаллар кийматидаги четланишларни тўғри хисобланганлиги текширилади	захираларининг хисоб ва баланс кийматларининг реаллиги ва бир хиллиги тасдикланади 2.Ишлаб чикариш захиралари бўйича хисоб ва баланс маълумотларининг уйғунлиги тасдикланади 3.Ишлаб чикариш захираларининг мавжудлиги ва бутлиги тасдикланади 4.Ишлаб чикариш захиралари харакати бўйича даромадлар, харажатлар, ККС нинг реаллиги тасдикланади 6.Ишлаб чикариш захиралари хисобида мавжуд четланишлар аникланади ва исботланади 7.Счёт-фактуралар ва бошка бошланғич тасдиковчи хужжатлардаги камчиликлар очилади 8.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилади 9.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	захираларининг хисоб ва баланс кийматлари хакикий суммаси нотўғри топилиши мумкин 2.Счёт-фактуралар ва бошка бошланғич хужжатлардаги камчиликлар тўлик кўрсатилмай колиниши мумкин. 3. Ишлаб чикариш захираларини сотиш, бепул бериш ва бошка холлари бўйича даромад ва харажатлар нотўғри топилган бўлиши мумкин 4.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 5.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин
6.Тугалланмаган ишлаб чикариш бўйича		
1.Тугалланмаган ишлаб	1.Тугалланмаган ишлаб	1..Ишлаб чикариш

чикаришнинг балансда кўрсатилган давр бошидаги кийматини бош китоб маълумотига мос келиши аникланади 2.2010-Асосий ишлаб чикариш», 2310 «ёрдамчм ишлаб чикариш» ва бошка ишлаб чикариш харажатлари хисоби счётларидаги ёзувлар хужжатлар аслсида текшириб чикилади, уларни «харажатлар таркиби тўғрисида Низом»га мувофиклиги бахоланади 3.Ишлаб чикариш харажатлари счётларидаги маълумотларни мавжуд холати ва хакикатда бўлиш керак холатлари аникланади 4. Четланишлар бўйича исботу- далиллар тўпланади	чикаришнинг суммаси тасдикланади. 2.Ишлаб чикаришдан олинган тайёр махсулотлар таннархига киритиладиган харажатлар тасдикланади. 3..Ишлаб чикариш харажатлари хисобида мавжуд четланишлар аникланади ва исботланади 4.Ишлаб чикариш хисоботлари ва бошка бошланғич тасдик ловчи хужжатлардаги камчиликлар очилади 5.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилади 6.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	харажатлари хисобидаги мавжуд четланишлар аникланмай колиниши мумкин 2.Тугалланмаган ишлаб чикариш колдиғи нотўғри топилиши мумкин 3.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилмасдан колиниши мумкин 4.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмаслиги ёки нотўғри берилиши мумкин
7.Тайёр махсулотлар ва товарлар бўйича		
1.Тайёр махсулотлар ва товарларнинг хисоб ва баланс кийматларини йил бошидаги суммалари аникланади, улар тўғрисидаги маълумотларни балансда, бош китобда, журнал ордерларда, моддий хисоботларда бир хил кўрсатилганлиги текширилади 2.Мавжуд тайёр махсулотлар ва товарни 21-сон БХМСга мувофик тўғри таснифланганлиги аникланади 3.Тайёр махсулотлар ва товарларини омбор хисобининг борлиги ва уни тўғри юритилаётганлиги текширилади 4.тайёр махсулотлар ва товарлар харакатини хужжатлар билан тўғри расмийлаштирилганлиги	1.Тайёр махсулотлар ва товарларнинг хисоб ва баланс кийматларининг реаллиги тасдикланади 2.Тайёр махсулотлар ва товарлар бўйича хисоб ва баланс маълумотларининг уйғунлиги тасдикланади 3.Тайёр махсулотлар ва товарларининг мавжудлиги ва бутлиги тасдикланади 4.Тайёр махсулотлар ва товарлар харакати бўйича даромадлар, харажатлар, ККС нинг реаллиги тасдикланади 5.Тайёр махсулотлар ва товарлар хисобида мавжуд четланишлар аникланади ва	1.Тайёр махсулотлар ва товарларнинг хисоб ва баланс кийматларининг хакикий суммалари нотўғри топилиши мумкин 2.Счёт-фактуралар ва бошка бошланғич хужжатлардаги камчиликлар тўлик кўрсатилмай колиниши мумкин. 3. Тайёр махсулотлар ва товарларни сотиш, бепул бериш ва бошка холлари бўйича даромад ва харажатлар нотўғри топилган бўлиши мумкин 4.Бош китобдаги

аникланади 5.Тайёр махсулотлар ва товарлар сотиб олиш ва сотиш кийматларини тўғри шаклланганлиги, ушбу кийматлар бўйича уларни сотиш ва сотиш таннархи счётларида тўғри акс эттирилганлиги текширилади 6.Тайёр махсулотлар ва товарлар захираларини реал мавжудлигини билиш максадида инвентаризацияси ўтказилади 7.Тайёр махсулотлар ва товарларни сотишдан олинган ККС суммасини тўғри топилганлиги текширилади 8.Тайёр махсулотлар ва товарлар счётларидаги маълумотларни мавжуд холати ва хакикатда бўлиш керак холатлари аникланади 9. Четланишлар бўйича исботу- далиллар тўпланади	исботланади 6.Счёт-фактуралар ва бошка бошланғич тасдик ловчи хужжатлардаги камчиликлар очилади 8.Бош китобдаги нотўғри ёзувлар кўрсатилади 9.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	нотўғри ёзувлар кўрсатилмай колиниши мумкин 5.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин
8. Келгуси давр ва муддати узайтирилган харажатлар бўйича		
«Келгуси давр харажатлари», 3200 «муддати узайтирилган харажатлар» счётларига олиб борилган харажатларнинг конунийлиги ва реаллиги текширилади 2.Ушбу счётлардаги маълумотларни мавжуд холати ва хакикатда бўлиш керак холатлари аникланади 3. Четланишлар бўйича исботу- далиллар тўпланади	1.Келгуси давр ва муддати узайтирилган харажатларнинг реал суммалари тасдикланади 2.Келгуси давр ва муддати кечиктирилган харажатлар хисобидаги камчиликлар кўрсатилади ва уларнибартараф этиш бўйича тавсиялар берилади	1.Келгуси давр ва муддати узайтирилган харажатларнинг суммалари нотўғри бахоланиши мумкин 3.Ушбу харажатлар хисобидаги камчиликлар кўрсатилмайин колиниши мумкин. 4.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин
9.Пул маблағлари бўйича		
1.Касса операциялари бўйича	1.Касса ва банк	1.Накд ва накд пулсиз

хужжатларни ва уларнинг хисобини юритилиши «Касса операцияларини юритиш Коидалари»га асосан текширилади 2.Банкдаги хисоб-китоб ва бошка счётлардаги пул маблағларининг хисоби «Касса операцияларини юритиш Коидалари» ва «Накд пулсиз хисоб-китоблар тўғрисида Низом»га асосан текширилади 3.Пул маблағлари хисоби счётларидаги маълумотларни мавжуд холати ва хакикатда бўлиш керак холатлари аникланади 4. Четланишлар бўйича исботу- далиллар тўпланади	операциялари бўйича белгиланган Коидалар ва Низомга амал килинганлик ёки ундан четланишлар борлиги тасдикланади 2. Пул маблағлари хисобидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади	операцияларда мавжуд хатолар очилмайин колиши мумкин 2.Четланишларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин
10. Дебиторлик карзлар бўйича		
1.Харидорлар билан хисоб-китобларда 15% лик олдиндан тўлов талабларини бажарилиши текширилади 2.Харидорларнинг мавжуд карзларининг реаллиги текширилади 3.Муддати ўтиб кетган карзлар топилади ва уларнинг хисоботда реал кўрсатилганлиги аникланади 4.Бартер асосида карзларни ёпилиш холларини борлиги текширилади 5.Таъминотчиларга, ходимларга, бюджетга ва бошка дебиторларга берилган бўнакларнинг реаллиги, муддатидан кўп вактга асоссиз ёпилмаслик холатлари аникланади 6.Дебиторлик карзлар хисобидаги камчиликлар бўйича исботу –далиллар тўпланади	1.Дебиторлик карзларнинг реал суммалари счётлар бўйича тасдикланади 2.Муддати ўтиб кетган дебиторлик карзлар тасдикланади 3.Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1.Дебиторлик карзларнинг реал холати бузиб кўрсатилиши мумкин 2.Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берилиши мумкин камчиликлар

11. Мажбуриятлар бўйича		
1.Таъминотчилар билан хисоб-китобларда 15% лик олдиндан тўлов талабларини бажарилиши текширилади 2.Кредиторлик карзларнинг реаллиги текширилади 3.Муддати ўтиб кетган кредиторлик карзлар топилади ва уларнинг хисоботда реал кўрсатил-ганлиги аникланади 4.Бартер асосида кредиторлик карзларни ёпилиш холларини борлиги текширилади 5.Иш хаки бўйича карзларни натура шаклда узиш холларини мавжудлиги текширилади 6.Кредиторлик карзлар хисобидаги камчиликлар бўйича исботу –далиллар тўпланади	1.Кредиторлик карзларнинг реал суммалари счётлар бўйича тасдикланади 2.Муддати ўтиб кетган кредиторлик карзлар тасдикланади 3.Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилади	1.Кредиторлик карзларнинг реал холати бузиб кўрсатилиши мумкин 2.Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берили-ши мумкин
12. Хусусий капитал бўйича		
1.Устав капиталининг хакикатда шаклланганлиги текширилади 2.Кўшилган капитални вужудга келиши,ишлатилиши, уларнинг конунийлиги ва реаллиги текширилади 3.Резерв капиталини вужудга келиши ва ишлатилишининг конунийлиги ва реаллиги текширилади 4.Таксимланмаган фойда суммасини реаллиги текширилади 5.Максадли маблағларни шаклланиши ва ишлатилишининг конунийлиги ва реаллиги текширилади 6.Келгуси тўловлар учун резервнинг шаклланиши ва ишлатилишининг конунийлиги ва реаллигини	1.Устав капиталини шаклланганлигини тасдиклаш 2.Кўшилган ва резерв капиталнинг суммаларини реаллигини тасдиклаш 3.Тасдикланмаган фойдани, шу жумладан хисобот даврнинг таксимланмаган фойдасини тасдиклаш 4.Максадли маблағларни, шу жумладан солик имтиёзларидан шаклланган максадли тушумларнинг реаллигини тасдиклаш 5. .Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни бериш	1. Хусусий капиталнинг реал холати бузиб кўрсатилиши мумкин 2.Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилмай колиниши ёки нотўғри берили-ши мумкин

текшириш		

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Сотиш хажми кайси манбаларга таяниб текширилади ?
а) шартномаларга
б) моддий хисоботларга
в) счёт- фактураларга
г) далолатномаларга
2.Таннархни ошириб кўрсатиш
а) фойдани оширади
б) фойда солиғини оширади
в) фойдадан соликларни камайтиради
г) экология солиғини камайтиради
3.Аудитор сотишга тўғри келадиган ККС бўйича кайси ёзувни тасдиклаши керак?
а) Дебет 9010 Кредит 6410
б) Дебет 4010 Кдедит 6410
в) Дебет 4410 Кдедит 6410
г) Хеч кайсисини

4.Куйидагиларни кайси бирини танласа аудитор хатари йўк?
а) реклама харажатлари сотиш таннархига олиб борилганда
б) реклама харажатлари сотиш харажатларига олиб борилганда
в) реклама харажатлари молиявий фаолият харажатларига олиб борилганда
г) реклама харажатлари фавкулотдаги зарарларга олиб борилганда
5. Аудитор амортизация меъёри нотўғри кўлланилган бўлса
а) амортизация суммасини тўғрилайди
б) амортизация суммасини тўғриламайди
в) балансни кайта тузишни талаб килади
г) Асосий воситалар тўғрисида хисоботни кайта тузади
6**. Аудитор хисоб-китобларни аудит килишда**
а) олинган бўнакларни текширади
б) тўланган тўловларни текширади
в) солик идораси фойдасига пеня хисоблайди
г) бартер операцияларини борлигини аниклайди
7. **Прокуратура буюртмаси билан ўтказилган аудитда**
а) аудиторлик хатари бўлмайди
б) аудиторлик хатари бўлмаслиги мумкин
в) аудиторлик хатари бўлади
г) барча жавоблар нотўғри

8. **Аудиторлик хатари бўлмайди**
а) сотиш хажми бўйича

б) таннарх бўйича
в) фойда солиғи бўйича
г) юкоридаги жавоблар нотўғри

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисида конуни. 2000 йил 26 майда тасдикланган.

11.Каримов Н.Ф. Техника проведения аудита. Методическое пособие,Ташкент, 2002.

12.Мусаев Х.Н. Аудит, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003

13. Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит, «Шарк» нашриёти, Тошкент,2001

14.Справочник аудитора. Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Республики Узбекистан, Ташкент, 1996.

XVII- боб. АУДИТ НАТИЖАЛАРИНИ УМУМЛАШТИРИШ, РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИК ЭТИШ

17.1. Аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш

Хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказишнинг 3-боскичи бўлиб унинг натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш хисобланади.

Аудиторлик текшируви натижаларини умумлаштириш деганда шартномада кўрсатилган объектлар бўйича аудиторлик текширувида аникланган далилу-исботларни расмий хужжатларда акс эттириш тушунилади. Ушбу расмий хужжатлар бўлиб аудиторнинг хисоботи ва аудиторлик хулосаси хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Конун»ига мувофик (18-модда) « **аудитор хисоботи** – бу аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия хисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аникланган четга чикишлар, молиявий хисоботдаги коида бузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошка ахборотлардан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект рахбарига,

мулкдорига, катнашчилари (акциядорлари) нинг умумий йиғилишига йўлланган хужжат».

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хисоботларини текшириш бўйича ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари тўғрисида аудитор хисоботи 70-сон АФМС «Аудитор хисоботи ва молиявий хисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» га мувофик тузилади.

Ушбу АФМС га мувофик аудиторнинг хисоботи куйидаги уч кисмдан (бўлимдан) иборат бўлади.

Кисм (бўлим)	Нима акс эттирилади
1.Кириш кисм	Аудиторлик ташкилоти ва аудиторлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек аудиторлик текширувини ўтказишга доир умумий маълумотлар кўрсатилади
2.Асосий кисм	Аудиторлик текширувини олиб бориш жараёнлари, ва текширув натижалари, мавжуд хато-камчиликлар, уларнинг сабаблари кўрсатилади. Ушбу кисм алохида мавзулар (бўлимлар)ни акс эттирувчи параграфларга бўлиниши мумкин
3.Хулоса кисми	Текшириш объекти (объектлари) бўйича аудиторлик хулосаси, аникланган четланишлар ва конунбузарлик-ларни бартараф этиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хўжалик фаолияти самарадор-лигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифлар берилади

Аудитор хисоботи икки нусхада тузилади ва унинг бир нусхаси буютмачига топширилади, иккинчи нусхаси аудиторлик текширувида колади. Аудиторлик ташкилотида коладиган нусханинг охирида аудиторлик текширувини буюртган ташкилот рахбари ва бош бухгалтерининг аудитор хисоботи билан танишганлиги ва унинг бир нусхасини олганлиги тўғрисида тилхат ёзилади ва имзоланади. Агар аудиторлик текшируви мулкдорлар, прокуратура ва бошка хукукни мухофаза килиш органлари буюртмаси билан ўтказилган бўлса, у холда аудиторнинг хисоботи уч нусхада тузилади ва унинг бир нусхаси аудитни буюртган томонга такдим этилади. Ушбу холатда аудитор хисоботи билан танишганлик ва уларни нусхаларини олганлик тўғрисидаги тилхатлар аудит ўтказилган хўжалик юритувчи субъектнинг рахбари ва бош хисобчиси, шунингдек аудитни буюртган орган (шахслар) томонидан имзоланади.

Аудиторлик хисоботининг хажми вараклар сони жихатидан, одатда, чегараланмайди. Аудитор хисоботининг хар бир вараги аудиторлик текширувини ўтказган аудитор (аудиторлар) томонидан имзоланади.

Аудитор хисоботида акс эттирилган ахборот махфий хисобланади ва ошкор килиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор килганлик учун конун хужжатларига мувофик жавобгарликга тортилади.

Аудитор хисоботидан намуна 7-иловада келтирилган.

Аудиторнинг хисоботи аудиторлик хулосасини тузишга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисида Конунига асосан (19-модда) **« аудиторлик хулосаси** - молиявий хисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия хисобини юритиш тартибининг конун хужжатларида белгиланган

талабларга мувофиклиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий хисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган хужжат».

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хисоботларини текшириш бўйича ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари тўғрисида аудиторлик хулосаси 70-сон АФМС «Аудитор хисоботи ва молиявий хисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» га мувофик тузилади.

Ушбу АФМС га мувофик аудиторлик хулосаси худди аудиторнинг хисоботи каби куйидаги уч кисмдан (бўлимдан) иборат бўлади:

- Кириш кисм –унда аудиторлик ташкилотига доир маълумотлар кўрсатилади;
- Асосий кисм - унда аудитни ўтказилишига асос бўлган шартнома ва меъёрий хужжатлар, аудит объектлари, томонларнинг жавобгарликлари кўрсатилади.
- Хулоса кисми – унда молиявий хисоботнинг Конунлар ва бошка меъёрий хужжатларга мос келиши ёки келмаслиги кўрсатилади.

Аудиторлик хулосаси юкорида келтирилган маълумотларни ўз ичига олган, киска мазмунли, одатда, бир бетлик хужжат хисобланади. Аудиторлик хисоботи аудиторлик текширувини ўтказган аудитор, аудиторлик ташкилоти рахбари томонидан имзоланади ва аудиторлик ташкилоти мухри билан тасдикланади.

Аудиторлик хулосаси камида уч нусхада тузилади, унинг икки нусхаси аудиторлик текшируви ўтказилган хўжалик юритувчи субъектга такдим этилади, бир нусхаси эса аудиторлик ташкилотида колади. Аудиторлик хулосасига корхонанинг аудиторлик текшируви материаллари асосида тузилган бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботи илова килинади. Аудиторлик хулосасига илова килинадиган ушбу хужжатлар хам аудитор ва аудиторлик ташкилоти рахбари томонидан имзоланиши, аудиторлик шашкилотининг мухри билан тасдикланиши лозим. Мажбурий аудиторлик текширувидан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар олинган аудиторлик хулосасининг бир нусхасини давлат солик идорасига конун хужжатларига мувофик такдим этишлари ва кайд эттиришлари керак. Ташаббусли асосда аудиторлик текширувини ўтказган хўжалик юритувчи субъектлар хам олинган аудиторлик хулосаларинии давлат солик органига топширишлари ва кайд эттиришлари мумкин.

Аудиторлик хулосалари тўртта турга ажратилади:

1.Ижобий аудиторлик хулосаси –бу молиявий хисоботни тўғрилиги, унинг Конунлар ва бошка меъёрий хужжатларга тўлик мос келишини тасдикловчи хужжат. Ушбу аудиторлик хулосасининг намунаси 8-иловада келтирилган.

2.Шартли ижобий аудиторлик хулосаси - бу молиявий хисоботнинг умуман тўғрилигини, унинг Конунлар ва бошка меъёрий хужжатларга асосан мос келишини, шунинг билан бирга хўжалик фаолиятида унинг кўрсаткичларини бузиб кўрсатилишига ва фойдаланувчилар кабул киладиган карорларга мухим таъсир этмайдиган айрим холатларни борлигини тасдикловчи хужжат. Ушбу аудиторлик хулосасининг намунаси 9-иловада келтирилган.

3.Салбий аудиторлик хулосаси - бу молиявий хисоботни тўғри эмаслиги, унинг Конунлар ва бошка меъёрий хужжатларга мос келмаслигини тасдикловчи хужжат. Ушбу аудиторлик хулосасининг намунаси 10-иловада келтирилган.

4.Аудиторлик хулосасини беришдан бош тортиш - бу молиявий хисоботни тўғрилиги, унинг Конунлар ва бошка меъёрий хужжатларга мос келиш ёки келмаслигини аниклаш учун мижоз томонидан етарлича маълумотлар такдим этилмаганда аудиторлик ташкилоти томонидан такдим этиладиган хужжат. Аудиторлик хулосасини беришдан бош тортиш бўйича аудиторлик ташкилотининг хатининг намунаси 11-иловада келтирилган.

Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги конун хужжатларига мувофик сохта тузилган аудиторлик хисоботи ва аудиторлик хулосаси учун уни такдим этган аудиторлик ташкилотининг лицензияси, жавобгар аудиторларнинг малака сертификатлари бекор килинади, шунингдек уларга жиноий жавобгарликга тортишгача бўлган жазо чоралари кўлланиши мумкин.

17. 2. Аудит натижаларини тадбик этиш

Аудиторлик текширувини ташкил этишнинг 4-боскичи бўлиб унинг натижаларини тадбик этиш хисобланади.

Аудит натижаларини тадбик этиш деганда аудитор хисоботида акс эттирилган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган ишлар мажмуаси тушунилади. Одатда, ушбу ишлар аудиторлик текширувидан кейин кўпи билан 15 кун ичида ўтказилиши керак, чунки аудиторлик текширувидан ўтган хўжалик юритувчи субъект аудит текшируви ўтказилгандан сўнг 15 кун ичида аудиторлик хулосасини конун хужжатларига мувофик тегишли органларга такдим этиши лозим.

Аудит натижаларини тадбик этишга доир ишларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- Аудиторлик текшируви натижаларини хўжалик юритувчи субъект рахбарияти, мулкдорлар, Кузатув кенгаши аъзолари ва бошка кизикувчилар иштирокида мухокама килиш;
- Аудиторлик текширувида аникланган хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирларни ишлаб чикиш ва уларни амалга ошириш муддатларини, аник маъсул ходимларни белгилаш;
- Аудиторлик текширувида аникланган камчиликларни хакикатда бартараф этилганлигини назорат килиш ва мухокама этиш.

Аудиторлик текшируви натижаларини тадбик этишга маъсул бўлиб хўжалик юритувчи субъектларнинг рахбарлари хисобланади. Рахбар аудиторлик ташкилоти билан тузилган шартномага мувофик аникланган хато ва камчиликларни текширувни ўтказган аудиторларнинг иштирокида ўтказиши максадга мувофик. Чунки, бир томондан, аудиторлар тўплаган исботу-далиллар асосида хатоларни кай даражадалигини, кимлар томонидан йўл кўйилганлигини, уларни кандай тузатиш кераклигини мутахассис сифатида чукуррок биладилар. Иккинчи томондан, аудиторлар иштирокида тузатилган хато камчиликлар тузатилган молиявий хисоботга расмий аудиторлик хулосасини олишни тезлаштиради. Аудиторларни куйидаги хато ва камчиликларни бартараф этишда жалб килиш ўта мухим хисобланади:

- Соликлар ва мажбурий тўловлар бўйича кайта хисоб- китобларни тайёрлаш;
- Баланс ва хисоботнинг бошка шаклларини кайта тузиш;
- Бош китобга тузатиш ёзувларини киритиш;

• Корхонанинг хисоб сиёсатининг асосий параметларини белгилаш;

• Корхона ходимларига хато ва камчиликларга йўл кўймасликлари учун маслахатлар бериш бошкалар.

Аникланган хато ва камчиликларни ўз вактида тўғриланиши, солик декларацияларини ва молиявий хисобот шаклларини конун хужжарига мувофик кайта тузилиши хамда такдим этилиши аудиторларга молиявий хисобот бўйича ижобий хулоса беришларига асос бўлади.

Ўз-ўзини синаш учун тест савол-жавоблари

1.Аудиторлик текшируви натижаларини аудитор акс эттиради

а) далолатномада
б) аудитор хисоботида
в) аудиторлик хулосасида
г) маълумотномада

2.Аудитор ёрдамчиси имзо чекади

а) аудиторлик хисоботида
б) аудиторлик хулосасида
в) аудиторлик далолатномасида
г) тўғри жавоб йўк

3.Аудиторлик текширувида аникланган хато ва камчиликлар

а) далолатномада акс эттирилади
б) аудиторлик хисоботида кўрсатилади
в) аудиторлик хулосасида акс эттирилади
г) Хеч кайсисида

4.Куйидагиларни кайси бирида аудитор хатари кўрсатилади?

а) шартномада
б) аудиторлик хулосасида
в) аудиторлик хисоботида
г) хеч кайсисида

5. Аудитор амортизация меъёри нотўғри кўлланилган бўлса

а) ижобий хулоса берса бўлади
б) ижобий хулоса беради
в) хулоса беришдан бош тортади
г) салбий хулоса беради

6**. Аудитор хисоб-китобларни аудит килишда аниклаган муддати ўтган карзларни**

а) молиявий хисоботда акс эттиришни талаб килади
б) молиявий хисоботда акс эттиришни тавсия килади
в) солик идораси эътиборига хавола этади
г) аудиторлик хулосасида акс эттиради

7. **Прокуратура буюртмаси билан ўтказилган аудитда**

а) аудиторлик хулосаси берилмайди
б) аудиторлик хулосаси берилади
в) далолатнома тузилади
г) аудиторлик хисоботи тузилмайди

8. **Аудиторлик текширувида соликлар хисоб –китобида аникланган хато**

а) тузатилади
б) тузатилмайди
в) келгуси йил хисобига ўтказилади
г) юкоридаги жавоблар нотўғри

Боб мавзуларини мустакил ўрганиш учун тавсия этиладиган меъёрий хужжатлар ва даврий адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти тўғрисида конуни. 2000 йил 26 майда тасдикланган.

2.Аудиторлик фаолиятин такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг ахамиятини ошириш тўғрисида. Ўз.Р. ВМ нинг 2000 йил 22 сентябрдаги 365- сон карори.

3.Аудиторлик хулосаларини солик органлари ва бошка назорат органлари томонидан хисобга олиш тартиби тўғрисида Низом. Ўз.Р. ВМ нинг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон карори билан тасдикланган.

4.Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ўндириш тартиби тўғрисида Низом. Ўз.Р. ВМ нинг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон карори билан тасдикланган.

5.Каримов Н.Ф. Техника проведения аудита. Методическое пособие,Ташкент, 2002.

6.Мусаев Х.Н. Аудит, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003

7. Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит, «Шарк» нашриёти, Тошкент,2001